


Омон  
Мұхтар

# Навоий ва рассом Абұлхайр










ТОШКЕНТ  
«ЦАРК» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРАЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
2006



Инсон ақмұ, зәзгу, чиройлы бўлиши мүмкін  
Лекин у ўзини ақмұ, зәзгу, чиройлы қылаб  
кўрсатиши ҳам мүмкін.  
Бу иккиси бир нарса эмас...

Омон Мухтор

ОМОН МУХТОР

# Навоий ва рассом Абулхайр



*Романлар*

ТОШКЕНТ  
«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
2006

34(54) 6-4

М-93

Узбек тарзидарни  
— Романлар

100000  
2

## Мухтор, Омон

Навоий ва рассом Абулхайр: Романлар. — Т.: «Шарқ», 2006. — 224 б.

Таниқли ёзувчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Омон Мухторнинг ушбу китобига унинг улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий ҳасти ва ижодига бағишлиланган икки янти романги киритилди. Китоб қизиқарли услубда ёзилгани, оҳангларга бойлиги билан ўқувчига мансур бўлади деб ўйлаймиз.

Alisher

noi

1059

ББК.84(54)6

© «Шарқ» НМАК Бош таҳририяти, 2006.

# Ишк ахли



Алишер, чинданам шерсиз!  
Буюк шер...

(Драмадан)

1

## ОРЗУ

«Суюкли Барно!

Мендан рассом Абулхайр ҳақида билганиларимни ёзib юборишмни сұраган экансиз.

Менинг билганим қисқача бундай.

Абулхайр бир пайттар эски шаҳар күчалари, күнгурали деворлар, ҳалқали эшикларни чизиб юрган Ўшанды (ёшлик үйлари) баъзан табиат манзараларига ҳам мурожаат қилған. Кейинчалик Инсонга юз бурган. Ҳар хил кишилар расмини (портретини) ишилашга қизиққан. Булар орасида бир неча ўз қиёфаси тасвири (автопортрет) ҳам учрайди. Дунёми, ўзи устиданми кулиб турған тасвир үнга анча шухрат келтирган. Узоқ мамлакаттарда күргазмалардан жой олған.

Дарвоқе яна бир мұжым тап.

Ү күп үйлар Навоий тасвирини яратишни орзу қилған. Шу жараёнда Навоийдан ўрганиб кузатғанда, үйларини турлы дафтарларда бетартиб ёзib борған. Құлым остига шу дафтарлардан иккитаси бор. Буларни ҳам Сизге жұнатылман. Йүқтотман! Қайтиб олишим шарт!

Одил.»

### Биринчи дафтар

Болалитимда, сандалда ёнма-ён ўтириб, бувим менга Мир Алишер ғазалларини ўқиб берған, ажиб ривояттар сүзлаган зди. Шундан бүён Ҳазратнинг бўй-бастини кўргим келади. Изланаман. Лекин бундан қачондир бирон натижага чиқадими, йўқми — билмайман.

\* \* \*

Ёшым 60 га яқынлашди.  
Шоирнинг бутун умри!  
Ўзимни төғ этагидаги чумолидек сезмоқдаман.

\* \* \*

Фақат меҳр билан ҳеч нарса қиломайсан.  
Фақат орзу билан иш битмайди

\* \* \*

У — бир Осмон.  
У — бир Уммон.  
Қамраш қийин!

\* \* \*

Навоий туғрисида юзлаб китоблар ёзилган.  
Аммо кўнглим тўлмади.  
Буларнинг аксарида у тирик одамдан кўра кўпроқ  
девордаги суратта ўхшайди.

\* \* \*

Тахминан 50 йилдан ошди. Лекин мен уни ҳамон «таний» олмадим. Ҳаёти қандай?! Ижоди нимадан иборат?! Тушуниб етдим, деёлмайман. Қанча азобланмай, уни Кўқдан Ерга туширишга эришолмаяпман. Сўнгти пайтлар чарчадим. Соғлиғим яхши эмас. Бунинг устига, кутилмаган қизик ҳолатлар юз бера бошлиди. Ярим тунда эшик тақиллади. Очсанг, зор кўринмайди. Кўнғироқ босим жиринглайди Дастанни кўтарсанг, жимжит. Тушларимга аллақандай дарвеш-қаландарлар, гадолар киради. Мени дашти-саҳроларга бош олиб кетишга чорлайди. Гоҳ-гоҳ бўлса-да, ўлимни эслайман. Юрагим орқамга торгади. Уч йилдан буен, айниқса, куним уйда бекорчилик билан ўтгапти. Умричда бажарадиган ишим қолмагандек кайфият! Ҳолсизлик ва тушқуналик... неча бора ўзимни чалитиш учун ҳозирча яна тасодифий бирорларга «ҳайкал» қўяверишига чоғландим. Отга миниб, тизгинни торттандек эдим. Бироқ иш қоғозта қаламда чизгилар туширишдан нарига бормади... Ҳаёл қайта-қайта Мир Алишер томон етаклади.

\* \* \*

Дастлабки таассурот шундай.  
Ҳали ҳеч ким Бу Осмон қаърига күтарилимаган!  
Ҳали ҳеч ким Бу Уммон тубини күрмаган!  
Биз илк қараашда. Алишернинг ҳаётини кафтдаги-  
дек кўриб турибмиз.

Бироқ унинг бутун ҳаёти — сир.  
Биз у ҳақда оддий бир нарсаларни билмаймиз!  
Навоийнинг асарларини ҳам! Нимаики ёзган бўлса,  
кўздан кечирганимиз  
Бироқ унинг ёзгани — жумбок.  
Чакишига «тиш» керак!  
Ана...

\* \* \*

Халқ ярим подшо деб билган, Ҳусайн Бойқаро ҳам шундай деб тан олган — Навоий «гадолиғ» ҳақида галиради. Ўзини гадо деб билади. Бу майли! Гадони шоҳдан устун қўяди. Ўзини гадодек тутиб, гадо қилиб «кўрсатиш»га уринади! У баъзан Сизни «адаштириши» мумкин.

Қаранг! Яна:

Ҳар не ўтган сўзларим —  
чиндур десам,  
ёлғон эрур...

Қидиринг, битта ҳам ёлғон топмайсиз. Муболага учрайди. Гапга «тўн» кийдириш... «Ерон» эмас!

Ёки, ўз умри ҳақида:

Кечди умрум, нақди вафлат бирла  
нодонлиғда ҳайф,  
Қолғони сарф ўлди андуху  
пушаймонлиғда ҳайф...

Унинг «ҳайф» дейишига асос қани?!

Умридан бир лаҳзаси ҳам вафлатда кечмаган!

Ақлини таниган уч-тўрт ёшидан бошлаб умри сўнгигача Унинг Фикри муайян йўналишда ўсиб, давом этиб борган. Ҳатто вафотидан кейин ҳам «То рўзи маҳшар тарки хоб айлаб» ётишини билган. Бунга ишонган! Демак, у доим ҳушёр (ҳуш ёр) бўлган!

«Нодонлир» сўзи-чи?! Уни ҳалқ бир умр «Доно Вазир», «Доно Алишер» деган. Ақди-заковатидан ҳайратта тушган. Ҳусайн Бойқаро ҳам... бутун вазир-вузаролари, аъёнлари билан бирга, энг чигал дамларда ундан маслаҳат сўраган. Унинг оғзига қаратан!

Хўп. Ҳар бир қадами, ҳар бир хатти-ҳаракати режали, ўлчовли Инсонда «андуху пушаймон» бўладими?! Унинг ҳаёти, асосан, Олдиндан Ўйланган тарзда кечган!

Балки бу маърифатли Зодагоннинг ўзини Фуқарога тент тутишидир?!

Балки дарвешлик тариқати?!

Балки дунёнинг азалдан сароб эканлигига ишора?!

Балки ўзини парда ортига олиб (маълум даражада ниқоблаб), ном, даража эмас, иш (фаолият) муҳим эканлигини эслатиш?!

Балки, шунчаки бир кайфият?!

Қандай бўлмасин, Навоийнинг Бутун Ҳаёти ва Бутун Ижодида — унга хос Ташқи Осойишталик ва Қатъиятта тескари ҳолда — Ички бир ЗИДДИЯТ кўзга ташланади. Унинг Ҳаёти ва Ижоди бошдан-охир катта-кичик, ҳар хил Зиддиятларга қурилган! Афтидан, Қисматнинг Ўзи уни шундай ҳолатта солган.

\* \* \*

У ёшлигида бир қизни яхши кўргани аниқ,

Биз Ҳусайн Бойқаронинг ўн бир хотини исмини биламиз.

Бека Султон бегим, Чўли бегим,  
Шаҳрибону бегим, Поянда Султон бегим,  
Ҳадича оғо бегим, Поло оғоча бегим  
ва бошқалар.

Алишернинг биргина севгилиси исми номаълум.  
(Ёки ҳозирча номаълум!)

Ривоят, эртакларда уни Гули дейишади.  
Гулоз, Гулноз, Гулсум бўлиши мумкин.  
Гулруҳ, Гулбегим, Гулбадан бўлиши ҳам мумкин.  
Унинг исмида «Гул» сўзи бўлгани шубҳасиз!  
Ҳалқ нимадир белги қолдиришга одатланган!

*Боғ мендек сорғориб...*

*Сувғаким тушмиш қизорғон барғлар...*

Навоий асарларида бор күп. Боеңон күп.

(Он боеңон...)

Албатта, бошқа шоирларда ҳам бор. Шарқ бу!

Лекин Навоийда алоҳида аҳамият касб этади. У «хазон сипоҳи» деганда ҳам Ўз Қисматидан келиб чиқади.

Кейин гул, гул...

*Гүйиё, мундоқ бўлур  
бир Гулдин айрилонга ҳол...*

Яна бундай:

*Юзни гуллардин безабму,  
бизни қурбон айладинг,  
Ё юзунита тегди қонлар,  
бизни қурбон айлагач...*

Биринчи «қурбон айладинг» — енгил. «Куйдирдинг» дегандек жўн!

Иккинчиси — даҳшатли манзара!

Мұхими, бу ерда гап фақат «юз» устида бормайди...

Бир ривоятдаги Ямоқчининг Ўғли — Алишернинг Ўзи!

Нима қилганда ҳам, улар қисматдош!

\* \* \*

Ямоқчининг Ўғли — муллавачча.

Мадрасага бораётуб, болохонада ўтирган чиройли бир қизга унинг кўзи тушади Ошиқи-бекарор бўлиб, энди ҳар қуни кўчадан ўтади. Шу томон қарайди. Бешёнкундан кейин негадир қиз кўринмай қолади. Ҳушини йўқотган йигит нима қилиши, ўзини ўтгами, сувгами уришини билмайди! Бир қуни мадрасадан қайтаётуб, қиз яшаган ҳовлига очик дарвозадан беихтиёр кириб боради. У қизни ҳовлида кўради. Лекин шу пайт қизнинг отаси товушини ҳам эшитади. Ножӯя қадам босгани, шармандалик рўй берганини сезган йи-

гит меҳмонхонага ўқдек отилади. Ерга тўшалган ги-  
ламни апил-тапил йигиштира бошлайди. Ўзини ўғри-  
дек тутади! Қизнинг отаси уни уриб-сўкиб, қозихона-  
га олиб боради. Қози таомилга кўра, «ўғрилик» қилган  
йигитнинг қўлини кесиши буюради... Шу куни йи-  
гитнинг баҳтига Алишер ҳам қозихонага келган! Зий-  
рак Вазир қози ёнида ўтириб, Гап Башқа эканлигини  
дарҳол сезади. Йигитни четта тортиб, буни тасдиқла-  
тиб ҳам олади! Сўнг қози билан қизнинг отасига аҳвол-  
ни тушунтириб, икки ёшни фалокатдан кутқаради.  
Уларнинг тўйига ўзи бош бўлади...

\* \* \*

Шундай воқеа ўтганми?!

Ёки у тўқилганми?!

Аҳамияти йўқ.

Алишер кўчада кетаётиб, болохонада, дарча олдида  
ўтирган Қизни кўрган, бир қаращдаёқ телбаларча се-  
вив, ҳаяжондан титраб кетган!

Ўша куни унинг кўз олдида Номаълум Бир Ҳаёт  
қопқаси очилган эди.

Ўқларинг кўнглумга тушғач, —  
куйди ҳам кўз, ҳам бадан...

Ёки:

ул карвонга тушди ўт...  
бир қироқдин осмонга тушди ўт...  
мен нотавонга тушди ўт...

Алишер Ямоқчининг Ўғлидек камбараж, Қиз эса бой  
хонадондан эмас. Аксинча, у — давлатманд, Қиз —  
камбараж оиласдан эди. Қизнинг отаси боғбон бўлган.  
(Мен бу воқеани ҳарҳолда, шу тарзда тасаввур қила-  
ман.)

Қисқаси:

Ошкор айлаб юзун,  
кўзумни ҳайрон айлади,  
Ёшурун олди кўнгул, —  
кўзумни ҳайрон айлагач...

Улар бир-бирларига ўргана бошлашади.

Қизнинг сингилчаси аксар күчада, эшик олдида ўйнаб юради.

Алишер сингилчани қўлга олади. У орқали Қизга хат ва шеърлар юбориб туради.

Қиз, аввалдан «кўз ошна» бўлганига қарамай, бир муддат аччиқданиб, бепарво қиёфада кўринади. Аммо кейин, ниҳоят, ўтиб кетаётган Алишерга дарчадан гул ташлайди! Унинг ҳам кўнгли борлиги ошкор бўлади.

Алишер Бояги Йигитдек эзилмай, Қизнинг уйига одам юбориб, тўй-томуша қилиши мумкин эди! Керак ҳам эди...

Аттанг!

Орзу бошқа, ҳаёт бошқа экан-да!

Шу кунлар кимдир тасодифми, Алишерга нисбатан ғайирлик-душманлик қилибми? — Ҳусайн Бойқарога Богбоннинг Гўзал Қизи ҳақида хабар етказади.

Ҳусайн маҳрамларига буюриб, оёғини ерга теккизмай, Қизни саройга келтиради.

Қизнинг пичирлаган лабларидан шу аснода фақат бир нидо учади:

*Юз алам бирла бало  
тиргобида ранжурмен...*

Ҳусайн Қизнинг васлига етишолмайди.

Үйланишга қарор қилиб, уйланолмайди ҳам.

Қиз норозилик билдиради.

Кескин қаршилик кўрсатади.

Ҳусайн, Богбоннинг Қизи гўзалликдан ташқари одобли, ақдли эканлигини ҳис этади. Унинг ўзини ҳурқак қушдек тутиб, қайсарланаёттанига ажабланади.

Қиз Алишерга кўнгил берганини подшоҳга айтмайди. Айттолмайди.

Бир томондан, бу тўғрида оғиз очишга уялади.

Иккинчи томондан, Ҳусайн билан Алишернинг оралари бузилиб қолишидан қўрқади.

Умуман, у Алишерни бу ишга аралаштиrmай, уни номаълум бир бахтсизликдан ўзича ҳимоя қилаёттандек бўлади! Ўз бахтини шу йўлга тикади!

Қолаверса, Алишерни бу ишга аралаштириб, «түйдән бурун ногора қоқиши»га, йигитнинг «бўйнига осилиб олиш»га унинг иззат-нафси, гурури йўл бермайди.

У ҳар кун, ҳар соат саройда ўзи-ўзини еб, қон қилиб, бора-бора хасталикка дучор бўла бошлайди.

*Юз алам бирла бало  
тирдобида ранжурмен...*

Севгилиси саройга тушиб қолгани Алишернинг ҳам қулоғига етиб келади. У оҳ чекиб, ўзини совуқ ерга ташлайди. Бурдалайди. Тақдирнинг бадкорлиги, номардлигини ўйлаб, кўзларидан тирқираб ёш чиқади. Аччиқ-аччиқ, бўзлади:

*Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимга айт,  
Ишларимнинг шиддатин...*

Яна:

*Не наво соз айлагай, булбул гулистондин жудо...*

Кейин:

*Эй насими субҳ, ахволим дилоромимга айт.  
Зулфи сунбул, юзи гул, сарви гуландомимга айт.  
Буки, лаъли ҳасратишин қон ютармен дам-бадам.  
Базми айш ичра лаболаб бода ошомимга айт.*

*Ком талху, бода захру, ашк рангин бўлғонин...*

Кейин яна:

*Бўлса юз минг жоним, ол, эй ҳажр! Лекин  
қилмагил —  
Ёрни мендин жудо. Ёхуд мени ондин жудо.  
Ҳажр ўлимдин талх эмиш. Мундин сўнг, эй гардун,  
мени  
Айлагил жондин жудо. Қилғунча жонондин жудо...*

Ва яна:

*«Кўнгул отлиғ ҳажр водийсинда бадномим! Субҳи  
йўқ шомим...»*

Шу ҳолатда Алишер қаттиқ бир қасамлар ҳам ичади-е!

*Кўнглум ўртансун агар тайрига парво айласа,  
Ҳар кўнгул ҳамки, сенинг шавқингни пайдо айласа.*

*Узгалар ҳуснин тамошо айласа чиқсун кўзум,  
Ўзга бир кўз ҳам сенинг ҳуснинг тамошо айласа.*

*Ҳар киши васлин таманно айласам, навмиғ ўлай,  
Ҳар киши ҳамки, сенинг васлинг таманно айласа...*

(Бу ғазаллар ўша паллада ёзилганми, кейинми?! Китобларга қайси тартибда кирган?! — барибир, уларда ёшлиқ йилларидағи ҳолат акс эттаң. Борбор Қизи, Биринчи Мұхаббатни эслаймиз.

Улар жилла олдинги даврга тегишли:

*Кўздан «сочишур ёш... бўйла ким юлдуз»*

дан ўз оҳанги билан фарқ қиласди.

Анча йил ўттандан кейинги:

*«Эй пари, раҳм этки, кўнглум зор эрур»*

дан ҳам фарқ қиласди.)

Хўп.

Ҳусайн билан қанчалик яқин бўлмасин, Алишер ҳам унга мен Бу Қизни севаман, деёлмайди.

Бир томондан, шоҳнинг қаҳри!

Иккинчи томондан, боши очиқ бир Қизга сен қандай эгалик қиласан?! Айниқса, Бу Қиз энди ҳарамда бўлса?! Бирорвинг хасмидек ҳолатда бўлса?!

Булардан ҳам мухими, унинг ўзи (ҳатто Ямоқчининг Ўсли эп кўрмаган) шармандаликни қабул қилган тақдирда ҳам... Қизнинг шаъни! Қайси бир йигит ўзи севган қизни маломатга қолдиради?! Эл олдида пардани очади?! Одамгарчилик осон эмас!

*Уз қаттиғ ҳолимга ўлмасдин бурун мотам тутай...*

Алишер (кейинчалик кўпларни ҳимоятига олган Алишер) Бағридаги Гулни ўз ҳимоятига ололмайди!

Мотам тутишдан бошқа ҳеч нарса қилолмайди!

Шу орада Ҳусайн ундан-мундан маҳфий суриштириб, Қиз билан Алишернинг «дарди бир»лигини аниқлайди.

Хижолатли ҳолатта тушади.

Афсус-надомат чекади.

(Хусайн бундай афсус-надоматларни умрида күп чеккан!)

У бирон хайрли иш қилиб, рўй берган «хато»ни тузатишга уринади.

(Қизга қимматбаҳо совға топширган.

Энг яхши табибга уни кўрсаттан.)

Аммо бундан натижা чиқмайди.

Қиз энди шоҳдан марҳамат кутадиган ҳолда эмас!

Алишердан ҳам кутмайди.

Алишер ҳам энди бегона!

У қасали оғирлашиб, ётиб қолади.

*Юз алам бирла бало  
гирдобида ранжурмен...*

Кундан-кун сўла бошлайди Ва ниҳоят, —  
бандидан чирт этиб узилади.

(Гулоб ила юву гул баргидан каған қиласи...)

\* \* \*

Ҳаётнинг шафқатсизлиги, чигаллигини ўйлаб,  
ҳозир менинг ҳам кўзларим ёшланди.

Алишернинг ўша пайтдаги ҳолатини жонлантириб,  
Бир Инсон қиёфасида Бутун Ҳасратни ва Ҳасрат ор-  
тида турган Бутун Зиддиятни тасвирилаш мумкинми?

Ҳасрат нимада-ю, Зиддият қаерда?!

Ўйлаш керак...

\* \* \*

Бир томондан...

Қизнинг ҳалокати уни эсанкиратиб қўйган эди!

У тарихдан матъум, чин муҳаббат ўлимга олиб бор-  
ганини тушунади. Ўзини айбдор сезади.

Кўнглида бир гусса, бир мунг қолади.

Умри сўнгигача Қизни уннутмасликка онт ичади!

Ошиқ Ҳабаш айтмоқчи:

*Сева туриб, қилган эдим  
мен сени ҳалок,  
Сева туриб, энг сўнгига  
йшқиламан. Пок...*

\* \* \*

Иккинчи томондан...  
У мўмин-мусулмон.

Ҳар қандай кулфат — унинг учун Худонинг иродаси! (Эслайман. Дадам шундай одам эдилар, катта айриликлар пайтида ҳам: «Кўп йиглама. Бу Худонинг хоҳишига зид, исёнга ўхшайди!» дер эдилар.)

Алишер чукур қайғуга ботади. Шунинг баробарида, у «бемалол» ҳаётни давом эттиради! Ҳатто одингидан жадалроқ яшашга чоғланади:

Эй, фироқшингдин менга —  
ғам рўзи-ю, меҳнат насиб...

Ҳақиқатта янада яқин келиб айттанда:

Ҳажринг оҳи —  
ҳам кўнгулни бузди-ю,  
ҳам қўзғади...

\* \* \*

Қизиқ.

Алишер вақтида Бу Қизга уйланишга қарор қилганими?!?

Бизга қоронғи.

Бошқа ҳақиқат бор.

Қиз вафот этгандан кейин, бу ҳақдаги гапни эшигиси келмайди! Уйланишдан кўра «бекаслиғда зор» ўтишни афзал деб билади.

\* \* \*

Хўп.

У мабодо Шу Қизга уйланса, нима эди?!

Улар барибир баҳт топишолмасди.

Алишернинг «лой»и осойишта, кўркам ящаб кетадиган «тупроқ»дан олинмаган. Унинг манглайига ДАҲО бўлиши учун аввалдан фожиа муҳри босилган!

(У қисиниб, негадир одамлардан ўз ҳаётини яширгандек эди! Ахир, ҳеч бўлмаганда, ота-онаси ёки устозлари ҳақида батафсилоқ ёзмайдими?! Узоқдаги бегоналар тўғрисида истаганча сўзлаш мумкин! Чунки буларнинг унга даҳли кам... Балки, бу камтарлик бел-

гисидир?! Балки, ному нанг, шахсдан кўра хизматни юқори қўйиш натижасидир?!)

(Унинг асалари қайси оҳангда бўлмасин, ҳаётда у кулфатларга ўзини эътибор бермагандек туттанини кўрамиз Атай ўйламасликка уринганми?! — шунаقا.)

Бунинг устига, Алишер учун  
ҲАЁТда —

Ишқнинг Эгаси эмас, Ишқнинг Ўзи муҳим!  
(Бодай ишқ асру маст этмиш...)

Яна,

Кимдир, яқинларидан биронга у ҳаддан ташқари фидойилик кўрсатган, деса алашади.

Юрган йўлида учраган кишига яхшилик, эзгулик улашган Алишер ҳеч қачон Алоҳида Бир Кишига ўзини бағишимаган! Бағишаёлмаган.

\* \* \*

Ўшанда унинг Ҳусайн билан муносабати бузилганиди?! Йўқ.

Орадаги «яқин»ликка озгина соя тушади, холос.  
(Бу соя кейинчалик гоҳ-гоҳо кўзга ташланади.)

\* \* \*

*Етар бир карвон ҳар дам,  
ўтар бир карвон ҳар дам...*

Дашти-саҳрода туялар оғзи кўпикка тўлиб, ҳорғин судралмоқда.

Карвон ортидан бўйнига гулу солинган бир тўда қуллар ҳам ҳол-бекол, чайқалиб-чайқалиб бормоқда.

Ана, улардан бири. Негадир эгнида қора костюм. Бўйнида икки илондек ғулуга чирмаштан бўйинбоғ.

— Гўшт йўқ! Гуруч керак!

— Нима-а?!

— Эсингиздан чиқибди! Мехмон келмоқчи.

«Карвон бизникига қўнмоқчими?! Бунга шароит қани?!»

Аввалига шундай деб ўладим! Хотинга айтмоқчи бўлиб, орзимни ҳам очдим! Кейин, кунинг тортдим. Эй...

Хотин борлиги яхши-ку, ҳар нарсани эслатиб, би-қинингга туртиб тургани ёмон! Ҳаёлимни қүшдек ҳуркитди-қўйди.

(Алишер бобомиз ўзи вактида уйланмай тўғри қилганмикин!)

Кийиниб, Шаҳрия қўлимга тутқазган халтани олганча, бозорга қараб кетдим.

Йўлда «йиртиқ» ҳаёлни «ямаш»га урина бошладим. Банда — banda экан!

Шу қунлар китобларда «кекса Навоий» деган гап бот-бот диққатимни тортди.

Нега «кекса»?! Ўша, ўтмишда одамлар ёши 50 дан ўтиб, 60 га етиб-етмай, кексайиб қолганми?! Ёки шахсан Навоий кексайганми?!

Биз бир неча аср олдин яшаган ота-боболарнинг ҳаёт тарзи, бир-бирига муносабати, саломатлиги дарражаси, аҳволи-руҳияси ва бошқа-бошқа нарсаларни яхши билмаимиз. Чукур ўрганмаганмиз!

Хозир менинг тенгдошларим «олтмишвой»лардан биронтасини «кекса» дейёлмайсан. Каттароқ ёшдаги йигит! Ҳали қизларга қарайдиган ҳолати бор!

Тўғри, мен ўзим сўнгти йиллар машқим паст. Кучим сўриб ташланган. Ҳол-мадор сезмайман! Лекин бу Қаттиқ, Ўйлаш оқибати! Бир томондан, Навоий руҳи мени қўйиб юбормаёттани, иккинчи томондан, ишим ҳеч бароридан келмаёттани...

Аслида, иш ҳали бошлангани йўқ (хаёлим пишсин, деб фақат тун-кун дафтар қоралаяпман). Мен ҳамон Навоий ҳаётининг қайси пайтини қандай тасвираш бобида қўним топмадим! Эсимда, бугун бозорга боргандек, бир куни нимадир бўлиб кўчада кетаёттан эдим. Чорраҳага еттанимда, муюлишдан гuras одамлар тобут кўтариб чиқишиди. Тобут қизил баҳмал билан епилган ва бизнинг удумга мосми, йўқми устига бир даста қизил гул ҳам ташланган эди. Мен югуриб бориб, тобутни кўтаришдим. Шунда, мархума ҳақида негадир. Гули, деб ўйладим. Ҳатто пичирлаб қўйдим: Гули... Ўша куни юзи маҳзун, кўзлари порлаган йигит — Алишерни тасвирашга қарор қиldim.

Аммо бугун эрталаб дафтарни вараклаб ўтириб, бoshимга мушт туширдим. Шунчаки тасаввур билан иш битар эканми?!

Алишер гарчи 20 дан 35 ёшгача пайтни йигитлик даври, деса-да, бу давр Шарқда доим зертароқ, бошлиниб, кечроққача давом эттан.

Агар Алишер билан Гули воқеаси чиндан рүй берган бўлса...

бу воқеа Алишернинг 16 ёшдан узоги билан 28 ёшга киргунча вақтни қамраб олиши мумкин.

(Хусайн биринчи хотинига 18 ёшида уйланган эди.)

Энди қаранг! Бу даврда (Алишер 16 ёшдан 28 ёшгача бўлган пайтда) Хуросон подшоҳи Ҳусайн Бойқаро эмасди! Ҳусайн ора-орада маълум муддат Астробод ҳокими бўлган, асосан саргардонлиқда, қувфиңда юрган эди.

Бу даврда Алишер у билан кам кўришган. Улар бир-бирига илиқ хатлар ёзиб турган.

Шундан кейинги 7 йил (35 ёшгача) Ҳусайн саройида хизматда бўлган Алишер ёш қиз Гули билан яширин алоқа ўрнатиб, учрашиб турганига эса ақл бовар қилмайди (у энди бутун Хуросонда машхур; катта-кичик таниган киши, салобатли арбоб эди. Ёлриз ҳам юрмасди). Айниқса, бунинг Биринчи Муҳаббат бўлганига ишониш қийин (у 14—15 ёшидан севги, севгили деган сўзларни яхши тушунган). Алишер саройда юрган давр тилга олинган ўнлаб ривоятларда у касал эди, Ҳусайн бир масалани ҳал этиш учун одам юборди, қабилидаги гапга дуч келамиз. Хасталик азоби ҳам, албатта, бўлган. Аммо у кўпроқ уйда бекиниб ўқиши, ёзиш билан машғул эди. Бу даврда Алишер ё саройда ташвиш, ё уйда иш билан банд эди.

Демак, муҳаббат можаросига Ҳусайннинг дахли йўқ!  
Хўп.

Агар (яна) Алишер билан Гули воқеаси чиндан рүй берган бўлса...

(у: «сарвинаозим ўн саккиз ёшиндадир» деганидан, ўзининг ҳам ёши шу атрофда деб тахмин қиласмиз. Буни у кейинроқ ёзганига қарамай, шундай! «Фитна» сўзи борлигидан, разални Оллоҳга нисбат бериш ҳам фалат!)

Бу воқеа Ҳусайндан олдинги Хуросон ҳукмдори Султон Абусайид даврига тўғри келиши мумкин эди.

Улар орасидаги бутун муносабат шуни тақозо эта-ди!

Мен Алишернинг одоби-ю, унинг қанчалик қалби нозик, эҳтиёткор эканлигига ажабланаман!

Амир Темур вафотидан «бир йигит умри (35 йил)» ўтгандан кейин дунёга келган Алишер «узоқлашаётган» Буюқ Соҳибқиронга шу қадар эҳтиром ва садо-қат билан қарайдики! У Темур авлодидан (наслидан) бирон кишининг тарихда «ёмонотлир» бўлиб қолишини истамайди.

Алишер Абусайид Мирзо ҳақида кўп нарсалар ёзади.

Аммо бирон жойда унинг номига қора чапламайди!  
(Хусайн ҳақида ҳам шундай дея оламиэ!)

Ҳатто Абдуллатиф. Падаркуш.

«Девонасор киши эрди... бадфеълиқлари бор эрди... донишманд ва подшоҳ отасин (Улуғбекни) ўлдурди» дегандан кейин «таъби назм эрди ва шеърин ободон айтур эрди» деб бир оз шафқат қиласи.

Қисқаси...

Алишер 16 ёшда эди.

Абулқосим Бобур вафот этиб, Абусайид Хурсон таҳтига мингандан сўнг маълум муддат ўтгач, —  
у Машҳаддан дорус-салтана (пойтахт) Ҳиротта келади.

Бироқ озгина вақт ичида ўзи олдин учраттан хушхулк, хоксор, сахий, олтин билан кумушни тош билан тупроққа тенг туттан Абулқосим Мирзо бошқа киши, Абусайид Мирзо буткул бошқа эканини ҳис этади. Абусайиднинг ўзига бино қўйгани, нодонлиги, жохиллиги, евузлигини куради. Болалигидан риоят-эътиборга ўргантан, зиёли, ақлли, одатда, жиҳдий Алишер бу ерда ўзига нисбатан ҳам тўнг, беписанд муомала, камситишга ўхшаш ҳолатта тўқнашади. Озор чекиб, саройни тарк этади.

Саройдан узоқлашгач, ўз дарди қолиб, Абусайид кўли остида бутун мамлакат ҳаёти манзараси унинг кўз ўнгига ойдинлаша боради. Шоҳ, бу юртда ҳалқ уйини товуқ катагидек осонликча тўзитаёттани, юрт ҳукмдорлари бирорни бирор ўлдирса ҳам, ҳақиқат қилишмаёттани, бекларда марҳамат, ҳиммат йўқлиги, тама, бахиллик, ҳийла, нифоқ кундан-кун авж олаётганининг гувоҳи бўлади. «Мамлакат бир дўзах. Ҳаёт

ваҳшат ва даҳшатдан иборат<sup>1</sup>» деган фикр Алишер тинчини бузади. У юрагидаги норозиликни баён этишга ўзида эрк ҳам, куч ҳам топади! Аммо авлодларинг ҳолига қара, деб (ҳали айтганимиз) Амир Темур руҳини инжитиш, чирқиратишдан қўрқади! Тилини тишлайди.

Абусайид барибир бу норозиликни сезади.

Султон Алишердан қандай қутулишини ўйлади.

У суръатли бир равишида Алишерни Самарқандга сургун қиласди.

Ҳиротда яшаши учун ҳам, ишлаши учун ҳам имкон йўқлиги (қўл-оёғи боғлиқ эканлиги)ни тушунган Алишер бу сургундан ортиқча хафа бўлмайди. Бош олиб кетаверади! (Ҳеч қандай сургунсиз, ўз ихтиёри билан кеттан бўлиши ҳам мумкин.)

Самарқандда Хожа Фазуллоҳ Абуллайсийнинг хонақоҳида ҳужра олиб, токи Султон Абусайид ўлдирилган, Ҳусайн Бойқаро тахтта чиққан пайтгача асоссан «олдинги пойтахт»да ҳаёт кечиради.

Алишер билан Абусайид орасидаги ғашлик (душманлик)ка ўтта мойдек, муҳаббат можароси ҳам қўшилган бўлиши эҳтимолга яқин...

Бозорга бориб қайтгунимча, шуларни ўйладим.

Кўп нарса ҳариц қилганим йўғу —

келсам, аллақачон меҳмонлар уйда!

Буларни меҳмон ҳам деёлмайсан.

Бизнинг ёшлиқ йилларимиз бир мактабни битирган ёки бир жойда ўқиган йигит-қизлардан бири-бири билан аввалдан дўстлашиб қолганлар «узоққа бормай», оила қуриши тартибга кирган эди. Бизда синфдошлардан шу тарзда учта оила таркиб топган:

мен ва Шаҳрия,  
Суҳроб ва Назми,  
Ҳайит ва Тозагул.

Уч оила гоҳо бироннида тўпланиб турамиз. Бугун навбат бизники эди.

Ана, келсам —

Суҳроб билан Ҳайит айвонда эзib тамаки тутатишяпти. Назми-ю Тозагул Шаҳриянинг ёнида, ошхона эшигида куйманишяпти

Улар мени албатта «давомли қарсаклар» билан күтиб олишди.

Кейин, дастурхон ёзилди.

Давра қуриб ўтиридик.

Қизгина сұхбат бошиланы.

Шаҳрия «паловхонтұра»ни ҳам қотириб келди.

Ишонмайсиз! Даврада яйраб, ҳамма қатори болалик күнларини заслаяпман. Кулиб, аллабир воқеаларни ҳикоя қиляпман. Сұхбатта аралашыпман. Аммо каламнинг учдан икки қисми Башқа Бир Оламда «юрибди»!

Фарбдаги мезон Шарққа түғри келмайди.

Бир умр ғазал ўқиб, менинг тушунганим:

ғазалнинг тұқсон фоизи муҳаббатта бағишиланган.

Умуман, улар — Гүзәл Ҳикоят!

Бу Ҳикоятнинг «ичида» эса олисдан эшитилаёттан мусиқадек, Гүзәл Ҳикоят ҳам бор!

(Ҳатто Ҳусайн Бойқаро бир ғазалида: «Күз ёшларим гирдобида күмилиб ётибман!», «То тушубдурмен сиришким ашкин гирдобда», — дейди. Бунга қараб, у Юсуфни йүқотиб тун-күн йиғлаган Яңқуб алайхиссалом ақволига тушган экан, деб үйлаш үринсиз.)

Бу ерда, мактаб деймизми, анъанага бўйсуниб, эргашиш сезилади.

Алишер ҳам эсини таниган пайтдан муҳаббат ҳақида ёзган! Ҳақиқат (ҳаётдаги воқеалар) билан санъят (бўёқ, бериш) шундай бирлашиб кеттанки! Ажратиш ўлимдан қийин.

Ҳар ким ажрата олишини у балки, истамаган ҳам!

Қандай бўлмасин, мен унинг 28 ёшгача бировни севмаганига ишонмадим.

Учинчи Киши — Абусайидми, Ҳусайнми?! —

бизни кам қизиқтиради!

Мабодо 28 дан 35 гача оралында унга Муҳаббат Буюрган бўлса-чи?!

Бу ҳолда унинг севгилиси — Гули эмас!

(Олдинги Воқеа Бу Даврга сигмайди!)

Буниси барибир, кейинги Муҳаббатми?! Иккинчисими?!

Гули — Биринчи бўлиб қолаверади...

Мана, меҳмонларни кузатиб, хонада бу кунги бор гапни ёзиб ўтирганимча, даврадаги кичик бир ҳолатни эслалим.

Синфдошларим турли идоралар, ташкилотларда ишлаб, ўз ташвишлари кўплигидан, бўш вақт топишолмайди. Улар адабиётта, санъатта қизикишмайди. Эътибор берганмисиз?! Одамлар батъзан кўча-кўйда тахта-қоғоз устида рангларни қориштириб-чаплаб ўтирган рассомга енгил-беписанд ҳайрат билан, кулибина қараб кўйиб, ўтиб кетишади. Булар ҳам шунаقا!

Лекин мен даврада хаёлга чўмиб ўтириб, ўзимча бир гал Алишернинг эгнини Суҳробга, Гулининг либосини Назмига «кийдирдим».

Кўнглим тўлмади.

Энди Алишернинг заррин тўнини Ҳайитта, Гулининг ҳарир кўйлагини Тозагулга (бу исмда ҳам «Гул») «кийдирб» кўрдим.

Яна кўнглим тўлмади.

Ниҳоят, кимхобга ўзим «ўраниб», гулгун қабони Шаҳрияга «кийдирдим».

Ана, бу кўнгилдагидек!

Шаҳрия билан тўй кечамиз хаёлимда жонланди.

Порлаган чироқлар.

Одамларнинг чақнаган кўзлари.

Шаҳрияning ҳуркак-ҳуркак нигоҳи...

Бутун баданим яйраб кетди.

Ўзимни шундай баҳтиёр ҳис этдимки!

\* \* \*

Бу тасвир мени йиллар бўйи лол қолдирган.

Ақлимни олган.

Болалигимда бу тасвирга дастлаб дарслиқда кўзим тушган. Кейин китобларда кўра бошладим.

«Занжирбанд шер»дан ахийри катталаштирилган нусха кўтариб, ҳовли четидаги устахонамга келтирдим. Энди рўпарамда туради. Бот-бот тикиламан

Бу тасвир доим мени ҳаётда муҳим ниманидир англашга ундаётгандек бўлади! У менга жозиб эканлигидан ташқари, илғаш қийин бир мўъжизага эгадек туюлади.

У — қулфни эслатади! Калит иўқ.

Ёки ёпиқ сандық олдида туриб, ичида нима яширин, қизиқаёттан одамга ўштайды. Токи очмагунча бир нарса деёлмайды!

Алишернинг мусиқада моҳир бўлганидан хабарим бор. Чолғудан, наводан узоқ шоирларни, нега билмайсан, нега ўрганмайсан, деб унинг тергаган-қистаган пайтлари кўп. Аммо у расмда ҳам саводли экан-да (Беҳзоддек рассомлар унга устоз деб қараган). Бу тасвир қўл учидат яратилмаган!

Мен занжирга солинган айиқни кўрганман Яқиняқингача бозорга бир чол «банди» айиқни етаклаб келар, бозор эшигида ярим кунча ўтирад эди.

Шер ҳам қачондир занжирга солинганми?!

Қадим Юнонистонда, Мисрда, кейин Ҳиндистонда, бошқа баъзи мамлакатларда. Душманларга салтанат қудратини кўрсатиш учун қасрларда таҳт ёнига «боғлаб» қўйишган. Яна «шери жангиги» — урушга ташланадиган шерлар шу ҳолатда сақланган. Шоҳлар дарборида «посбон» шерлар ҳам занжирга солинган

Шер ўрмонлар, тўқайзорларда юриши қанчалик табиий бўлса, унинг қафасда туриши ҳам биз учун шунчалик ўрганилган, оддий воқеа! Эрхин майдонга тушган ўйингоҳдаги шерлар ҳам барибир, қафасда. Атрофга панжара тортилади... Занжирбанд шер — ногтабии ҳол! Кам учрайди.

Бу шер — Алишернинг ўзими?!

(У — Алиниң шери ёки Алидек шер бўлганидан, бунга шубҳа йўқ.  
Гап бошқа.)

У нега ўзини бу ҳолатда тасвирилади?!

(Буни ҳис этишга сабаб бўлиши керак-ку!)

Мұхими:

Биз биламиз. Унинг фикри доим — аниқ ва тиник.

У ўзи истамаса, қайсиadir шоҳ уни бош эгдириши мушкул.

У қайсиadir шоҳ (Абусайидми, Ҳусайнми) сургун қилиши, ёмонлик тилашини занжир деб тушунмайди!

Демак:

Бу қандай занжир?!

Нима учун  
у занжирда?!  
Уни занжирга соган ким?!

\* \* \*

*Жон пардасида  
ҳар ён —  
ки, янги  
түгүллардир...*

### *Иккинчи дафтар*

«Алишер Навоий билан Ҳусайн Бойқаро ёшлиқдан қалин дўст бўлган эканлар. Мактабда ҳам бирга ўқиган эканлар...»

«Бир мусулмон юртида Ҳусайн Бойқаро деган подшоҳ, ўттан экан. Ўзи илмли, оқ-қорани таниган, улур кишилар авлодидан экан. Унинг доно бир вазири бор экан. Подшоҳ билан бир мадрасада ўқишиган экан. Исми Мир Алишер экан...»

«Ҳирот юртининг султони Ҳусайн Бойқаронинг Мир Алишер Навоий деган ёшлиқдан бир дўсти бўлиб, ораларидан қили ҳам ўтмас экан. Ҳусайн подшоҳликни истаб, суворий тўплагани тогу тошга йўл олибди. Алишер шоирликни танлаб, узоқ мамлакатта ўқишига кетибди...»

Эртак-ривоятми, тарихми?! — мазмун бир.

Ажиб қисмат! —

Алишернинг Ҳусайн билан аввалдан «киндиги борланган».

Алишер ҳаётининг (туғилган кунидан вафот эттунгача) ҳар бир дамида Ҳусайн «рўпарада» туради.

Ва аксинча, Ҳусайн ҳаётининг остонаси ҳам, меҳроби ҳам — Алишер!

Алишер ҳаётини Гулисиз (унинг исми фақат ривоятда келган бўлса-да) тасаввур қилиш қийин! Аммо бу ҳаётни Ҳусайнсиз тасаввур қилишнинг умуман имкони йўқ! Шу боисдан, балки Мұҳаббат Воқеасига, одамлар адашиб Ҳусайнни ҳам «қўшиб юборишган»?!

Тарихга мурожаат қилган бирон зот, Ҳусайннинг номини тилга олиб, Алишерни унутган ёки Алишерни

эслаб, Ҳусайн ҳақида ориз очмаган пайт кўринмайди.  
Мумкин эмас!

Бу икки инсонни кичик маслаклардан ташқари, Ягона Катта Маслак бирлаштирган:

Мамлакатни қўлга киритиш ва  
Сақлаб Туреш дарди!

Вақти келиб, Ҳусайн ҳалок бўлган, ўғиллари тахтга мингандавр шоҳиди Захириддин Бобур Мирзо: «Бадиузвазон Мирзо била Музаффар Ҳусайн Мирзони Ҳири (Ҳирот) тахтида баширкат (иккиси шерик) подшоҳ қилдилар. Бу ғариб амре эрди!!» — деб қулган эди. Саъдийнинг: «Бир гиламга ўн дарвеш сивади. Икки подшоҳ, бир иқдимга сифмайди!» — деган гапини ҳам эслаган эди.

Аслида, шундай.

Бироқ ҳаётда учрамайдиган ҳол (ҳодиса) бўлмас экан!

Бундай воқеа олдинроқ рўй берган эди.

Хурросон тахтини Икки Киши ёшлиқдан қўлга киритишни орзу қилган ва тахтни эталлагач, Икков Бирга Салтанатни бошқарган эди:

Кучи, Жасорати билан — Ҳусайн!

Ақли, Заковати билан — Алишер!

Улар қандай бўлмасин, Бир Вазифани бажаришган эди!

Яна.

Улар — Санъаткор ва Султон, тарихда бор, одатдаги мухолифатта зид, аравани бир томонга тортади. Бир ёқадан бош чиқаради.

Алишер вафот этган куни Ҳусайннинг ҳам асосан ҲУКМИ тугайди!

\* \* \*

Энди тартиби билан.

Ҳусайн

Ҳиротда, Амир Темурнинг ўғли Шоҳрух Мирзо замонида дунёга келган эди.

Унинг шажараси бундай:

Ҳусайн Мирзо  
бинни Ғиёсиддин Мансур

бинни *Бойқаро*  
бинни *Умаршайх*  
бинни *Амир Темур.*

У она томондан ҳам Темур авлоди Феруза бегим — Темурнинг яна бир ўғли Мироншоҳ, Мирзонинг қизи эди.

Ҳусайн — каримут-тарафайн, икки тарафдан Темурга туташ, Темур мулкига даъвогар бўлиш, подшоҳлик қилишга ҳақли киши эди.

Унинг етти ёшида отаси *Фиёсиддин Мансур* вафот этади.

Шунга яқин бир пайтда Шоҳруҳ Мирзо ҳам оламдан ўтади.

Амир Темур ҳукмронлигидан кейин ота, ўғил, невара — катта-кичик шаҳзодалар (*Кўрагон* ва *Мирзолар*) ўлган кийик гўшидек бўлак-бўлак кесиб, ҳар ён юлқиган, аллақачон парчаланган — пароканда мамлакатта энди олдингидан баттар бало-қазо ёпирилган. Салтанатни «чин бузуғлиғ» даври чулғайди. Хурросон шаҳарларида фитна ва тартибсизлик авжига минади.

Аммо Ҳусайн (сон-саноқсиз шаҳзодалардан бири) ҳали тоҳ ақлини пешлаш, тоҳ ҳарбу зарб машқи билан банд. Ўн тўрт ёшигача у онаси тарбиясида туради. Кўп оиласалар сингари бу хонадон аъзолари ҳам саргардонлик тўзони оралаб кезади...

Ўн тўрт ёшидан Ҳусайн Абулқосим Бобур саройига келиб, хизмат бошлайди. Маълум фурсатдан кейин, у Абусайиднинг (бу вақтда Абусайид Самарқандда, Мовароуннаҳр таҳтида эди) хизматида бўлишига имкон туғилади. Абусайид аввалида унга меҳрибонлик кўрсатади. Лекин кейин, уни бошқа ўн уч шаҳзода билан биргага (исён кўтарган бир шаҳзода касрига) тутиб қамайди. (Абусайид уларга ишонмай тўғри ҳам қиласади, бирон сulton ёки шаҳзодага ишониш қийин эди.) Феруза бегим (Хурросон ҳукмдори Абулқосим Бобурнинг рұксати билан) Абусайидга учрайди. Илтижолар қилиб, ўғлини қутқаради.

Ҳусайн Марвга Султон Санжар хизматига боради. Бир муддат Султон Санжар билан у ота-ўғил тутинади. Бироқ тез орада уларнинг ҳам ораси бузилади.

Хусайн атрофига аскар туплайди.  
Қайсиdir ерларни босади. Құнади.  
Чекинади. Қайтиб ҳужум қилади.  
Астрободни икки марта эгаллаб, —  
икки марта ташлаб кетади.  
Хурросон тахтини құлға олиш учун узок курашади.  
Абусайд Ироқда, жангда ҳалок бұлғач, — Хусайн  
тактнинг аниқ даъвогари шаҳзода Едгор Мұхаммад  
Мирзони ҳам маҳв этиб, —  
ниҳоят, Хурросон тахтига чиқади. Ва ички низолар,  
жар хил исөnlарни айтмаганды, умуман үттиз йилдан  
күпроқ давр мамлакатни осойишта тутиб туради.

\* \* \*

Хўп.  
Хусайн ҳаєти «кенг ёритилган».  
Кафтдагидек маълум!  
«Бутун мамлакатни яққалам» қилдим, деган Алишернинг ҳаёти эса...  
оддий бир нарсалар етмайди!  
«Яққалам» бўлғанлардан бирори ёзишни ўйламаганми?! Тушунмайман!  
Қисқаси... Алишер Хусайндан уч йил кейин турған эди.  
(Унинг вафоти ҳам уч-тўрт йил олдинга тўғри келади.)

*Отам — бу останнинг хокбези,  
Онам ҳам — бу саро бўстон канизи...*

Мўгуллар ҳукм сурган, Сарбадорлар ўз давлатини тузган даврларда қаңдай эди?! — бизга аён эмас, лекин Амир Темур замонида Алишернинг боболари салтанатта яқинлашиб, ҳалол хизмат қилишгани, эътибор қозонишгани шубҳасиз! Улар шу салтанат барқарор бўлишига умид борлаган кишилар эди.

Соҳибқирон дунёдан ўттач, Алишернинг ота томондан бобоси (исми номаълум) шаҳзода Умаршайх этагини тутади. Унинг она томондан бобоси (Шайх Абу Саъид Чанг) ҳам Умаршайх этагини туттан (Хусайннинг бобоси Бойқаро Мирзо ҳузурида хизмат қилган). Шу тарзда бу хонадон фарзандлари навбати етиб,

бир куни Фиёси́ддин Мансур ва Ҳусайн Мирзо даргоҳида кўринадилар.

Алишер боболари руҳи билан яшайди.

Албатта, унинг отаси хизматкор, онаси чўри эмасди!

Аксинча, булар обрўли кишилар. Келиб чиқиши шунчаки фуқаро эканлигига қарамай, маслаҳатчими, атъёни рутбасида туради. Заҳириддин Бобурнинг Алишер тўғрисида «беги эмас, мусоҳиби» дегани шу маънода бўлиши керак.

Буларнинг ўз ҳурматини билгани, мағруулиги (Алишернинг Абусайид сароиидан кеттанини эслайлик), булар билан барча шаҳзодалар ҳисоблашгани-ю, булар ўзини кўпинча уларга тенг туттани (ҳали айттанимиз) Амир Темур даврида Боболар Эгаллаган қандайдир Мавқега бориб боғланади.

Алишернинг отасини гоҳ машҳур киши, гоҳ баҳодир, гоҳ қаҳрамон дейишиди (нима билан машҳур?! нега баҳодир?! қандай қаҳрамонлик кўрсатган?! Бизга қоронги). Шу билан бирга, у Фиёси́ддин Кичкина номи билан танилган. Олдинги сифатларга «Кичкина» сўзи ёпишмайди! Уни кичик жуссали ёки феъли кичик (тор) деёлмаймиз. («Кичкина бахши» деган асоссиз бир гап ҳам учрайди. Тўғри, бу ерда терма-достон айтувчи эмас, муравний ва ҳофиз кўзда тутилган. Ўша пайтда тўрт кишидан бири мусиқани билар, ўзича куйлашга ишқибоз эди! «Бахши» сўзи яна баъзан котиб-мирза мазмунида келади! Лекин ҳофизми, котибми?! — бу сифатлар таржимаи ҳолга сингмайди. Айниқса, Амир Темур ҳузурида бундай кишилар Чинакам Мавқе толиши ақлга сифмайди. Асосли гап бошқа.) Ҳусайннинг отаси ҳам Фиёси́ддин («кулув номдор сulton Фиёси́ддин Мансур Мирзо») бўлганидан, бу Фиёси́ддинни Кенжак (Ундан Кейинги) маъносида Кичкина деб аташган бўлса, эҳтимол! Шуниси табиийроқ туюлади.

Биз Алишернинг волидасини билмаймиз.

Исмини ҳам билмаймиз.

(Ёки ҳозирча билмаймиз.)

Бу аёл эртароқ вафот этиб, Фиёси́ддин яна уйлангами ёки у тирик пайтидаёқ бу воқеа бўлганми?! — номаълум. Негадир кекса Лутфий ёш Алишерни «доим

волида хизматига ва ривож хотирига тарғиб қилур эрди» (онани унугтмай, ғамхўралик қилишга ундарди). Бу гапдан бир оз «ётлик» ҳиди келади. Ҳарҳолда, Алишернинг (икки укаси) — туғишган укаси Дарвеш Али ва ўтай укаси Амир Ҳайдар бор эди.

Алишер таваллуд топганида, улар хонадони билан бирга, ягона оиласек, Фиёсиiddин Мансур хонадони ҳам севинчга тўлган. Кейин ҳам бу оила, шахсан Фиёсиiddин Мансур Алишерга «кўп меҳру шафқат кўргузган» и эсланади.

Отасининг муносабати Ҳусайнга ҳам юқади.

У Алишерни ўз укаси ўрнида кўради. Кейин, гарчи уч ёш катта (болалар учун бу жуда муҳим!) бўлса-да, Алишер билан дўстлашиб, тенг-тӯщдек бирга йинаб юради. Суҳбатлашади. Дардлашади! (Ҳусайн ўқ-ёй билан банд эди-ю, Алишер нуқул китоб варакларди, дейиш унча тўғри эмас. Қизиқиши ҳар хил бўлса, таплашишга тал ҳам топилмайди!)

Фиёсиiddин Мансур қазо қилганидан сўнг, Ҳусайн Алишерга янада қаттикроқ борланади Алишернинг мурғак қалбида умри охиригача бу меҳрга жавобан миннатдорлик ҳисси сақланиб қолади.

Улар беклар, амирларга тарбия берган маҳсус мактабда бирга ўқишигани рост. Турли ёшдаги болалар биргина хонада китоб кўриб ўтиришар эди. Ҳусайн ўзига тегишли, Алишер ўзига мос сабоқ олади. Ўшанда тартиб шундай бўлган!

Шоҳруҳ Мирзо таҳти устида Алоуддавла, Абулқосим Бобур, Абдуллатиф, Абусайид (катта-кичик шахзодалар) талашиб, мамлакатнинг авра-астари ағдарилган саргардонлик кунларида ўқиш маълум муддатта тўхтаган. Кейин яна давом этган деб таҳмин қилиш мумкин.

Ниҳоят, Ҳусайн Хурсон таҳтини эгаллаган Абулқосим Бобур саройига кетиб, орадан бир оз вақт ўттач, Алишернинг отаси Фиёсиiddин Кичкинани Абулқосим Бобур Ҳиротдан Сабзавор шаҳрига ҳоким қилиб жўнатади. Ўн икки ёшли Алишер отаси ёнида Сабзаворга келади. Шу пайтдан токи чарх неча айланиб, Ҳусайн подшоҳлик тожини кийгунига қадар улар «узоқ»лашадилар. Онда-сонда, тасодифан кўришганми?! — шу ҳам гумон.

Лекин Ҳусайн Алишерни бир дамга унутмайды.

Алишер ҳам Ҳусайндан ҳар дам воқиғ юради. Ҳат ёзіб туради. Фазаллар юборади. Дүсті таңг ҳолға тушганида, далда беради. Йиғиқ ва жасур бўлишга чорлайди. Яхши кунлар келишига ишонтиради. (Умуман, Ҳусайннинг кўнглида болалиқданоқ подшоҳ бўлишига ишонч туғдирган ҳам Алишер бўлиши керак!)

У аниқ ёрдам ҳам кўрсатади. Ҳайриҳоҳ кишиларни «тарбиялади». Ҳусайн атрофида тўплантан лашкарни кўллади. Дүсті учун бирон хатар кўринса, олдини олишга уринади Ҳусайнга яқин қанча кишини ўлимдан қутқаради.

Ҳусайн тахтта мингач, —

узоқ фурсат Самарқандда «тутилиб» қолган Алишер

тантана билан Ҳиротта кириб келади

\* \* \*

У (шубҳасиз) болалиқдан

бир куни Ҳусайннинг Хурросон подшоҳи бўлиши кераклигини ўйлаган ва ажабки,

буни авлиё каби

башорат қилган эди!

Ҳусайн тахтгача ёттан орадаги масофани тан ва руҳдаги жароҳатлар, иккиланишлар, тушкунлик, ишончизлик азоби билан кечган бўлса,

Алишер аввалдан кўнглига Ҳудо солган

эътиқоддан қайтмаган ва

бирон пайт бунга

иштибоҳ, билан қарамаган эди!

Ана, энди унинг юзи ҳорғин, кўзлари эса севинчдан ёрқин эди.

Аслида, орадаги масофани Алишер Ҳусайнга нисбатан осонлик билан кечмаган эди! Ҳатто кўпроқ кулфатларга учраган. Машаққат чеккан.

У, қисқа муддат подшоҳлик қилган Султон Ибронхим даври, кейин Абулқосим Бобур даври бошланишида, нихоят Абусайид хукмронлиги даврида Машҳад, Ироқ, Сабзавор, Ҳижоз, Тус, Шероз, яна Машҳад шаҳарларида, олдин отаси ёнида, кўп ўтмай ёлғиз, сарсон-саргардан кезади. («Булат йўқ, дуди оҳимдин

кўрунмас осмон ҳар дам», — дейди бу давр ҳақида кейинчалик Алишер.) Самарқандда «тутқун» аҳволида яшайди. Отаси ўша Сабзаворда ҳокимлик қилган пайт ҳазо қилганми ёки Машҳадга кўчгандан кейинми (номаълум), ҳархолда Алишер отасидан ҳам, бошқа яқинларидан ҳам айрилган, гоҳ оч-юпун, гоҳ бошпанасиз ҳолатда, гоҳ турли масжид ва мадрасаларнинг тор, заҳ ҳужраларида, яна оч-наҳор кун кечиради. Бўғинлари қақшаб-օғриб, айвонларда, ҳатто баъзан кўчаларда йиқилиб қолади. («... даврон воқеотидин ва спектри гардон ҳодисотидин ва даҳри фитнаангез буқаламунлигидин ва замонаи рангомез гуногунилигидин... гоҳ иззат ва фино бўстонида анжуман туздим... Гоҳ шаҳрим эли ситамидин ғурбатга тушдим ва ғариб ҳалойиқда қўшу碌дим ва қовушдим. Ва гоҳ жибол кулласи оромгоҳим бўлди ва гоҳ саҳро этаги паноҳим бўлди. Ва гоҳ ғурбатда алил ва ғариб элга залил бўлдум. Гоҳ бу шиддатлардин азми Ватан қилдим...»)

Эрка-бахти илк болалиқдан кейин, у тақдирнинг шундай аёвсизлигига дуч келган эди!

Айниқса, укалари бир ерларда сарсон, ўзи сингари ҳимоясиз, ночор ҳолда юришганини ўйлаб, уларга кўмак беролмаганидан эзиларди.

Аммо Самарқандга «сафар» қилганидан Алишер ҳеч қачон инжимаган. Ҳаёт фақат ғамзадалиқдан иборат эмас! У Кешда (Шаҳрисабзда) дунега келган Амир Темур туман ҳокимлигидан жаҳонгир даражасига еттани, Самарқандни ўзига пойтахт қилиб олганини яхши билар эди. «Султон Соҳибқирон остонасида сидқ ва ихлос била қуллуқ қилғон» унинг Боболари ҳам Бир пайт шу сарзаминда кўз очиб, Самарқандда яшаб, салтанат парчалана бошлагач, Мовароуннаҳрдан (янги пойтахт Ҳиротта) Хуросонга кўчган бўлишлари кераклигини ҳис этар эди.

Ҳирот қанчалик гўзал бўлса, Самарқанд ҳам шунчалик гўзал, обод, улуғвор эди Илм-фан, маданият, ҳунармандлик бобида эски пойтахт Ҳиротдан қолишмасди. Ҳамон «инкиси муқобала қилур» эди! Ҳунар ва билим эгалари бек ва султонлар саройида ҳурмат-эътибор топишган эди.

Алишер Самарқандга келганида, Улурбек ва Аб-

дүллатиф қисматига тегишли дилгир воқеаларга анча иил бўлган эди. Бу ерда Вафой тахаллуси билан шеър ёзган, олдин Ҳиротда ҳокимлик қилган Амир Аҳмад Ҳожи хукмронлик қилар эди. У Алишерга меҳрибонлик, камжўрлик кўрсатарди.

Алишер ҳужра олган хонақоҳ эгаси Ҳожа Фазуллоҳ Абуллайсий тибда шуҳрат қозонган (иккинчи Ибн Сино) олим, донишманд киши эди. У Алишернинг ақли теранлигига ҳайратланар ва қўли остида таълим олган талабаларнинг баридан Алишерни ортиқ кўрар эди.

Самарқандга келганида, Алишер аллақачон номи Ҳурросон ва Мовароуннахрда тилга тушган, унинг ғазалларини одамлар қўлма-қўл ёзиб олиб, ўқиб юришар, ҳофизлар куйлашар эди.

Муҳими, Ҳиротда «қўл-оёги боғлиқ» Алишер, Самарқандда эркин нафас олган, мутолаага берилган (чукур билим эгаллаган), тўлиб-тошиб янги-янги асарлар ёзишга эришган, Бутун Араб ва Ажамда эътиборли Шахсга айланган эди!

\* \* \*

«Ҳусайн Мирзонинг қирқ вазири бор экан. Қирқинчиси Алишер Навоий экан. Бир кам қирқ вазир уни подшоҳга кўп ёмонлашаркан. Ниҳоят, Алишер вазирлиқдан бўшатилибди...»

«Мир Алишерни подшоҳнинг ёнидан йўқ қилиш чорасини ахтариб, ахийри амалдорлар уни бир қудуққа ташлашибди...»

«Кунлардан бир куни Султон Ҳусайн вазирларининг ёлғон сўзларига ишониб, Алишерни зинданга солишни буюрибди...»

Алишер Ҳиротта қайтгач, унинг ҳаёти қандай кечди?

У билан Ҳусайннинг муносабати олдингича қолдими? Ўзгардими?

Эскидан «сарой уинилари» бор.

«Офтобга яқинроқ туриш» учун бир-бирининг «пайини қирқиши» бор.

Алишер вақти келиб, саройдан кеттанида, Абдураҳмон Жомий кескин: «Саройда Одам борми?!» — дегани бежиз эмас.

Лекин эртак-ривоятлар халқ оғзидан нобол бир замонларда ёзиб олинганми, ҳар қалай уларда Алишер Ҳусайнга, сарой кишилариға атай тескари (қарши) күйилгани сезилади.

Ҳаётда бу анча мураккаб кечади!

Алишер зулм билан вазирликдан бўшатилгани йўқ, албатта.

Аксинча, уни аввал мухрдор, кейин вазир бўлишга Ҳусайн деярли мажбур қилган. Ялинган ҳам! Яна, Алишер Ҳусайннинг иродаси билан эмас (иродасига зид), вазирликни шахсан ўзи тарк этган!

Алишернинг кудуққа ташланиши, зинданга солиниши! — бу энди... ҳеч тўғри келмайди.

Эртакчи-ровийлар йўлдан четланишганини ўзлари ҳам сезганми, улар тезда гапни «андавалаш»га уринишади:

«Кунлардан бир куни Мир Алишер қандайдир сурат чизаётган экан. Султон Ҳусайн ногаҳон унинг ҳужрасига қадам ранжида қилибди...»

«Султон Ҳусайн саройда ёлғиз ўтиравериб, зерикб кетибди-да, анча вақтдан бери Алишер кўринмайди, бориб ҳолидан бир хабар олай, деб дўсти яшайдиган кўчага от солибди...»

Хўп.

ўша пайтда ўзи нималар бўлган?!

Кейин:

Алишер Ҳусайннинг подшоҳликка кўтарилишини болалиқдан нега Бунчалик истаган?!

Наҳотки, ҳаммаси ривоятдагидек оддий. Жўн:

«Болалиқда Ҳусайн Алишерга, агар менга подшоҳлик насиб этса, сени вазирликка қўяман, иккимиз доим бирга бўламиз, деган экан...»

\* \* \*

Самарқанддан Ҳиротта  
«учиб келган» Алишернинг  
Ўша пайтдаги ҳолати-ю,  
шуңдан сўнг рўй берган воқеалар ҳақида  
ўйлаганларимни дафтарда белгилаб қўймоқчи эдим;  
кутилмагандан...

\* \* \*

қаттиқ шамоллаб, ётиб қолдим.

Мен негадир қиши эмас, ёзда шамоллайман.

Йилда бўлмаса ҳамки, йил ора шундай!

Бошим айланади. Суякларим зирқирайди.

Нафасим қисиб, юрагим тўхтаёттандек бўлади.

Шаҳрия: «Бундоқ шабада тесса ҳам ётиб оласиз! Бу қандоқ гап?!» — деб мени айблабми, ўпкаланибми, тўнғиллайди.

Ўйлаб кўрсам, болалиқдан ранги сарғайиб юрган одамлардан эмасман. Аввалдан дард деса кулардим. Бир-икки тишим оғриган. Қулоғим шанғиллаб юрганим ҳам эсимда. Шу!

Сўнгти йиллар катта бир ишни бошладим-у, кучга тўлиш ўрнига сўлжайиб қолдим. Нета?! Билсам экан! Бунинг устига, олдин ҳам бўлгандек, шу кунлар яна қизиқ ҳолатларга дуч кела бошладим.

Кўчадан куппа-кундузи аллакимлар от чоптириб ўтади.

Кейин, ярим тунда қаерданadir аёллар Йигиси, йиги эмас, узун нола, аччиқ фаред эштилади. Юрагим қаттиқ уриб, ўрнимдан туриб кетаман.

Шу пайт яқин бир ердан: «Эй бевафо дунё... Эй фарзанд!» деган ажиб пичирлаш эштилади.

Таҳорат олиб, дарвешларга қиёс даҳлиздаги бўйра устига ўтираман. Худойим, дейман. Катта бир ишларни бўйнимга олдим! Балки, Инсонни Тасвиirlab, гуноҳ қилаёттандирман? Унинг Яратувчиси — Сен! Аввалдан уни барча гўзал ва хунук белгилари билан тасвиirlаган — Сен! Сенинг наздингда мен бир ғариб қўғирчоқ ҳолидаман Бизнинг бутун яраттанимиз қум ёки сувда чизилган шакллар, холос. Сен Асрасанг, Асраринг. Асрарамасанг, бир эпкинда йўқолади. Худойим! Мени ёшими қайтганида, ақлдан оздирма! Мухтож қилма. Нотавон қилма. Хору зор қилма...

\* \* \*

Энди ўнгланиб,

ўзимни у ён-бу ёнга «солаёттан» эдим.

Шаҳрия ишнинг белига тепди.

Кайфиятим бузилиб, яна беш-үн кун паришионалиниб юрдим.

Дунёда иккита яхши аёл бўлса, бири — Шаҳрия!

Битта бўлса — шунинг ўзи!

Меҳнаткаш. Ҳалол. Диёнатли.

Лекин қариганда, кўрмайсизми! —

қаёқдандир

ШУҲРАТПАРАСТЛИК дардига чалиниб қолди.

Бизнинг оиласи билган киши, оддий боғча тарбия-чиси Шаҳрияга ШУҲРАТнинг нима кераги бор, деб кулиши мумкин.

Ўзи учун эмас! Мен учун ШУҲРАТПАРАСТЛИК қиляпти!

Дейлик, ойнаи-жаҳонда бир рассомни кўрсатиб, увони, даражасини айтишди. Шаҳриянинг ранги ўчади. Бу кишим ҳам шунаقا обруими, дейди. Кейин, сиз нега ҳаммадан орқада, деб «туртади»!

Бирон газетада рассомлар рўйхати келтирилган бўлса, менинг исми шарифим нечанчи ўринда эканлигини текширади.

Ёки қайсиdir даврада бошқа рассомларни мақтаб, менинг исми-шарифимни тилга олишмаса, даврадан мени судраб олиб чиқиб кетишга шай ҳолатта тушади.

Шу сабаб, ўқувчилик кунларидан синашта эр-хогин бაъзан ғижиллашадиган ҳам бўлиб қодик

Умуман, икки қиз эрга тегиб, уйда «чол-кампир» зериқдикми, сўнгти йиллар турмуш таъмини йўқота бошлади. Соғлиғим ёмонлашгач, аҳволни очиқ кўрсатиб тургандек, уй ҳам қаровсиз ҳолга келди. Деворлар, шифтлар ола-була. Ойналар қорайган. Синган.

Шаҳрия озор чекишини билсан-да, уйни қайтиб безашга кучим етмайди.

Бунинг устига, қўлим қисқа.

Шароит ҳамин қадар.

Гоҳо ўйлайман:

ОДАМ устига нимадир ёпиши керак!

ОДАМ нимадир чайнаб туриши керак!

Ўлгунингча қимирла, БАНДА!

Мен тушунаман:

иззат-нафси бор аёл эрининг бирордан кам бўлмас-лигини истайди!

Мен тушунаман:  
эътибор дегани — имконият, демак!  
Ичимда Шахриядан ранжимайман.  
Фақат у «ҳаяжонлациб» кеттанида, асабийлашаман.  
— Тўхта, — дейман. — Бизда тасвир санъати анча юксак, — дейман. — Ажойиб рассомлар бор, — дейман.

*Мендан еши катта:  
Абдулҳақ Абдулла.  
Раҳим ака, Невъмат ака, Рӯзи ака.  
Мендан ёшроқ:  
Баҳодир, Жавлон, Алишер Мирзо  
Қизлардан:  
Азиза, Зебо, Гулнор.  
Яна қанча...  
Ҳар ким ўзига яқин кўринганни айтади!  
Ана, шу катта даврага мен —  
ёки ўз манфаатимни ўйлаб яшашим,  
ёки ишим юришиб-юришмай, азобланиб  
ўз хизматимни адо этишим керак!  
Иккисини бирга олиб боролмайман, жоним...*

— Навоийни қара! — дейман. — Бирон пайт ман-фаат кетидан қувибдими?!

— Навоий вазир бўлган! — дейди қайсаланиб Шахрия. — Ҳамма қўл қовуштириб турган.

— Сен ҳеч нарсани билмайсан! — дейман ва у Чиндан Ҳеч Нарсани Билмаслигини ҳис этаман.

Ўзим олдин ҳаммасини аниқлай, кейин унга тушунираман, деб ўйлаб, дафтарни қайтиб қўлга оламан...

Мана, ўргангандаримни яна ёза бошладим.

\* \* \*

«Шоҳлар ёнингда туриб, қўлтиқлаб-суяб, сенга энг кичик эътибордан буюк марҳаматтacha бирма-бир кўрсатадилар. Кейин, сени рўпара қилиб, бутун қабиҳлик, ёвузликни ҳам кўрсатадилар. Бу борада ҳам улар зигирча чекинмайдилар...»

Қачондир аллақайси Генрихми, Ричардми тўғрисида шуларни ўқиган эдим (балки Людовик ҳақидадир)?!

Аниқ, эсламайман}. Шарқда ҳукмдорлар подшоҳлик санъатида Фарбагидан қолишмайдилар! Шунинг баробарида, Шарқнинг ўз тарбия тизими шаклланган.

Бизда подшоҳ амири (хукми) вожиб! Итоат биринчи ўринда туради.

Шарқда омма-фуқаро ҳам бошқа! Подшоҳни Ота деб билишади. «Худонинг ердаги сояси!» Яна. «Ўзингиз қандай бўлсангиз, ҳукмдорингиз ҳам шундайдир!» деган ақида учрайдики, бунга шак келтириш куфрга айланади.

Лекин эскидан шоҳлар ҳар хил бўлганидек, уларга нисбатан муносабат ҳам барибир ҳар хил бўлиб келган...

Оддий савол:

Алишернинг шоҳларга муносабати яхшими ёки ёмонмиди?! Дарҳол жавоб бериш қийин.

У бир томондан:

Боболари йўлини тутади. Шоҳлардан узоклашиб (узилиб) кетгиси йўқ. Улар даргоҳида хизмат қиласи келади.

(Умри сўнтигача Ҳусайнни улуғлайди. Ҳусайн озгина лоқайдлик кўрсаттан пайтларда изтироб чекади!)

Иккинчи томондан:

*Шоҳлар олдин-да бош  
инсурма кўп...*

Бунинг устига, негадир шоҳлардан «қочиши»га ҳаракат қиласи:

*Ўт нафъ еткарур  
иракдин,  
Андин мунтафеъ бўлмоқ авло  
қироқдин...*

яъни четроқдан «бу ўт»да «исинган» маъқул!

(Биргина ўт бўлса ҳам майли, шоҳ дегани: «Аждаҳо! Ўтлар сочур...»)

(Унинг шоҳларга бағишлиб ёзганлари ичидаги қизиқ бир жумла:

Ишқ бобида душвор бўлмоқ «ҳамдарди шоҳ» — мен билан шоҳнинг ишқни тушунишимиз ҳар хил!

Кейин:

*Шоҳ мендин  
ишиқ оро  
ожизрак ўлса, тонг эмас...*

Ишқда шоҳни — қайси шоҳ бўлмасин! Абусайид-ми, Ҳусайнми?! — ўзидан «ожизрак» деб билиш... бу қиёс...

Гулинни эслатади!

Бу ерда ёшликка хос кескинлик ва қайсарлик кўринади.

Ажиб бир озор ҳам кўринади! Ҳарҳолда, ўлчовли иш туттан, ўйли-мулоҳазали Алишер умрида норозилик сезмаса, «аждаҳо»дан ҳам даҳшатли бу гапни айтмас эди!)

Қисқаси,

бир томондан:

шоҳдарга яқинлик, уларга шарқона мулозамат!

Иккинчи томондан:

*эҳтиромдан кўпроқ эътиroz!*

Эҳтимолки, Алишер ҳаёти ва ижодидаги энг катта Зиддият — шу! Бунга сабаб:

а) Алишер «шоҳ, ва гадо (хукмдор ва дарвеш)» деган, шоҳлиқдан ҳаётда гадолик (дарвешлик)ни устун кўйган минг йиллик фалсафага суюнган. (Фақат бу дунёда эмас, ҳатто «ҳисоб ўғонда», охиратда ҳам «шоҳдин енгилракдир гадо»!)

б) У ҳаёти давомида устодлари Лутфий ва Жомий сингари «дарвешлуқ либоси»га ўралишга мойиллик сезади. Ҳаёт бунга имкон бермайди, холос! У арбоб бўлишга мажбур.

в) Амир Темур қолдирган салтанат, бутун саъи-ҳаракатта қарамай, инқирозга юз тутгани, шоҳлару шаҳзодалар майдалашиб кетишгани-ю, ҳурмат уйғотишга ожиз эканликларидан Алишер норозилик түйган бўлиши керак.

г) Бу — Оламни у Тасаввур қилиши билан ҳам боғлиқ.

Унинг наздида, шоҳлар иккига ажралади:

*Орзудаги Шоҳ,  
Амалаги Шоҳ.*

Искандар — Орзудаги шоҳ!  
Амир Темур ҳам Алишер учун — шундай!  
(Бу ерда уларнинг олиб борган урушлари, жаҳон-  
тирилти кўзда тутилмайди.)  
Абусайид — Амалдаги Шоҳ!  
Ҳусайн-чи?

\* \* \*

Икки тарафдан томирида Амир Темур қони оққан Ҳусайнни Алишер болалиқдан барча шаҳзодалар ора-  
сида сараси, бутуни деб билади. Темур шон-шукужи-  
ни Ҳусайн бир куни такрорлайди, тиклади, деб ишо-  
нади. Умидланади.

(Ҳусайн маълум даражада бу вазифани бажарган ҳам! Ўттиз йилдан кўпроқ давр мамлакатни осойишта  
тутиш ўша, аниқ инқироз жараёнида ҳазилакам иш  
эмас.)

(Амир Темурдан кейинги шоҳлардан ҳеч ким эриш-  
маган Султон Соҳибқирон деган унвон биргина Ҳусайн  
Боқарога буюрган эди. Ҳусайнга дастлаб Алишер бу  
унвонни тақдан бўлса, эҳтимол.)

Ҳусайн Орзудаги Шоҳ бўлиб таҳтта минади. У «су-  
рати — шоҳ, сийрати — дарвеш (халқни ўйлайдиган,  
адолатли, жўмард)» намойишда хайрли бир ишларни  
бошлаб юборади. Ҳурросон ва Мовароуннаҳр ҳукмдо-  
ри сифатида «раиянинг осойишталиги, одамлар баҳ-  
ти» йўлига ўз ҳаётини тикади. (Аввалида, Алишерга  
шу керак эди, вассалом! Унинг вазифаси тутагандек  
эди.)

Аммо кўп ўтмай, Ҳусайн ўзгариб, гоҳ-гоҳ Амалда-  
ти Шоҳга айлана бошлиди. Ўз жони роҳатини ўйлайдиган,  
халқقا (унинг аҳволи билан қизиқмай) эрк бер-  
май, зулм қиласиган, исён кўтарғанларни аёвсиз зин-  
донга ташлаб, қилич дамидан ўтказадиган бўлади.

(Алишернинг эса болалиқдан у билан «киндиги боғ-  
ланган».

Бу — энди қисмат!)

Алишер Ҳусайнни гоҳ, ёнида туриб, гоҳ, четдан ку-  
затади.

Безовталанади.

Ташвишланади.

У энди  
28 ёшдан кейинги бутун ҳәётини Ҳусайн —  
Амалдаги Шоҳ томон сарнигун «қулаб» кетмай  
Орзудаги Шоҳ БҮЛИШИ УЧУН КУРАШга БАФИШ-  
ЛАШдан бўлак  
иложи қолмайди!

\* \* \*

Унинг мақсади нима эди?!  
Ҳусайн Орзудаги Шоҳ бўлишидан —  
Алишер шахсан  
Маълум Бир Манфаатни ҳам кўзлаганмиди?!

\* \* \*

Хурросон ва Мовароуннаҳрнинг икки буюк ҳукмдори — Исломил Сомоний даври, айниқса яқинда кечган Амир Темур даврида Кучли Ягона Мамлакат бехос юксалиб кеттани, ҳаммаёқда кўринган ободонлик устига, илм-фан, санъат, бутун маданият гуллаб-яшнагани Алишерга аён! Муҳими, ўша Икки Даврда ҳалқ бир оз осойишталик туйган. Босқиндан, зулмдан фориғ бўлган... Кейинча, яна шаҳзодаларнинг ўзаро низолари, кундалик талотумлар, бераҳмлик ва хунрезлик ҳалқнинг жонига тега бошлади. У ҳаётдан тўйган, зада бир ҳолатта келди! Ҳалққа жилла қурганда нафас ростлагандек осойишталик керак эди.

Болалиқдаги ҳушнудлик, эркалиқдан сўнг, ҳалқ билан бирга, Алишер ҳам шу аҳволга тушган эди!

У —

ҳаётни кузатиш-ўрганиш,  
ўқиши-мутолаа қилиш,  
ёзиш учунгина  
дунёга келган!

Унинг Бошқа Бирон Ишга лаёқати йўқ. Ҳоҳиши йўқ.

(Ҳархолда, ўзи шундай деб ўйлайди.)

У «туркий улус»ни «худ менингдур (меникидир)» деб «туркий тил била шеър айтмоқ» истайди.

У «туркий айтқон» шоирлар кам бўлмаса-да, араб ва форс лисони ўз қудратини кўрсаттанидан қўлчилик фақат ҳайратланиб, улардек рангин ва жозиб туркий

тил — Амир Темур давригача ноңақ камситилиб келлингани, ҳамон қанот ёзолмаганидан озор чекади. Бунга то ҳозир шароит йўқ. «Форсий шуаро муқобаласида (қаршисида) киши пайдо бўлмади, бир Мавлоно Аут-фийдан ўзга!» деб ўкинади.

У Буюк Бир ишга бел боғлаган.

Бунинг учун

унга ҳам —

озгина имкон ва

**ОСОЙИШТАЛИК КЕРАК!**

Шу, холос.

«Агарчи бу хоксорнинг (каминанинг) ота-бобоси ул ҳазратнинг (Хусайннинг) обо ва ажодоги хизматлари-даким... улув маротибга (мартабага) сазовор ва бийик маносибқа (муносабатга) комгор бўлғон эрдилар, аммо бу фақир, ҳеч навъ хизматка ўз қобилиятимни ченамаган жиҳатдин ва ҳеч турлук машаққатқа тоқатимни онгламагон сабабдин, борча таманно эшикин юзумга мадрус (маҳкам) ва жамъ муддаолар абнобин (қопқасин) илайимда (олдимда) масдуғ (берк) қилуб (умримни) фақат ўз машгулотим билан ўткармоқчи) эрдим...»

У «маккора дунё»га алданиб, умрини зое кетказиб, —

Ҳаётида Буш Вазифа бўлган

Ишдан (Йўлдан) чалғимоқчи эмас!

Шу боисдан,

Қизиқ ҳолат рўй беради...

Хусайн тез орада Алишерга муҳрдорлик (маҳкамани бошқариш)ни топширади.

Алишер эса аввалига ўзини «у ён-бу ён» ташлайди. Кейин, кўп ўтмай, секин четланишга уринади!

Хусайн уни рағбатлантириб — ёнида тутиб туриш учун вазирлик даражасига кўтаради.

У вазирлик пайти нуқул «хаста»ланаверади. Бешолти йил ичида камида уч-тўрт марта истеъфога чиқишига рухсат сўрайди. Нихоят, вазирликни ҳам тарк этади!

Маълум муддат ўтиб, Хусайн уни Астрободга ҳоким қилиб тайинлади.

Бу ерда ҳам у ҳеч тургиси келмайди!

Ҳусайн қайсарланиб, уни «Шоҳнинг яқин кишиси» деган унвон билан сийлади.

Бунга аслида эҳтиёж йўқ. Алишерни ҳамма ҳурмат қилади! Шусиз ҳам мамлакатда унинг шоҳга яқинлигини билмайдиган бирон одам топилмайди.

Ҳусайн унга фойдалангани ер беради.

У ер-мулқдан келган даромаднинг катта қисмини Ҳусайннинг ўзига, подшоҳлик ишлари учун қайтаради. Қолган қисмини ғарип-ураболар орасида сочади. Болалар саломатлиги ва билим олишига сарфлайди. Масжид-мадрасалар, ҳаммомлар қуришга кеткизади!

Унинг ўз ҳаёти-чи??

У ғарибина яшайди.

Иссик нон. Бир коса сут.

Тун-кун уқииди. Ёзди.

Илк қаращда, асосан,

ўзи-ўзи билан банд.

Ҳусайн ҳам, сарой ҳаёти ҳам уни қизиқтирмайди!

Лекин бу — алдамчи таассурот...

\* \* \*

Олдиндан келган бир гап...

Алишернинг Боболари Эгаллаган Мавқе (улуг ма-  
ротибу бийик маносиб) НИМАДАН ИБОРАТ эди??!

Улар Қандай Мұхим Вазифани бажарған здиларки,  
кейинги (Темурнинг ўғилларидан невара-чеваралари-  
гача) шоҳдар ҳам, Алишер ҳам БУНИ унугтмайди??!

Бу — бизга номаълум!

(Афтидан, энди шундай, номаълум бўлиб қолавера-  
ди!)

Шунга қарамай, Алишер тўғрисида тахмин қилиш  
мумкин.

У — шоир бўлганидан, — ота-боболарининг са-  
ройдаги хизмати билан унинг хизмати, уларнинг ҳола-  
ти билан унинг ҳолати — бир эмас!

Алишер Ҳусайндан, саройдан, дабдаба-ю асьаса-  
лардан ўзини «олиб қочгани» (шоҳлар ҳақида эъти-  
розли шеърлар биттани) у — халқ, мамлакат ҳаётига  
аралашмаганини билдиrmайди! (У бажарған хизмат  
шакли ота-боболарницидан ажралиб туради, холос!)  
Алишер ҳеч қачон ғафлатда юргаган. Салтанатда у

ҳатто кундалик ташвишларга бирор пайт бепарво қара-  
маган.

\* \* \*

Қирқтадан ўн бештами-йиг'ирмата ривоятда, Ҳусайн бир ишқал (муаммо) чиқиб, Алишерни чақыртириб-тоғтириб келади. Оддий ҳолагларда ҳам, унинг ёнида ҳеч ким Алишернинг ўрнини босолмайди. («Шоҳ Алишерга қойил қолиб, қирқта вазирини ҳайдатиб юбо-рибди».) Ана, күчада кетаётиб, темирчи (оҳангар) дўко-ни олдидан ўтган Ҳусайн хаёлига «доманимга тушиб ўт» деган гап келиб, у давом этиришин сўрамаган шоир қолмайди! Бироқ уйда ётган Алишер: «Билсам, ишқ, оҳангари занжир пайвандлар экан!» деб ёзib бермагунича, шоҳнинг кўнглидагини топишга биронинг ақли етгайди.

Алишер саройда юрибдими, йўқми — Ҳусайннинг хаёлида туради.

Мамлакат ҳаётида оддий ҳолатдан озорли, тант ҳолат кўп! (Алишер аралашмасликни истаган тақдирда ҳам, буни эплаёлмас эди!)

Атрофдаги шаҳзодаларнинг таҳт устида жангими ёки ўз ўғиллари — шаҳзодаларнинг (отага қарши) низоларими?! — Ҳусайн Алишернинг маслаҳати, иштирокисиз бир иш қилолмайди. Баъзан ҳар ер-ҳар ерда халқнинг норозилик — исён алангалари кўтарилади. Ҳусайнга яна Алишер керак! (У қийин пайтларда ўзи-ни ожиз, ночор сезади. Аксар гангиг қолади. Унга кўпроқ қилич билан иш битириш ўнгай!)

Албатта, Ҳусайн — шоҳ.

У — мамлакатни бошқаради.

Ҳамма қатори Алишер ҳам унинг олдида қўл қовуштириб туради.

Аммо Осойишталик — Алишернинг вазифаси.

(Фақат ўзи эмас, МАМЛАКАТ ОСОЙИШТА бўлиши керак!)

{Умуман, салтанатни қўлга кириттан — Ҳусайн!

Сақлаб турган — Алишер!)

Ҳусайн жангта, овга кетадими, саёҳат-сафаргами — Ҳиротта эгалик қилиб туришни Алишерга қолдиради. Шу ҳолдагина, у бирон фитнага рўй бермаслиги, таҳт қўлдан кетмаслигига ишонади.

Салтанат олдида Ҳусайн қанчалик мастьул бўлса,—  
Алишер шунчалик жавобгар!

У қаерда, қандай юрганидан қатъи назар, инон-  
ихтиёри ўзида эмас.

Ҳажга бориши орзу қилар эди! Бир гал тайёр-  
гарлик кўрганида, уйидан ҳам чиқолмай қолади. Яна  
бир гал ярим йўлга борганида, орқага қайтишга маж-  
бур бўлади.

Салтанат Алишерсиз «нафас ололмайди»!

\* \* \*

Ўз даврида ҳам, кейин ҳам рассомлар Алишерни  
негадир ўта мулоим, шикаста-мискин қиёфада тас-  
вирлашган. Зиёли киши, деб шундай ранг-бўёқ, бе-  
ришганмикин? Бу тасвирларда ички ғуур, шидат  
йўқ... Тўрт мизожга кўра қаралса, Алишер сержаҳл  
(баджаҳл, қизиққон, асабий) ҳам, совуққон (бенарво,  
бедард) ҳам, хушчақчақ (кўтаринки, енгил ҳаёт киши-  
си) ҳам эмас, хафақон (ўз алами билан яшайдиган,  
ҳар нарсани кўнглига оладиган одам) дейишибди! У  
баъзан озор чекиши, баъзан ҳаяжон билан, титраб  
гапириши мумкин Шунинг баробарида, унинг хатти-  
ҳаракатида эҳтирос кўпми, мулоҳаза — ажратолмай-  
сиз. Ва ҳамма бало шундаки, тўрт илмий мизожга Али-  
шер «сифмайди».

Шахс — Катта Бўлган сайин, Бир Хил Ҳолатдан  
КўП ҲОЛАТЛАРга қараб бораверади. Гоҳ ташқи, гоҳ  
ички, гоҳдо ички ва ташқи ҲОЛАТ қарама-қаршилиги  
(ЗИДДИЯТ) Инсоннинг Буоклигини белгилайди... Али-  
шернинг «мулоим»лиги («хафақон»лиги) яширин тут-  
ёнлар (бой, рангин Ҳолат) олдида тортилиб турган  
пардадир. Менга рассомлар ҳали «парда орқасига»  
ўтмагандек туюлади.

Қисқаси:

Ҳусайн — ўз унвон-даражаси, соҳт-сумбати, юриш-  
туриши билан ҳайбатли. Важоҳатли.

Бироқ Алишер — ундан кучли!

Ҳусайн Буюрган Хизматни бажаради Алишер.

Унинг ҳурматини жойига кўяди.

Унга меҳр-садоқат кўрсатади.

Шу билан бирга, ўзи чизган чизиқдан оғмай, түгриға қараб кетаверади. Шахсий ҳәётда ҳам, мамлакат ҳәётида ҳам шундай. Бу «қайсар»ликни ҳеч ким синдиrol-майди.

Шоирлик, арбоблиқдан күпроқ Алишернинг бутун ҳәётида, аслида келиб чиқиши оддий фуқаро (балки зиёли фуқаро?!) эканлиги сезилиб туради. Ҳатто у юрган йўлида буни қандайдир исботлашга уринади... Кўчадаги косибларми, дехқонларми, тўхтаб, гаплашиб уларни (ялангоёқларни) саройга бошлаб кираверади. Ёки улар ўзи саройга кириб қолишган бўлса, эринмай ҳол сўрайди Бирон ташвишлари борлигини билса, дарҳол ёрдам беришга ҳаракат қиласди. Айниқса, аркони давлатдан Ҳусайнгача ҳаммани «безовта» қилиб, ҳалқ (фуқаро) дардини тинглашга чақиради! Бу хислат («Ҳалқ ғамидин ғами») уни Азиз Авлиёларга яқинлаштиради. Яна, бу хислат ҳалқ наздида, уни Хизер, Ҳотам, Ҳўжа Насридин даражасига кўтариб, мўъжизакор бир инсонга айлантиради. («Навоий» тахаллуси — фақат кўй, наво этаси эмас. Бенаволарнинг Ўз Кишиси, деган маънода ҳам келган бўлиши керак!) Мана, шу Ҳалқ билан Бирлик (ҳамдардлик) Алишерга эҳтимолки, ҳеч ким, ҳеч нарсадан кўрқмайдиган рух, баҳш этган.

Ҳусайн батьзи хайрли ишларни бажаришни истамаганда, Алишер одобни бузмай, уч-тўрт эслаттан пайтлар бор. (Унга Ҳусайн тўққиз мартагача таклиф киритиш ҳуқуқини берган.) Аммо Алишер, керак бўлса, Ҳусайнга ўз ҳукмини ҳам ўтказа олган.

Бир жанг олдидан Ҳусайн мунажжимни чақириш ҳақида оғиз очганида, Алишер анча кескин, мунажжимнинг кераги йўқ, ҳозир вақтии қўлдан кетказмаймиз, деган, шу ҳукм билан аскар жантта кираверган эди.

Ёки ўзи Астрободда юрибди-ю, Ҳусайнга хат ёзиб, шундай «кўрсатма» беради:

«Эрта уйғониб, намоз қилилса...

девонда ўлтуриб, додҳоҳ сўрулса (ҳалқ арзу додига қулоқ солинса)...

Аркони давлатни тилаб, мулк ва мол иши айтилса...

аларға андоқ хитоб бўлсаким, ўз ишларидин ғофил бўлмасалар...

таворих (тариҳ, умуман китоб) ўқумоқ буюрилса...  
мажлис қуруб, чөйир ичарға күп ҳирс күрсатилма-  
са...

даҳона — (чегара)лар... андоқ мустаҳкам ва мазбут  
(дахлсиз) қилилсаким... хотир бикуллий жамъ бўлса...»  
Ва ҳоказо.

Бундай хатни Алишер Ҳусайнга ёзмаса, —  
Бошқа бир киши Бошқа бир шоҳга  
езолмас эди!

\* \* \*

Уларнинг муносабати  
турли даража,  
турли феъл-атвордаги  
икки инсон орасида бўлган  
Дўстликнинг Чинакам Гўзал намунасиdir!  
Шу дўслик туфайли,

Амир Темур даврида Самарқанд қандай «ердан  
нилий осмонга кўчган» бўлса, Ҳусайн даврида Ҳирот  
шундай «осмондан ерга тушган» шаҳарга айланади!

Ҳусайн даврида, Темур давридагидек бўлмаса ҳам-  
ки, —

мамлакатда шунга яқин файзли ҳолат юзага кела-  
ди!

\* \* \*

Алишер Ҳусайнга, Ҳусайн Алишерга ҳеч қачон хиё-  
нат қилмаганми? Улар орасида бирон ғаплилк бўлма-  
ганми?

Ушбу дафтарларни қўлга олган (нималардир ёза  
бошлаган) кундан буён Гули хаёлимда, кўз ўнгимда  
тургани учун ҳам, шу ҳақда бот-бот ўйлайман.

Эй кўнгул!  
Душман топ энди.  
Тутмагил  
зинҳор — дўст...

Хиёнаткор бир замонда, хиёнаткор бир даврада  
юриб, — Алишер албатта онгли равища кимгадир  
хиёнат қилишдан сақланган!

(Гули, дейсизми?)

Унга ҳам!

У билан бўлган воқеа фақат қисматнинг каж рафтори.)

Алишернинг ота-боболари тўғри, ҳалол одамлар сифатида танилган. Бу тарбия Алишерга ҳам ўтган.

Шу сабабдан, Ҳусайн унга бирон пайт шубҳа билан қарамайди (Алишерга ўзидан ҳам кўпроқ ишонади).

Дарвеш Али бир эмас, бир неча марта исен кутаради.

Лекин укаси учун Алишерга Ҳусайн таъна қилмайди. (Бу йигит ҳам Шу Хонадонданми, дегандек ажабланади, холос.)

Вазир Низомулмулк бош буриб, хиёнат қилганида ҳам, Ҳусайн Алишерга, у сенинг ёнингда юрарди, сенга фикрдош эди, демайди. Бу ишга Алишернинг дахли йўқлигини тушунади.

Хўп. Ҳусайн-чи?!

(Эй кўнгул!  
Душман топ энди.  
Тутмакш  
зинҳор — дўст...)

Ажиб ҳол! —

бир гал

Амир Ҳайдар шоҳ юборган ошпаз акамни (Алишерни Астрободда) заҳарламоқчи эди, деган бўлмағур гапни тўқиёди.

(Мастлиқдами, савдоий хаёл биланми, оғзидан шу гап чиқади. Ёйлади.)

Бу гап қулоғига етган Ҳусайн —

хиёнат қилиши мумкин эди-ку, лекин хиёнат қилмаган одамдек, кўрқиб кетади. Дарҳол Алишерга оқданган оҳангда хат ёзиб, «бу навъ қасд» менинг хаёлимга ҳам келгани йўқ дейди.

Бир пайт Юлий Цезарни кўксига ханжар санчид, энг яқин дўсти Марк Брут ҳалок қилганида... —

Файласуф Сенекани ўз ўқувчиси, шогирди Нерон мажбурлаб заҳар ичирганида... —

Ҳусайннинг хиёнатдан қўрқиб кетиши — унинг қадимти юон шоҳларидан (ўтган кўп бошқа шоҳлар-

дан ҳам} барибир олижаноброқ эканлигини күрсатади!

Шунга қарамай, «бу навъ қасд»...

Яна.

Алишер шоҳлардан шикоят қилганида, калтакнинг бир учи ҳарҳолда, Ҳусайнга бориб тегади (унинг ёнидаги Шоҳ — Ҳусайн эди)!

Демак,

Давр ва Шароит тақозо қилса,

Гули воқеаси Ҳусайнга Борлиқ Ҳолда ҳам кечиши мумкин

эди...

## 2

### ҲАЙРАТ

«Барно. Дўстим!

Абулхайрнинг дафтарларини жуда тез, уч-тўрт кунга қайтарганингизни кўриб, аввалига бекор юборибман, кўздан ҳам кечирмабсиз, деб ўйладим. Расмий хат ёзганимдан хафа бўлгансиз, деган хаёлга ҳам бордим. Лекин кейин, алоҳига бир қоғозга Сиз белгилаган фикрмуроҳазалар, янги савомларга дуч келиб, Сизнинг қанчалик йирик, озода эканлигингизни ҳис этдим.

Мен ўзим бу дафтарларни вақтида вараклаганимни айтмаганда, ўқимаган эдим. Улар менга қадрли бўлсанга, ҳар ерда чанг босиб ётган эди. Агар Сиз Абулхайр ҳақига сўрамасангиз, тўғриси, уларни эсламасдим ҳам. Сизни Абулхайр қолиб, дафтарлар қизиқтиргани мен учун кутшимаган ҳол бўлди! Мана, энди хижолатдан терга ботиб ўтирибман.

Булар менинг кўлимга қандай тушиб қолган?

Абулхайрнинг Холид дегон жияни ёшлидан дўстим! Иккимиз рассом билан сухбатлашгани баъзан уларникига бориб турганмиз. Ёлииз борган пайтларим ҳам учрайди. Абулхайрнинг қизиқ одати бор. Уйдан чиқиб кетаётганингизда, кўлингизга гулми, китобми, ширинликми, нимадир тутқазади! Бир борганимда, ол, сенга эсдалик, менга энди керак эмас, деб дафтарларни берган... Бешта дафтар эди! Иккитасини Сиздан қайтиб

олгач, Сизнинг кўзингиз билан «қараб», жиғдий ўқидим. Таъсиrlандим. Яна иккштаси китоблар орасидан то-пилди. Сизга юборялман. Албатта, буларни бир жилд-га солиб, аниқ жойга қўйиш керак! Мен то ҳозир бе-парвоникми, бемаънилики қилганман. Узр...

Одш.»

## Учинчи дафтар

- Нима қилиб ўтирибсиз?
- Ўйлаяпман.
- Сиз бирон нарса чизиш ўрнига нуқул ўйлади-ган бўлиб қолдингиз?
- Ўлаш керак... Алишер ҳаётидан қайсиdir пайт-ни тўла тасаввур қилсан эди! Чизиш қийин эмас. Марь-лум фикрга келиш қийин, Шахрия! Кечирасан... Сени ҳам азобга қўйдим, жоним
- Мен нима, ўзингиз...
- Юрагим шундай ағдарилиб ётибди! Кечалари қан-дайдир ваҳимми, хавотир босади. Кимдир бу жуда оғир иш, масъулиятли, майиб-мажруҳ, бўлиб қоли-шинг, ўлишинг ҳам мумкин, дегандек бўлади. Бу иш-дан воз кечолмайман. Натижа ҳам чиқадиганга ўх-шамайди. Худонинг ўзи куч бермаса... Биз оддий одаммиз. У эса болалиқдан бошқача эди! Болалиқдан шакланган Инсонми? Шунаقا! Унинг болалиги ҳақида кўп ёзишган. Мен оз-моз тасаввур ҳам қиласман. Ле-кин чиройли бир болани тасвирлаб, Алишер шу, де-йиш... Бунинг устига, ўша Ҷаврдаги Муҳим уч долат борки! Мен буни ҳали ўрганиб, мазмунига тушуниб етганим йўқ.

\* \* \*

У тахминан тўрт еки беш ёшда эди.

Менга ул ҲОЛАТДА табъи бул-ҳавас  
«Мантиқ-ут тайр» айлаб эрги мултамас...  
Ўйлаким, ЭЛДИН УЗУЛДИ улфатим,  
УЛ КИТОБ эрги аниси хилватим.  
Халқ РАСМИЙ СҮЗЛАРИдин қилу қол  
Ўтса, таъбимга етар эрги малол...

Онглагач атфол айлаб шўри шайн,  
Истимоъ этди БУ СЎЗни ВОЛИДАЙН...  
ЁШУРУБ ДАФТАРНИ, маъдум этдишар,  
Шуклигин кўнглумни маҳрум этдишар...  
Лек чун ёдимда эрди УЛ КАЛОМ,  
Ёшурун тақрор этар эрдим мудом.  
АНДИН ЎЗГА СЎЗга майлим оз эди,  
ҚУШ ТИЛИ бирла кўнгул ҳамроз эди...

Мактабда китоблар арабий ва форсий эди.

(Туркийдан ҳар ким ўзича таълим олар, туркий гўёки «уй тили» эди.)

Болалар (ўқувчилар) ўзларига тегишли сабоқни ба-  
қириб ўқишар эди.

Юқоридаги сатрларда ўша, тўрут ёки беш ёшдаги Алишер ҳаётининг яхлит манзараси акс эттан!

У (муштдек бола) «насрдан баъзан ўкур», назмга кўпроқ қизиқар эди.

Анча-мунча шеър ёд билар эди.

(Шу ўринда икки нарсани эслаш керак.

У даврларда болаларга нисбатан-эрта тарбия бера бошланган. 12—14 ёшдаги болалар катталар сафига кириб, ҳатто хизматта қабул қилинган. Аскарликка олинган.

Атрофдаги болалардан Алишер зеҳни ўткирроқ, зийракроқ эди. Шу боисдан, эътиборга сазовор ҳам эди. Туркий, арабий, форсий — уч тилда юзлаб сатр шеърни бир кун-ярим кунда ёдлаб кетаверарди Ақл бовар қилмайди, лекин шу ёшда у катталар билан шеър бобида фикр алмашган.)

Ўшанда нишопурлик (Нишопурний) Шайх Фарииддин Атторнинг қушлар (тайр) баҳонасида олам тўтри-  
сидаги фикрлар ифодаланган «Мантиқ-ут тайр» китоби Алишерни айниқса қизиқтирган эди.

Алишердан роппа-роса уч аср муқаддам Нишопур қасабаларидан бири Кадаконда дунёга келган, обрўли аттор ва моҳир табиб Иброҳим Абубакрнинг ўғли — Муҳаммадни Фарииддин деб ҳам аташар эди. У асосан, отаси дорихонасида дори тайёрлаш ва табобат билан кун ўтказарди. Бироқ тиб ва доришунослиқдан ташқари, фалсафа, хикмат, тарих, тафсир, калом, ҳадис,

илем нужум билан шугулланар, бу илмларни ҳам пухта эгаллаган, чуқур билар эди. Гоҳ Фарид, гоҳ Аттор деган тахаллуст қўйиб, ҳар соҳада китоб ёзар эди. «Илоҳийнома», «Асрорнома», «Мухторнома», «Мусибатнома», «Тазкират-ул авлиё» ва бошқа асарлари машҳур эди. «Қасида ва ғазалиёт девони» ҳам тузган эди... Унинг «Мантиқ-ут тайр» китоби тақдир тақозоси, ёш Алишернинг қўлига туштан эди.

Бу достон Алишерга шу қадар таъсир қилган эдики, у мактабда ҳам, уйда ҳам ўзини ҳаммадан четтия тортиб («элдин узууди»), кимсасиз («хилват») бир ерларда яширинган-беркинган ҳолда, қўлидаги нақдина («ул китоб»)ни бағрига босиб, ўйчан пицирлаб (одатдаги сабоқдек бақириб эмас) ўқишга одатлаинган эди. Шу паллада унинг руҳи шунчалар хуркак эдик, ёнверидаги кишиларнинг ҳар кунги мулоқоти, суҳбати («халқ расмий сўзлари»)дан «таъбига малол етар» эди. Барча учун эрка-бахтиёр Алишернинг феълидан ноҳкос рўй берган ўзгариш (ёввойилик ва хаёлпастлик) аввал муаллим, сўнг буни сезган оила аъзоларини ташвишлантириб қўяди. Боланинг қайсараглиги эса қаттиқ қайгула солади. Шу пайтда унинг онаси тирик эди. Ота, айниқса, она («волидайн») болам ақддан озмасайди («Бўлмагайким даст бергай телбалик») деб қўрқади. Алишерга китобни («бу сўзни») ман этади. Алишер достонни дафтарга ҳам кўчириб олган эди, улар (ота-она) «ёшуруб дафтарни», «машрулот»ни тўхтатишга уринишади. Лекин асар («ул калом») Алишерга ёд бўлиб ҳолган. Бу — бир ишқ эди! Барибир, тақрорлайверади. «Андин ўзга сўз»га (китобга) «майли оз». Уни ҚУШ ТИЛИ номаълум бир Оламга Юзлаштирган эди!

\* \* \*

Боғлардаги ажиб-турфа қушлар сайроғи унинг юратигига кўчган эди!

Бу не хониш?

Бу қандай тараб?

Кушлар ноласи (нағма) кейинчалик (эҳтимолжи, шуурсиз ҳолатда) куй, наво деган сўз. Навоий деган номга сабаб бўлган.

(Дарвоқе, ривоятда ҳам бу таъкидланади.

Алишер богда шеър ўқиб юрганида. Булбул уни тинглаб:

— Сенинг овозинг қушларнинг тонгдаги НАВОсига ўхшар экан! — дебди. У шундан сўнг, шеърлари остига Навоий деб ёзиб қўядиган бўлибди.)

\* \* \*

Бу не хониш?!

Бу қандай тараб?!

«Мантиқ-ут тайр»га эргашиб (багишилаб) Алишер кейинчалик (улрайганида) «Лисон-ут тайр» («Қуш тили») достонини ёзади.

Лекин унинг кўнглида бу асарни ёзиш нияти ўша мурғак Болалик пайти туғилган, дейиш мумкин.

Бу асарни у Ўша Пайтдан ёза бошлаган, дейиш ҳам мумкин.

\* \* \*

Шеър «касали» Алишерга «йўргакда теккан».

(«Она алласидан» деган сийقا гапни айтмаймиз.)

Алишер қаноат ҳосил қилмай, доим ўпқаланганига қарамай, аслида унга қадар «туркий айтқон» кўп шоирлар, минг йиллик (камида беш юз йиллик) «туркий ашъор» бор эди! (Адабиёт Алишер орзу қилган дара-жага кўтарилмагани бошқа масала!)

Шоирлар бир қавм, улар авлоддан-авлодга «ўтиб» туғиладилар, деган ақида учрайди. Алишернинг наасаби оддинроқ, «туркий айтқон» қайсиdir шоирга бориб тақалиши бир куни аниқланса, ажабланмаслик керак!

«Йўргакда» деган сўз ҳам муболага эмас. Алишер айни йўргакда ётган кунларда, улар хонадонида тоғ-тоғ, шеър янграр эди. Унинг икки тоғаси («фақирға тоғойи эдилар») — онасининг акаларими ёки укаларими?! Акалари, деб тахмин қиласиз! — «туркий айтқон» шоирлар эди. Мир Сайд — Кобулий, Муҳаммад Али — Фарибий таҳаллуси билан ғазал ёзар эди. (Булар мусиқа, хаттотлиқда ҳам шуҳрат топган кишилар эди.)

Демак, Алишернинг аввалдан шеърий бир «майдон»-да туғилгани шубҳасиз!

Аммо унинг юрагида илк дафъа Шеър Уйғониши «Мантиқ-ут тайр» («Құшлар ҳәетидаги мантиқ»)дан Башланган!

(Түгри, бу достонни ўқиб-ёдлашдан олдин ҳам у шеър ўқиган-едлаган. «Бу фақир... уч ёш била түрт ёшнинг орасида эрдим...» Ҳиротда шоир ва файласуф сифатида танилиб, шу ерда Алишер туғилишидан ўн йилча бурун вафот эттан, асли озарлик Амир Қосим Анворнинг бир назмини «ўргантан». Катталар — «азизлар» даврасида буни намойиш ҳам қилган!)

Шайх Атторнинг китоби туфайли у илк дафъа Инсон Оламига эш Оlam ва яна, ёнма-ён Бир Оламлар («ўн саккиз минг олам») борлигини ҳис этди.

Алишер Құшлар Ҳаётининг Маъносини англаб, рўпарада ва «парда ортида» турган Барча Оламларга Назар Ташлагиси келади.

*Бўлмоқ имкон ўйқ, хасу хошок аро  
пинҳон сабо...*

*(Хас-хашак орасида гивираган шамолга  
эътибор бермасликнинг иложи ўйқ...)*

Унинг наздида шундай Бир ҳақиқат очилади.  
Инсон — куш!

(Ахир, азалдан у Ер билан Осмон орасида туради!)

Турли Оламларни кўриш, Бу Оламлар Фалаёнида йўқолиб кетишдан сакланиш учун ҳам, Инсон Ердан баланд кўтарилиб, парвоз қилиши (Осмонда чарх уриши) керак!

Инсон — куш!

У Юксакда Айланаётib «кўрган»ларини кўйлаши, Инсониятни ОЛАМЛАР ИЧИДАги боғланиш, улардан ҳар бирининг хатти-харакатидан воқиф этиши керак!

Шунинг баробарида...

Шоир тили — ҚУШ ТИЛИ!

Бу Тилга тушунмай туриб, Инсоният ўзини Жар Ёқасига Борицдан кутқариши қийин!

(Алишер кейин, умри давомида Одамлар Бу Ҳақиқатни Англамаётганидан изтироб чекади.)

*Тандаги пайконлару  
ашким ёрутмас уйниким,  
Дуди оҳимдин қорармиш  
собиту сайёра ҳам...*

*(Менинг танимда бўлган жароҳатлару  
кўз ёшлиарим уйимни ёритолмайди,  
Чунки оҳим тушунидан собит — Ер ҳам,  
сайёralар ҳам қорайиб ётибди...)*

\* \* \*

Хўп.

*Сўз оташину  
таъб ҳом...*

Боламга зиён тегмасин, деб ота-она азобланиши —  
бир томон. Иккинчи томон — Номаълум Олам (Олам-  
лар) билан юзлашиб, у ҳайратланган ва даҳшатта туш-  
ган эди! Чиндан ақддан озиши мумкин эди. Бу — оғир  
«юк»! Ҳар ким кўтаролмайди Муҳими...

Инсоннинг таъби (асаби) — ҳом (мўрт).

Сўз эса — ўт. Кучли. Хатарли.

Сўз билан ўйнашиб бўлмайди!

Инсон Сўзни топтаб, тупроққа қора олади.

Аммо Сўз Инсонни ўлдиради! Тирилтиради!

Инсон — чумоли «Оёқ остида» қолиб кетади!

Сўз эса — абадий!

Сўз (Калом) Осмондан тушган! У — Ернинг ўқи.

Ер — шу ўқ атрофида айланади...

Алишер «элдин узулиб», ёлғизликни исташи — Ни-  
ма Бўлаёттанини англашга уриниш эди, холос.

(Мен ҳам англашга уринмоқдаман.)

У Сўз Топмоқчи эди...

\* \* \*

Бу не хониш?!

Бу қандай тараб?!

\* \* \*

«Ҳинд мулкида Қакнус деган бир тайр (қуш) бор.  
У ҳайбатли ва гўзал. Ҳар бир пари (пати) ўзга нақшу  
ранг била товланади. У ниҳоятда хушловоз. Тумшуюн-  
даги қатор тешиклардан бири-бирига ўхшамаган, ҳар  
хил (енгил ва маҳзун) овозлар чиқади. Унинг нидоси-  
ни эшитган ҳайвонлардан курт-қумурсқагача таъси-

ланиб (тарки ҳүш айлабон) қотиб қоладилар. Бу қүшнинг жуфти бўлмас. Пайванди ҳам. Ҳеч тайр ўлмас анинг монанди ҳам... У бир умр хас-чўп йиғади (шурғли анинг йиғмоқ, ўтун). Нихоят, умри поёнида мана шу ўтун хирмани устига қўниб, ҳар қачонгидан кўпроқ.

*Тортар эрмиш нағма  
тайри ҳушнаво,  
Бас, ҳазин оҳанг ила  
дилкаш наво...*

Бу «алвидо» «нағмаси»ни эшигтиб, дарахтзор (тўқай, ўрмонлар)даги тирик жон тутдек тўклила бошлайди (бу нолага чидаёлмай, жон таслим қиласди). Баъзи бир ҳайвонлар бадар қочади. Баъзи бир жониворлар беркиништа уринади. Қақнус эса узоқ куйлади. Сўнгра...

*тортаб  
бир ажаб ўтлук наво,  
Солур эрмиш ул улуқ хирманя  
ўт...*

Унинг ўтли овозидан хирманга ўт кетади!  
Ўтун хирмани гуруллаб ёниб, кул бўла бошлайди.  
Хирман билан бирга унинг ўзи ҳам...  
Бироқ,  
шу асно  
кул уюми ичида  
Бир Қақнус Палапони жонланади.  
Палапон (Қақнусбача) уюмдан четта чиқади.  
Устидаги кулни силтаниб-қоқиб ташлайди.  
У ён-бу ён алантлаганча,  
учиб,  
азим бир дарахт ўшхига бориб қўнади  
ва —  
бир севинч, бир ҳасрат билан энди у ОЛАМга  
НИДО таратади...»

\* \* \*

*ҚУШ ТИЛИдин шуълалар  
зоҳир қилиб,  
Ҳам ўзум, ҳам эл — КУЛ  
ўлмогин билиб...*

Алишер ўша, Болалик Пайти (тўрт-беш ёшида) ҳайратланиб ва даҳшатга тушиб, ёлриз қолиб, ўйлаб-излаб ахийри

Топган Сўз — шу!

Ақл бовар қилмайди, лекин Ўша Пайтда Олам (Оламлар) унга кафтдагидек «кўринган» эди! Кейин умри охиригача унинг зътиқоди ўзгармайди.

Ўртадим Олам Элини.

Ўзни ҳам.

ҚУШ ТИЛИдин ўзга қилмай  
СЎЗни ҳам...

\* \* \*

«Лисон-ут тайр» («Қуш тили»)да (ҳикоятта кўра):

Аттор — Қақнус

Алишер — «кулдан чиқдан» Полапон.

(Бу ҳам барибир, Қақнус!)

Мени Алишернинг ўзига «берган» сифатлари қизиктиради.

Дейлик, Булбул.

«Навоий»нинг ўзи — Булбул, демак.

Бу сифат эканлигини у ошкор айтади:

Навоий-ё, неча Булбул киби  
наво қилсанг...

ҚУШ ТИЛИ (СЎЗ) баҳонасида Алишернинг Қақнусни эслashi табиий! Аммо бу ерда жумбок; рўпарамда «Занжирбанд шер» турибди.

Ажаб! Булар орасида қандайдир борликлик борми?

У — ҚУШми?!

Занжирбанд ШЕРми?!

Бу Икки Сифат — тасодифми ёки ўйлаб қилинган иш?!

\* \* \*

Мактабда дастлабки сабоқлар давом этмоқда эди.

Орадан кўп ўтмай, рўй берган воқеа (иккинчи ҳолат) илк қарашда на ҳайратли, на даҳшатли; аксинча, шу қадар оддий эдики... муаррихлар Алишер тўғрисида ёзаётуб, бунга у нега аҳамият берганига ажабланишади!

Қисқаси:

«тахминан олти ешиимда бўлғай эрдим...»

Яна, бундай:

«Шоҳрух — гемурийларнинг шуҳратли ва олижабоб бир шаҳзодаси эди.

У отаси (Темур)га тегишли (Сурия билан Арабистондан бошқа) барча ерларни ўз қўл остига олганидан кейин, Мовароунахр таҳтини тўнгич ўели Улугбекка топширади.

Улугбек отаси каби аҳил киши бўлиш баробарида, илм-фан (мәърифат-маданият)га улутвор майл кўрсатишда ундан ҳам ўзди.

Шоҳрух вафот эттач, хийла муддат очик-соф турган мамлакат осмонини қора ва қуюқ булатлар чулғади...»

Мана, шу ҳаммаёқ исён алангаси ичида қолган кунларда тўп-тўп кишилар Хуросондан (Ҳиротдан) Ироққа қочиб боришар эди. Булар орасида отаси (волиди) билан Алишер ҳам бор эди.

(Карвонни бошлаганлардан ҳеч ким албатта, ўзи қочиб, кексалар, хотин-халаж, бола-бақрани нотинч шаҳарда қолдирмаган! Кўпроқ улар учун Ҳиротни тарк этишган эди.

Алишердан ташқари, Дарвеш Али ҳам биргамиди?!  
Эҳтимол.

Лекин уларнинг онаси — волида бирга бўлмаган. Шу даврда у вафот этганми?! Ҳархолда, ота уни қолдириб, бола етаклагани кишини ўйлантиради. Агар у бирга бўлса, бу сезилар эди Алишер ҳам «фақирнинг волиди» деб фақат отаси ҳақида сўзламас эди.)

Ироққа бораётуб, йўл устида карвон Тафтта қўнади («ярим кеча етиб тушдилар»). Одамлар карвонсаройдан жой олганми ёки яланглиқда чодир қурганми?! Номаълум. «Тонг отқандо» қандай бўлмасин, яқин ерда эски бир хонақоқ кўринади. Болалар (тифл, ат-фол) тек туролмай, шу томон чопиб кетишади. Хонақоқ, айвонида ўйнай бошлашади.

Зийрак Алишер айвон кунжида ниҳоятда кексайиб қолган бир киши супачада ўтирганига эътибор берали. Қария афтидан, бу болалар киму нима қилиб юришганига қизиқиб, уларни ёнига чакиради.

Алишер биринчи бўлиб югурди. Одоб билан салом беради. «Ҳар неким сўрдилар, жавоб айттим. Табассум қилиб, таҳсин қилдилар.» Шундан сўнг, улар орасида бундай сұхбат ўтади:

- Мактабга борубмисен?
- Борубмен.
- Не еркака ўқубсен?
- «Таборак» сурасиғача.

Бу жамоат атфолидин биз тилаонда, сен келиб, бизнинг била ошино бўлдунг. Сенинг учун фотиҳа ўқули...

Қария қўл очиб, Алишерни дуо қиласди.

Шу паллада (ҳамул замон) болаларни излабми, чакирганими «факирнинг волиди ва ул хайл улуғлари» келишади. Қарияни кўриб, улар беҳад курсанд бўлишади. Дарҳол (совға-салом келтириб, дастурхон ёзганча, бирга чой ичиб) «хизматида анвои ниёзмандиклар» қилишади. Ана шунда (даврада) катталаардан Алишер Бу Қария Буюк Муаррих мавлоно Яздий (Шарифиддин Али Яздий) эканлигини билиб олади.

Аслида, рўй берган воқеа шу!

Буни — Алишернинг ҳаётидаги ажойиб кишилар билан кўплаб учрашувлардан бири, дейиш мумкин.

Кейинчалик унинг хотирасида Лутфий билан, Жомий билан, Сайд Ҳасан Ардашер билан, Паҳлавон Муҳаммад билан, қанча азиз инсонлар билан бир эмас, қатор мулоқотлар, сұхбатлар чуқур из қолдирган. Алишер булардан ҳар бирини энтикиб, тоҳифтихор, тоҳ миннатдорлик туйғуси, тоҳ самимий инсоний қарздорлик ҳисси билан эслайди. Қанча жўмард, комил, кўнгли ойнадек пок инсон Алишерни қуршаган, ҳаётда унга йўл кўрсаттан, сабоқ берган, оир пайтда қўллаган, хасталаниб-йиқилиб қолганида Паҳлавон Муҳаммад сингари унинг ёнида турган, муолажа қилган, «шафқат ва ёрлиқ ва тариқи муҳаббат ва ғамхорлик бажо» келтирган. Алишер билан бундай беғараз-беминнат одамлар орасида шундай дўстлик бор: уларнинг муносабати «ҳеч навъ маҳфий сири ва рози йўқ эрдиким, бу факирдин ёшурун бўлғай».

Шунга қарамай, Қария Яздий билан Болалиқдаги Тасодиф Учрашув ўзига хос, унинг учун муҳим эди.

\* \* \*

Ижодкор — ҳис эттанингни тасвирлайсан!  
Дунёда яшаб, бутун ҳис эттанингни эмас.  
Банда бутун ҳис эттанини тасвирилаётмайди.  
Баригир, ярим ашгула. Кемтик жойи қолади!  
Мукаммаллик Оллоҳга хос!

Дунёда мукаммал тасвир бўлиши қийин.

(Захиридин Бобур Алишер ижодига қизиқиб,  
унинг шеъриягини «кўб ва хўб» дегач, қайсиидир ёзмали  
ари ҳакида, назаримда, мукаммаллик етмайди, дебди.  
Даҳо инсон ижодида ҳам шундай бўлар экан!)

Баъзан ҳис сўниши — совиш мумкин.

Баъзан эса «бир нарсалар» ортиқча ҳам туюлади.

Тасвир билан тасаввур ҳарҳолда фарқ қиласди.

(Алишернинг айрим асарлари чала қолган, айрим  
ниятлари ҳатто амалга ошмаган экан. Нега?! Дарахт-  
даги мева ҳам бир вақтда ва бир хилда пишмайди.  
Бунинг устига, тасаввур тасвирга айланишга ултурма-  
ган!)

Ижодкор турли сабабларга кўра «тутатмаган» ман-  
зарани кўриш, ҳиснинг «расмини топиш»га ури-  
ниш — кейинги авлодларнинг иши! Муаллиф буни  
уларга қолдиради.

Хўп.

Гап тасодиф — қисқа учрашув устида боради!

Яздий билан «ошно» бўлганини Алишер умри охи-  
ригача унутмайди. Ўзини Қария тўғрисида сўз айтиш-  
га бурчли сезади.

Бу оддий учрашувни нега у қадрлаб, бундай кўкси  
илиб юрган?!

Унинг ҚУШ ТИЛИга «ўргана бошлаган» даврдаги  
ёввойилиги, ҳаёлпарамстлиги маълум эътиқодга келгу-  
нича давом эттан, холос Алишер, асосан, одамлар би-  
лан тез тил топишиб, улар сухбатини олишига мойил  
эди. Умри давомида — доим фаол бўлгани кўзга таш-  
ланади.

Биз тасаввур қиласмиш:

у Яздийни оддиндан эшиштган. Билган.

Хонақоҳ айвонида Алишерга катталар (балки во-  
лиди) Қарияни таништиргандан кейин, у «шуур ҳосил  
бўлди. ангаким, не киши эркондур» дейиши, мана шу

«не киши» улар орасидаги Бутун Муносабатни кўрсатади

«Таборак» сурасигача ўзлаштирган олти ёшли Алишер Қариядан дуо олганига бир суюнган бўлса, энди бу — Яздий (Тирик Тарих) эканлигидан икки суюнади. То шу пайтгача (эҳтимолки) у Бундай Машҳур Буюк Одамни кўрмаган эди!

Алишер катталар олдида ўзини осойишта тутади. (Шу ўринда айтиш керак. Баъзи асарлар бор, у болалиқда бижиллаб ҳар нарсани галиради. «Доно»лик қиласи! Аслида, босиқ-йўчан туриш унга хос. Кўп тинглаб, кам сўйлайди. Ажабки, бир умр ўз эҳтиросини у фақат қоғозга ишонган! Чексиз ҳаяжон, кучли эҳтирос эгаси бўла туриб, атрофдагиларга буни одатда, ошкор қилмаган!) Болалар билан қайтиб ўйинга шўнғиб, дарҳол учрашувни гўёки унутади. Бироқ ўйин давомида ҳам, Тафтдан Ироқ сари йўлга тушгандан сўнг ҳам Яздий унинг хаёлидан кетмайди. Карвон шу кунлар дуч келган саргардонликдан каттароқ бир ташвиш уни домига торттан эди.

Қисмат гирдибоди, дунёнинг бевафолигию инсон умрининг бебақолиги! Кекса Яздий қиёфасида Алишер шу маънони ўқиган эди.

Шайх Ҳожи Яздийнинг ўғли Шарафиддин Али болалари юрти Язд шахри яқинида, Тафтда туғилиб, анча йил Шерозда, кейин Ҳиротда яшаган, умри оёқлаб қолганида айланиб яна «киндиқ қони тўкилган ер» Тафтта келиб қолган эди. Бу ерда эски хонақоҳни згаллаган, «шогирдлари ва муридлари бор эрди».

Шарафиддин Алиниңг болалиги Амир Темур ҳали ҳаёт бўлган, ҳукм сурган даврда ўтади. У бир куни ўз номи Темур номи билан боғланишини, Соҳибқирон туфайли ўзи ҳам абадият касб этишини билмайди! Диний ва дунёвий илмларни ўрганади. Жумладан, тарихга қизиқади. Ёши йигирмага етиб-етмай, мадрасада мударрис даражасига кўтарилиб, уламолар сафига киради. Низоят, ўттиз ёшида балки баҳт, балки шоншуҳрат излаб Тафтдан чиқиб кетади.

Шу пайтда Шоҳруҳ Мирзонинг ўғли Иброҳим Султон Форс ўлкаси ҳукмдори эди. У Амир Темур наслидан бошқа бирор ўйламаган олижаноб-хаирли ишга

жазм этади. Бобоси хизматида юрган, бот-бот кўришган қишилар барчаси дунёдан ўтиб кетмай, бор маълумотлар йўқолмай, авлодлар учун қоладиган бир китоб ёзилишини орзу қиласди. Ўшанда Темурнинг ўлганига ўн беш йилча бўлган, чиндан кўп қишилар дунёни тарқ этиб, кўп нарсалар унутила бошлиган эди! Иброҳим Султон фақат фармон бераб, фақат котиблар, муншийларни ҳар томонга югуртириб қолмай, шахсан туркий ва форсий ҳужжатлар, хотиралар, наср ва назмда бағишловлар билан танишиб боради. Бирон ноаниқлик кўринса, узоқ жойларга одам юбориб, текширтиришга ҳам эринмайди. Бутун ишни ўзи назорат қиласди! Шундан сўнг, у Шерозга келиб саройда хизмат қилаётган Шарафиддин Алига «тўпланган гаплар» билан танициш ва китоб ёзишни топширади.

Иброҳим Султон бу ишни Шарафиддин Али Яздийга ишонгани бежиз эмасди. Шарафиддин энди Шероз уламолари орасида ажралиб турган, «денишманд ва соҳиб-камол киши эрди». У ҳақда «Ўз замони салотини — шоҳдари қошида мукаррам эди» деган баҳо ҳам, асосан, Иброҳим Султон даврига тегишли. Бошқа шоҳ ёки шаҳзода Яздийга ортиқча иззат-икром кўрсатмаган. (Қисқа умр кўрган Иброҳим Султон акаси Мирзо Улутбек сингари маърифатли, одил, куюнчак инсон эди. Яздийнинг энг баҳти кунлари унинг шоҳлик даврида кечади. Яздий илҳомланиб-руҳланиб, жиҳдий иш билан шугулланади. Иброҳим Султон вафот эттан йилнинг ўзидаёқ Яздийнинг Шероздан кеттани ҳам, унинг бу шоҳ билан муносабатни қанчалик қадрлаганидан далолат беради!)

У кўлидаги дафтарлар, варакларни тартибга солишдан тортиб тўрт йилча вакт ичида «Зафарнома» деб қадим ривоятлардан бошлиган, лекин биринчи навбатда Амир Темур ҳаётига бағишлиланган китоб ёzáди. Темур давридан сўзлаб, унинг шажараси ҳақида ҳикоя қилиб, Соҳибқироннинг олдинги ўтган шоҳлардан фарқи, давлат арбоби ва саркарда сифатидаги устунлигини тасвирлайди.

«Зафарнома» Шарафиддин Али Яздийни баёнсиз юксакликка кўтаради. Уни бутун Шарқда (кейинчалик Фарбга ҳам) танитади. (Асар ўша даврда шу қадар

тила тушганки, Мавлоно Лутфий Қаҳрамонлик қиссаси деймизми, жангнома услубидами, уни шеърий шаклда ифодалаган эди.) Шарафиiddин Алини кўп муаррихлар устод ўрнида кўриб, уни энди «энг фазилатли киши», «қалами ҳуснihat битгувчи жаҳон ҳуши таъбларининг нозик сўзлиси», «оқиллик буржининг порлоқ юлдузи» деб атайдилар. (Фарбда олимлардан Шарафиiddинни камситиб, «ривоят ва ҳикоятни аралаштирган», «ширинкалом», ҳаттоқи «маддоҳ» деб атаганлар ҳам учрайди. Лекин бу Шарқ ҳаёти, маданияти ва одобини билмаслик нишонасиdir.)

\* \* \*

Дунёда доим бўлмаса-да, учраб турадиган даҳшатли бир ҳол бор: ота билан боланинг душманлиги!

Бу — дунёқараш устида юзага келиши мумкин.

Яна:

*Тахт устида,  
мулк устида,  
аёл устида!*

Бир кунлар Абдуллатиф («ўтар дунё маслаҳати учун») отаси Улуғбекни хизматкори Аббосга ўлдиртиради. Аммо кўп ўтмай («салтанат Шеруяға вафо қилғонча анго қилди»), падаркуш Абдуллатифнинг боши кесилади. Улуғбек қурган мадраса дарвозаси пештоқига осиб қўйилади.

Тахт устида кураш — бир томон. Кутимаган хасталиклар, оёқ остидан чиққан фалокатлар, саргардонлик, ҳаммадан ўтиб тушадигани бир-бирини тушунмаслик ва кўролмаслик... Гап фақат Абдуллатифда эмас, ўшандә шоҳлар ва шаҳзодаларни «гангитиб» ташлаган қисматми, шароит... улардан ҳар бири ўзича баҳтсиз, ҳаёти фоже эди!

Амир Темур вафот этганида, унинг кўп ўғиллари (Мироншоҳ ҳам, Умаршайх ҳам...) дунёдан ўтишган эди. Шоҳруҳ Мирзонинг ҳам ўзидан олдин навқирон ўғиллари (Иброҳим Султон, Султон Муҳаммад Жўти) кўз юмишади... Тўнғич ўғил Улуғбек мамлакат тахтини эгаллаши керак (у қонуний ворис) эди (шунда балки, бутун Хурросон ва Мовароуннахрда «бузуглик» дав-

ри бошланиши, халқнинг хонавайрон бўлишидан қутулиш мумкин, анча йил осойишта яшаш мумкин эди; Улугбек доно ва одил, «Шарқнинг юксак фикрли ҳукмдори» эди), лекин катта-кичик шоҳлару шаҳзодалар (Алоуддавла, Абусайид, Абдуллатиф) таҳтта ёпирилиб, ёпишадилар. Улугбекнинг йўлини тўсадилар. У бир гал Ҳиротни кўлга киритади ҳам! Бироқ (укаси Абулқосим Бобур ҳамроҳлигида) сафарга чиққанида, ташки душману ички душманлар Ҳирот билан бирга Сармарқандга ҳам бостириб кириб, мамлакатни талонтарож қиласидилар! Унинг душманлари орасида пушти камаридан дунёга келган Абдуллатиф ҳам бор эди...

Бу воқеалар сал кейин рўй беради!

Биз ҳикоя қилаётган кунларга дахли йўқ.

Яздийга дахли йўқ.

Ҳозир гап бошқа.

Ота билан боланинг душманлигига сабаб нима эди?!  
Биринчи, дунёқараш.

Барча темурийлар сингари ўзини маърифатта яқин тутса-да, Абдуллатиф олим Улугбекнинг даражасини билмагани шубҳасиз. уни отасининг даражаси эмас, ўзининг манфаати қизиқтиради. У ёнидаги аксар шоҳлару шаҳзодалардек «тиш-тирнокли» бўлиб туғилган.

Хўп.

Сабаб — таҳтми?!

Албатта.

Улугбек Абдуллатифдан кўпроқ унинг укаси Абдулазизга ишонар, суюнарди. Таҳт ўзига тегмаслиги мумкинлигидан безовталик уни «савдои мизож ва васвасий таъб ва девонасор киши»га айлантирган эди.

Мулкми?!

Мулк ҳам.

Абдуллатиф ўз мулки деб ҳисоблаган (Иҳтиёридин саройидан топилган) хазиналарни Улугбек мусодара қилдирган эди. Абдуллатиф буни кечирмайди.

Аёлми?!

Эҳтимол.

Абдуллатиф ёқтирган бир қиз (вақти келиб, Гули саройга тушгандек) Улугбекнинг ҳарамига «адашиб» кирмаганмикин?! (Ёки Абдуллатифнинг савдои хаёлида шундай манзара гоҳ-гоҳ жонланган бўлса-чи?!)

Ҳаётда одамлар шаҳодат бера олган ҳолатдан шаҳодат беролмайдиган ҳолат кўп!

(Мана, энди мақсадга яқинлашашаимиз.)

Улар (ота-бала) бир-бирига аввалдан-охир душманлик қилиб яшаганми? Йўқ.

Улурбек учун Абдуллатиф — фарзанд эди!

Бир гал Абдуллатиф асир тушган ва ўлдирилиши аниқ бўлган пайтда Улурбек югуриб-елиб, ўзига бундан зиён етса-да, сулҳ тузиб, уни асирик ва ўлимдан кутқаради. Шу боисдан, Абдуллатиф тўғрисида кейинчалик «отасининг улкан муҳаббатига қуфрони неъмат қилди», дейишади.

Абдуллатиф учун Улурбек — ота эди!

Бир гал Шоҳруҳ Мирзонинг невараларидан бири (Муҳаммад) унга қарши жантта киради. Енгилади. Шаҳзодага тегишли кишилар орасида Шарафиддин Али Яздий ҳам асир тушади. Шоҳруҳ Мирзо Яздийни (отаси ҳақида китоб ёзган Буюк Муаррихни) ўлимга ҳукм қиласди. Шу пайт Абдуллатиф бобоси ёнида бўлади. У Шоҳруҳ Мирзодан бош эгиб, Шарафиддин Али Яздийнинг қонини тилайди. Ўшанда ўз яқинларига Бу Одамни Самарқандга, Отамнинг Олдига юбораман, Отам Бу Одамнинг қадрига етади, дейди. Шундай қиласди ҳам! Фақат... шоҳлару шаҳзодаларнинг ўзаро жанглари, низолари, ўйинларидан чарчаган кекса Яздий ҳатто Улурбекнинг ҳам олдига боргиси келмай, йўлга тушгандан кейин, Тафтта қараб кетади.

\* \* \*

Яздий ҳаётига тегишли бу воқеалар ярим-ёрти бўлса-да, Алишернинг қулоғига чалинган. Тафтда ҳам, Тафтдан чиқиб кетаётуб ҳам эслайди.

У хонақоҳ, айвонида учраган Яздийнинг юз-кўзида Амир Темур ва ўзининг Мавқе Эгаллаган Боболари қиёфасини кўргандек бўлади. Буюк Салтанат емирилиб бораётганини ва энди илож йўқ! — емирилиши муқаррар эканлигини хис этади (башорат қиласди).

Қисмат бу тасодиф учрашувни буорганидан ҳам мурод:

унга илк дафъя —

Мамлакатнинг Бахти, Осойишталиги

ўзига Бөглиқ Бўлиб туюлади!  
Бахт ва Осойишталик —  
унинг умри ЎЛЧОВИДА  
қисқа, имкон-қадар бўлиши кераклигини ҳам —  
у илк дафъа  
БАШОРАТ ҚИЛАДИ!

\* \* \*

Чўлнинг қоқ ўртасида идиш тўла сув нима қилиб туребди?! — тушуниш қийин эди

Бунинг устига, сув — тиник, тоза, тотли эди.

Карвон (сарсон-саргардон кишилар) Машҳад, Шероз, Ироқда, яна Шерозда бир неча йил (тажминан уч йил) тургандан кейин, қайтиб Ҳиротта йўл олган. Ҳуросон nibатan тинчигандек эди. Ҳамма ўз Ватани, уйига талпиниб, пароканда ҳалқ Язд чўли орқали кун ва тун илдам босар эди.

Алишер энди «йигитча» (саккиз-тўққиз ёшда) эканлигидан (сўнгти ҳолат!) бирорга ортиқча қарамай-эргашмай, ўзи от «ўйнатиб» боради. Тунда одамлар беҳад толиқишиганидан кўзлари қисилиб, бир мудрабмункиб, бир уйрониб, гўёки туш дарёсида юзадилар. Алишерни ҳам рафлат-уйку босади. Катталар уни «муҳофаза қилиб боришни унугтиб» қўйишиган; тизгини кўлдан чиқиб кеттан от ўзини эркин сезиб, ўт чимдимби-чалғиб, аста-аста карвондан четланга бошлайди. Бу етмагандек, Алишер уйку зўридан эгардан ерга сирғалиб тушганини пайқамайди; яланг ерда тош қотиб ухлаб қолаверади.

(Агар онаси — волидаси бирга бўлса, бундай воқеа эҳтимолки, рўй бермасди! Ота бепарво қараши мумкин. Лекин она боласи қаердаю қайси аҳводда эканлигини «унут»майди. Айниқса, нотинч пайтда боласини она жила қурса «кўнгли билан назорат» қилиб туради! Муарриҳлар: «Отаси ва биродарлари манзилга кўниб, у кишининг йўқлигини билишди», деб ёзишлиари ҳам менинг гумонимда асос борлигини кўрсатади.)

У ахийри уйрониб, офтоб ёйилгани, ўзининг «куруқ» ерда чўзилиб ётганини кўради. Қандай воқеа рўй берганини сезади. Атрофга аланглаб, от яқин ўртада ўтлаб юрганига кўзи тушади. Бир оз суюнади! Уни биёбонда

«ташлаб кетмаган» отнинг ёнига бориб, ёлларини си-  
лайди. Эгарни маҳкамлашга уринади. Ниҳоят, бўйи  
етмаганидан қийналиб-амаллаб, отга миниб олади.  
Мана, энди ўзининг йўл билмаслиги ва ёлғиз қолиб  
кеттани унинг «ёдига тушади».

Йўл излаб, ҳар ёнга от суради. Аммо йўл топил-  
майди. Сахро боласи эмас, шаҳар боласи бўлганидан,  
бепоён чўл (сахро)да ўзини нотавон, ночор ҳис этиб,  
юрагига чўккан ёлғизлик дам сайин — нимадан экан-  
лиги номаълум қўрқувга айлана бошлайди.

Офтоб шиддат билан кўк пештоқига чирмашади.  
Дашт-биёбон гуруллаб ёнади! Ҳаммаёқ оқиш-сарғиш  
тусга кирган. Тўрт томон мъиносиз от чоптириб, кўп  
ўтмай, у ҳам кузги сахро сингари куйиб-ҳолсизлана  
бошлайди. Қорни оч. Бундан ҳам ёмони, ёлғизлик ва  
қўрқувга ташналиқ «келиб қўшилади».

Шундан кейин, тез орада нега бу бепоёниликда тўрт  
ёққа от чоптираёттанига ажабланиб-тушунмаёттандек  
кайфият уйғонади. Бора-бора ёлғизлик ташвиши ҳам,  
энди аниқ сахродаги йиртқичлар, қашқирлару қузгун-  
ларга ем бўлиш мумкинлигидан безовталик (қўрқув)  
ҳам чекина бошлайди. Фақат ташналиқ азоби қолади!  
Унинг жисми-жони бир қултум сув тилайди. Сўнг «неки  
бўлса, бўлғаи».

Кутимаганда олис нуқтада —

нимадир қора кўринади.

Бу — бирон ҳароба гумбазими, сипоҳими, даштда-  
ги қуриган ёлғиз дараҳтми?! Алишер шу томон от  
солади. Бораверади. Бораверади! Яқинлаштанида, донг  
қотади. Каттакон ёғоч идишда сув!

У отдан сакраб тушиб, ютоқиб ичади. Отини ҳам  
сугоради. Қизиқ жойи, идишини ҳозиргина кимдир бу  
ерга келтириб қўйганга ўхшайди! Сув муздек. Тиник.  
Тоза. Тотли.

Бир дам бурун ҳушидан кетиб йиқилиб қолса, бас.  
Бунга қаноат ҳосил қилган, ҳаётдан умидини узган  
эди! Сув билан бирга унинг томирига қайтиб ҳаёт ки-  
ради.

Шу куни Алишер, Оллоҳнинг суйтан бандаси экан-  
ман, энди яшайман, деб ўйлади. Рӯз берган ҳолат  
унга буюк бир мужда бўлиб туялади.

Илк дафъа ЯШАШ НАҚАДАР ГАШТАЛ эканлиги-  
ни ҳис этади.

ҲАЁТГА чексиз МУҲАББАТ бехосдан кўксини  
тўлдириб юборади...

(Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,  
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.  
Ҳар неники севмак ондин ортиқ бўлмас —  
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.)

\* \* \*

Биёбон қаърида «пайдо бўлган» ёғоч идишдати сув  
кейин, бир умр унинг хотирасида қолади! (Умуман,  
карвон Язд шаҳридан чиққанидан буён йўлда сув уч-  
рамаган эди!) У йиллар давомида, яна неча бора сар-  
сон-саргардонлик кўриб, —

*орир машакқатларга дучор,  
уршнган-абгор,  
парча нонга зор,  
бир кимсалар ушида,  
коронги ҳужраларда бемор  
бўлганида, ҳар гал  
ўша ЁFOЧ ИДИШни эслайди!  
Оллоҳга шукронга келтиради.*

Фараҳли дамлар етиб, кўркам қаср-саройларда —

*унинг шаънига мадҳиялар тўқилган,  
барча таъзим қилиб-букилган,  
кумуш косалар, олтин қадаҳларда  
май тўлиб-тўқилган,  
бу дабдабалардан ўзича бир оз сиқилганда ҳам,  
ҳар гал у —  
ўша ЁFOЧ ИДИШни эслайди!  
Оллоҳга шукронга келтиради.*

\* \* \*

Ўшанда, биёбонда эса Алишер қийналиб-амаллаб  
яна отта минади.

Бу гал офтоб йўналишига қараб йўл қидиради.  
Ҳаш-паш демай, йўлни топади.  
Кетаётуб, хаёлга ботади.

Бейхтиёр, қанча одамлар бир қултум сув тополмай ҳайвонларға ем бўлишгани, сүяклари (сўнгаклари) Шу Бисбонда қолиб кеттанини ўйлади.

Лекин не-не карвонлар Бу Биёбонларда судралмаган!

Уларга (у каби баъзи инсонларга) Оллоҳ КЕРАК ПАЙТда сув ҳам етказганки, улар ЎЗ МАНЗИЛЛАРИ-га етиб олишган!

Унинг кўз олдидан умидли карвонлар ўтиб, келиб чиқиши аслида фуқаро — Буюк Боболари хаёлида жонланишади.

У Замонлар Бўйи Биёбонларда Судралган Карвонлар (Эл, Улус, Халқ) тўғрисида ўйлаб, шу куни илк дафъа, инсониятнинг бутун ҳаёт йўли, қисматини муайян Бир Шаклда тасаввур қиласди:

*Елизалик.*

*Безоваталик (қўрқув).*

*Ташналик.*

Шу куни, Алишер: «Агар халқда озгина нафинг тесса, билки, ўзингта бу наф кўпрак бўлиб қайтади!», яна: «Одам Халқ билан бирга Инсон бўла олади!» деган БҮЮК ЭЪТИҚОДНИ ўзи учун қашф этади.

(Кейинчалик у шеърларида ўқувчига мурожаат қилиб, ўзини қадам-бақадам Халқча ЯҚИН ТУТТАНИ кўринади.

Аввал:

эй соқий.

Кейин:

эй дўстлар.

Кейин:

эй рафиқ.

Нихоят:

эй азизим...)

\* \* \*

Алишер энди тўғри йўлдан бораётган эди.

Бир маҳал уни излаб юрган мулоzимга рўпара келади.

Улар бирга карвон қўнган манзилга етиб борадилар. (Яна, муаррихлар: «Ота ва биродарлари олдига» деб ёзишади.)

Алишер бўлган воқеани қисқача ҳикоя қилади.  
Аммо энг яқин кишилар ҳам...

\* \* \*

(ОЛДИНГИ ҲОЛАТЛАРдаги каби БУ ҲОЛАТда, бо-  
лалиқда)

у қандай Даҳшат ва Ҳайрат туйганини  
сезмай қолаверадилар!

(Даҳшат ва Ҳайрат кейин, доим унинг вужудида  
бир-бiri билан курашиб яшайди.

Шундай пайлар бўладики, у тушкунликка тушиб,  
алланечук қўрқув босиб, уйи-жойидан, шаҳардан, уму-  
ман ҳаётдан қаёқларгadir бош олиб кеттиси, қочтиси  
келади... Бир гал шундай пайтда Ҳусайн уни қаттиқ,  
тергаб, насиҳат қилгани маълум!

Лекин Даҳшат қутуриб, у таслим бўла бошлагани-  
да, бехосдан Ҳайрат туғилади. Янги тўлқиндек кўта-  
рилиб, Даҳшатни сурib ташлайди. Енгади... Эзилган-  
толган унинг вужудини Фолиб Ҳайрат эгаллайди! У  
Эҳтирос КУЧИдан энди —

ўзи-ўзига  
сигмайди.  
Шерми?! Қақнусми?! Бўлиб, —  
халқقا  
ва ҳар бир  
инсонга  
ўзини  
фидо Қилгиси  
келади...)

\* \* \*

Йигитчанинг исми кам учрайдиган — Бокир эди.  
Унинг машинаси бор эди.

У машинани бир оз бепарво ва бир оз кибр билан  
ҳайдар эди.

Бу воқеага ўттиз йилдан ошди.

Биз бир маҳалланинг болалари эдик.

Үйдан чиқиб, кўчада кетаёттанимда баъзан Бокир  
машинаси билан келиб қоларди.

Машинага таклиф қиласы Бораёттан жойимга (яқынми, узокми барыбір) олиб бориб күяды.

У шундай олижаноб зди. Ҳәётни нозик тушунарды, ақаллы зди. Ҳикмат десандыз, ҳикмат, латифа десандыз, латифа — сұхбати ширин зди.

Мен у билан сўзлашишин ёқтиардым. Яшириб ўтирумайман, менга (ўз машинам бўлмаганидан) гоҳгоҳ унинг машинасида юриш ҳам ёқарди. Бироқ бу машинага минишга қўрқардим.

Бокир машинани шамолга айлантириб юборарди. Бир неча марта баъзан дараҳт, баъзан деворга олиб бориб урганини эшигтанман. Бундай воқеа камида ҳар уч-тўрт ойда бир бўлиб турарди. Бошқа машиналар билан «туртишиб» Бокир жарима тўлаган, бундан куйган пайтлар ҳам бор. Лекин Худонинг берган феъли экан-да!

Дунёда бирон ҳайдовчи ёнида ўтирган кишининг гап ўргатиши, йўл кўрсатишини ёқтирумайди. Бу — тўғри ҳам эмас. Ҳайдовчини чалғитиши мумкин! Айниқса, шахсий машинада «доно»лик қилишни одоб ҳам кўтармайди. Мен буни билган ҳолда, оғайнимнинг машинасида кетаётисб, вақти-вақти билан:

— Секинрок! Эҳтиёт! — дердим.

Гоҳо ҳалқнинг гапини келтирадим:

— Тез борган жойга аста-секин ҳам етиб борса бўлади!

Гоҳо эса беозор ҳазиллашардим.

— Шошган қиз эрга ёлчимас!

Мен «тек ўтируманим» Бокирнинг ғашига текканини сезардим. Шунга қарамай, ўзимни мен ҳам «тўхтатолмас» здим...

Кейин Бокир маҳалладан кўчди.

Мен ҳам бошқа ёққа кетдим.

Ўтгиз йилдан кўпроқ вақт ичида биз қайтиб бирон марта учрашганимиз йўқ. Тақдир бизни йўлиқтирамади!

У тинч юрганмикан?

Худонинг Ўзи бало-қазолардан асраган бўлсин...

Мен бу воқеани нега эсладим?!

Беш-ўн кун тушунмай юриб, ахийри «кўзим очилди».

Алишерни тасвирлашни кўп йил орзу қилганим рост! Сўнгги йиллар изланиб-азобланадиганим ҳам рост! Аммо барибир...

Бокир машинасини ҳайдагандек ҳолатда эканман!  
Ахир, Навоий қиёфасини шошиб чизиб бўладими?!

### *Tўrtinchi gaftar*

Бир Валийнинг уйига тасодифан қўнган меҳмон.

— Сиз кимдансиз? — деб сўрабди.

Валий дарҳол саволга тушуниб:

— Ишқ аҳлидан! — деган экан.

Минг йилларки, эътиқодда учраган Катта Бўлиниш:

Зуҳд аҳли бор. Ишқ аҳли бор.

*Аҳли зуҳд ичра  
Навоий топмаги  
мақсадга йўл...*

Алишернинг мақсад йўли бошқа. У:

*Мени ишқдин  
манъ этар  
содга шайх, —*

деганида ўзининг Ишқ Аҳлидан эканлигини айтмоқчи бўлади.

Зуҳд аҳли (зоҳидлар) янгича тушунчада айтсан, эътиқодда расмиятта кўпроқ риоя қилишади. Улар учун дин баъзан шаклга айланади: ҳамма бир ўлчов, бир қолипда яшашини исташади. Ўзни (жисмни) ҳаётдаги «чанг-губор»лардан «тоза» тутишни улар рухни камол топтириш, деб тушунишади. (Алишер аксинча «Май мени қилди риёни порсоликдин халос!» дегани шундан.)

Ишқ аҳли (ошиқлар) у дунё баҳонасида бу дунёдан юз бурган (порсолик), аслида ҳукмронликни қўлга киритишга уринган (рие) зуҳд аҳлиниң қайсар-бетоқат, баъзан ҳатто шафқатсиз ҳатти-ҳаракатлари (тарихда бу доим бўлган; буюк бир инсонларни дорга осишлар, терисини шилишлар, гулханда ёқишлиар, ҳар

хил ғалаён ва исёnlар)дан норозилик сезишади. Эътиқодни ҳимоя қилиш ниқоби остида Одамга, Одамийликка қарши курашишни (жаҳолатни) жиноят деб билишади. Ошиқлар учун эътиқод — Ишқ; Биринчи ўринда — ишқ туради! Улар Шахс эркинлиги, ҳаётсеварлик тарафдори. Уларга Оллоҳнинг Ўзидан бўлак нарса керак эмас! Мана, шу Оллоҳнинг ўзига ЯҚИНЛИКни улар Рұхнинг Камолотта еттани, деб тушунишади. (Навоий шу боисдан ҳаттоки: «Зуҳд сенга бермади масжида файз!» дейди.)

Умуман, Биргина дин! — Икки Дунёқараш асосида ҳам ОЛЛОҲНИНГ БЮОКЛИГИГА ИҚРОР (ОЛЛОҲУ АҚБАР) ётади. Шунинг баробарида, булар орасидаги қаршилик (кураш) ҳеч қачон тўхтамаган. Бир замон айниқса, маданият-маърифатга айрича эътибор берилган Амир Темур, унинг фарзандлари даврида бу алоҳида аҳамият касб этган бўлса керакки, Алишер учун (ҳаёт ва ижода) Дунёқараши ниҳоятда муҳим! У танлаган устодлару топган дўстлар барчаси — ИШҚ АҲЛИДАН! Ҳофиз дейсизми? Анворми? Унинг пири Жомийми? У суюнган Лутфийми?! Алишер баъзи бир зотлар ҳақида: «Валий киши эрди!» дейди. «Дарвешсифат эрди!» деганида ҳам Ишқ Аҳлидан эканлигини кўзда тутади. Яна, Баҳоуддин Нақшбандга назм ва насрда мурожаатлар Ишқ Аҳли фалсафаси билан боғлиқ.

Қатъият, кескинлик — Алишерга хос. У зоҳида ҳурни бериб, ўзига жононани, жаннатни бериб, ўзига майхонани «олади». Бундан ҳам даҳшатлиси:

Манъ айласа борча аҳли ислом қадаҳ —  
Кофиремен, агар қўлмасам ошом қадаҳ...

Бу — наузамбилоҳ! — Алишер тоат-ибодатдан қўл ювиб, куфрга йўл туттан, қадаҳ, кўтариб, бадмастлик қилган, дегани эмас. («Жаҳондин нотамом ўтмак — ҳаммомдин нолок чиқмоқ!» Алишер буни тушунади.) У киноя билан сўзлайди. «Аҳли ислом» деганда, зуҳд аҳдининг катта бир тўда эканлигини кўзда тутади. Уларнинг ҳаётни улуғлашга, инсоннинг эркин ва баҳтиёр бўлишига қарши эканлиги унинг ғашига тегиб, баланд «парда»да жавоб қайтаради. (Бу ЗОҲИДЛАР-

нинг у билан муносабатини кескинлаштирган.) Яна. Бу — Ишқ Аҳлида бўлган Оллоҳда ЯҚИНЛИҚдан турилган ЭРКАЛИҚдир! (Буни инобатта олмай, Навоийни тушуниш мумкин эмас!) Қолаверса, қадаҳ, май — ичмоқ, мазмунидан кўпроқ Ишқ, рамзидир! Зуҳд олами билан ҳар қандай баҳсада Ишқ Аҳли фалсафаси акс этади!

\* \* \*

Шарқни билмаган киши, шеъриятда бор сир-синоатнинг тагига етолмайди.

Масалан, шеърда ўзини ЧЕККАН ИЗТИРОБдан ҳам кўпроқ ИЗТИРОБ ЧЕКАЁТГАНдек қилиб кўрсатиш! Ёки ўзи жафокаш бўлиб, ёрнинг бўйнига вафосизлик «ёрлигини осиши» («Топмадим гулчехралардин шаммае бўйи вафо»)! «Менинг қаршимда Мажнун ҳеч ким, Фарҳод гапиришга ҳам арзимайди!» қабилидаги лофми, муболага. (Фарҳод «қазмади мендек бало тоғини») Ҳаётда бундай бўлиши шарт эмас!

«Боғ, гул, булбул» сўzlари сингари ҳар қадамла «май» сўзи келади.

«Майхона (дайр).»

Кўпинча дайр тавоғ қилинганидан, уни ибодатжона деб ҳам тушуниш мумкин.

Дайр пири — бу ернинг мутасаддиси!

Алишер ёзади:

...ғавғо қилди шайх!

Кейин:

Тавба...

қиммадим шайх олдиға, —

ким, бу ишда

дайр пирининг ризосин кўрмадим!

У — сезган бўлсангиз, Ишқ Аҳли Пешвосини айтялти.

Лекин унинг учун:

Дайр пири ким?!

Румийми?!

Куброми?!

Ғиждувонийми?!

Қаңдай бўлмасин, Алишер ОШИҚЛАР сафига бе-  
кордан кирмаган...

\* \* \*

Дунеқарааш — ўқиб, токчага ташлаб қўядиган ки-  
тоб эмас

У — ҳаёт тарзи. Тириклик тарзи.

Кўпроқ шакл қолипи ва унга солинган лой!

Зуҳд оламига ўйлаб, балки юзлаб марта қарши чик-  
кан, исён кўтарган, —

ОШИҚЛИК (риндлик) билан ЗОҲИДЛИК (мутаас-  
силик)нинг чегарасини ажраттандан кейин, —

Алишер негадир азоблана бошлайди.

Иккиланаёттандек бўлади:

*Масжиққа неча — аҳли риёдек етайн,  
Ё ринг киби — азимати дайр этайнин,  
Мақсуг топилса, яхши, йўқса, нетайнин,  
Бошимни олиб қай сори эмди кетайн?*

Бу нима, у Зуҳд Аҳли билан Ишқ, Аҳли орасида  
паришонланиб турган пайтлар ҳам борми? «Қай сори  
кетиш»ни билмай?

У аввалига ОШИҚЛИКнинг ўзи мақсад, деб ўйлайди. ОШИҚЛАРнинг ЗОҲИДЛАРдан энг катта фарқи, ҳаётни Ақл билан бирга, асосан, Кўнгул Билан қабул қилишади! Кейин, қараса, бушиг (Ишқнинг) ўзи мақсад (мақсуд) бўлолмайди... Уни дунёга келиб-кетишнинг маъноси қизиқтиради! Биёбонларда Карвонлар Судралишидан мақсуд қаерда? «Гўзал бир намойишда Яратилган Инсон» (оят) бутун куч-кудрат, ақл-заковати билан қаёққа шошиб-телбаланиб бораёттир?! Унинг номукаммаллиги, бемаъни туриш-турмуши, кибр-ҳавоси, очкўзлиги, худбинлиги, бир-бирига хиёнати, қабиҳликларидан мақсуд қани?! Ёвузлик-осийлиги аён ҳолатда бадбаҳтилиги-ю, ҳеч бир гуноҳсиз ҳолда, ёрқин бир лаҳзалардан ташқари, муттасил ҳимоясизлиги, баҳтсизлиги — булардан мақсуд қани?! Ўзини совуқ тошларга урмоқдан мақсуд?!

*Ўн саккиз минг олам  
ихтироиъдин мақсуг?*

Шу пайтда Алишер дунёда шунчаки БИР ОДАМ сингари яшашни истаб қолади! Баъзан (ўзининг доим аниқ режали сканлигига зид) шундай хаёлга ҳам боради:

Не соғ ўлайки, чу боргумтур,  
ўлмайин маълум —  
Бу корхонанинг  
аижоми бирла оғози...

Унта «соғ ўлиш» (хушёр юриш)дан «мастлук» афзал туюла бошлайди. У гоҳ — сўз, рамзий ҳол эмас — амалда майга козланади («Тут қуёшдек жомни...»).

Дунёни, мацаққатли, кимсасиз (балки, маъносиз) ўз ҳаётини бир оз унтиб, ўзи-ўзини овуттиси, базм қургиси келади.

Дўстлур айлаб,  
тутунг гаҳ-гаҳ лабо-лаб жомким, —  
Қасди жон қилимиш менга  
дарди хумор...

Лекин «май» унга фақат шеърда ёқиши мумкин!

Бунинг устига, саройдаги «мажлис»лар ҳам, одатда, «бизнинг бирорга зиёнимиз йўқ, ширин сухбатлашамиз» деган тор улфатлар давраси ҳам кўпинча тинч ўтмайди:

Май ичса,  
тез ўлур — эл,  
соғда гар —  
ёвош куринур...

Толиқиб, у эзила бошлайди.

Баъзан ўзи-ўзидан хижолат ҳам чекади

Кеча  
бадмаст ўлонимдин,  
инфюолим бордур,  
Майни эмди  
оғзима олмас  
хаёлим бордур...

Худди шу пайтда у гоҳ, дунёдан, одамлардан буткул кўнгли совиганини сезади. Унга ўз ҳаёти олдингидан

хам күпроқ, мاشаққатли, кимсасиз (маъносиз) туюлади. Дунёни тарқ этишга шай кайфият туғилади. Кечакундуз яланг бўйра устида ўтириб, қаттиқ тоат-ибодатта берилади. Оллоҳга МУНОЖОТ — илтижолар қиласиди:

«Илоҳи, ғафлат уйқусидамен, бедор қил. Ва жаҳолат мастиғидамен, ҳушёр қил.

Илоҳи, ул бедорлиғни огоҳликка еткур. Ва бу ҳушёралиғни беиштибоҳликка улантур.

Илоҳи, агар афъолимға боқсам, уёт ўлдуур. Ва Сенинг карамингни соғинсам, умид танимға жон келтуур.

Илоҳи, тупроқдин эл кўзига тийралик етар. Ва Қуёш ашъя била Олам Аҳли кўзун равшан этар.

Илоҳи, тақдир қилронингни қилурга не ихтиёр. Қилмасмен, демакка кимнинг ҳадди бор?!»

Ниҳоят, Алишер:

Ўн саккиз минг олам  
иҳтироғъдин мақсад

ўз мақсуди билан боғлиқ, (вобаста) эканлигини ҳис этади!

Ишқ Аҳлиға ҳаром —  
уйку...

У яна ўзини болалиқдан бошланган азобли ўқиширганишга ундейди

Араб адабиётидан юонон фалсафаси (Афлотун, Арасту)ни ўрганади.

Ҳисоб ва мусиқа баҳонасида Фисогурс (Пифагор)-га кўзи тушади.

Искандар ҳаёти билан танишади.

Форс шеъриятини мукаммал ўзлаштиради.

Бир Ҳинд, бир Чин, бир Арман томон нигоҳ ташлайди!

БУТУН ДУНЁНИ кўра бошлайди!

ОЛЛОҲ, ДУНЁНИ ЯШАШ учун ЯРАТГАН...

ОШИҚЛИК (Ишқнинг ўзи) шакл, холос.

Унга ҲАЙРАТ мазмун бағишлайди!

Ҳайратдан Огоҳлик юзага келади.

Огоҳлик Максадга, мақсад Шиддатта айланади...

Уйга жияним (опамнинг ўғли) Холид келган эди. Бирордан озор чекканми, негадир тубанлик билан камолот ҳақида менга ярим соат «маъруза ўқиди».

*Кеч туңлар уйғотиб баъзан ушқудан,  
Менга бир ҳикматни эслатар юрак:  
Биз тубан бўлганда, ҳаёт ҳам тубан,  
Биз юксак бўлганда,  
ҳаёт ҳам юксак...*

Холид кеттандан кейин беихтиёр ўиланиб қолдим.

Тасаввур қилинадики, Буюк Инсон ҳаёти гүёки қироатхонага қарсаклар билан кириб, у ердан қарсаклар остида чиқиб кетишга ўхшайди.

Яна тасаввур қилинадики, Буюк Инсон ҳаёти ялтираб ётган силлиқ йўл. Унинг усти ҳам ялтир-юлтур. Йўлда ҳеч кимга парво қилмай, кеккайиб кетяпти.

Ҳолбуки...

Буюк Инсонни ўз даврида ҳамма Буюк Инсон, деявермайди!

Ҳолбуки...

Ана, Ҳусайннинг ифлос бир ошпази! Бурнини этағига артиб, сабзи тўйрайдиган. Алишерни кўчада учратиб, саройда бутун сизни ғийбат қилишди, дейди. Озор етказади.

Ёки ипириски бир сартарош! Шоҳнинг соқолини кузаб келяпман, сизнинг соқолингизни тагидан олиб ташлашим ҳам мумкин, деб тегишади.

Кейин-чи??!

Кейин ҳам турли даврда унга муносабат турлича бўлаверади!

Ана, Янги Тарих...

Шундай бир давр учрайди:

*Шоҳ — душман.  
Вазир — душман.  
Бек — душман.*

*Бой — душман.  
Мулла — душман.  
Табиб — душман.*

Фақат Ишчи билан Дәхқон қолади.

(Үроқ ва Болға!)

Алишерни Ишчига ҳам, Дәхқонга ҳам боғлаёлмай-сан.

Хүп. У Дўстми ёки Душман?!

Кулагиали. Лекин бир кунлар шу тарзда масала кўндаланг қўйилган!

Навоий номини тилга олиш ман этилган.

(Чол-кампирлар унинг китобларини яширин бағирларига босишган Менга ўшаш невараларига баъзан «дадиллик» қилиб, ўқиб ҳам беришган.)

Пайти келиб, ахийри (зиёлилар курашиб) Алишерга «у барибир, Ҳалқни ўйлаган. Ишчи билан Дәхқонга хайриҳо!» деган «оқлов» топилган. Навоий ҳаёти ҳақида ярим-ёрти (бутун ҳақиқат эмас!) гапириш, унинг езганларини ярим-ёрти (тўла ҳолда эмас) босишга «руҳсат» берилган.

Бизнинг авлодимиз Навоийни яхши билмайди.

(Қозонда овқат бўлмаса, қопқоқни очишнинг маънени йўқ!)

Зулм натижасида унинг бирон китоби хатосиз, тўғри босилмаган

(Үроқ ва Болға!)

(Ўриб Ташлаш ва Бошга Тушириш учун!)

«Оқлов»дан кейин баъзи бир олимлар ортиқча ҳаяжонланиб ҳам кеттан! Улар Алишерга бўйинбоғ тақиб, чўнтағига «дафтарча» солиб қўйишларига оз қолган! Унинг Зуҳд Аҳли билан баҳсидан даҳриёна ўйинлар излашган! У Жомийга зргашиб, Авлиё Мақомотига яқинлашганидан бехабар бўлишганми?! Бу ҳақда ўйлашмаганми?!

(Мана, энди давр ўзгарганида, тескариси Ўша олимлар маънога етиб-етмай, унинг ҳар бир сатридан Илоҳият «топишяпти». Буни «исбот»лашга уринишяпти! Бу ишнинг ўзи ширкка айланишини уларга бирор айтса-чи!)

Иллар давомида баъзан булдай муносабатни ҳам кузаттганман:

«Навоий зодагон! Ҳалқдан узоқ...»

(Тилинг кесилсинг! Неча аср муқаддам ҳалқим, деб жони ачиған ОДАМга тош отасанми?!

У бир куни эл ичидан сенга ўхшаганлар ҳам «чи-  
киш»ини билиб:

*Мен жаҳондин кечдим-у,  
кечмас менинг жонимдин эл... —*

дегандир-да! Ойнага қара, у ўшандаёқ сенинг баша-  
ранғни күрсаттан.

*Тонимаслар бир-бирин  
ёқсан мазилат гардидин...)*

«Навоий мураккаб! Тушуниш қийин...»

(Ўл-а! У бир куни сенинг саводсиз ва эринчоқ бў-  
лишингни ўйлабмиди?! Тушунмасант, ўқи. Ўрган! Се-  
нинг бурун жийиришингни эса у олдиндан «кўрган»:

*Ҳар замон душманларим  
озурдадур...)*

Қисқаси,

Алишер (Буюк Инсон) вақтида

ўзига нисбатан МУНОСАБАТга

айрича эътибор берган

(Хусайннинг ўзгарувчан муносабати шундан, баъ-  
зан унга малол келган!)

Бу олифталиқдан эмас. Ўз даражаси, ҳурматини бил-  
гандан!

(Унинг руҳи ҳозир ҳам Бизнинг Муносабатимизни  
кузатади!)

У, дунёда яшаб, энг ёмон кўргани — ЖАҲОЛАТ.

Зероки, ЖОҲИЛ:

*Нур — эл кўзидин англаса,  
ўз кўзида кам...  
Эл кўзини ҳам ўйтай-у,  
ўз кўзини ҳам...*

\* \* \*

Ҳаётда

Алишер

кўпроқ, сяянган тариқат:

*Қалб — севиш учун.  
Қўл — иш учун...*

Қалб — севмай турмас. Севмай туролмас!

Бор, гул, булбул, май, булат ва офтоб, илиқ ва со-  
вук, шамоллар, эзгин ёмғирлар — Ёр борлигидан бор.  
Бўлмаса, булатнинг кераги иўқ! Ёр теграсида бу-  
лар — бир манзара! Алишер Ёрга мурожаат қилиш  
баҳонасида, манзарани чизади.

Унинг деярли барча асарлари Ёр ҳақида!

Ишқ ҳақида!

Хофиз айтмоқчи.

*Бошда ишқ осон туюлди,  
сунгра пайдо бўлди мушкуллар..*

Алишер асарларини, айниқса, ғазалларини (ана, «Ҳазоин-ул маоний» — «Маънолар ҳазинаси») қайта-  
қайта ўқийман

Ғазалларда Қайси Ёр тасвириланган?!

Оҳанг, руҳ ҳар хил..

энг аввало, у Оллоҳни улуглайди.

(Илоҳият ҳақидағи гапда бир оз жон бор. Оллоҳни  
севиш Ишқ, Аҳли ижодида мартаба саналади. Сўзга  
рамзий бир маънолар берилади.)

*Ёр аксин майдо кўр, деб  
жомдин чиқди садо ..*

(Ёр — Омоя,

Жом — олам.

Май — ҳаёт.)

Шоҳни Ёр тимсолида кўриб, ундан «ўпкаланиб»  
ёзган ғазаллар ҳам йўқ, эмас:

*Кимса кўнглин, кимсадин истаб вафо, олдурмасун,  
Ким, менга худ еттаги ул кўнглум олондин вафо...*

(Шундан кейин, гап ким ҳақда эканлигини очиқ  
ҳам айтади:

*Эй Навоий, гар вафосиз чиқди ул Султон Ҳусайн,  
Топинг элдинким, тиларсен эмди сultonдин, вафо...)*

Баъзан Халқни — Ёр деб ундан шикоятланган сатр-  
лар ҳам кўринади. Тахминан:

Ҳар киши ёр олдида дер, чинни ҳам, ёлғонни ҳам,  
Ваҳқи, ул бовар қилур воқеъни ҳам, бўхтонни ҳам...

(Сал кейинроқ, «гап эгасини» топади:

Эй кўнгул, давр аҳлига йўқ ваъдау паймон...)

Баъзан эса чиройли одам, умуман чирой баҳонаси-  
да меҳр билан ишқ орасидаги ҳолат:

Мен қари қулдурман, ул мирзо йигит... —

дегандек.

Алишер Биринчи Мұхаббати — Гулинин эслаб ҳам  
нималардир ёзади:

Ёшрунғон эмиш қаро булуғға моҳим,  
Гардунни совурмоққа эрур шилдоҳим,  
Кирмиш қора тупроққа қуёшдек шоҳим,  
Нечун қора қымасун фалакни оҳим?!

Демак, «Ёр кўйида» унинг ёзганлари, асосан:

Оллоҳа,  
Шоҳга,  
Халиқа,  
Чиройли одамга,  
Гулига  
багишланган.

(Шу холосми?!

Озгина сабр!

Гап ҳали тутагани йўқ.)

У ўз ҳаётида аввалидан ЁЛҒИЗЛИК туйган.

(Болалиқда китобга берилиб, ота-онасидан бир оз  
«узоқ»лашади; кейин саҳрода Ёлғиз қолади.)

(Онаси ва отасидан айрилиб, ёшлиқда Гулинин ҳам  
йўқоттач, Ёлғизликка умуман қисмат, деб қарай бош-  
лайди.)

Алишер укаларидан ёлчиган, дейиш қийин.

(Катта дараҳт яқинидаги ниҳоллар заиф, сўлғин  
ўсади!

Бўлмаса, Улуг'бекнинг ўли ахир, мулкпаст, шух-  
ратпаст, сотқин ва қотил чиқармиди?! Бу — даҳ-  
шатли бир қонуниятми...)

Алишернинг ўзи ҳам укаларига ортиқча меҳрми,  
эътиборми кўрсатолмаган!

Улардан бири (Дарвеш Али) — қизиқсон, бадгумон, бардошсиз.

Бошқаси (Амир Ҳайдар) — бир ишни оддин қилиб кўйиб, кейин у ҳақда ўйлайдиган, бирорлар галига тез кирадиган, сал девонаваш.

Лекин улар (Абдуллатиф эмас!) барибир Алишерни яхши кўришади. Алишер билан фахрланишади! Керак бўлса (Алишерга озор еттанини билишса ёки уларга шундай тутюлса), ҳатто Ҳусайндан уни ҳимоя қилгилари келади. Уларнинг акаси ҳақида ўйлаб, баъзан ҳар ёққа от суришлари — Алишер ҳаётидаги жуда таъсирилди ҳолат!

Шунга қарамай, у ўзини ЁЛҒИЗ сезади

Яна ЗИДДИЯТ!

Алишер бирон пайт одамлардан ажралиб яшамаган. Шунинг баробарида, унинг умри ЁЛҒИЗЛИКда ўтади.

У бир умр муҳаббатни кўйлади. Шу билан бирга, унинг ҳаёти асосини ҲИЖРОН (айрилик) тапкил этади

Бу ҳолатни ўзи ҳам билганки, КИМГАДИР баришлаб ёзган разада:

Мен агар маҳрум эдим, —  
маҳрам ҳам эрмас эрди ул,  
Кўнглум ар озурда эрди, —  
лек миннатдор эди...

ЁЛҒИЗЛИК — ФАҚАТ Гулита тегишли бўлмаганидек, ҲИЖРОНни ҳам фақат Гулита борлик, деёлмаймиз. Алишер учун ҲИЖРОН аввалдан келган ЁЛҒИЗЛИКнинг давомидир:

Эй Навоий, чун рафиқе топмадим. Бу руссадин  
Ўзни бекаслиғ балосига гирифтор истадим.

Қандай бўлмасин, қўзга ташланадиган манзара:  
Русса ва ҳижрон!  
Ҳижрон ва русса!

Ҳажрдин асру ҳазинмен..  
Телбарармен руссадин..  
Мен ютмогон хунобу ҳижрон қолдиму...

У Ҳижрон Азоби ва Елғизлик (русса)ни енгил, бор иқтидори, бор имконини ЁЗИШ (ижод) йўлига тикади:

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

«Шукру сано УЛ ҚОДИРғаким, чун адам осойишгоҳидин вужуд ороиши огоҳларига жилва берди; инсонни сойир маҳлуқотдин нутқ шарафи била мумтоз қалди...

бу хокори паришонрӯзгор..

ишқим ошуби тутёнига ҳар суубатким юзланур эрди, чун бир ҳамдард рафиқим йўқ эрдиким, дардимдин шаммае изҳор қилгаймен. Бирор байт бирла ул ҳол мазмунин назм қилиб, кўнглумни холи қилур эрдим! Ва жунуним шиддати галаёнига ҳар ошубким, олдимға келур эрди, чун ҳамзабон мушфиқим йўқ эрдики, маҳфий ўтумни ошкоро эткаймен. Бирор матлаъ била ул маънони адо қилиб, қаттиғ ҳолимни шарҳ этар эрдим...»

Энди бундай (ЗИДДИЯТ)!

Бир томондан, у

Ҳижрондан азбланиб,

Ёлғизлиқдан оғриниб,

булар ўз насиби эканлигидан зорланиб юрали

(Асарларида «ҳоли қаттиғ» эканлигини яширмай ёзади!)

Иккинчи томондан, ўзига

«ҳамдард рафиқ», «ҳамзабон мушфиқ» топишни қандайдир

хаёлига ҳам келтирмайди

Аксинча:

Эй Навоий, эр эсанг,

дунё арусин қил талоқ,

Бир йўле бўлма забун

бу золи-маккор олида...

(Яъни йигит бўлсанг, «дунё арусин» —

Аёл қиёфасидаги Дунёни талоқ қилин,

унинг макрига учмагин...)

Бундан тушкунлик (тарки дунёчилик) излаш жоиз эмас

Гал Аёл устида боряпти!

Кўнглида яшаган ЁЛҒИЗЛАИК ва енида «бир маҳрам» бўлмаганини айтмагандан, Алишер каби АРБОБНИ ҳаётда ЁЛҒИЗ қолган дейин қийин. Унинг умри ДАВРАЛАРда ўтади! Бу давралардан айримларида Дуне Мумаммолари ҳал этилса, айримларида ширин сұхбатлар, шеърхонликлар, мусиқа тинглашлар... баҳслар ва ҳаттоқи баязан қалтис ҳазиллар!

Уша давраларда (тариҳда) Алишер билан кўпроқ баҳслашган, унга аёвсиз тегишиб-ҳазиллашган киши — Камолиддин Али бўлиши керак...

\* \* \*

Навоий билан Бу Одамнинг муносабатини гоҳо душманлик деб билишган! Гоҳида икки ижодкор орасидағи рашиқка, гоҳида ғайирликка йўйишган. Аслида, ҳаммаси оддий...

Муҳаммад Сабзнинг ўғли Камолиддин Али Ҳиротда туғилган. Ёшлиқдан хаттотлик, тарих, мусиқа ва нағзимда арзирли бир ишлар қила бошлаган. («Бароят қобилияти бор.») У аввалига Ҳолий тахаллусида шеърлар ёзган. Отаси меъмор бўлгани учундир, кейинчалик Биноий деган тахаллусни олган.

Қисмати фоже инсонлардан.

Одамлар билан унчалик чиқишиломмаган. («Эл таъну ташниидин Ҳирийда туролмай, Ироқقا борди... Кўп ғурбат ва шикастлиқлар тортди; умид улким, нафсиға ҳам шикаст ва тавозеъ етмиш бўлрай.»)

Ҳиротта бир неча бора келиб, туролмай кетади («фақр тарийқин иктиёр қилди»). Самарқандда Захириддин Бобур, сўнг Муҳаммад Шайбонийхон дарборида хизмат қиласи. Шайбоний лашкари билан яна Ҳиротга келади. Аммо шоҳ Исмоил сафавий (сафавийлар) Ҳиротни эгаллаши арафасида Амударёдан кечиб, Қаршига боради. Нажми Соний бошчилигидаги Сафавий лашкари Мовароуннахрнинг анча ерларини босиб олиб, талаб, ҳалқни қатлиом қилганида, қўпчилик орасида у ҳам шаҳид бўлади. (Бу воқеалар жилма кейин рўй беради.)

Ҳиротда турган йиллари, Биноий маълум муддат Жомий ва Навоий даврасига киради. Лекин («пири ва муршиди йўқ эрди») бу даврала узоқ юролмайди. «Бино

яратиши»дан күпроқ ўзига «бино қўниш» хислатими, катталар билан эркаланиб-тент муомалага киришаверганими, Алишернинг ғашига теккан кўринади! Биноий аслини олганда, Алишердан 12 ёш кичик эди. Буни ўйлаб ўтиrmай, у бемалол ҳазиллашади. Алишер ҳам кескин жавоб қайтаради. Ана, Алишернинг уйида бир давра. Ҳовлида итни кўриб.

Биноий:

— Бу уйнинг итлари ҳам наво қилади, — деса,

Навоий:

— Кичиклигидан бокиб парвариш қиласанмиз. Энди биноий бўлиб қолди, — дейди.

Инсоф юзасидан, Алишер ўзи Биноийга биринчи бўлиб тегишган пайтлар ҳам учрайди.

Бир куни даврада ўтириб, у:

— Ҳиротда оёғингни чўэсанг, шоирнинг кетига тегади, — дейди.

Биноий кулади:

— Йиғсанг ҳам...

\* \* \*

ЁЛГИЗЛИКдан ички бир норозилик ва Бунга Зид ЁЛГИЗЛИК истаги! — Алишернинг ҳолати барибир кишини эсанкиратади! Эҳтимол, шу боисдан, унинг шахсий ҳаёти ўз даврида ҳаммани қизиқтирган. (У нега уйланмаган, ҳозир ҳам одамларни қизиқтиради.)

Бир ғазалда Алишер: «Айламанг бекаслиғимни таън...» дейди. Сал ошириб айтилган! Унга ўз даврида ҳеч ким «бекаслиғи» (ёлғизлиги)ни таъна қилмаган.

Қизиқиши бор.

Таъна йўқ!

Бу — бирор ундан қисиниб, ботинмагани ёки гапиришни эп кўрмаганидан эмас. Инсон сифатида мабодо бир қусур (ожизлик) сезилса, «ўйиб оладиган»лар топиларди. Мен айтмоқчиман, Биноийнинг ўзи уни «еб ташлар» эди!

\* \* \*

Унинг ҳолатини Ҳусайн «поқдоманлик ва риёзат сабаб» деб тушунтирган бўлади.

Шоҳнинг суюкли хотини Ҳадича оғо бегимни бу гап Қаноатлантирумайди. Ривоят буйича, Давлатбаҳт деган канизакни Ҳадича «имтиҳон учун» бир оқшом Алишернинг уйига киритиб юборади. Улар туни бўни суҳбатланшишади.

Бу ривоят вақтида қанчалик батафсил ёзилган бўлмасин, «кемтик» жойлари кўринади. (Алишер Ҳусайн ва Ҳадичадан ақдироқ, айтиш мумкинки, «мумбабирроқ». Адашмасам, қайси бир дафтарда оддин ҳам ёзгацдим, у ўз ҳаётини атрофдагилар кўзидан «пардалаган», яширган! Ҳозиргача унинг ҳаёти гиж-гиж сир-жумбоқ эканлиги ҳам балки, шундан!) Алишер билан Давлатбаҳт бир-бирига нисбатан аввалдан яқинлик сезган. Бўлмаса, Алишер уйида канизакнинг қолишига изн бермасди. Давлатбаҳт ҳам Ҳадичанинг «шумлиги»га қараб, «шарт»ни бажаравермасди. Ўша давр шароити (итоат, қуллик ва чўрилиқ)ни минг инобатта олганда ҳам, Кўнгул Ҳукми муҳим! Менимча, шундай.

Бошқа бир ривоят:

«Бор сайлига чиқувчи қизлар Алишерни сўзлатишга (Алишер билан гаплашишга) ишқибоз (муштоқ) эканлар. Шоир ён бермай, уларни ўзита йўлатмай юрар экан.

Улар ҳазиллашиб, аксар унинг давотими, дафтари ми, патқалами ми — ўтилаб, яшириб қўйишар экан...»

Нима қиласанда ҳам, Алишернинг оддида АЁЛЛАР «умалашишгани» аниқ!

Алишер келиштан йигит Чиройли! Юзи нурли. Кўзлари чақнаган. Порлаган! Хушқомат. Одими тез. Ҳаракати эпчил! Унинг ўзини тутиш одоби айниқса мафтун этади.

Алишернинг ўзи ҳам АЁЛ ОЛАМИни яхши билгани шубҳасиз!

Ана, биргина тасвир:

Ё Раб, бу не гулдирким,  
бошига чечак санчар,  
Гаҳ элри кўяр бўркин,  
гаҳ белга этак санчар ..

Унинг ёзганларида кўпинча Йигитлик Шаъни ҳақида ҳам сўз боради:

Йигитликинг ҳаққи...  
Йигитлик бирла ошиқ шевалик  
үз ихтиёримға...

Умуман:

У Кучли Инсон.

Ҳар жиҳатдан КУЧЛИ.

Жисман!

Давлат ишида юриб, ҳар қадамда халқнинг ҳожатини чиқариб, яна тун-кун ўзи учун меҳнат қилиш кобилиятига – уни билганлар доим ажабланишган.

Рұхан!

Аниқ, мақсад билан, ўйланган, ўлчовли тартибда яшаган бундай чинакам маънода – иродали шахслар дунёда кам топилади.

Эҳтироси шу қадар шиддатлики! —

... ўтлуғ дамимдин вакъм қил

Қисқаси, у ўз ҳаётини (дунё «кўрки»га маҳлиё бўлишдан сақланибми, нафсини тийибми?!?) онгли рашида ЕЛҒИЗЛИК ва ҲИЖРОН «илкида» ўтказади! (Шу боисдандир, баъзан. «Бу умр бирла юруб, ўлмаган менинг жоним! — деб ўйлади.)

Шунинг баробарида, унинг «Ёр кўйида» ёзган (Оллоҳга, Шоҳга, Халқقا, Чироили одамга, Гулуга бағишланган асарларидан ташқари) яна Икки ТҮР разаллари кўзга ташланадики, Булар ва буларнинг ЭГАСИни ҳар ҳолда эслаш керак.

\* \* \*

Булардан биринчиси...

Бор эди ул ҳамки, бир чор, бирга ёри — бор эди,  
Кулли ар ёр ўлмаса, филжумла бори — ёр эди.

Филжумла бори — ёр!

Буни — кўнгул майлари деймизми, ўткинчи эп-  
кинларми?!

Илтимосим булдуурким, борча элдин ёшурун —  
Қылғасен, мискин Навоий дардин изҳор, эй кўнгул.

Албатта, борча элдин ёшурун!

Алишернинг КИМЛАРгадир шунчаки кўнгли кетганми?!

У КИМЛАРнидир шунчаки ёқтирганми?!

Ошиқ ўлдум, билмадим, ёр ўзгаларга ёр эмиш,  
Оллоҳ-Оллоҳ! Ишқ аро мундоқ балолар бор эмиш.

«Ёр ўзгаларга ёр» бўлиши шарт эмас! Бу — ғазалда, Рақиб (ишққа моне куч ҳам) борлигини кўрсатиш учун келади. Лекин Алишер ошиқ бўлгани рост!

Дам-бадам жоми тараб — ҳайр ила ул моҳ чекиб,  
Мен йироқдин боқибон, қон ютибу оҳ чекиб...

Аксар йироқдин боқибон, албатта!

Муносабат баъзан оддий, фақат ҳавас билан тутаган бўлиши мумкин:

Лабларингким, ҳайф эрур тенг тутмоқ они қанг  
ила...

Ёки:

Кўзунгки, қуфр ила юз динга солди вайронлиғ,  
Худой учун, тий они! Йўқмутир мусулмонлиғ?!

Баъзан (қаисидир Ёр билан, афтидан) муносабат анча яқинлашиб қолган:

Ваҳки, чамандин яна эсди шамол ўзгача...

Ёки:

Оразингни боғ аро чун кўрди, ҳайрон бўлди гул...

Ким биландир муносабат беихтиёр чуқурлашган ҳам кўринади:

Эй Навоий, хўбларни — кўрма осонлиғ билан,  
Ким, бирорким, солди кўз — узмак кўнгул душвор  
эмис...

Ва албатта:

Бўсае қилмас мурувват, асру қаттиғур лабинг...

Воқеанинг яқуни:

Лабларингдин гарчи қон ютмоқ дамо-дамтур манго,  
Гар даме — жоми висолинг йиқса, не ғамтур манго...

Бу муносабатларнинг ҳар гал умри қисқа кечган!  
Аввал:

*Мубтало бўлдим санго...*

Кейин:

*Не балолиғ кун эдиким, ошно бўлдум санго...*

Нихоят:

*Ошнолиғ тарк этиб,  
чун ёр этар бегоналиқ...*

Гулига ёшлиқдаги Чексиз Мұхаббатдан кейин бу муносабатлар (филжумла бори — Ёр!) бир оз «мавжумми, хира» чизилган расмни эслатади. Тасодиф санамлар билан «ошнолиғ» (табиийки) Катта Бир Мұхаббат эмас, Алишернинг юрагидаги Мұхаббат эҳтиёжидан «сачраган» учукунлардир! Аммо Алишер Буюк Шоир эканлигидан шу «учкунлар»ни ҳам Катта Бир Мұхаббатта «айлантиради».

\* \* \*

Унинг Гули билан муносабати ёшликка хос, содда эди.

У Гулини умри сўнгигача барибир эслайди. Мұхаббати ҳам юрагида сақланади!

Бироқ Буюк Шоир етуклиқ даврида Бошқа, Номаълум Гўзални севмаслиги, Катта Бир Мұхаббатни ҳис этмаслиги мумкин эмас...

уни куйламаслиги мумкин эмас эди.

Яъни:

*Гар наво топса Навоий  
лабларингни зикридин...*

\* \* \*

Демак, иккинчиси...  
НОМАЪЛУМ ГЎЗАЛ!

\* \* \*

**БИР ПАРИ-ПАЙКАР** яами ошуфтаҳол этмиш мени,  
**ЭЛГА АҲВОЛИМ** демакдин гунгу лол этмиш мени...

*ЕР КҮЙИ* ичраким, туфроғ ила тенг бўлмишам,  
*ИШҚ FABFOСI* бу янглии поймол этмиш мени...

Яъни:

*УЛ ПАРИ* савдоси...

Ва:

*МАЖНУН* мисол этмиш мени...

Алишернинг ҳаётига Номаълум Гўзал қачон, қандай кириб келган?! — айтиш қийин.

Бир нарса аён:

Алишер УНИ шундай севади, бу «савдо»га шундай берилиб кетадики... одатта хилоф, бу гал ўз ҳолатини ортиқча яширмайди:

*Ишқ маҳфий қолмас охири...*  
*Мен ҳам оввал кўп ёшурдим...*

(Замондошлари ҳам, биз ҳам ВОҚЕАни билмаганимиз бефарқлиқданми?! Гўлликданми?!)

Бир пайт Гуллига бағишлиб ёзганларида бўлганидек, унинг ғазалларида яна ранглар тиникдаплади! Шарқ шеъриятида бор шартларни бузмаган ҳолда, уларга энди гуркираб ҲАЕТ киради. Эҳтирос «даражаси» юксалади!

(Шу ўринда айтаман Номаълум Гўзал бўлмаса, фактат ғазаллар эмас, Алишер «Хамса»ни ёзганида ҳам Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширинлар ишқини «тўлиб» чизолмас эди! Унга ҳатто Гули ҳам «ёрдам» беролмас эди!)

Кисқаси, ойдин-равшан БИР МАНЗАРА...

\* \* \*

У нега Номаълум Гўзалга эътибор берганини билмас эди!

Лекин ўзича бундай ҳаёлга боргани аниқ;

...юзун очса!

Ўз устидан кулиб қўйгани ҳам аниқ;

Құруқ шох, үйлаким,  
зоҳир қылур гуллар,  
баҳор үлгач...

Хўп.

Ўша куними, кейинми Номаълум Гўзал билан у танишади! Сўзлашади.

Ўша куними, кейинми Номаълум Гўзал унга юзини очади.

Кўргач ул ойни, —  
жуунундинким  
йиқилдим.

Алишер ўзи кутмаган ҳолда Номаълум Гўзални қаттиқ севиб, телбаланиб қолади.

Бундай бўлганига унинг қандайдир ишонгиси ҳам келмайди!

Кейин, бир куни шу боисдан, бу учрашувни эслаб, Бутун Муносабатга назар ташлаб, у ёзади:

Бўлмагай эрди жамолинг мунча зебо, кошки,  
Бўлса ҳам, қилгай эдинг кўзлардин ихфо, кошки,  
Қилмагай эрдинг улус қатлин таманно, кошки,  
Очмагай эрдинг жамоли оламоро, кошки,  
Солмагай эрдинг бори — оламға гавғо, кошки.

Эмдиким, очдинг жамол-у, ҳалқ шла қилдинг ситеz,  
Кўргач они, хайли ишқинг тортибон юз тийғи тез,  
Қилдилар кўнглумни ҳижрон ҳаңжаридин рез-рез,  
Чун жамолинг жилваси оламға солди рустахез,  
Қилмагай эрди кўзум они тамошо, кошки...

Ва яна:

Бўлмагай эрди, кўзум ўтлур юзунг кўрган замон —  
Ишқинг ўти шуъласи кўнглумда пайдо, кошки...

Яна:

Айлагач зулфинг балоси зор кўнглумни ҳазин, —  
Қилмагай эрдинг мени — маҳзунга парво, кошки...

Бутун Муносабат ҳақида эса:

... чеҳра бурқаъдин намудор айлабон! —

Ва:

*Күнглум олонда, дедині; сендин даме айримайин...*

(Бир оз илдам юрдим!)

Дастлабки учрашув ўттач...

*Бода тут, соқийки, айёми висол ўлди яна,  
Даст берди шодлиғ. Қам поймол ўлди яна.*

Ва шубхасиз:

*Борқали күйшің әгнимдин чиқар гүё қанот..*

Киши ҳайрон қоласан!

Алишер қайта-қайта ўзига Катта Бир Мұхаббат буюрганига иқрор бўлади. Лекин атрофдагилардан ҳеч ким буни сезмайди! Ҳамма унинг «бекаслиғи»га қизиқиб юраверади.

Алишер Номаълум Гўзал билан бот-бот учраша бошлайди Улар орасида чинакам МУҲАББАТ ДАМЛАРИ кечади. Лекин атрофдагилар ҳеч нарсани кўрмайдилар! Эшитмайдилар! Одамларни «шакланган тайёр тасаввур» чаллитганмикин?!

Ана, умумий тарзда яна у эслатади:

*Кимки, онинг БИР МАЛАК-СИЙМО,*

*ПАРИВАШ ёри бор. —*

*Одами бўлса! — пари бирла малакдин ори бор.*

Энди аниқ ҳолат:

*Кўрмадим ЖОНОННИ ўтиган кун ҳаётим йўқ эди...*

Номаълум Гўзалнинг ўзига қаратса, тан олган ҳолда:

*Ҳақ тонуқдурким, тириклиқдин менга сенсан —*

*(Яъни, Ҳудо шоҳид, ҳаётим мазмуни — сен!) мурод?*

Алишернинг (асосан, умри ЁЛҒИЗЛИҚда ўтган Инсоннинг) аҳволи маълум:

*Қачон даврон менга бир бўйла ишратни раво  
кўргаёт!*

*Ки, ўрганмиш мени ўртарга — ҳижрон гарду*

*доғинга!*

У ўзича орзу қиласи:

*Не хуш бўлрай, икковлон масти бўлсоқ, васл боғинда,  
Кўлум бўлса онинг бўйнидаю оғизм қулогинда.*

Ва шундан сўнг, албатта:

*... бошим оёғинга!*

Нихоят, улар «икковлон» хилват бир гўшада кўришадилар:

*Ёрдин келди сабо, кеч келмакин айларга фош!*

(Унинг ғазалларида «кеч, кеча» сўзлари «тун» мазмунида келади.)

Номаълум Гўзалнинг қиёфасини у энди «сочиқ» бир рангларда тасвиirlайди:

*Илкин ул гулранг этибдур – лола яфроғи била,  
Кафтларин – барги била, тирновларин – доги била..*

«Яқинроқ» келиб:

*Кирди симобий либос ичра яна ул гулъузор...  
Бу либоси-сиймгун ичра сенинг нозик танинг...*

Ва албатта:

*Кўз бирла қошинг яхши, қабогинг яхши...  
... бошдин-оёғинг яхши!*

Шу куни (тўғрироғи, шу «кеч»):

*Ойу хуршидингни йир, эй чархи гардун!  
Ким, бу дам –  
Ҳамдам ул ой чехралик...  
Ким, бу кун ҳамсуҳбат ул сарви суманбар...  
Ким, шабистон – меҳр шамъидин мунаввар...  
Ҳеч билмонким, топибмен васлини!*

Номаълум Гўзал кеттандан кейин:

*Эй Навоий, тан қолиб,  
жонимни олиб борди ёр...*

Мана, бу – минглаб ғазалдан бири, бошқаларни билмадим, шахсан ўзим неча бора ўқиб, Алишер УША КУНЛАРни, ажабки, бўяб-бежамай, БОРИЧА, МУКАММАЛ тасвиirlаганини сезмаган эканман! Бехосдан дик-қат қилиб, донг қотдим.

Худодан яширмаган бандадан яширмайды!

Алишер ўшанда чамаси, ўзининг «дунё арусин талоқ қилиш» ҳақидағи АҲДИ бузилаёттани, одамлар маломати, бу ишнинг охири ёмон бўлиши мумкиниги — ҳеч нарсани ўйламаган! Оламдан кетаёттган ИНСОН Сингари ЯЛАНГ НАМОЙИШда эл-улус қарши-сига чиққан!

*Гар жафо қил, гар вафоким — дилситоним сен менинг,  
Гар мени ўлдур ва гар тиргузки, — ЖОНИМ сен  
менинг.*

Хоҳ раъно қад била борял ёнимдин жилвагар,  
Хоҳ кел қошимчаким, — сарви равоним сен менинг.

Кўнглум ичра СЕНсену ИШҚИНГ! Не дей ҳолим сенга,  
Чун бу янглиғ МАҲРАМИ РОЗИ-НИҲОНИМ сен  
менинг.

Жилва айлаб ҳар замон, ағрону оҳим қилма айб,  
Ҳам сен-ўқ чун боиси оҳу фироним, сен менинг.

Лаълидин БИР-ИККИ СЎЗ мазкур қил, эи хаста жон,  
БОРИ бу — БИР-ИККИ ДАМким, — меҳмоним сен  
менинг.

Телбалардин гарчи раг қилдинг мени, лек онглагил, —  
Ким, ПАРИ-РУҲСОРЛАРДИН ТАНЛАГОНИМ сен менинг.

Ўлди меҳрингдин Навоий, бевафо дебсен они,  
Эртаги нозик мизожи, бадгумоним сен менинг.

\* \* \*

Инсонда иштибоҳ тутнлмаса...  
у ИНСОН эмас!

(Яна:

Ақали ОДАМ шубҳага боради. НОДОН шубҳани билмайди.)

«Фиљумла бори» йўқ. Номаълум Гўзал ҳам Алишернинг БУТУН ЁЗГАНИ Гулига барашланган бўлса-чи?

Гули ҳам йўқ (ахир. Гули эртак-ривоятдаги Деворга тушган Соя, холос). БУНИНГ БАРИ шоирона Хаёл Осмонида «чарх уриш» бўлса-чи? Алишер тунда тор.

зим-зиё ҳужра ёки кенг, кундузгидек ёрур, лекин бу ҳам бўм-бўш хонада ЁЛҒИЗ ўтириб, НИМАЛАРНИ-ДИР тасаввур қилган ва ШУНИ ёзган бўлса-чи?! Кўрқаман. Адашиш мумкин. Одамлар олдида жавоб-гарман. Алишернинг руҳи олдида! ТОНГЛА яна жавоб бор.

Ҳақиқатга яқинлашунимча юрагим орзимга келди!  
Энг аввал...

Алишер ўзи иштибоҳга бормаганми?!  
Аксинча.

У ҳамма нарсага шубҳа билан қараган.

(Бу — ҳар нарсадан шубҳалангтан, деган маънода эмас!)

ОШИҚЛАР (риндлар)дан бўлиб, одамларни ҳаётни севишга, тўзалликка чорлаб, уларни нотўғри йўлга, куфрга етакламаяпманни, нопокликка, гуноҳга бошли-маяпманни, деган гап унинг доим хаелида турган. ЗОХИДЛАР билан баъзан ҳисоблашиш ҳам кераклигини ҳис эттан. (ЗОХИДЛАР унинг хатти-ҳаракати, сўзларидан «гуноҳ» излашган. У ўзини ҳимоя қилишга мажбурият сезган.)

Умуман...  
иштибоҳ — файласуфлар, мутафаккирлар иони!  
У — ҳаётни олдинга бошлайдиган ғилдирак!

Бундан ташқари, ғазални (назмни) ҳар хил талқин қилиш мумкин.

(Балки, менинг талқиним нотўғриидир?!)

Аммо...

Тарихда, Алишерни яхши билган одамлар гувоҳлигида: «Бир пари сочларини жингала қилиб келди ва унинг умр хирманига ўт тушди!» — деган ҳикоят учраса-чи?!

Буниси майли.

Алишер ўз Муножотида (насрда) ҳам ўтса пайтдаги ҳолат (МАНЗАРА)га иқрор бўлса-чи?! Унинг ҳаёти (ғазаллардаги каби очиқ-илтижода) акс этса-чи?!

Ана:

«Илоҳи, тоатингиз ҳавасим бор, аммо нафсқа забунмен. Ибодатингиз мултамасим бор, аммо гирифтори ишқу жунунмен...

Илоҳи, пари-узорларга мени девона қилдинг. Ва шамъ-рухсорларга кўнглумни парвона қилдинг. Бу сабаблардин, расволия била оламга афсона қилдинг.

Илоҳи, неча мусалсал зулф савдосидин бўйнумда занжир бўлгай. Ва муанбар хол хаёлидин кўнглум асир. Сенга тақдир бу навъ эрса, менга не тадбир?!

Бу оғатларнинг шломи Сенга осондир, менга душвор...»

Яна:

«Илоҳи, бирор ҳуснига малоҳат берурсен. Ва онинг «тузин» менинг кўнглум жароҳатига сепурсен...»

Ва яна:

«... Қайси шамъи гулруҳ ишқи ўт-инким, кўнглумга солдинг!

... йигитликим бу навъ — ҳам қаттиғ ўтди, ҳам аччиғ!»

Демак, «филжумла бори» бўлган.

Оддинроқ Гули ҳам.

Номаълум Гўзал-чи?!

Мен ундан «воз» кечиб, Алишернинг БУГУН ЁЗ-ГАНИ Гулига бағишлиланган, дердим-ку, ҳолат тўғри келмайди.

Алишер билан Гули орасидаги муносабат хилват бир ерда кўришадиган даражага етмаган!

Чун бу ерга ичкаридин руст боғланди эшик...

Бу — шубҳасиз, Номаълум Гўзал билан кўришган пайт!

Ёки:

Дедим, заканинг тутуб, сақоғинги ўпай,  
Кўз-қошишига суртубон қабогинги ўпай,  
Гулдек юзунг ислабон, дудоғингни ўпай,  
Йўқ-йўқки, агар десанг, оёғингни ўпай.

Кейин:

Киши висол туни ёри бирла ёткунчо...  
Нединки, қолмади жоним, они унатқунча.

Ёш йигит билан ёш қизнинг учраптувига бу «гаплар» сиғмайди (агар Алишерга Гули билан жиддийроқ бир учрашув насиб этган бўлса!). Бунинг устига, ЁЛ-

ФИЗЛИҚдан, ҲИЖРОНдан куйиб-биттан Алишер, МУ-ХАББАТдан «эриб», Номаълум Гўзалга ўзини тўла бахш эттани-ю (унинг учун ҳамма нарса муҳим бўлганидан) «бир оз суюлгани» — ҳақиқатта яқин.

Мана, бу ҳам Гули билан учрашган даврдагидан БОШҚА:

*Не келса, тонгла келсун. Бир шун усрук ётса ҳам  
кушдур,  
Киши гул чори, бир гул-хирманин тортиб қучоғинга.*

Фақат Алишер эмас, Номаълум Гўзал ҳам уни ёқтирган бўлса керакки:

*Ўзга юзга боқма, деб бир-бир кўзумга босди мухр...*

Ишониш қийин, бироқ ҳасратли Алишернинг гоҳ кўтаринки, гоҳ маҳзун шеъриятини кулги ҳисси (табассум) оралаб ўтади. Ёшлиқда (Биринчи Муҳаббат даврида) муроссасизлик кучли; бу туйғу кейин келган! У дилбари ва ўзини «четдан» жилмайиб кузатади:

*Дилбарим нозик мизожу мен бағоят беагаб...*

Улар кўришганда, унинг хаёлида (афтидан) шундай гап туради:

*Гар фалакдин бир хиёнат ошкоро бўлмаса...*

Алишер одамлар (айниқса, ЗОҲИДЛАР)нинг ҳар хил таъна-дашномларидан асраниш учун атай ўзининг «бекаслиги»га уларни ҚИЗИҚТИРИБ ҚЎЙМА-ГАНМИКИН?! У ўзи ва ўз ҳаётини «пардалаши», «яшириши»га ҳам, ана, сабаб қаерда! Ҳамма (Ҳусайну Хадичадан тортиб) унга Катта БИР Муҳаббат буюргани, у ЁЛҒИЗЛИК ва ҲИЖРОНдан иборат умрни Шу Муҳаббат билан «тўлдиргани»ни билмай қолаверган. (Кам ўқиб, кам тушунгандан, биз ҳам бехабар юрганмиз!) Ҳолбуки, Алишер Шу Муҳаббатсиз унинг ҳаёти беранг эканлигини мутлақ яширмаган.

*Ўтқа солғил сарвни – УЛ ҚАДДИ МАВЗУН бўлмаса,  
Елға берғил гулни – УЛ РУҲСОРИ ГУЛГУН бўлмаса.*

Бир гал Номаълум Гўзал келиб-кеттан («ёр бордию»)дан кейин, негадир бундай:

Ҳижрону висолни — кўпу оз, дема, Навоий,  
Юз шукр де-ким, кўпи бориб, ози қолибдур.

Ниманинг кўпи?!?

Ниманинг ози?!?

Жумбоқ.

Ҳижроннинг кўпи ўтиб, доимий ВИСОЛга оз қолганми ёки висолнинг кўпи ўтиб, яна одатдаги ҲИЖРОН яқинми?!

«Юз шукр»дан — биринчиси тўғри бўлса керак!

Алишер ВИСОЛни «кўп» ҳам дееалмайди:

...умрида бу навъ бир кун!

Бундан биз фақат тахмин қиласиз:

у тоҳ-гоҳ, ўзининг саргардон ҳаётига чек қўйиб, Чинакам Севганидан, Номаълум Гўзал билан қовушиш, «парда орқасидан чиқиши» ҳёлига ҳам борган! Бунга шаҳд эттан. Лекин қандайдир сабабларга кўра унинг нияти амалга ошмаган. (Ёшлигида уйланмаганидек, Номаълум Гўзалга ҳам уйланмай қолаверган!)

Шу ўринда айтай:

эҳтимолки, аввалдан Алишер бирон дўсти, сирдоши (Пахлавон Муҳаммаддек киши)ни чақириб, Номаълум Гўзал билан ўртага бир коса сув қўйиб, махфий никоҳдан ҳам ўтган (мен бунга зигирча шубҳаланмайман)! У Худодан қўрқсан жиiddий тариқат кишиси. (Унинг ЗОҲИДЛАР билан ҳисоблашмагани Оллоҳ билан ҳисоблашмаслик эмас!)

Яна. Унинг «нафсқа забунмен», «расволиғ била оламга афсона» деган сўzlари «фақиру ҳақиқир» банданинг ИТОАТИдан келиб чиқсан, холос. («У турилганидан тортиб маъсият губори — гуноҳ гарди этагига қўнмаган, руҳи шишаси залолат тошидан синмаган ИНСОН!») Унга «ўйинқароқлик» либосини кийдириш муносиб эмас.

\* \* \*

«Кўпи бориб, ози.»

Ҳаётда иккинчиси тўғри чиқади!

Яна одатдаги ҲИЖРОН.

Айрилиқ қачон, қандай рўй берган?! — биз билмаймиз.

Сабаб нима?! — буни ҳам билмаймиз.  
Улар муносабати анча давом эттан! —  
шунинг баробарида, ўртада — айрилик.

Сориниш, кутиш ҳақида ғазаллар бир даста! Алишер уларни шундай таъсирчан ёзганки! Улар Бир Кишига (Номаълум Гўзалга) бағишлианганини сезиш учун чексиз донолик талаб қилинмайди.

Тун оқшом бўлди-ю, келмас мени шамъи шабистоним...  
Ул ой ҳажрида тор этиши фалакни дуди афроним...

У бирон тун йўқки, севгилисини кутмаса! Келишига умидланмаса!

*Кеча келгумдур, дебон ул сарви гулрў келмади,  
Кўзларимга — кеча тонг отиқунча уйқу келмади.*

*Лаҳза-лаҳза чиқдим-у, чекдим ийлида интизор,  
Келди жон оғзимга-ю, ул шўхи бадхў келмади.*

*Оразидек ойдин эркон-да, гар этиши эҳтиёт  
(Юзицек ойдин, ёруғ пайтда келишига эҳтиётланган, десам) —*

*Рўзгоримдек — ҳам ўлонда қоронғу, — келмади.*

*Ул париваш ҳажришнинг, йивладим девонавор...*

*Толиби содиқ топилмас...*

Тунги (шом) изтироб ва эрталаб (субҳ) яна янгидан «тун оқшом»ни кутишга тушиб, қайтадан умид қила бошлаш ҳолатини Алишер шундай чиройли чизганки! Ўқиб, баҳтиёр кўзларинг ёшланади:

*Кеча ул осудагур. Кўнглум БИРОВ қайғусида,  
УЛКИ, мен қайғусида — осуда ноз уйқусида.  
Ўлдуриб тун, субҳ тиргизмак мени, зоҳирдурур —  
Шомнинг гирёниши-ю, субҳнинг кулгусида.*

Биринчи учраган («кўзум ўтлуғ юзунг кўрган замон»)дан Номаълум Гўзалга маҳдиё ва шайдо бўлган Алишер, айрилиқдан кейин, ажабки, баттар ҳаяжонланиб, гўёки Шу Ҳижронни олдиндан куттандек (ва бундан, Худо кечирсан! — хурсанд бўлгандек), яна да ишқи аланталаниб, шошиб қолади. У Номаълум Гўзлга ЭНДИ шундай муҳаббат изҳор қиласиди! Ҳаёлан

(тажайюл бирла) севгилисини «чакириб» ўзини шундай багишлайдики...

Эврулай бошинга-ю, бекушу ҳайронинг бўлай,  
Ҳар замон садқанг бўлай. Бир лаҳза курбонинг  
бўлай...

Кўнглум истардек, тажайюл бирла меҳмонинг бўлай.

Кейин, ҳаттоқи:

Неча, жоно, мубталои гарди ҳижронинг бўлай.

Яна:

Гарчи бандангмен — мени озод қилма лутфдин,  
Ким, қуюндеқ, садқаи сарви хиромонинг бўлай.

Ва яна:

То бошинга эврулурга — гарди мийуонинг бўлай.

Қисқаси:

Ўйла, гарду каминта ўргандим!

Ёки:

Кезармен кўйида йилар, назар ҳолимга солгай, деб.  
Агар ўлдурса, қоним ранги туфроғига қолгай, деб.

Яъни: ўлгунимча умрим унинг кўйида ўтади; ўлгандан кейин ҳам, «қоним ранги» (менинг борлигим) унинг туфроғида (уники бўлган, унга тегишли ОЛАМДА) қолади!

Бир Бутун Ҳолда

Шу Кунлардаги

АҲВОЛ

бундай:

Неча, эй ой, мендин айру айлагай даврон сени,  
Бўлмагай — йилларда кўрмак бир нафас имкон сени,  
Жон тилар кўнглум уйинда айлагай меҳмон сени,  
Кел-кел, эй ороми жонимким, тилайдур жон сени,  
Чехра очким, кўрмак истар дийдаи гирён сени.

Кейин:

Сен, пари, пинҳон учун, мен ҳам камоли заъфдин,  
Фойиб ўлдум эл кўзицин, кўргали пинҳон сени.

Улар ахён-ахёнда бўлса-да, қаердадир, қайсиadir йўсинда кўришишганми?! Ёки муносабат фақат Алишернинг ғазаларида давом этганми?! Буни ҳеч ким айтолмайди-ку, лекин ҳарҳолда...

Анча оддин келган — Ямоқчининг Ўғли ҳақидаги ҳикоят! Мана, бу ғазал ҳам, афтидан (вокеа четдан тасвиirlантанига қарамай), —

Алишерга ва

унинг Номаъум Гўзал билан  
КЕЙИНГИ БИР УЧРАШУВИга  
багишланган

*Хушдурур, бир тийра шоми ҳажр — ИККИ ёр  
учрашиб,  
ТОПИШИБ БИР-БИРЛАРИН, маҳкам қучишиб,  
йиғлашиб.*

Ҳажр гардию фироқ андуҳига таскин бўла,  
ЎЛТУРИБ улфат-била бир-бирларига ёндашиб.

*Фурқат айёмига ҲАР БИРнинг бошига келганин  
Юз туман ҲАМДАРДЛИГлар бирла, ҳар дам  
сўзлашиб...*

Ва ниҳоят:

...бир-бираига чирмашиб!

\* \* \*

Аввалида озгина шикояту ҳамон умидланаёттанга ўхшашиб кайфият...

*Машъали ВАСЛ ила  
улус шоми мунаввар-у, менинг  
Бахтима бир шарора йўқ...*

Яна:

*Эй хаста кўнгул! Сенга керак ВАСЛ,  
Йўқ ҲАЖРга чунки зор сендек.*

Давоми:

*Не ИШҚ аро — хокисор мендек,  
Не ҲУСН аро — шаҳсувор сендек.*

*Гулгун түн уза — қаро чавак нақш, —  
Очилмади лолазор сендең..*

*Йүк зулфика тушкали, Навоий,  
Ошуфтаи рўзгор, сендең.*

Бора-бора, ажабланганча! — АЙРИЛИҚқа «кўни-  
киш» ҳолати келади:

*Навбаҳор айёми бўлмиш.  
Мен диёру ёрсиз..  
Ваҳки, мен — мен! — гунгу лол  
УЛ САРВИ ГУЛ-РУХСОРСИЗ.*

Ниҳоят, «Ёрнинг маскани» (диёр)ни «тарк этиш»  
хоҳиши туғилади:

*Ишқдин басдур менга ўртамагим!*

Ўз аҳволи унинг жонига тега бошлиған, Қандайдир  
толиқиши сезади:

*Дўстаар! Кўнглум ҲАДИСИН демангиз, Тенири учун,  
Ким, мен ул ДЕВОНАИ САРГАШТАдин безормен..*

Энди у «бошига тушган савдо» ҳақида ўйлашни  
ҳам истамайди! Эринади. Оғринади:

*Вужудим ўртадинг, ЭЙ ИШҚ! Эмди тарким тут.  
Худой учунки, мени қайда кўрдинг — анда унум!*

Унга ўзи (ҳолсизланиш устига, кўнгли бўм-бўш)  
бехосдан қариб қолгандек туюлади:

*ҲАЖР белоён ЙЎЛИН қатъ айламак душвор эрур! —  
ЗАҲФдин менким юурмен, ҚЎЛ ТАЯБ деворга...*

\* \* \*

Бутун ВОҚЕАни ўзимча аниқладим!

Кейин, яна фаромушландим.

Худойим!

Тарих шуми?!

Ҳамма нарса ўрни-ўрнини топган туюлади.

Лекин дикқат қила бошласант, камбағалнинг уйидаги оёқ, остидан олиб арқонга осган бўйра ёки гилемдек, ҳар ёғи илма-тешик, тоҳ, у, тоҳ, бу еридан осмон кўриниб турибди.

Номаълум Гўзал ким?!

Давлатбаҳтми?! Бошқами?!

Алишер бир разалида ёзади:

ЁР ИШҚИН асрагиң пинҳон, дебон саъй этмангиз,  
Ваҳ, не навъ этгум ЙЎҚ ИШҚни ошкор...

Қайси ЁРнинг ИШҚИН?!

Нега «ЙЎҚ ИШҚ»?!

«Пинҳон» сақлаш асосан, Номаълум Гўзалга тегишили.

«Ишқ йўқ»лиги — энди оддинги ишқ, йўқ, демоқчи  
Балки бу яна «пардалаш»дир?! Умуман, ғазал кексалиқда ёки ўзини кекса ҳис этиб ёзилган. Аслида, умрининг сўнгти нафасигача Алишернинг юрагида ИШҚ, асрарнган!

Шу ғазалда яна:

... бир кун БОР ЭДИ —

Менда ҳам БИР НОЗАНИН, ЧОБУКСУВОР!

У кимни кўзда туттган?!

Ким «бор эди»?!

Гулими?! Давлатбаҳтми?!

Алишер ЎЗ МУҲАББАТИ ҳақида алоҳида бир асар ёзмоқчи бўлган!

Асар ёзилмай қолган.

У Гули ҳақида ЁЗМОҚЧИМИДИ?!

Давлатбаҳт ҳақидами?!

Номаълум Гўзал ҳақидами?!

... Менинг кўз олдимда

ШАМОЛ ногаҳон ЭШИКНИ очади,

парда юлқинади ва худди парда ичидан

Гулгун қабо кийлан

БИР НОЗАНИН чиқади.

Мен УНИ танимайман.

\* \* \*

«Сўзим узалдию

адо қиласуррон

мақсадим йироқ қолди...»

Алишер Гулига аталган Муҳаббати, Эҳтиросини Номаълум Гўзалга тутади! Бу — ўша, Биринчи Муҳаб-

батнинг давоми, қанчалик нотабии туюлмасин, Биртагина МУҲАББАТдир.

У — Номаълум Гўзалда Гулини «кўради»!

Алишер БАХТЛИ бўлиши мумкин. Бироқ...

унинг Алишер бўлиши учун — ЁЛҒИЗЛИК ва ҲИЖРОН керак!

Дунёнинг телбалиги: ШУЛАР борки, у Буюк Бир Ишлар қила олган!

Алишер ўртаниб, азобланиб, ГЎЁКИ АТАЙ —

Ёлғизлик ва Ҳижрон томон юради.

Тақлид қилиб кўнглума,  
ИШҚ АҲЛИ чекар оҳ.

Алишердан ҳеч ким ҳалқ билан бирга, дунёдан изтироб чекиб ўтишни (ҳалқ учун ўзининг ҳатто шахсий ҳаёти, ўз баҳтидан воз кечишни) талаб қилгани йўқ! Унинг ўзи шу «қатти» йўлни танлаган. У ўзини «жиловлаган», холос!

Дарвоқе...

«Занжирбанд шер»

Мана, энди мен бу расмнинг  
маъносини англадим.

### 3

## АРМОН

«Азиз Барно!

Қандай ҳаяжонланиб-суюнган ҳолатда Сизга ҳам ёзаётганимни тасаввур қилолмайсиз. Бир томондан, ўзим «йўқотиб кўйган» охирги дафтарни ҳам қидириб топдим. Иккинчи томондан, Сизнинг Термиздан шамолдай кутпилмаганда келиб, мен билан беш-үн даққа сўзлашиб кетганингиз мен учун байрам бўлди... Мендан кулсангиз ҳам, мени оссангиз ҳам, айтаман. Талабалик йиллари Сиз билан кўришиб юриб, Сизни кўрмаган, танимаган эканман! Беш-үн даққага мени бандиасир қилдингиз! Энди сўнгги дафтарни юбораётисб, уни ҳам кўриб чиққанингиздан кейин, қочиб қолмайсизми, деб кўрқаялман.

Абулхайр ҳақида Сизнинг айтганиларингиизни кўп ўйладим. Мен балки ағашарман, лекин бу дафтарлар-

даги ёзувларни адибларнинг асарлари ёки олимларнинг китобларига қиёслаш унча тўғри эмас. Буни бир кишининг, рассомнинг кузатишлари, деб қабул қилган дуруст. Сиз Ойбекни, Иzzат Султонни, кейин Туркун Файзийнинг қайсицир мақолаларини эсладингиз. Вамбери, Батъ ҳақида галирдингиз... Бу инсонларни Абулхайр жуда хурмат қиларди! Дафтарларни у баҳс тариқасида тўлдиргани ҳам йўқ. Аксинча, шу инсонларнинг ёзганиларидан фойдаланган! Бундан ташқари, у арабий ва форсий қулёзмаларни кўриб чиқсан. Эсимда, бир учраганимда, қатор китобларни варақлаб, ҳижжалаб ўтирганини кўрганман

Рассом, асосан, Навоий расмими қайси тарзда чизиш устида бош қотирган. Менинча, унинг ёзганиларини шу йўлдаги изланиш, деб тушуниш керак. У нималарницир англаб-англамаган бўлиши ҳам мумкин! Навоий шундай бир зотки, уни бир умр ўрганмай илож йўқ.. Менинг касбим ҳисоб фани, Адабиёт ва Санъатдан узоқман. Бу ёки яна ўзингизга ҳавола, демокчиман...

Сизнинг Термиздан келишингизни кутиб қоламан.

Одил.»

### Бешинчи дафтар

«Мир Алишер аслаҳаллоҳу шонахуким, тахаллуси Навоийға (Навоий деб) машҳурдуур ва ашъорига бу тахаллуси маствур (дурур) – турк тилининг (туркий тилининг) ўлон жасадига масиҳ (Ийсо) анфоси (нафаси) била руҳ қиюрди. Ва ул руҳ(ни) топқонларга туркий ойин тору-пудидин тўқулғон ҳулла ва ҳарир кийгурди.»

Ҳусайн Алишерни шундай улуттрайди.

У Алишер билан фахрланади.

Ўзи ёзган «Рисола»да Алишерга ЗАМОНДОШ бўлганини бахт деб билишини таъкидлайди.

(Бунга «ялпайиб, суюниш» ортиқча.

Алишер — Ҳусайн даврида яшаган шоир эмас, Ҳусайн — Алишер даврида яшаган шоҳдир!)

Дунёқарааш борасида ИШ бундан ҳам қизиқ!

Бир тал Ҳусайн оқ отини етаклаб келиб, Али-

шерни мажбуrlаб миндиради. Кейин отни ўзи етаклайди.

— Минбаыд сиз менинг пиrim, мен сизнинг муридингизман, — дейди.

У ўз умрида — аввал ҳар хил шоҳлар, шаҳзода-ларга, кейин аъёнларга, бекларга қарши юриб, — Алишерни ҳаммадан юқори ўринга қўяди! Дўстини — Буюк Шоир бўлишига имкон, шароит яратиш баробарида — Буюк Арбобга айлантиради! Саройда унинг ўзи Алишер ва Алишерга яқин (Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад, Амир Шайхим Суҳайлий, Амир Маҳдум Барлос, Ҳожа Афзал сингари) кишилар зътибор топишни, катта бир куч бўлишига йўл беради: булар мамлакатда эзгу ишлар амалга ошишига хизмат қиласидилар!

Ҳеч кимга ўхшамаган гаройиб разаллар ёзган Ҳусайнин бирон пайт Алишерга тайирлик билан, рашик билан қарамайди. (Навоий «Ҳамса»ни ёзиб бўлиб, сиёҳи қуrimаган ҳолда шошганча Ҳусайннинг қўлига олиб бориб топширганидан таъсирироқ ҳолат борми?!)

Бутун ҳаёти давомида Ҳусайн Чинакам Дўстлик шартини бажаришга уринади! Бунинг бари ҳақиқат.

Лекин ҳамма бало шундаки, улар орасидаги яқинликка йиллар бўйи озгина соя тушиб тураверади! Чироқ қархисида нари-бери бориб-келган жисм каби, Бу Соя тоҳ Кичрайиб, тоҳ Катталашиб кўзга ташланаверади.

Неча бор олижаноб қалб эгаси эканлигини исботлаган Ҳусайн албатта, мамлакат манфаатини ўйлаб, аммо маълум чуддатта Алишерни Астрободга сургун қиласиди. (Буни Алишер аниқ сургун деб билади!) Астробода Алишер кўп хайрли ишларни бажаради, ўз ҳукми ва обрўси билан кўп одамларга меҳрибонлик кўрсатади. Бироқ бу ерда у барибир ўзини «ғурбатда ғарип» ҳис этади, зерикади.

Ҳиротда давлат ишларидан «четланган» Алишернинг орқасидан, шахсан Ҳусайн бўлмаса ҳамки, САРОЙ баъзан жосус кўйиб, Буюк Амир қандай «нафас олаётгани»ни текшириб туради. Ҳар бир инсон ҳаётини доим ХОС деб тушунган, бировнинг ҳаётига бирор «бурун суқиши»дан нафратланган (ўз ҳаётини «пардалаган», яширган) Алишер «ёт кўзлар»дан қочишга баттар ўзини мажбур сезади!

Алишернинг укаси Дарвеш Алини Ҳусайн бот-бот ҳокимликдан бўшатади, унинг «исён»ларини босишига аёвсиз шаҳдланади. Буюк Амирнинг юзи учунгина тишини тишига қўйиб, бу йигитта чидагандек таассурот қолдиради.

Иккинчи ука, Амир Ҳайдарни эса Ҳусайн ўлдиртириб ҳам юборади.

\* \* \*

Ҳўп.

Алишер-чи??

У ҳам ўз навбатида, фахрланиб Ҳусайнни улутлайди.

Ёдгор Муҳаммад Мирзога қарши Ҳусайн олиб борган жантни машҳур қаҳрамон (ўз асарининг ҳам қаҳрамони) Баҳроми Гўр жасоратига қиёслайди:

«Баҳром... отасидан сўнгра салтанат таҳтига ўлтурси. Отаси бузғонларни туэди ва аниңг зулми ўрнига адолат кўргузди...

Аммо Баҳром Озарбойжондин Гуржистон била Дашиби Қифчоқдин чиқиб, Хоразм бостуриб, Журжон навоҳисига хоқонга шабохун уруб, оз киши била уч юз минг черикни бузуб, хоқонни дастигир қилиб, ўз илки била бошин чопти. Ва бу бир иш эдиким, ондин бурун ҳеч подшоҳ қилмайдур эрди ва ондин сўнгра, даги ҳеч кишига даст бермайдур эрди; магарким, Абулғози Султон Ҳусайн Баҳодирхон ҳаммада Омлоҳу мулкаҳуға муяссар бўлдиким, бу навъ иш қилди».

(Шу ўринда, Алишернинг ўзи эҳтимолки сезмаган ҳолда, яна бир БАШОРАТ ўтади! Ҳусайн ҳаёти сўнгида Баҳроми Гўр қисматига чиндан яқинлашади.)

Ўз ҳаётида Алишер кўп марталаб, ҳар хил оҳангда Ҳусайнга «ёпиқ» ғазаллардан ташқари «очиқ» шеърлар бағишлади:

Ё Раб, бу — замона шоҳларининг шоҳи,  
Ким, кўнгли эзур — сирри ниҳон огоҳи.  
Бергил анга авжи моҳдин то моҳи,  
Балким, неки бор эса — аниңг дилҳоҳи...

Яна:

Бўлғонча сипеҳр, даври коми бўлсун,  
Афлок уза базм иҳтишоми бўлсун,  
Ҳам гаргаҳи — шоҳлар мақоми бўлсун...

Кейин:

Ҳар лаҳза қыл анга юз шоют, ё Раб,  
Ҳам умрини айни бениҳоят, ё Раб...

Алишер мақтөвни (бу энди Шарқда бор хислат!) баъзан ошириб ҳам юборади. Назмда кўп ҳам сезилмаган «ширинзабон»лик насрда беихтиёр дикқатни жалб этади:

«... кўшиш размгоҳининг Рустами Достони ва баҳшиш базмгоҳининг Ҳотами Замони...

Ва ҳар ким ул тарихни (фасоҳатишор яхшилар «Насабнома» битибдурлар...) мутолаа қиласа, онгларайким, Жамишиғ ва Искандар анинг — ҳам билорнларидин, ҳам қулоғонларидин шармангадур».

У Ҳусайннинг шоҳлигидан ҳам кўпроқ инсоний хислатларига ниҳоятда юксак баҳо беради:

«Субҳоналлоҳ! Офарин УЛ СОНЕБАКИМ, бир соҳиб давлатқа мунча ҳусни хулқ ва камоли фазл ва баланд ишрок ва таъб ва зекни пок каромат қилибдурки, бу афсоналарни ясаб, бирорвия боғласалар, эшитиён киши инона олмагай. Балки, жаълийдур, деб айтқувчининг тақаллумига қулоқ салмагай».

Алишер шоҳнинг зийраклигига мисол, бундай ҳикоятни келтиради:

Осмонни булат қоплаб, ёмғир ёғаётган баҳор куни Мавлоно Лутфий «бу фақирға йўлукти ва дедиким...»

Мир Хисравнинг ҳиндуча бир шеърида «ажиб-ғарид маъни» (тасвир) бор экан. «Маҳбуб (ёр, ҳозиргидек) баҳор айёмида бир ён борадурмиш бўлғай.» Ўша куни ҳам ёмғир ёғаёттиб, ер балчиқ эмиш<sup>1</sup> «...анинг оёғи балчиғдин тойиб, йиқилур чоғида, ғоят нозиклиғидин, ёғин риштасин (ёмғир ипини) мадади била ту́туб», ўзини йиқилишдан сақлаб қолган эмиш!

«Бу фақир бу маънини эшитиач, хушдол бўлиб, ҳар ким қошига бу сўз нақл қилилди»

Алишер Ҳусайн ҳузурида ҳам «бу сўз»ни эслайди. Ҳусайн ўйланниб туриб, бошини чайқайди.

«...эътироҳ будурким, ул ёгин қатраси юқоридин куни эниб келадур. Мұқаррардурким, риштасига дағи ҳамул ҳолдур! Риштаеким, майли куни бўлғай, анинг магади бирла, йиқиладурғон ўзин асрароги маҳолдур»

(Алишер Ҳусайнга ҳеч нарса демайди. Аксинча, унинг донолигини мақтайди! Иккиланибми, одоб юзасиданми, бу сұхбатда Алишер одатича Дөхлавий ва Лутфийни «химоя» қылмайди.)

Ҳусайн сингари ва ҳатто Ҳусайндан чандон ортиқ Алишернинг Дустликни қадрлагани шубҳасиз!

Аммо бора-бора Ҳусайн «совиб», Алишерга нисбатан муносабати ўзгарғану Алишер доим (саройдаги ўйинлар, ўз бошига туштан кулфатларга қарамай) Ҳусайнга бир хил муносабатда бўлган, дейиш унча тўғри эмас (бальзан шундай фикр ҳам юради).

Улар орасидаги яқинликка (аввалидан) гоҳ-тоҳ СОЯ тушиб турганига сабаб нима?! Бахтиқаро Гули воқеасими?! Ёки йиллар ўтган сайин олдинги ШАҚЛ сақланиб, МАЗМУН ўз-ўзидан ўзгариб бораверганми?! Балки Ҳусайн тахтта миниб, қайсиadir пайтдан Алишернинг «акл ўрғатиши» унга еқмай қолгандир?!

Умуман, улар бир-бирига сира ўхшамаган Икки Инсон эди...

\* \* \*

Ҳусайн Бойқаро тахтта мингач (Заҳириддин Бобур айтмоқчи):

*«Фитна ва фасод ўтиким, Ҳурносон диёри атрофига шуълазан ёниб ётган) эрди, этнiga таскин либосин ёнгу».*

У «кордон ва соҳибтажриба... шужоъ ва мардона киши эрди... Темурбек наслидин ҳеч ким маълум эмас-ким, Султон Ҳусайн Мирзоча қилич чолмиш бўлгай».

Ҳусайн бир жангда Абусайид юборган уч минг кишилик аскарни олтмиш киши билан енгтан эди.

*«... қийик кўзлуқ, шер-андом бўйлуқ киши эди. Белидин қўйи(си) ингичка эди.»*

*«Мафосил заҳмати (бод қасалидан) намоз қилолмас (букилиши, ўтириб-турши қийин) эди. Рўза ҳам тутмас эди... Ҳарроф (сўзга уста) ва хушхулқ киши эди. Ҳулқи бир нима гузарроқ (тез қизишиб-совийдиган), сўзи ҳам ҳулқидек эди.»*

*«Аввал, таҳт олрон маҳалда, олти-етти ўш тоиб (ичмайдиган) эди. Андин сўнг, ичкуга тушди. Қирқ йилга ёвукким, Ҳурносонга подшоҳ эди, ҳеч кун ўйқ эдшким,*

намози пешиндан сунг ичмагай! Вале ҳаргиз сабухий қымас (эрталабдан ичмас) эди. Ўлонлари ва жамъи сипохийга ва шаҳрига бу ҳол эди! Ифромт била (бехад) аиш ва фасқ қулурлар эди.»

«Кичиклардек, кўчкор сақлаб, кабутар сақлаб, ка-  
бутар ўшнар эди. Товуқ ҳам урушга солур эди.»

Ҳусайннинг куюқ бўёклару «қалам учи»даги тас-  
вири — шу!

Бу тасвир мукаммалитига бир-икки чизги етмайди.

У — ЁНИДА ҳамиша БИРОВ туриши керак бўлган  
одам!

Ақлли. Закий

Ўзининг фикри йўқ эмас.

Лекин ўз фикридан кўра кўпроқ ЎША БИРОВнинг  
маслаҳати (сўзи) билан иш тутади.

Унинг тахтига кейинчалик икки ўғли минганида  
ҳикмат бор! Ҳусайннинг ёшлиқдан одати, кимнидир  
«ўзи била шерик қилгай». Захириддин Бобур кулади.  
Ҳусайн («подшоҳликда қачон рост келгайким») жанг  
қилиб юриб, амирларидан Музофар Барлос деган  
кишига, босиб олган ернинг олтидан икки қисми се-  
ники, деб шарт қўяди... Унинг яхши ёки ёмон бир  
ишни қилиши, одатда, ЁНИДАГИ КИШИга борлиқ!

Ҳусайн ҳаётида бу тартиб ҳеч қачон ўзгармаган.

Тупкада теккан касал!

Тақдир ўзи умр бўйи Алишерни Ҳусайннинг ЁНИ-  
ДАГИ КИШИга айлантирган.

(Алишер истамаган ҳолда «ярим подшоҳлик» қили-  
шига тўғри келади.)

Маълум муддат отаси Шоҳруҳ Мирзо ҳузурида ва-  
зир бўлган Мажидиддин бу вазифани бажаради.

(Ҳусайн Алишер ва унинг яқинларидан юз буриб,  
бу одамни бир пайт «шерик»ликка олган!)

Ҳадича оро бегим ҳам маликалар орасидан «ажра-  
либ», бот-бот Ҳусайннинг ЁНИДАГИ КИШИ бўлган...

\* \* \*

Ҳадича — Ҳусайннинг (ўн бир хотиндан) бешинчи  
хотини.

У Ҳиротда тутилган; Ҳусайндан тахминан ўн тўрт-  
ўн беш ёш кичик эди.

Хадича вактида Абусайид Мирзога ҳадя қилинган канизак; Абусайид унга уйланиб, уларнинг Оқо бегим деган қизлари ҳам бор эди. Абусайид жангда ҳалок бўлганидан сўнг тахтни эгаллаган Ҳусайн, сulton ҳарамида Хадичага кўзи тушиб, уни ёқтириб қолган ва кўп ўтмай, ўз никоҳига кириттан эди.

«Хадича бегим гўзал, аммо енгилтабиат, димоғдор аёл бўлиб, ичиқора, макр-ҳийлага мойил эди.» «Ўзини оқила тутар, vale беақл ва пургўй (ичи тўла гап) хотун эди.» У тез орада «ҳусн-латофатию ёрон-сохта (маккорона) илтифотлари билан Ҳусайннинг буткул кўнглини олиб, ҳарамда УЛУФ БЕКАЛИК ўрнини эгаллади. Бойқаронинг Хадича бегимдан икки ўғли бор: каттаси Шоҳфариб Мирзо, кичиги (пайти келиб, Бадиузвазмон билан шерик тахтта ўтирган!) Музаффар Ҳусайн Мирзо эди».

\* \* \*

Ҳусайн Бойқаро тасвирига яна бир чизги:

Амир Темурдан кейинги бу, ҳеч муболавасиз БҮЮК ХОҚОН ҳаёти ҳам, ўлими ҳам қандайдир фожиага бурканган.

Унинг «ичкуга тушиши» ва «кабутар ўйнаши» кўнглини туб-тубида мана шу фожиани ҳис этиб, ўзи-ўзини «чалғитиш»га ўхшайди!

Унга суйган хотинлари хиёнат қилишади. Бир Шахрибону, бир унинг синглиси Поянда бегим Ҳусайнга қарши душманлари билан тил бириктиришади; салтнатни унинг кўлидан тортиб олиш пайда бўлишади.

Марв ҳукмдори Санжар Мирзонинг қизи Бека Султон бегим — Ҳусайннинг 18 ёшида уйланган биринчи хотини эди. Бека хушқомат, чиройли, лекин рашкчи, тили заҳар, ўта инжиқ эди. У «шоҳнинг катта хотини бўлганини рўкач қилиб, ҳарам аҳдини қийратади. Ҳатто шоҳ, ҳарамдаги бошқа хотинлари билан сўзлашиб турган бўлса, уни ҳам чаёндек чақиб, мулзам қиласди. «Кўп қажжулқ эрди, сultonни кўп оғритур эрди. Мирзо батанг келди, охири кўйди. Ҳақ Мирзо жонибида эрди!» Ҳусайн талоқ қилгач, Бека қайғуриб, хасталашиб вафот этади! Унинг ўлгани хабарини овда юрган Ҳусайнга ҳеч ким етказишга ботинмаган. Алишердан

иатимос қилишган (унинг Ҳусайн билан қанчалик яқин эканлигига яна бир далолат). Гарчи Бека «сарабдин тобут ясаб, гулдин кафанд этмак» билан, шоҳона дағн этилса-да, Ҳусайннинг юрагида унга нисбатан кин ва жароқат сақланиб қолаверган!

Ҳусайннинг түнгич ўғли Бадиuzzамон — худди шу Бека Султон бегимдан дунёга келган эди.

(Бадиuzzамон отасига жуда кўп меҳрибонлик, фидойилик кўрсатишга шайланади. Лекин у ОТА ва ОНАси орасидаги ёмон муносабатнинг қурбони! Отасига қарши баъзан қилич яланғочлайди.)

Ўн бир хотиндан туғилган 14 ўғилдан 7 таси Ҳусайн тириклигидаёқ дунёни тарқ этади.

(Кейин ўн йилча вақт ичида 7 тадан яна 6 таси вафот этиб, Ҳусайн зурриёти бўлган биргина ўғил қолади.)

Шу шароитда барибир тахт устида кескин кураш боради.

Ҳусайн хонадонида (бу оиласда) бир кун ҳам ахиллик кўринмайди.

Султон ҳали тирик, унинг тахти устидаги можаро эса бошлаб юборилган.

Аслида, валиаҳдлик (Ҳусайндан кейин тахтни эгаллаш) ҳаққи Бадиuzzамон Мирзоники эди!

Бироқ Ҳадича оғо бегим кичик ўғли (Музаффар Ҳусайн Мирзо)ни валиаҳд қилиб тайинлатиш учун хуфиёна тараддуд кўради.

Бойқаро Улуғ Бека Ҳадичанинг сўзини икки қилиши қийин. Бунинг устига, суйган ўғли Музаффар Ҳусайн Мирзони тахтта ўтқазишга мойиллиги ҳам йўқ эмас! У Бадиuzzамонни (онаси сабаб!) унча хуш кўрмайди. Шу билан бирга, тўнгич ўғилни ҳархолда рози қилиш кераклигини ҳам тушунади. Унинг боши қотади.

Саройда кўлчилик (жумладан, Алишер ҳам) Бадиuzzамоннинг ўғли Мўмин Мирзони валиаҳдликка энг муносиб киши деб билишади. Улар ўз фикрини Ҳусайнга маълум ҳам қилишади! Ҳусайннинг аркони давлат иродаси билан иш тутиши мумкинлигидан қўрқиб, Ҳадича бегимнинг қони қайнайди. Юрагида ҳасад олови алангаланади.

Шу пайтда Бадиуза замон Балхга ҳоким қилиб тайинланган; у Астрободни ўғли Мўмин Мирзога қолдирган эди. Ҳусайн Мўмин Мирзони бўшатиб, ҳокимликка Музаффар Ҳусайнни қўяди. Бундан Бадиуза замон билан Ҳусайн орасида (навбатдаги) низо чиқади. Мўмин Мирзо бобоси томонидан қамоқча олиниади.

Бу ишларнинг барида кўз-қош бўлган Ҳадича, вазир Низомулмулк билан бирга, Мўмин Мирзони ўлдириш ҳақида фармон ёздириб, маст Ҳусайнга қўл қўйдиртиради. Ва...

навниҳол Мўмин Мирзо зинданнинг ўзида қатл қилиниади.

\* \* \*

«Хурсонда Султон Ҳусайн Мирзо идорасининг матонати Мовароуннаҳрда жиддий равишда тартибсизликлар чиқишига иёл бермасди. Мовароуннаҳр халқи шароит ва (кўп йил подшоҳлик қилган) Султон Аҳмаднинг қадр-қимматини у... вафот этиб, ўрнига укаси Султон Маҳмуд хукмдор бўлгандан кейингина англай олдилар.»

Султон Маҳмуд қисқа, олти ойча ҳукмроҳлик қилади.

Кейин унинг ўғиллари орасида таҳт учун талащ бошланади.

Шу кунлар Самарқандга Хўқанд (Андижон)дан Умаршайхнинг ўғли, кейинчалик Фарбда номи Шарқ Қайсари (Юлий Цезарь) деб зикр этилган Захирииддин Бобур Мирзо йўналади. Лекин «Темур сулоласининг ботаёттан юлдузини 19 ёшли Бобур қўли билан ҳеч ерда ва хусусан, Мовароуннаҳрда тутиб туришга имкон йўқ эди». У ИНҚИРОЗ вақти яқинлашганини биринчи бўлиб кашф этади; буни тўхтатиш учун илк бор қаршилик кўрсатади, холос...

Кўп ўтмай, Муҳаммад Шайбонийхон Самарқанд таҳтини забт этади...

Қаршилик кўрсатишнинг фойдаси йўқ. Мўмин Мирзо ўлимни билан ёнма-ён, изма-из Мовароуннаҳрга кириб келган тартибсизликлар аста-секин Хурсонга ҳам кўча бошлайди. Ҳусайн салтанати эски уйдек томи босиб, қулай бошлайди.

Ҳусайн учун биринчи йўқотиш — Алишер вафот этади.

Кейин Муҳаммад Шайбонийхон Хуросонга ҳам яқинлашиб, бостириб кела бошлайди. Маймана, Фарёб, Балх, Шибирғон — ҳаммаёқни эгаллай бошлайди...

Ҳусайннинг шоҳлик даврида, тахт устида олиб борган эсда қоларли энг катта юриши — Ёдгор Муҳаммад билан жанги эди. Ўшанда ҳам, бу асосан «шабоҳун» эди. Яна, ўша пайтда:

«Султон Ҳусайн Мирзо кўп ишлар кўрган (тактига мингунча буюк жангларга кирган) улуғ ёшлик подшоҳ эди! Ёдгор Муҳаммад... ўн етти-ўн саккиз ёшлик бетажриба ўқлон эди».

Бундан ташқари, ҳалиги «шабоҳун»:

«Ёдгор Муҳаммад Мирзо ва тавоби (хос кишилари) андоқ ичкуликка тушкон эконурларким, УЛ КЕЧА Ёдгор Муҳаммад Мирзонинг эшикида уч киши эконур. Алар ҳам масти».

Шайбоний Муҳаммад бошқа! У девор тортиб келаеттан бир тўфон эди.

Қаршилик кўрсатишнинг фойдаси йўқ! Ҳусайн ичидага қўрқаётган эди. Қариб қолганини сезмоқда эди.

Ҳусайнда энди — на куч бор, на руҳ.

На у оғир дамларда биринчи суюнган — ЁНИДАГИ КИШИ...

\* \* \*

Ҳусайн барибир жангта отланади.

Лекин йўлда, Боби Илоҳий деган жойда тўсатдан тоби қочиб, ётиб қолади.

Касали оғирлаша бошлайди. Кўз юмади...

Уни тезда кўмиб, салтанат ишларини йўлга қўйиш, кўшинни мустаҳкамлаб, душманга қарши юриш керак эди!

Шундай қилинади ҳам Ҳусайнни бир мадраса ичидага вақтингча (осмонат) дағн этиб, катта-кичик ИККИ ЎҒИЛ йўлга тушадилар...

Матълум муддатдан сўнг, сultonни «ўз қабри»га қўйиш учун гўрни очганларида эса...

у лаҳад ичидаги

устидан кафани тушиб кетиб,

тўнтарилиб ёттани,  
лаҳаднинг ҳаммаёги тимдалаб ташланганини кўра-  
дилар

Ҳусайн сакта касалидан бир неча дақиқа томирла-  
ри беҳол уриб, ҳаёт учқуни сезилмай қолганида, уни  
улган гумон қилиб, дағи этишган эди...

.. у қабр ичидা —  
нималарни эслаб,  
нималарни ўйлади экан?!

\* \* \*

Яна бир оз илдам юрдим.  
СЎЗ Алишер ҳақида!

\* \* \*

Уни бирон жиҳатдан Ҳусайнга ўхшатолмаймиз.

У — ЗОҲИД эмас. Аммо Ҳусайннинг (соғлиқ баҳо-  
на!) намоз ўқимаслиги, рўза тутмаслиги унга ёқмайди.

Ҳусайн «ичкута тушиши», «қўчкор уриштириб, ка-  
бутар ўйнаши» Алишерга бугкул ёт.

У Ҳусайн таҳтта мингунча ҳам, кейин ҳам бирор-  
лар бошини ўлимдан кутқарган пайтлар кўп. Аммо  
умрида бирон пайт бирорнинг бошига қилич солма-  
ган! Алишернинг энг катта «жанги» қиличини «ҳасса»  
қилиб, Ёдгор Муҳаммад қароргоҳига кириб боргани!

Алишер бир неча жангларда иштирок этади. Лекин у ҳеч қачон жанита кирган эмас. Ҳусайннинг ЁНИ-  
ДАГИ КИШИ бўлган, холос.

УРУШ эмас, Алишер — ТИНЧЛИК элчиси!

Қаерда ғайириликми-исён — НОТИНЧЛИК кўрини-  
са, Ҳусайн Алишерни юборади! Алишер (бизга аён!)  
шахзодалар, беклар билан ҳам, дехқонлар, ҳунарманд-  
лар билан ҳам «галлаша» олган. Ҳусайннинг сўзига  
кирмаган одамлар Алишернинг СЎЗИни қулоқ қоқмай  
эшиттан.

Сўнгги йилларда Алишер ва Ҳусайн орасидаги  
яқинликка тушиб турган СОЯ ҳар қачонгидан БЎРТИБ  
кўринади.

Уларни ИККИ ЁҚда ажраттан:  
бир-бирига сира ўхшамаганлик эмас,  
бир-биридан кўнгил совиши ҳам эмас,

ҳатто Гули воқеаси ҳам эмас,  
асосан — ХАЛҚ!

(Шоҳ билан халқнинг ўртасида, икки ўт орасида  
туриш қанчалар оғир!)

Ҳусайн халққа енгиллик бермай қўйган.

Ҳар хил ўлпонлар халқнинг тинкасини қурига бош-  
лаган.

АМАЛДАГИ ШОҲ ўз шон-шукуҳи, айш-ишрат, тел-  
ба ҳою-ҳаваслар билан баңд.

Халқ имкон қадар тўқ-тўкин, баҳтли яшashi, Ҳаёти-  
да МАЪНО бўлишини ОРЗУ қилган Алишер Ҳусайн-  
дан инжий бошлайди.

(Ҳусайн Алишер вафот эттанидан кейингина кўп  
нарсаларга тушунади.

«У олижаноб эди!

Халқларвар эди!

Адолатли эди!

Бир эпкиндеқ келди-кетди.

Мен унинг қадрига етмадим...»)

Умуман, унинг Ҳусайнга МУНОСАБАТИ тарихи бир  
неча даврдан «тузилган»:

Болалик кунларидан Ҳусайн таҳтга мингунча — би-  
ринчи давр.

Саройда юрган пайт — иккинчи давр.

Ёш шаҳзода Мўмин Мирзо майдонга чиқиши —  
учинчи давр.

Мўмин Мирзо қатл қилинганидан кейин — тўртин-  
чи давр...

Буни қисқаси, шундай тушуниш мумкин:

Ёшлиқда Алишер — худди бир эртак! — Ҳусайн-  
нинг Адолатли Шоҳ бўлиб, кўли остидаги мамлакатда  
АДОЛАТ ўрнатишига ишонган. Уни ҳар қадамда қўлла-  
ган! Аммо кейин, саройда юриб, у олдинги Ҳусайн  
«йўқолиб» бораёттанини кўради. Ҳусайнни бир улуғ-  
лаб, бир тергайди — натижা йўқ! Алишер Ҳусайнга  
баришланган ОРЗУЛАРИНИ ниҳоят, истеъдодли ва қоби-  
лиятли шаҳзода Мўмин Мирзога тикади! Мўмин Мирзо  
сарой ўйинлари оқибатида ўлдирилгач, унинг бутун  
умиди сўна бошлайди... («Мўмин Мирзонинг ўлими  
Темурийлар Ҳонадонининг Инқирозидан нишонадур!»)  
Алишер «ИНҚИРОЗ вақти яқинлашганини» Бобурдан

олдинроқ, кашф этади. (Балки буни улар, Икки Даҳо бир пайтда кашф этиштандир?!)

Лекин Алишер саросимага тушмайди.

«Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча тарбия ва маддә берувчи киши ҳеч бўлғон эмас.»

У аввалдан келган ЎЗ ВАЗИФАСИни ўйланган, ўчловли тартибда давом эттираверади.

\* \* \*

Инсон ўзининг қачон, қаерда ва қандай ўлишини билмайди.

Турилишини билмагандек!

Бу — Худонинг иродаси..

Бироқ тасодиф ўлим йўқ Ҳар бир инсонга вақти-соати билан, ўлимдан олдин ўлим дараги келади. Ажал ногорасининг гумбур садосини атрофда ҳеч ким — энг яқин одамларинг ҳам эшитмайдилар. Уни фақат Сен эшитасан!

Сўнгти пайтда ўғиллари билан урушишдан бўшамаган Ҳусайн Астрободга кетган, Алишер (биринчи марта эмас, олдин ҳам кўп бўлган) Ҳиротни бемалол идора қилиб юрган эди. Одатдагидек, ҳалқнинг БАХТИ, ОСОЙИШТАЛИГИга кўшиш билдиримоқда эди.

Кутилмаганда чопар келиб, Ҳусайннинг Астрободдан қайтаётганини маълум қилади.

Алишер аъёнлар, Ҳиротда қолган амирлар, беклар, обрўли кишилар билан бирга, дарҳол отланиб, шашардан ташқарита чиқади. Бир тўп отлиқ қора совукда сultonга пешвоз бора бошлиядилар.

Шоҳ-Малик работига қараб кетаётиб, Алишернинг совуқдан эти жунжикади.

У от устида энкайганича, чуқур хаёла ботади.

Аввалида Алишер бутун ҳаёти ҳақида ўйлаб, қандайдир машқи паст эканлигини ҳис этади...

*Не бўлди, гардима, эй бевафо, даво қилсанг,  
Вафога ваъда қилиб, ваъдага вафо қилсанг.*

*Танимни курб фазосига хокироҳ этдинг! —  
Бошимни васл эшикига ошно қилсанг.*

*Сунуб қўлимни юзунгра, мурод этиб ҳосил,  
Очиб юзунгни, кўзум ҳожатин раво қилсанг.*

*Висол авжи бийик! Эй кўнгул қуши! — сен паст,  
Етишмак анда не мумкин, агар ҳаво қилсанг.*

*Жаҳон ғамин чу олур, бер қадаҳни, эй соқий,  
Олурман икки жаҳон мулкига баҳо қилсанг...*

Кейин у ўзини бир оз лоҳасми-нохушми сеза бошлайди.

«Мен ХАСТАЛИҚдан ўлмайман. ИШҚдан ўламан...»

*Эй Навоий,  
ИШҚ АРО ўлмакдин ўзга чора йўқ!*

Буни Алишер илк дафъя хаёлидан кечирибдими?!  
**ҲАЁТ** ва **ЎЛИМ** ҳақида доим ўйлаган! Бироқ айни дамда «ўлмак» унинг кўнглига хавотир солади. Олдингидан баттар ланжлик сезади.

Кейин, назарида, у билан бораёттан отлиқлар бехосдан биебонда судралган карвонга «аиланади». Карвон ортида — бўйнига ғулу солинган бир тўда қуллар... Алишер, бу кетаёттани болалиқдаги Язд чўлими, бошқами?! — негадир ажратса олмаёттандек ҳолатта тушади Лекин шу пайт унинг кўз ўнгига Каттакон Ёғоч Ӣдишдаги сув келади. Шундан кейин, у аниқтиник, дунёда ИНСОНИЯТНИ урушлар, исёналар, бирибирига зулм, бири-бирига НАФРАТ эмас, МУҲАББАТ (ИШҚ) асрайди, қутқаради, деган ўйга боради. Ўзининг ОШИҚ эканлиги билан алланечук фахрланади. Унинг ёнида эса энди КАРВОН йўқ. Атрофда фақат қуюн. Қуюн...

*Ҳар қуюн гўёки бир —  
САРГАШТА ОШИҚ гардишур,  
Баски, туфроғ ўлди  
ИШҚИНГ ДАШТИДА оворалар...*

Шу аснода ҳамроҳлари тараффудданаёттанини кўриб, сергакланади.

Рўпарада Ҳусайннинг «тактиравон»и пайдо бўлганини пайқайди.

Ҳамма гурс-гурс отдан туша бошлайди.

Алишер ҳам отдан тушади.

Ана шунда...

ногоҳ...

ажал ноғрасининг гумбур садоси унинг нақ қулоги остида эшитилади.

У икки оғиз сўзни хаёлидан кечиради...  
Биринчи:

Эй ажал, қўркутма  
ўлдурғум, дебон...

Иккинчиси, бунга дахли борми, йўқми, ҳарҳолда:

Юраклар ичра қозрон чоҳ..

Яқинида турган икки кишига кўзи тушади:

Хўжа Шаҳобиддин ва Жалолиддин Қосим.

«Мендан огоҳ бўлинг! Ҳолим оғир...»

Унинг олдин ҳам, ҳатто ешлиқда ҳолсизланиб йиқилган пайтлари бор. «Табиблар бу балога не чора қилройлар! Мараз чу зоҳир эмас...»

Мараз (касаллик) шуки, ички БИР ҚУДРАТ жисмини «ёриб» чиқмоқчи! Жисм «ожиз келиб», таслим бўлишга мажбур.

Лекин олдин Алишер тузалган, қайтиб туриб кетган эди! Чунки унга ҳозиргиdek ўлум дараги келмаган эди.

Уни бояги Бир Амир ва Бир Уламо қўлтиқлаб олишади.

Улар шу тахлит «илгари юриб, Алишернинг бошини Баланд даражали Подшоҳ кўксига» қўйишади.

Беҳол Алишер Ҳусайн билан «кўришаётиб», ўйлайди:

«Мен Сизни барибир суюман, шоҳим! Сизнинг ИН-КИРОЗга қараб кетаёттанингизга ачинаман...»

Бу сўзларни у очиқ айтиши ҳам мумкин эди-ку, ҳаракат тўхташи билан бирга, тилдан ҳам қолган эди.

Ҳусайн Алишернинг Ярим Подшоҳ эканлигига яна бир карра икрор бўлгандек, уни «тактиравон»га ётқиздириб, ўзи отта минади.

Ярим кечада Ҳиротта қайтиб келишади

Ҳусайн шу кечаси ҳам, эртаси тунда ҳам мижона коқмайди.

У ЮРАГИ БЎМ-БЎШ бир ҳолатни туди.

Алишер учинчи кеча деганда узилади.

У ҳолсиз, ҳаракатсиз ёттанида, бир неча бора...

ШАМОЛ ногаҳон ЭШИКни очади,  
парда юлқинади ва худди парда ичидан

гулгун қабо кийган

БИР НОЗАНИН чиқади.

(Очар гүё сабо  
ул гул юзидан —  
ҳар замон бурқаъ...)

Алишер бу Нозанин Давлатбахтми ёки,  
Номаълум Гўзалми?! (ё буларнинг иккиси бирми?)  
яхши фарқлаётмайди.

Нихоят, парда ичидаги ДИЛБАР Гули қиёфасига  
киргандек бўлади!

У сўнг нафасда ўйлайди:

«Ҳаётининг нихоятига комлар, балки комронликлар  
била етибмен. Ҳеч турлук АРМОН хотиримда қолмай-  
дур. Ва ҳеч навъ ОРЗУ кўнглумда синғонин хаёлим то-  
полмайдур...»

У кўнглида қалима ўтиради ва унинг лаблари икки  
офиз сўзни пичирлади.

Б и р и н ч и:

*Юраклар ичра қозғон чоҳ..*

И к к и н ч и:

Эй ажал, қўрқутма  
ўлдурғум, дебон...

\* \* \*

Алишер Ҳусайнни куттани Ҳиротдан чиққанида  
пайшанба куни эди.

Якшанба куни саҳарлаб Ҳирот фифон ва фарёдлар  
 билан уйғонади.

Шаҳар ийдоҳи (ҳайит намозлари ўтадиган хона-  
коҳ)да жаноза ўқилади.

«Кейин, Алишернинг ўзи солдирған масжиди жоме  
пинжидаги гумбаз — олдиндан тайёрланган даҳмага  
олиб келиб, уни дағи этишади... Султон Соҳибқирон  
уч кунгача у — АҲЛИ ДИЛЛАР БОШЛИГИнинг уйида  
мотам тутиб ўтиради...»

\* \* \*

*Мен ва Шаҳрия,  
Суҳроб ва Назми...*

Ҳайит ва Тозагул-чи?!

Улар иккиси шаҳар ташқарисидаги соя-салқин бир жойда дам олишаёттган эди. Биз уларни кўргани бордик.

Ёз ўртаси, осмондан олов ёғилаёттган эди. Қуюқ дархатзорда палос ёзиб, собиқ синфдошлар ҳар қачонгидек «болалик кунлари хотираси»га шўнгидик...

Мен бу воқеани эсламасдим, ўша куни гапга берилаб, дунёни унуттан эканмиз, дабдуруст ёнимизда жиккак, қорагина бир жувон пайдо бўлди. Биз аввалида, унинг қаердан келиб, нега бошимиз устида қадалиб турганига ҳаттоки тушунмадик.

Бири-бирига ҳазиллашиб, кулаётиб, жувонни пайқаганда, қотиб қолган эдик. Унга хўш, нима ишинг бор, дейишимиз мумкин; лекин у бизга шу қадар ғамгин тикилган эдик... Биринчи бўлиб, жувон ўзи сўз очди:

— Кечирасизлар. Яхши одамга ўхшайсизлар! Шуни бир кўринглар. — у қўлидаги ҳалтадан тўрт-бешта тақинчоқ чиқариб, бизга узатди.

Дунёда чиройли нарсани кўриб, қизиқмайдиган, кўзи чақнамайдиган аёл кам! Бизнинг хотинлар, албатта жонланиб, тақинчоқларни бирма-бир қўлларига олганча, томоша қила бошлиди.

— Булар сизникими?! Қаердан?! — деб сўрадим жувондан, кўнглимда шубҳа туғилиб.

— Менга совға, — деди жувон осойишта ва қандайдир бир оз мамнун.

— Қанақа совға?! — гапга аралашиб Суҳроб.

— Эрим қамалган. Улар бўш вактларда бир нарслар ясашибди. Хотинлари, яхши кўрган қизларга беришади

— Совға бўлса, нима қилмоқчисиз?! — қизиқсинди Ҳайит.

— Учта болам бор. Пул етмайди, қийин, — деди жувон.

Мен бу жувон учун совға қанчалик азиз эканлигини, аммо бошида яшашиб савдоси бўлганидан, уни бизга

тиқишираёттанини ҳис этдим. Юрагимга баёnsиз бир дард ўрмалади!

— Биз сизга озгина пул ёрдам қилайлик. Буларни сотманг, — дедим жувонга.

— Мен пул ололмайман. Мен тиланчи эмасман. Бир ерда ишлайман, — деди жувон.

— Бўлмаса, биз мана бу битта оддийроғини олайлик, қолгани ўзингизда қолсин, — ақллилик қилди Шаҳрия.

Биз Шаҳрияning мақсадига дарҳол тушуниб, ёнимиздаги бор пули жувонга тўплаб бердик.

Жувон ҳам бизнинг олихимматлик қилганимизни англаб, кўзлари ёшланди...

Бу воқеани энди бир неча кундан буён эслаб, хаёлга ботаман.

Ана, ЖИНОЯТЧИ! У яқинлари меҳри-эътиборига зор. Бунга жавобан ўзи ҳам хотинигами, севган қизигами бўш пайт топиб, нимадир СОВФА қилишга уринади! Унинг юрагида шундай МУҲАББАТ бор экан, унга НАФРАТ қачон, қаерда юқдан! Дунёда чоллар, кампирлар, аёллар, норасидалар БАХТСИЗлиги, КЎЗ ЁШЛАРИга сабаб — ЖИНОЯТ нега содир бўлади?! Қамоқхонада ётганлар эмас, ОЗОДЛИҚда юрганлар орасида одамлар БАХТИ, СЕВИНЧИ, ОСОЙИШТАЛИГИни ўғирлаб, Дунёни ҲАЛОКАТ ёқасига олиб бораётганлар йўқми?! Исёnlар, урушлар кўзгаф, еру кўкни ўқ-дорига тўлдириб, Дунёда МУҲАББАТ кераклигини билган ҳолда, ИНСОНИЯТнинг кўксига НАФРАТ ҳиссини жойлаётганлар йўқми?! Улар ЖИНОЯТЧИ эмасми?!

Қани, Сиз ИШҚ АҲЛИ?! ҲАҚИҚАТ, АДОЛАТ пошибонлари?! ЖАҲОЛАТ, ЁВУЗЛИК, ЁЛҒОНга бурканиб бораёттан Дунёга КЎРК бағишилашга қодир ИНСОНЛАР, қани, СИЗ?!

*Бизинг ШАЙДО КЎНГУЛ БЕЧОРА бўлмиш,  
МАЛОЛАТ даштига ОВОРА бўлмиш...*

\* \* \*

Менинг хаёлим яна Алишерга кўчади

**ҲАЁТГА АРАЛАШИШ**

ёки

## ҲАЁТГА АРАЛАШМАСЛИК..

Алишернинг Бутун Борлиги ва Бутун Ижоди ҲАЁТГА АРАЛАШИШнинг Буюк Тимсолидир!

У, шоҳми, гадоми — бирон пайт, ўзига юзлашган бирон кишининг аҳволи қандайлигига лоқайд қарамаган. Ўзи шоҳид бирон ҳолат, бирон воқеага МУНОСАБАТ билдиримай қолмаган.

Унинг ЗОХИДЛАРга Терс юриб, ОШИҚЛАРдан бўлганига сабаб ҳам шу!

\* \* \*

Ўша даврдаги ўрганиш мумкин фан, соҳа йўқки, Алишер қизиқмаган бўлса! Мана, шу ОЛАМНИ АНГЛАШГА интилиш уни УЛУФ МУТАФАККИР даражасига кўтаради.

\* \* \*

У фақат Темур насли эмас, умуман Ер Юзида Ҳаёт ИНҚИРОЗга қараб кетмаслигини истайди. Унинг Тарихдаги Хизмати ОГОҲЛИКка даъватдир.

\* \* \*

Унинг ҳаётидаги бутун ЗИДДИЯТлар —  
Буюк БИР МАҚСАДГА ИНТИЛИШ жараёнини акс эттиради.

\* \* \*

Алишерни кўп қийнаган, ахийри «олиб кеттан» қасаллик маълум:

Ички БИР ҚУДРАТ жисмни «ёриб» чиқмоқчи!

Жисм «ожиз келиб», таслим бўлишга мажбур...

Мана, энди мен Қақнас билан Занжирбанд Шер орасидаги боғлиқликнинг «мағзини чаққандек» бўладим:

Унинг руҳи — Қақнус.

Жисми — Занжирбанд Шер.

\* \* \*

Мен уни шундай тасвирлайман:

*Ташқи — ҳорғиналиқ,  
Ички — тоқатсызлик.*

Ҳорғин юз-күзида битмас-туганмас күч!

\* \* \*

Худога шукр! Изданишларим ниҳоясига еттандек.

Мен уни тасвирлайман, албатта. Лекин...

Чексиз Осмонни күргандек бўлдим.

Чексиз Уммон ёқасига бориб қолдим.

Бу «юқ» билан дунёда энди қандай яшайман?!

Гапни шу ерда тутатмоқчи эдим-ку...

Бундай Ривоят...

\* \* \*

Хусайн бир куни тонгда уйғониб, қор ёгаёттанини куради.

У каттакон ойнадан ташқарига тикилиб туриб, Алишерни, болалиқдан ДўСТИнинг ҚИШ ҳакидаги шеърини эслайди:

*Cengi тун мушкира сийми-судадин кофур қиши.  
Аиш учун оку қарони айлади масрур қиши.*

*Гарчи Ҳиндистонда қор ўлмас. Вале, оқ раҳтини  
Ёйди Ҳиндистон киби, бу тунда номақдур қиши.*

*Гар эрур занг аҳли зулмоти, ва лекин, қор ила  
Қилди тун зангисини аҳли сафо-у нур қиши.*

*Боди оқ уй ичра ичмак расм эрур қиши бўлғали.  
Ҳақ юзун оқ айласунким, қўйди хуш дастур қиши.*

*Базмни ўтдин қизишди, базм аҳлини бодадин.  
Саҳв эмишким, бўлди совуқлиқ ила машхур қиши...*

*Үйи вайронларга қаттиғдур...*

Хусайн — кайфият кишиси.

Яқин орада Алишернинг қабрини бориб зиёрат қилмагани ёдига тушади

У шарт хушранг-яшил абришим кийиб, бошига қора кўзи бўрк қўндириб, икки мулоzими билан қасрдан чиқади.

Алишер солдирган масжиди жомеъ ёнидаги гумбаз олдига келиб, отдан тушганича, дахмага киради.

Дахма ичиди, Ҳусайн Алишернинг қабри устида бир қиз (гулгун қабо кийган БИР НОЗАНИН) йиғлаб ўтирганини кўради.

Қизга аҳамият бермай, у пойгаҳда чўкиб. Қуръон тиловат қиласди.

Юзига фотиха торттандан сўнг, беихтиёр қиз ўзига бурқаъ остидан ярим ўқинч, ярим адсоват билан қараётганини сезади. Ноқулай аҳволга тушиб, дахмадан ташқарига сирғалади. Қиз ҳакида ўзича, Гули деб ўйлади Гули!

Отта минмай, мулоzимларига ҳам қарамай, Ҳусайн пойи-пиёда кета бошлайди. «Бу қиз Алишердан ҳам олдин, ҳў анча олдин, ёшлиқ пайтида ўлган эдик!» — деб ўйлаб, ажабланади. Кейин, негадир хаёлидан кечади.

«Йўқ, булар ўлмайди.

Алишер ўлмайди! Гули ҳам...»

У қорга ботиб кетаверади.

Ёмғир қорга айланди, дейишарди. Қараса, тескари ҳол, қор тўхтаган. Эзиб ёмғир ёғялти. Оёқ ости балчик. Сирпанчик.

Ҳусайнга шу пайт Ер торлиқ қилаёттандек туюлади.

«Эй Худо! — деб ўйлади Ҳусайн юраги қисиб. — Киши мана, шу ёмғир риштасига чирмashiб, қани энди, осмонга чиқиб кетсанг!»

У бехосдан таҳтадек қотади.

Шошма! Бу гап қаерда бор эди?

Ҳа-а... Дехлавийнинг ҳиндуча бир шеъри.

Лутфий ҳайратланиб Алишерга айтиб берган, Алишер хушҳол бўлиб Ҳусайн ҳузурида нақл қилган эди.

Эмишкі: «Маҳбуб баҳор айёмида бир ён борадур-миш бўлғаи ва ёғин жиҳатидин, ер балчиғ бўлмиш бўлғай ва анинг оёғи балчиғидин тойиб, йиқилур чоғида, ғоят нозуқлиғидин, ёғин риштасин мадади била тутуб-қўпмиш бўлғай».

Ўшанда...

Деҳлавий ҳақли экан.

Лутфий ҳақли экан.

Алишер ҳақли экан.

Дунёда тескари ҳол ҳам учрайди.

Ёмғир риштасини тутиб, йиқилишдан сақланиш мумкин!

Фақат буни ҳис этиш керак...

Ҳусайн ўзини мулзам сезиб тўхтайди.

У мулоғимларни ҳайрон қолдириб, тез отта яқинлашади ва сакраб миниб, отни асабий қамчилайди.

## ХОТИМА ЎРНИДА

«Холиғ! Яхшимисан?! Салом алайкум.

Сени тополмай, ҳат ёзиб қолдирадим. Кўришим шарт.

Шундай латифа бор. Бирор хотини билан чиқишолмай, ажралибди. Кейин кўчага учратиб, уни севиб, қайтиб уйланган экан. Мен ҳам шунақа.. эскидан таниш бир қизни сўнти пайтларда ектириб қолдим. Сен ҳазиллашиб айтмоқчи, уни ҳозир ҳеч кимга кўрсатмай юрибман. Уйланадиганга ўҳшайман.

Қисқаси, оғайни, Барно санъатга қизиқади, тоғанг устод Абулхайр билан уни таниширишим керак. Абулхайр чизган Навоий тасвирини кўриши керак. Музейларда, кўргазмага тасвири учратмадим. Ўзим тоғанг билан гаплашгани уйшига бир-икки бордим. Лекин янга — Шаҳрия хоним яқин йўлатмаялти, эримнинг тоби ўйқ, чарчатасиз, дейлти. Мен бунга кўп ишонмадим. Навоий расмини чизган рассом аксинча кучга тўлиб, ёшармайдими?! Менимча, янга бир оз думоғ пайдо қилиб, одам танимайдиган бўляптилар. Кечирасан, тўғрисини ёздим... Нима қилганда ҳам, менга сенинг ёрдаминг

*көрак, Холид! Сендан кейин бир умр, миннатдор бўлиб  
қоламан...*

*Тоғанг ёзган дафтарларни ўқиганмисан?! Ўқимаган  
бўлсанг, менда! Буларни ўзи китоб қилиш керак. Агар  
бирон ёзувчи қизиқса...*

*Кўнгироқ қилишингни кутаман. Ёки менга учра  
Илтимос...*

*Ogil.*

\* \* \*

*Халқимиз орасида ғаройиб инсонлар кўп ўттан.  
Буюк аждодлар руҳи барчамизга мададкор бўлсин!  
Омин.*

*1998—2000 йиллар.*

# БУОК

фаррош



## (Рассом Абулхайрнинг эсдаликлари)

Ўлим гарчи муқаррар, умрни ҳазон  
қилмай, мангулик чўққиларига  
кўшарилиш ва инсонга хос энг  
яхши хислатларга суюниб яшаш керак.

*Арассту*

Гар ватан Лутфий кўзида шутмадинг,

Уй қўпормоқлик зрур душвор  
*Жайхун* устиниа.

*Лутфий*

### 1

## ЁЗУК

Ҳақиқат кучлими, ёлғонми?!

Ҳақиқат букилади, лекин синмайди, ҳақиқат ўлмайди,  
ёлғоннинг умри қисқа, у барибир фош бўлади,  
дейишади. Биз шунга ўрганганимиз.

Бир киши уйимга ўт тушди, ёнаյпман, деб нуқул  
жар солар экан. Одамлар югуриб боришса, ёлғондан  
бақирган бўлиб чиқаркан. Бир куни бехос унинг уйига  
 ўт тушибди. У яна дод-фарёд қилган экан, ҳеч ким  
келмабди. Ҳамма буни ёлғон, деб ўйлаб ўтираверибди...  
Биз мактабда ўқиб юрган даврдаёқ бу ҳангома  
 билан танишиб, ёлғонга берилишнинг оқибати шундай  
 хароб эканлигини тушунганимиз.

Ҳар кимки, сўзи ёлғон, —  
 ёлғони зоҳир бўлроч, ўёлғон...

Аммо мен, шу билан бирга, умримда неча бора  
 ёлғон фақат кундалик ҳаётда учраган «садда» ҳолат  
 эмас, мураккаб шаклда, ҳаётта кенг кўламда киришга  
 уринган оғат эканлигини ҳис этдим.

Энг аввал, ақдимни таниб-танимай, ёлғон — ҳақиқатни ечинтириб, тунаб, унинг кийимини кийиб  
 кўчага чиққанини кўрдим. Бунинг устига, аламли жойи,

іалантан, абтор ҳақиқат билан бирорнинг иши йўқ, ҳамма ёлронга эргашиб, ўзи-ўзини ва бири-бирини алдаёттанига кўзим тушди. Саросималаниб, ёлронни мен ҳам, балки у ростдир, деб билган шайтларим бўлди. Ахир, у кўчада бемалол ҳақиқат либосида юрар эди. Кейин, йиллар ўтиб, гап кийимдагина эмаслигини пайқадим. Ёлрон, ҳақиқат ўзи менман, менга ҳеч ким шубҳа билан қарамасин, деган даъво-талабни ўртага қўйган эди! Барчани бунга ҳатто мажбур қилаёттан эди! У — қўлида қамчи, ўз хизматчилари — жаҳолат, зулм-зўравонлик, ёвузликни ишга солган эди! Шу тахлит, ЁЛРОН дунёда катта бир КУЧга айланганини англадим...

Ва, бора-бора, ҲАҚИҚАТ бўлмаган жойда АДОЛАТ бўлмаслитини: ҲАҚИҚАТга доим ҲИМОЯ кераклиги-ю, акс ҳолда, у кўчада юпун, иочор қолиб кетишими сездим.

Албатта, биринчи навбатда паноҳ Худодан («Оллоҳ ёлрончиларни сўймайди»). Шунинг баробарида. Ҳақиқат посбонлари, деган тушунча бор. Мард, эзгу бир инсонлар қадимдан энг оғир гуноҳ — Ёлронга, у келтирган — хиёнатта, мунофиқлик, қабиҳликка — барча гуноҳларга (ёзукқа) дадил қарши турганлар. ҲАҚИҚАТ (адолат) йўлини туттанилар. Дунёни асраганлар.

Мен изтироб ичида шу инсонлардан рух, мадад истаганимда, илк бора Навоий сиймоси кўз олдидимда гавдаланганди.

\* \* \*

Бизда бешикдаги бола ҳам Навоий номини билади.

(Агар ота-онаси маданиятли, фаросатли кишилар бўлса!)

Лекин мен Буюк Бу Инсон қиёфасини тасаввур қилиб, уни тасвирладим.

Тасвир мухлисларга ёқди. Касбдошлар мақташди.

Табиий, бурнини жийириб, ақл ўргаттанилар ҳам топилди.

Мен ўзим-чи? Бир рассом сифатида, бу ишта қандай қарайман?!

Одатда, ҳар қандай одамни (буюк инсонни ҳам!) рассом ўз даражасида чизади. Демак, Навоийнинг Да-

ражаси қаерда-ю, менинг даражам?! Бундан ташқари, одатда, рассом Бировнинг Қиёфасида ўзини чизади Бояги тасвир ҳам Навоийга ўхшагани билан, у — мен Асардан кўнглинг тўлиши еки тўлмаслиги мумкин, холос.

Ўз ишимдан бошда қаноат ҳосил қилгандек эдим.

Бироқ, орадан кўп ўтмай, тасвир мукаммал эмаслиги ошкор бўла бошлади. Мен қизиқ ҳолатта тушдим.. Бир томондан, Навоийни умуман мукаммал тасвирлашнинг иложи йўқ... дengiz, уммон тасвирланган расмларни кўрганмисиз?! (Масалан, Айвазовский ёки Волошин?!) Рассом ҳеч қачон бутун дengизми-уммонни тасвирилаётмайди. «Қатрада офтоб»ни акс эттиради! Тоғлар тасвирланган расмлар-чи? (Дейлик, Рерих ёки ўзимизнинг Урол оға?!) Буюк инсонни тасвирланганда ҳам, рассом «бугун»дан «парча» билан кифояланади. Иккинчи томондан, бирон жойда, бирон пайт инсоннинг ўзида ҳам, ишида ҳам мукаммаллик бўлмаган! Шунга қарамай, бу борада ҳам «офтоб» барибир «қатра»да акс этиши керак. Банда комиликка интилади-да! ТАСВИР ҳарҳолда Навоийга муносаб бўлсин учун ишни давом эттириш, янги бир белгилар қўшишга тўйри келади.

Қисқаси, мен асар устида яна ишлашга қарор қилдим.

Навоий ҳаётидан мухим бир воқеалар то ҳозир назаримдан четда қолган эди. Уларни ўрганишга киришдим. Ана, таассуротим, ўйларимни қоғозга ҳам тушира бошладим.

Қўлимдаги тасвир билан ёнма-ён, одинроқ бошлаб қўйган ишим кўп. Устахонамда битиб-битмаган чала тасвирлар сочилиб-тўзиб ётиди. Қолаверса, охирокибатда мендан ЎЗ ВАЗИФАМ сўралади. Шу боисдан, иш битди, деганда асабийланиб-оғриб, яна изланиш, айниқса, эсадалик ёзиш етти ужраб тушимга кирмаган эди. Аммо осойишталик туйиш ўрнига айни кунлар Навоий тўйрисидаги хаёл, жисми-жонимни ўртаган азоб ҳамон мендан кетмаётган эди. Мен ҳаётида шу дамгача ҳеч иш қилмаган эдим гўёки! Бунинг устига, ТАСВИР жараёнида бешта дафтар тўлдириган эдим: уларни бир куни хуш кайфиятда жияним Холиддинг

дүсти, Одил деган йигитта бериб юбордим (бунга ўкин-майман. Одил, айниқса, санъатшунос Барно — бу қыз анча ақлли чиқди! — ёзувларни ўқиб тушунишса, қадрлашса, бас). Лекин ўша дафтарларни тез орада қайтиб «согина» бошладим. Яна, гап шундаки, сүнгти кунларда менинг ҳаётим билан Навоий ҳаёти хаёлимда худди бири-бирига аралашып, қоришиб кетди. Шароит шундай шаклланғанда, мен Навоийни эсләйтиб, беихтиёр Шахрияга ҳаёлан бот-бот мурожаат қыла бошладим... Эсдалик ёзмасликнинг иложи бўлмай қолди.

\* \* \*

Шахрия! Жоним!

Кечир мени!

Касб-корим бобида муттасил қайсарланиб, ўзимга катта талаб қўйиб, норозиланиб (баъзан жазавага тушиб), сени қийнаб юбордим. Ижодкор дунёда шундай ХУДБИН бўлиши шартми?! — билмайман, лекин ХУДБИНЛИК қилмасам, ишда бирон натижага эришолмадим.

Ёшлик йиллари, Сенга кўқдан ой-юлдузни олиб бермаганда ҳам, Сени кафтимда тутишни ўйлар эдим. Суратингта шайдо бўлиб, расимлар чизган, абадий бир муҳаббат режасини тузган эдим. Назаримда, бизнинг муносабатимиз, ҳеч қачон юксакдан пастта «тушмаслиги» керак эди!

Кейин... кейин...

Буни «унута» бошладим.

Сендан «узоқлаша» бошладим.

Йўқ, бу кун ҳам ёмғир пайти бир-бирининг пинжига суқилган қушлармиз.

Шунинг баробарида, мен бора-бора ўзимдан бўшамай қолдим. Тириклийни ўиласам, ижодга вақт йўқ, ижодни ўиласам, тириклий аро йўлда, иккиси мени домига тортиб, Сенга «қарамай қўйдим».

Сенинг дардинг нима, ҳолатинг нима?! — баъзан ой, баъзан йил бўйи бирон марта жиддий зътибор бермаганман.

Ҳолбуки, ҳаётда мен учраттан энг яхши АЁЛ — СЕН!

Хўп. Бўлган воқеага ўта қолай.

Аввалида аравада кетаёттандек здим

Сүнг, офтоб намунча куйдирмаса, деб ўйлаб, кўзларим ачишиди.

У ён-бу ёнга ағдарилдим-у, уйрониб кетдим.

Диққат қиласам, шифтда чироқ ёнаёттан экан.

Каравотда Сен тоқатсизланиб-тўлғониб ётибсан

Пичирлаб шимадир дейишга уриндингми ёки ҳолатингни ўзим пайқадимми, ҳарқалай ўрнимдан сапчиб, бўлмадан йўлакка отилдим. Шошиб ластакни кўтардим.

Қўлим титраганидан, рақам теролмайман.

Ниҳоят, навбатчига бир ялиниб, бир дўқ уриб, уйга «тез ёрдам» чақиртирдим.

Сал туриб келган ҳаким Сени кўриб, касалхонага олиб бориш зарурлигини айттач, кўчага чиқдик

Машинада кетяпмиз. Олдинда ҳайдовчи билан ҳаким. Орқада биз. Сен замбилда, мен эшик ёнидаги курсичадан жой олганман.

Инсонни Худо нақадар мураккаб яраттан! Гоҳо ўз-ўзингдан ҳайратланиб, ҳушинг оғади... шу аснода уй-кум бўлиниб, ташвишланиб ҳолим забун. Юрагимга қил симайди. Лекин бундай латифани эсладим. Үн киши ишлайдиган кичик бир идорада тўрттаси шамоллаб ётиб қолибди. Улар тузалиб келгач, бошлиқ мажлис чақириб: «Биродарлар, — дебди. — Иш юришмаялти. Навбат билан касал бўлинглар».

Аслида, буни эслашга сабаб, иккимиз ҳам охирги йиллар «навбатта риоя қилмай» касал бўлаяпмиз. Бу, болалиқдан ҳаётдаги озорлар, кўрган зулм, жаҳолат, доимий етишмовчилик, меҳрибонлик камлиги — бутун машақатлар асоратими?! Ёш улгайгани натижасими?! Менинг бу кун сезганим — ниҳоясиз чарчоқ Гоҳ кўчада кетаётиб, учраган харрак устига чўзилгим келади.

(Кечагина бола здим.

Бир қарасам, Йигитча.

Қандай улгайиб қолганим-у, ёшим олтмишдан ошганига тушунмайман.

Навоий ёзган зди:

умр ўтар елдек!

Кейин:

ўзингни шод тут!

Ўзни шод туттан дуруст, албатта.

Ҳасратта ботища маъно йўқ.

Бундан ташқари:

Елга суръат кўргузиб етмак мумкин эрмас!)

(Ялангоёқ югуриб юрганим гушларимга киради.  
Тушларимда яна, ҳавога кўтарилиб, дараҳтлар, бино-  
лар тепасида уча бошлайман.

Лекин суякларим зирқираб оғриб, уйронаман.

Тун сукунатида мис тօғорага тушган томчилик, соат  
узиб-узиб чиқ-чиқ этаёттанини эшитаман.

Чиқ-чиқ.

Чун кетди йигитлиғ-у, узади қарилук.

Афсуски, умри навжавонлиғ кетди,

Танга қарилукда нотавонлиғ етди

Наҳотки, инсон ҳаёти шу?!

Бу ёқдан у ёқ яқин.

Беш йил, ўн йил, борингки, ўн беш, йигирма йил!—  
ноумид шайтон, аммо барибир сафар тадоригини  
кўриш керак.)

Сен-чи?!

Сенинг ҳам аҳволинг менинидан кўп фарқ қил-  
майди.

Олдинлари ютурган-елган, чақмоқ эдинг. Сўнгти  
уч-тўрт йил ичиди синдингми, чўқдингми?! Сенга  
қараб, юрагим орқага тортади. Қийғос гуллаб турган  
эдик, сўла бошлидикми, азизам?!

\* \* \*

Сени касалхонада қолдириб, уйга қайтдим.

Бу дунёда хотинини оғир ҳолда «ташлаб» келиб,  
уйқуни урган эр топилмаса керак! Топилса, уни эр  
деб бўлмайди.

\* \* \*

Шу кундан (тўғрироги, шу тундан) эътиборан менинг ҳаётим издан чиқди. Ётадиган бўлмани тарк этдим. Устахонамга «кўчиб» оддим. Нари-бери судралганим-судралган.

Сендан кўнглим нотинч, хаёлим паришон.

Касалхонага ҳар куни икки-уч қатнайман. Сен оғир касаллар бўлимида. Ҳол йўқ, тил йўқ. Художон...

Кеч тунлар оромкурсида мизгийман.

Асосан, ишим «чорасиз ҳолда судралиб, чора» қидириши!

Сен ҳақда, ўзим ҳақимда, ҳаёт ҳақида ўйлайман.

Кўп гаплар кўнглимдан кечади.

Навоийнинг шундай палла, умрининг охирги йилларидағи ҳолати қандай эди?! Умуман, кексаликка у қайси намойишда юзланди?! Бу даврда унинг ҳаётидаги сир-асрор нимадан иборат эди?! Тушунгим келади.

Хаёл мени узоқларга олиб кетади.

\* \* \*

«Осмон-ҳашаматли подшоҳ (Ҳусайн) Марв атрофини зафар анжомли лашкарнинг ҷодирлари билан тўлдириб (лашкаргоҳ тузиб)» турган эди.

«Соф нијатли Амир Низомуддин Алишер кўпдан бери дунё ғалваларидан кечиб ва бор-будини мурод сармояси этиб, Ҳижоз тарафга йўл олиш» ва бу ердан Ҳажга боришини орзу қиласи эди. Лекин бу ҳақда у ҳар гал сўз очганида, Султон унинг «кўнгими (хуш) сұхбатига камоли майли бўлганидан», рухсат бермас эди.

Ҳусайн Марв остонасида «кўним топганида», Алишер «фурсатни ғанимат билиб», йўлга отланди. Бу гал у сафарга аниқ бел боғлаган, қатъий қарорга келган эди.

Бу гал (яна, эҳтимолки) Алишер Ҳажга бориб, ўша ерда қолиши, ўша ерда — «аввалину охирин, ҳалқи анинг шафоатига мұхтож... Ҳабиби Ҳазрати Илоҳ — Мұхаммад расулулоҳ салалоҳи алайхи вассаллам турбатлари қошида» омонатни топширишни ўйлаган эди. У — ёлғиз киши! — назарида, бундай қилиши бемалол мумкин эди.

Аммо саройга энди бевосита дохил бўлмаса ҳамки, подлоҳнинг Яқин Одами эканлигидан, бир оғиз рухсат сўраши шарт. Йиллар бўйи уни «ёнидан жилдирмай» тутиб турган Бойқаро, Мақсад Улуғлигини иnobatта олиб, энди ниҳоят рухсат беришига Алишер умидланётган эди.

Худи шу кайфиятда у Ҳиротдан Машҳад томон юрди. Ўн икки имомдан бири, Али розияллоҳу анҳу авлодидан Имом Ризо (Мусо Ризо) зиёраттоҳига келиб тўхгади.

Бу ердан Ҳижозга ўтишни мўлжаллаб турганида, Абдулхай табиб деган (подшоҳ боргоҳига кира олиш ҳуқуқига эга) шахс орқали Марвга, Султонта мактуб (ариза) юбориб, Каъба сафарига чиққанлигини маълум қилди.

Бир неча кундан кейин Абдулхай табиб Султон ўрдусидан жавоб мактуби олиб келди. Ҳусайн бундай мазмунда сўз юритган эди: «Йўлланган аризадан Маккаи муборақка жўнаш фикри англашилди. Бу илтимосни қабул қилишимга тўғри келади-ку, қутлуғ сафар учун осойишталик бўлмоғи лозим. Ул муборак манзилини ихтиёр этишда йўл тинчлиги ҳам керак, ҳозир ҳар иккала Ироқ ва Озарбойжон фитна ва ғавю ичинда қолганким, буни тасаввур этиб ҳам бўлмас...» У мактуб якунида яна: «Бу тарафга ташриф буюрсалар, балки сулҳ эшиклари очилгай» деган

Алишер ҳозирги (сўнгти) уринишда ҳам Ҳажга боролмаслигини ҳис этди. Бойқаронинг хоҳишига қараб иш тутиш, шароит билан ҳисоблашишга мажбур эди. (Ҳусайн ҳар гал шундай, Ҳажга розилик билдирган ҳолда, рухсат бермас эди. У — мусулмон подшоҳи, афтидан, бормант, дёёлмасди. Албатта, Мақсад Улуғлигига ҳам фаҳми етарди. Аммо Алишердан ҳаттоқи маълум муддатта ажралгиси келмасди. Баҳона-сабаб излаб, вақтни чўзарди, холос. Алишер эса бора-бора бу имкон бўлмай қолиши мумкинлигини сезарди.)

Султон иродаси билан, илож-ноилож йўлга тайёр гарлик кўриб, мулизимлари куршовида у отта минди.

Машҳаддан чиқиб кетаётib, шаҳарга кириб келаётган бир тўп усти юпун, афти-ангори ҳароб кекса дехқонлар, хотин-халаж, бола-бақрага унинг кўзи туш-

ди Ортта утирилиб, мулозимларидан бирига имо қилди. Бу — аллақачон расмга айланган. Үмри бүйи фактура фано йүлини тутишта мойил Алишер ёнида таңгадинор күтариб юрмас зди. Лекин отда кетаёттанида, тарибу гурраболарни күрса эхсон қилиш учун ҳар қаңоп етарли маблагни ишончли мулозимига бериб қўяр зди. У имо қилгани заҳоти, мулозим халтани очарди.

Алишер ёшлиқдан доим йўқсул-бечоралар (сарсон-саргордон кишилар)ни қаердадир учратса, ич-ичидан эзиларди. Унга Буюк Боболари бир пайтлар икки оралиқда — Салтанат билан мана, шу БЕНАВОлар орасида яшаб ўтгандек туолар, у ўзини ҳам шундай икки ўртада турган ҳолатда тасаввур қиласр зди. Ҳаётда ҳимоясиз-мискин кишиларга шунчаки қайишиб қолмай, унинг ўзи ўсмирилик, йигитлик йиллари камбағаллик-бечоралик жабрини истаганча тортган. Шу сабабдан, кейинчалик аксар дарвешлар хизматида турган, маълум муддат ҳатто ҳою-ҳавасдан кечиб хилват-табаррук жой Работи Сұхайлда яшаган зди. Алишер энди Салтанат рикоби кўлида, ҳукмрон бўлса-да, ҳамон Элдан узилиб-узоқлашиб кетмаган, ўрни икки ўртада эканлигини угуutmagaнди. У қанчалик Ҳусайнга итоат қилмасин, Мамлакатда нотинчлик (ота-бола низолари), Элнинг машаққатли, қашшоқ, ҳёти зулм оқибати, деб билар, бундан сўнгти йиллар айниқса, асабийлануб-бўғиларди:

Юз жафо қиласа манго,  
БИР ҚАТЛА фарёд айламон,  
Элга қиласа бир жафо,  
МИНГ ҚАТЛА фарёд айларам.

Алишер Ҳусайн (Султон Абдулрози Баҳодирхон)ни қадрлаш, уни қўллаш билан бирга, у кундан-кун дабдаба, базм-иширатта берилиб, телбаларча олиб бораётган сиёсатдан норозилигини ҳам баъзан яширмас зди:

ШОҲлиқ этгандин не ҳоси  
ФАҚР сиррин билмайин?!  
Ҳеч ким МУЛКИ БАҚО султони бўлрайму экин?!  
Фонийи маҳр ўлмайин —  
СУЛТОН АБДУЛРОЗИ бикин...

\* \* \*

Энди от устида энкайиб бормоқда эди.

*Бу йўл мусофиригининг ҳоли...*

Шаҳар ортда қолиб, дала-дашт бошланган.

Кун ёришиб бўлган. Офтоб чиқиб, атроф-жавониб тиниқ яраклар эди.

Беихтиёр чукур хаёлга ботди.

«...Бу бандага ёш улгайган чокда заъфе юзланди. Ва ул заъф риштаси заъфлиғ лайкаримига андоқ чирман-диким, ул қуёшдек замирга равшандур. Ҳоло мизожим истиқоматдин мунҳариғу баданимда неча марази мунталифдур... Димогим паришонлиғидин сўзум номарбу-ту хаёлим ошуфталиғидин ҳолим номазбут. Бағрим қизигондин жисмимда ҳуммойи лозим. Ва кўнглум озро-нидин бошим айланмоги ю кўзум қорармоги доим...»

Бир сўз билан айттандা:

*Сен тараҳхум қил, Ҳудоё!* —  
бу қаттиғ ҳолатдаким...

«...Ёш улгайган чокда (ёши олтмишга яқинлашга-нида) заъфе юзланиб (касалланиб)» Алишер «қаттиғ ҳолатда» бўлганлиги рост.

Лекин ўшаңда, у одатича, сал мугамбирлик қилиб, хасталигини «бўрттирибрөқ» кўрсаттан эди.

Нега?!

Алишер Салтанатдан, дунё ташвишларидан буткул юз буриб, қолган умрини Раҳмали ва Меҳрибон Оллоҳга тоат-ибодат билан ўтказмоқчи:

*Иш  
Тенириға тавбаю инобат  
бўлгай!*

Бунга ҳеч имкон топилмаяпти. Ҳусайн унга «ёпишиб» олган. Ортиқча «қимир» этгани қўймайди. Афтидан, фақат «тобинг йўқлиги»ни дастак қилиб, қочишига уриниш мумкин.

У («қочиши, четланиши» ҳақидағи гапни Ҳусайн ҳеч қачон қабул қилмаганидан) ўз ниятини очиқ айтишдан кўра кўпроқ «хаста эканлиги»ни таъкидлаб, бундай деб ҳам ёзган эди:

«Нотавонеким... сайд ҳавосин құлса, иккі инсонға (үзини) отлантирур (иккі одам отға миндирады) — тушурурига ҳаммолвашиғу отланғандын сұнгра пайкари юқидин бир ҳайвонға (отға) мурдакашық. Тушкондин сұнгра бу сайд күфтидин (силкінғандан) айзоси нокор. Бу озурдалиғын яна, бир кечә-кундуз тебрана олмай, андоққи, бир үйлік бемор. Иссіқ нафасларидын ҳаёттинг гули пажмурда-ю, нафасшының оғыр кирап-чиқарып заиф тани озурда...»

«Нотавон»нинг «ақволи»ни Алишер назмда ҳам туғал тасвирлайды:

Ҳар шому сахарға тегру ингранмоқ иши,  
Бул ёнишін-ул ёниға айланмоқ иши.  
Гаҳ-гаҳ иситма ўтидин ёнмоқ иши...

Яна:

Не жисмида тоб-у, не танида қувват,  
Не күнглида хушлук, не ўзида сүхдат...

Бунинг баридан келиб чиқадиган фикр.

Мундоқ кишининг муносиби дур УЗЛАТ.

Хүп.

Амалда қандай зди?!

Унинг ҳали бемалол отта минаған ҳоли бор. (Иккі киши құлтиқлад миндириб-тушириши оддий шарқона одоб. Барчә улууларга мұлозымлар шүндай хизмат қылғанлар.) У ҳали «бир үйлік бемор» бўлиб ётиб олиши ҳам шарт эмас. Неча юз фарсах масофани отда босиб ўтишта курби етади. Анча-мунча пиёда юришта ҳам! (Бўлмаса, Ҳажга чөғланмас зди. Ўша пайтда Ҳажга бориш катта куч, азият чекиши талаб қиласади. Алишерни буни билмаган хом хаёл киши, деёлмаймиз.)

Умуман, у ҳаётдан ҳар қачон баҳра топгиси келган, бунга эришган ҳам зди! Булутсиз осмондаги офтобми, ой ва юлдузлар, боғларда чақнаган гулларми, бутун диёрми, ёрми унинг күзларида жойланған зди... Юраги муз, риёкор зоҳидларгина («зоҳиди ях») ҳаётдан баҳрамандликни инкор этадилар. Гуноҳ деб тушунадилар.

Шу дам от суриб бораёттан Алишер кулибтана қўйди:

*Бироки, ИШҚ била қылди мұттақам бизни, —  
Не нағыз, йүк, дейинким, этди МУХТАРАМ бизни...*

«...Оши мисқол тошиң била бүлгай (жар ишда мезон бор). Агар тоғы заиф (камина) хотири шарбат (шароб, демоқчи) майли қылғай, ул дағы бу тош тарразусы била тортылғай.» Кейин, яна: «...киши құлдамайин (құлғига таяниб) ердин құпариға күл озор бүлғай-у, асо мадағи бүлмәкүнича, ердин қадам құттармоғи душвор (яғни, мен дори-дармон учун ичаман).» Бу важ-кар-сондан унинг майга ҳам ҳали бир оз рағбати бүлгани сезилади.

«Пари рухсора»лар-чи?!

Алишер шайдоликдан ҳам ҳали күнгил узмаган:

*Демаки, бүлдүнг қари-ю, ўтди даври ишқим,  
То тирикдурман, менга  
ИШҚУ МУҲАББАТ өнгидур.*

Шунинг баробарида, кундан-кун толиқиши. Шам сұнаеттанини эслаттан бир түйғу.

Дунё ва охират түгрисида ўйламай бүлмайди.

*ЧОРАИ КОР истабон,  
бечоралиқ күнглум тилар.  
ХОНУМОН ТАРКИН қилиб,  
оворалиқ күнглум тилар...*

Бу — УЗЛАТ, демак.

Яна ўша, Ҳажми, бошқа бир йүсіндами, иложини топиб УЗЛАТта чекиниш, қолган ўзи учун ғанимат ОЗГИНА УМРни ибодат ва ижодға бағишлиш орзуси.

Бирок буни Ҳусайга «тушунтириб» бўлармикан?!  
Унга бу насиб этармикан?!

\* \* \*

Вақти келиб, жар бир инсон ҳаётида ўттан гуноҳ ва савобни ажрим қилиши кераклигини сезади.

От устида энкаийиб бораёттан Алишер қиёфасини тасаввуримда тиклаётиб, бу кеч негадир отамни эсладим.

Падари бузрукворнинг ёшлари тўқсондан ошган эди.

Соқоллари, қош-киприкларигача оқарған, ҳеч му болагасиз, фариштага ўжшаб қолган эдилар.

Лекин баъзан уйга борганимда, йиғлаб ўтирганларини кўрардим.

— Нима бўлди, дада?

— Гуноҳим кўп, болам. Қўрқаман.

Мен ҳали ёш, тажрибасиз эдим ва табиийки, гуноҳ нима, савоб нима, билмас эдим. Мактабда бизга бундай тарбия ҳам берилмаган эди. Тўғрироғи, бизнинг тилимизда «савоб» деган сўз йўқ, «гуноҳ»ни — айб, «гуноқкор — айбдор» шаклида тушунар эдик, холос. Бизнинг иймон ҳақидаги тушунчамиз ҳам шунга яратша, буни «виждан» деб талқин қилишар эди. Мен иймонли инсоннинг ўлимдан, йўқ, ўлим ҳам эмас, ОХИРАТ АЗОБИдан қўрқишини ақдимга сиёдиролмас эдим. Менга отамнинг ҳолати кексалиқдаги инжиқлиқдек туъюлиб, асабийланардим:

— Эй дада! Сизда гуноҳ нима қиласди?!

— Сен билмайсан, болам. Гуноҳим кўп. Гуноҳимиз кўп!

Мен отамнинг ҳаётини ҳарҳолда билгандек эдим. Ёшлик пайтлари мадрасада ўқиб, мударрис бўлган. Тўнтаришдан кейин, маълум муддат заргарлик қилган. Бу касбни тезда хушламай, мистарлик, рехтагарликни ўрганган. Тўрт-беш йил қишлоқда яшаб, экин эккан. Асалари боқдан. Шаҳарга қайтиб, уруш йиллари бекатда юк ташиган. Чироқ, кўтариб юрган. У — уламо бир киши, — оддий ишларни бажариб, оддий яшашни ор деб тушунмаган. Умри сўнгтида гузар масжида имом эди. Умуман, бутун ҳаётида ХУДОЖЎЙЛИКни тарқ этмаганди.

Отам мен учун тўғрилик, ҳалоллик, поклик тимсоли эди. Уни яхши кўрардим. Шу боисдан, боладек йиғлаб ўтиришига хафа бўлар, ажабланар ва бундан қандайдир саросималанар эдим. Худо кечирсин, гоҳо унинг катта бир гуноҳи бор-у, билмас эканманми, деган ҳаёлга — шубҳага ҳам борар эдим... Биз оталаримиз ҳолидан воқиф бўлмагандек, бутун Шарқдан бехабар қолганимиз! Минг йиллар шундай эди, мусулмонлик биринчи галда — ОХИРАТда ҳисоб-китоб борлагини ўйлаш ва Худодан ҚЎРҚИШ! Дунёда гуноҳинг борми-йўқми, осмондан ҳайдалган осий банда эканлигини тан олиш... Мен ҳали билмас эдим. Худодан

қўрқкан инсон (банда) факат ўз гуноҳи эмас, атрофидагилар, давр, дунёдаги барча гуноҳлар учун жавоб беришга мажбур (масъул). Жаҳонгирлар вақти-вақти билан тариҳда жаҳоннинг катта бир қисмини эгаллашгани омонат гап (ҳеч нарса эмас) Одам яралганидан буён қарийб бутун дунёни, борингки ярмини, чорагини гуноҳ (ёзук) эгаллаб ётибди..

Мен отамга тасқин бериш ўрнига, тоқатсизланар эдим:

— Эй дада...

\* \* \*

Мана, энди ёшим бир ерга етиб, кечалари баъзан уйқум қочганича, гуноҳ нима, савоб нима, яшашда маъно нима?! — тушунгим келади.

Ўзимча ўйлайманки, **ХУДОДАН ҚЎРҚИШ, ОХИРАТДА ҲИСОБ** бўлмаса, фоний дунёдаги Эзгулик ва Ёвузлик баҳси, гуноҳ лашкарига қарши туришнинг ўзида **МАЪНО** бўлмас эди. Бизнинг ҳаётимиизда Мангалик ва Хотиротта ҳам ўрин қолмас эди.

\* \* \*

**ЧОРАИ КОР...**

**ОХИРАТда** бўладиган иш (кор)га «бечоралиқ» ҳолатида чора излаш керак.

Алишер «шам сўнаёттанини эслаттан бир туйғу»-дан маҳзун тортган эди.

«Туфулият авониким, етти-саккиз ёшдин йигирма ёшқача чинаса бўлгайким, умр фусулининг навбаҳори ва ҳаёт гулшанинг шукуфаву гулзоридур...

Шабоб замониким, йигирмагин ўттуз бешқача деса бўлгайким, ҳам бу — фусулининг ёзибурким, йигитлиш чашмасорининг ҳаётбахшигининг оғозидур...

Ва кухулат айёмиким, ўттуз бешдин қирқ бешга дегунча қиёс қилса бўлгайким, бу — фусулининг ҳазонрезидурким, тириклик борининг баргрезининг нишонидур..

Ва қирқ бешдин олтмиш яқиниражаким, тайин қиласа бўлгайким, бу — фусулининг қишибурким, қишининг ҳам (эгик) қад била адам (у дунё) йўлига кириб, замон аҳди била хайрбод қилишидур...»

Үша даврда ҳам түқсон, юз ёшта кирғанлар учрай-ди.

Мисол — Лутфий.

Аммо Навоий «ўйлаган, ўлчовли» тарзда ҳаёт ке-чирганидек, ўз ўлими пайтини ҳам аниқ сезган ва «хайрбод қилиш» вақтини «олтмиш яқинирача» деб белгилаган эди.

У ҳаким каби ўз қурби-қудрати қандайлигидан ке-либ чиққан. Отта қараб, араванинг қаергача бориши-ни айтган.

Ана, Машҳаддан мўлжалланган Хижоз қолиб, Марв-га, Ҳусайн ҳузурига ҳорғин кетаётган Алишер ҳаётида ўтган гуноҳ ва савобни ажрим қиялгиси келмоқда эди.

Шу кунлар ҳар қачонгидек унинг ҳолати ЗИДДИ-ЯТЛИ.

Бир томондан, турур, ишонч билан:

«...Дунё ИҚБОЛУ КОМИДИН мустағиғ бўлдум.  
ОХИРАТ кому иқболидин ҳам НОУМИД БЎЛМАҒАЙ...»

Иккинчи томондан, изтироб билан:

«Илоҳи, иноятингга умеворменким, ГУНОҲИМ бе-ҳаддур. Ва раҳматингга сазоворменким, ХАТОУ САҲ-ВИМ беағаддур...

Илоҳи, ДУНЁ МАЙЛИ риштасин кўнглимдин уз. Ва нағсоният шайраклигида ҳидоят шамъи била ЎЗУНГ СОРИ ўйл кўргуз...

Илоҳи, агар ҲАВАСДИН бош-оёқ яланг ҳар ён югур-дим, БОШДИН-ОЁҒИМ ёМОН эрконин халойиқда бил-дурдим...

Илоҳи, эмди ҳамким, БАРЧАДИН КЕЧМАК ҳаёлин қилурмен...

Бу ЗИДДИЯТ аслида биргина — юксак даражага етиш баробарида «бечоралиқ» (банда эканлик)ни билиш натижаси. Бу ҲОЛАТ яна «ЧОРАИ КОР исташ» ва «БАРЧАДИН (дунё ишларидан) КЕЧМАК ҳаёли» билан боғлиқ.

Алишер сўнгти йилларда хасталик ёки чарчашдан ҳам кўра кўпроқ ЭРКСИЗЛИКдан озор чекаётган эди. Унинг энди бот-бот маҳзун тортишига ҳам асосан, сабаб шу У Ҳаж ниятида йўлга чиққандаёқ Ҳусайн бунга рози бўлмаслигини ҳис этган ва яна, бу ҳаракат (ахир, биринчи марта эмас) худди шундай тутаган эди!

Үнта Ҳусайн умуман «узоқлашиш»га рухсат бермасди... Саройга бевосита дохил бўлмаган ҳолда, Алишер барибир, Салтанат соҳиби, амир ва арбоб бўлганидан, ЭРКИН бир қадам қўёлмас ҳам эди.

У. Ҳусайн билан болалиқдан Дўстлик, Яқинлиқдан ташқари, Салтанат билан Эл орасида турган ҳолдагина, КИМГАДИР ердами тегиши — Ҳақиқагни айтиши, Адолатта хизмат қилиши мумкин. Бу яна, унинг ЭРКИН (кескин) қадам қўйишига йўл бермаётган эди.

Мамлакатда йилдан-йилга АҲВОЛ ОҒИР, Нотинчик, ўлонлар, қашноқлик, умидсизлик ҳаётни издан чиқариб юборган эди. Бир пайтлар Шоҳруҳ Мирзо вафот эттач, рўй берган «бузурлиқ даври» гўёки қайтиб аёвсиз бостириб келаётган эди. Алишер Ҳусайн Бойқаро дунёдан ўттач, тахт талашаётган очкўз шахзодалар (Ҳусайннинг ўғиллари ва бошқа Темурзодалар) Салтанатни кесим-кесим узиб-юлқиб, Мамлакат парчаланиб, бўлиниб кетишини кўнглида сезмоқда эди. Ҳусайнни имкон қадар қўллаш, асраш истаги ҳам унинг қолган ғанимат ОЗГИНА УМРни ўз ихтиёри ўзида, ЭРКИН ўтказишига монеълик қилмоқда эди.

Буларнинг устига устак, айни шу кунларда Алишер ЭРКСИЗЛИҚдан сўғилаёттанини билмай, унинг ҳаётида бўлган-бор ЭРКИНЛИКка қарши зоҳидлар (мутаасиблар)нинг ҳужуми кучайиб кетган эди. Бу «қора қарға»лар Ҳусайндан сал чўчишмаса, Алишерни нақ гирибонидан тутиб, тупроққа қоришга ё тошбўрон қилишга, терисини шилишга тайёр. Булар бутун ҳаёти аламли-абгор эл-улусга манфаат келтирадиган бирон фаолият кўрсатишмагани кам, ҳар қандай ФАОЛ кишига ғашми-хусумат билан қарашади. Шу боисдан, Бу Дунёга (Ҳаётта) муҳаббат изҳор этган, ерда тириклик бокий бўлишини истаган, бунга кўшиш билдирган Алишер — уларнинг душмани. Унинг ҳар бир қадами, ҳар бир сатрини тафтиш қилишади! Табиийки, Алишер ҳам улар билан тил топишолмайди. Зоҳидларнинг:

Ҳам ЎЗИ-Ю,  
ҳам «МАЪРИФАТИ» —  
Жоҳилу мажхул

эканлигини рўниrost айтади (бир ўринда буларни, ҳатто абллаҳ, деб ёзди). У азобланиб, Худога зорланади:

«Илоҳи, бергувчисан ҳам фиску фужурни, ҳам зухд, ҳам вараъни (тақвони). АЛАНинг ТУҲМАТИН бир неча ожизга боғламок не, яъни?!»

Унинг кўнглига бир ғусса чўқди.

Унга таъна (ё туҳмат) қилиш ортиқча. «Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл!» У бошқалардан кўра кўпроқ, ҳаётида нима савоб, нима гуноҳ, ўтганини билади. Охирият ҳақида ҳам бошқалардан кўра кўпроқ ўйлади.

(Ошиқ Ҳабаш айтмоқчи:

Учрашамиз маҳшар куни. Адолатли кун!)

Шу аснода Алишер падари бузруквори, волидаи муҳтарамасини эслади.

Бошдан (болалиқдан) ўзи-ўзига сиғмай, нималардандир, нечундир қаноатланмай, телбаланиб, ҳар гапга ўжарлик қилиб, суюкли падари, азиз волидасига озор етказган, гуноҳга йўл қўйтан бўлса-чи?! Ахир, у бирон марта уларнинг (айниқса, ёш кетган волидасининг) кўнглини топгани, хизматини бажаргани ийк. Кейинчалик ота-онани «тун-кун нур фош этган бири ой, бири куёш» деганида ва:

Бошни фидо қиласил ато бошига,  
Жисмни қил садқа ано қошига, —

деб ёзганида, ўзи чинакам меҳр кўргузолмаганидан ўкинч ва армон сезмаганимиди?! Болалик қайсиdir даражада шуурсиз ҳолат экан! Ақлни танимагунча, одам қадрни билас экан!

Ақлни танигаңдан кейин-чи?!

Алишерга ҳозир, ҳаёт йўлида учраган АЕЛлар (балки Гули, балки Номаълум Гўзал)га ўзи баҳт бера олмагандек, шу сабабдан, ўзини ҳам баҳтсизликдан қутқара олмагандек туюлди. Бундай бўлмаслиги керак эди, деган ўйдан ўртаниб кетди.

Унга укаси Амир Ҳайдарни эслаш ниҳоятда оғир эди.

У наҳотки, бу йигитни Бойқаро қатл эттирганига бефарқ қаради?! Бир четда, даҳлсиз кўйда турди?!

Амир Ҳайдар — беъмани ишлар қилган девонаваш бўлсин, акаси ва Султон ҳақида оғзига келган нарсани гапирсинг, — барибир, қонини тилаб, ўлимдан асрар мумкин эди. Алишер ахир, умрида қанча ёт кишиларни ўлимдан асрамади! Унинг ўзи ҳам укасидан ўпкаланиб, озорланиб юрганмиди?! Худбинлик қилдими?! Журъат етишмадими?!

Шу паллада унга ўзи Султон иродасига бўйсуниб, укасига нисбатан хиёнат қилгандек туюлди. Бундай бўлмаслиги керак эди, деб ўйлаб, юрак-бағри эзилди

Унинг кўзи тинаётгандек бўлди.

(Хўп.)

У ҳарҳолда, ҳеч қачон «*гуноҳи беҳад, ҳатоу саҳви беағад*» эканлигини унугтиб оқданишга урингани, Худодан яширганни бандадан яширгани йўқ.

«*БОШДИН-ОЕФИМ ЁМОН* эрконин ҳалойиқҳа билдурдим.»

Аммо бошқалар-чи?! Ҳатосиз, гуноҳсиз банда борми?!

„офиятим ҳайлар ЁЗУҚ СИПОҲИ!  
(осойишталигим мулкин ГУНОҲ ЛАШКАРИ  
талон-тарож қилмоқда!)

Алишер эслади.

«*Бадиузвазон* (Бойқаронинг Бека Султон бегимдан туғилган тўнгич ўғли) *Астрободни шинсига бермакка рози бўлмаги* (Ҳусайн Бойқаро Ҳадича бегимдан туғилган кичик ўғли Музффар Ҳусайн Мирзони ҳокимликка қўймоқчи эди). *Дедиким, менинг ўлим Муҳаммад Мўмин Мирзони ҳатна қиласонда, Султон Ҳусайн Мирзо* (Бойқаро, Астрободни) *анга бағишлабдур.*»

Бойқаронинг батъсан (бировлар гапига кириб) ўз сўзидан, ваъдасидан қайтиш одати бор.

Султоннинг яна бир одати:

Энг яқин кишини ҳам ноҳақ, камситиб, озор етказиши мумкин.

«*Бир кун... Алишербек сиррий* (махфий бир) *сўзларни Мирзога гўшаки қилиб* (қулоғига) *айтди. Дағи* (тагин) *дедиким, бу сўзларни унугтинг!* Мирзо (гапни эшитмаганга олиб) *филҳол айтдиким, қайси сўзларни!* Али-

шербек (бу мазах қылғандек ҳолатдан) бисёр мутаас-  
сир бўлиб, йилади (кўзлари ёшга тўлди).»

У бундай воқеани ҳам эслади.

Бойқаро ўзига итоат қилишдан бош бурган Бади-  
узвамон устига (нечанчи бора!) аскар тортишга чор-  
ланган эди

Ота-бала жанги номуносиб, қабоқатли эканлиги,  
икки орада икки томонга бўлиниб тушган, бир-бирига  
қариндош-уруг, қуда-андаги биртинг элнинг қони тўки-  
лишини ҳис этган Алишер, Султонни бардошли, шаф-  
қатли бўлишга чорлади. Ўзали билан ярашишга кўндири-  
ди.

Лекин Балхга шу муносабат билан музокара юри-  
тиш учун Алишерни юборган Бойқаро, тезда (бояги  
одат!) фикридан қайтди. У бирорлар гапига кириб,  
Балх шаҳри бошлиғи (қутволи) Ислом барлоғса, шаҳ-  
зода (Бадиузвамон) овга чиқса, шаҳарга қайтиб уни  
киритмаслик (қўймаслик) тўғрисида маҳсус (хуфёна)  
фармон жўнатди.

Алишер айни шаҳзодага отанинг ҳурмати, қадри,  
қўл кўтаришнинг гуноҳи азим эканлигини, подшоҳ-  
ота мана, меҳр-илтифот кўрсатаётганида, бунга муно-  
сиб иш тутиш кераклигини тушунтириб, Бадиузвамон  
сулҳ тузишга рози бўлиб турган бир паллада, қўлга  
тушган хуфёна хат (фармон)ни шаҳзодага хизматчи-  
лари келтириб беришди. Бадиузвамон хатни ўқиб, Али-  
шерга ҳам кўрсатиб, истеҳзо билан:

— Ана, бизга падари бузрукворнинг илтифотла-  
ри! — деди

Алишер ўзи саройда камситилганидан юз чандон  
кўпроқ эзилиб, хижолат чекиб, Балхдан Машҳадга  
қараб кетди.

Яхши, одил, ақдли Султоннинг ўз фарзанди билан  
муомаласи шу бўлгач, беклар, амалдорлардан нима ку-  
тасиз?!

Эл-улуснинг оёқ остида қолиб кетиши, топталиши  
Салтанат эгалари учун ҳеч нарса эмас эканми?!

Ёғон (адов) гуноҳларнинг онаси эканлигини улар  
ўйламайдими?!

Эл-улусга қилинаётган зулмнинг поёни борми-  
йўқлигини улар хаёлига келтирмайдими?!

*(Учрашамиз маҳшар куни. Адолатли кун!)*

Ўз боши учун эмас, бошқалар учун ҳам! — дунёдаги бутун айбу гуноҳлар учун ҳам ҳар қандай диёнатли инсон жавоб берилди керак.

Қиёмат-қойимда «ожиз банда» сўроққа тутилишини тасаввур қилиб, Алишер чуқур қайғуга чўмди.

*ХОЛАТИМ халқ англамас.  
Ё Раб! Сен-ўқ раҳм айлагил,  
Чун FAME БЕРДИНГки,  
айтурдин тилим лол...*

\* \* \*

Ҳикоя шу ерга етганда, узилди.

Анча кун қўлимга қалам ололмадим.

Мўйқаламни-ку, айтмай қўя қолай.

Олдинлар ҳам ёлғизлик жабрини чекканман Ҳар кимда бўлади. Лекин бу гал шу қадар зериқдимки!

Бунинг устига, СЕН, Шахрия! — ўша-ўша ахволда, оғир касаллар бўлимида. Истаганча «дори-дармон топган» у «яхши қараган»дан натижа чиқмаяпти.

Ҳозирги кунда иш кўп. Ташвиш кўп. Бирор ўзидан ортмайди

Синфдошлар билан яқин орада хабарлашолмадим.  
Улар ҳам бизни унугашгандек эди.

Кутилмаганда Суҳроб қўнғироқ қилди:

— Бу ой менинг навбатим. Эсингдадир?! Шанба куни келасизлар...

— Биз боролмаймиз, Суҳроб.

— Нега?

— Шахрияning тоби йўқ. Касалхонада.

— Эй... Қачон? Нима бўлди?

— Инсульт, дейдими. Бирдан шунаقا... Ўн кундан ошди.

— Эртага соат неччида борасан? Қайси касалхона?

— Кечки бешлар. Марказий...

Эртаси куни касалхонага борсам, —

*Суҳроб ва Назми,  
Ҳайшт ва Тозагул*

эшикда туришибди.

Сен ёттан бўлимга (Шаҳрия!) касал кўргани келганиларни қўймайди. Фақат энг яқин кишига баъзан беш-ўн дақиқа рухсат берилади.

Катта-кичикка отанг яхши, онанг яхши, деб амаллаб Назми билан Тозагул остона ҳатлашди. Ичкаридан улар кўзлари ёшланиб чиқиши. Бу ҳолдан Суҳроб билан Ҳайитнинг ҳам кўнгли бузидди.

Шу оқшом дўстларимдан миннатдор бўлиш баробарида, ярамга туз сепилди. Улар гўёки менга кўзгу тутиб, бор аҳволни намойиш қилишган эди. Касалхонага синфдошлар «бостириб» келишмагани дурустмиди, деган хаёлга бордим.

Уйга қайттанимдан кейин буткул саросималандим.

То ҳозир ўйламаган даҳшатли бир савол хаёлимда чақнади:

*Ким олдин?  
(Менми, Шаҳрия?!)*

Бизда бирон оила йўқки, ёш ўттанида эр хотин бу тўғрида ўйламаса! Ҳалқнинг одати, эр хотинига, хотин зрига узоқроқ умр тилайди. Ўзи «кетиши»га шайланади.

Уйда, даҳлиздаги бўйра устида ўтириб, ўзимни унуганча, Худога ёлвордим. Раҳмли ва Мехрибон Тангрим! Яраттан Этам! Шаҳрияга тезроқ шифо бер! Ундан мени айирма! Усиз мен учун ҳаёт йўқ! Керак бўлса, менинг жонимни ол! Эр олдин кетса, аёл унинг чироғини ёқиб ўтиради. Лекин олдин Аёл кетса, чироқ ўчади... Мени бу дунёда Шаҳриясиз, ёлғиз қолдирма, Худойим!

*(Эй Навоши, учди булбуллар ҳазонда боғдин,  
Мен қанотсиз қуш...)*

Яна:

*Қаида киши сонига — ёлғиз киши?!*

Ёлғизликка Алишер бир умр қандай чидади экан?!

Эл-улусга хизмат қилиш учун ОНГЛИ РАВИШДА ЕЛҒИЗЛИКни ихтиёр эттан бу инсон — ЗИДДИЯТли ҳолат! — ҳам мулојим, ҳам метин эди.)

Шу кече Худо ноламни эшитдими, орадан уч-түрт күн ўтгач, хайрият! — Сен ўнглана бошлагандек бўлдинг.

Куриёттан дараҳт қайтиб кўкарғанидек, сўлғин жисмингта жон кира бошлади.

Суюнишга ҳали эрта. Шунга қарамай, менинг ҳам кўнглим бир оз ёришган эди.

Аммо энди ўша, синфдошлар касалхонага борган кундан эътиборан хаёлимда Даҳшатли Савол чўкиб қолаверди:

*Ким олдин?  
(Менми, Шаҳрия??)*

Бекордан Худо безор.

Кейин.

Одам ҳамма нарсадан чарчайди. Бекорчиликдан ҳам! Ўзимни эплаб, ишни давом эттиришга шахтландим.

\* \* \*

Алишер мулозимлари билан иўл устидаги работларда гоҳо тўхтаб-тухтаб, ҳордиқ чиқариб, бир қишлоқлару боялар, бир даштни оралаб илдам бормоқда эди.

Йўлда унинг маҳзунлиги тарқалди.

Офтоб нурлари остида жимирилаган кенгликларга ўйчан тикилиб, аста-секин кайфияти кўтарила бошлади.

Табиийки, Ҳаж сафари яна буюрганидан хафа эди. «Шам сўнаёттанини эслаттан бир туйғу»дан ҳам кўнглида хижиллик бор. Аммо ҳар қандай шароитда банданинг толгани — овуниш. У энг аввал, ўз-ўзига таскин берди:

*...ҳеч иш  
хорижи тақдир эмас!*

Тақдир Азалга суяниш мусулмонлик шарти эканлигини ўйлаб, осойишталангандек бўлди.

Шу билан бирга, хаёлга чўмди.

Тақдирпаст ҳолатда ҳамма нарсани Худодан деб билиш, барча ҳатолару гуноҳларни тақдирга тўнкаш ҳам инсофга кирмайди.

Инсонга Худо идрок берган. Эрк берган.

Инсон босган ҳар қадами учун бу дунё-у дунёда жавоб беради.

Демак, овуниш баробарида, баңда доим йўл излаши, чора излаши керак.

Эй Навоий, бу ғариф  
ишларга тақлиф айладинг!

Алишер умр бўйи одамларни ғариф (ғаройиб, эзгу) ишларга тақлиф этиб келди Бундан сўнг ҳам шунга ҳаракат қиласди.

Ана, у жисми ва руҳида ҳар қалай енгиллик сезиб, от устида қаддини ростлади.

Узоқ бир нуқталарга қараб, бехосдан ёш йигитлардек кўзлари чақнади.

Чексизлик қаърида ГУЛГУН ҚАБО (ёки аниқроқ «мовий кўнглак уза гулранг қабо...») кийган БИР НОЗАНИН қиёфаси унинг кўз ўнгида жонланди.

Хайрият, дунёда МУҲАББАТ бор!

Хайрият, дунёда НАЗМ бор! —

Шулар руссадан сени қутқаради.

Алишер шу аснода яна ўтган ҳаётини эслади.

Ёшлиқдаги ИЛК МУҲАББАТ (Гули)дан кейин шундай бир давр келган эдики, у ПАРИШОНЛАНИБ, сарусомонини йўқоттанди. Қандай яшashi, нима қилишини билмасди.

«(Илоҳи!) Агар ҚАЙСИ ШАМЬИ ГУЛРУХ ишқи ўтишким, кўнглумга солдинг...»

Ўшанда бу аҳволдан Алишер ҳатто норозиланган ҳам эди:

Ҳар зулф ҳамига қилма вобаста мени,  
Ҳар кўз ҳавасидан этмагил хаста мени,  
Ҳар қош тамаига солма пайваста мени, —  
Ё, Раб! БОРИСИдин АЙЛА ВОРАСТА мени.

Сўнг «борисидин вораста (халос)» бўлди.

Бироқ унга бошқа, умр охиригача борадиган КАТТА БИР МУҲАББАТ келди.

Энди унинг асарларида бутун фикр бир нуқтага йигилган эди. ЁР (ИШК) дарди!

ҚИЁФА аниқ. Манзаралар ТАСВИРИ аниқ.

(Ишонмайсиз, ғазаллардаги баъзи сатрлар НАСРда езгандек таассурот уйротади.)

Алишер севган кунидан то ҳозир СЕВГИЛИСИ исмининг ўзидан қаттиқ ҳаяжонланар эди.

(Ана, йўлда қаддини бир тиклагач, чайқалиб кетди.)

*Куларлар эл менга бештиерким, ҳар дам  
ЭШИТСАМ ОТИНИ, бештиёр шимармен.*

Аммо у Ёри исмини шарқона одоб юзасидан («аёлни бозорга солмаслик қерак») ва шубҳасиз, қизғаниб, бирон ерда белгиламаган эди:

*ОТИ ОНИНГ ҳар киши оғзида мазкур ўлмасун!*

(Яъни ҳар ким унинг исмини зикр қиласкермасин!)  
У яна таъкидлайди:

*...кораз {короз} уза НОМИНГНИ ёзма!*

Исм НОМАЪЛУМ БИР ГЎЗАЛ шаклида келади, холос.

(Кўп ўқувчилар шунинг учун БУ СЕВГИга эътибор беришмаган.)

(Севикли ГЎЗАЛни баъзилар таъбирича Сарой Бекаларига «боғлаш»дан аҳмоқ, гап йўқ, Босган қадами ҳаммага «кўриниб» турган Алишер «четда» бирорни севмаса, БУ СЕВГИ сир бўлиб қолмас ҳам эди.)

Алишер Ёни яширган ҳолда, МУҲАББАТни яширмайди.

Балки, яширолмайди.

Аслида, бўлган воқеа эса бундай.

Илк бора севган пайти, у — имконли оқсуяк, зодагон оиладан, ёри — ҳимоясиз фуқаро қаторида эди Мана, кейинги севишида аксинча, севгилиси — катта имконга эга, у — фуқаро ахволига тушган эди (қизнинг ота-онасими, қариндошларими Алишерни унга муносиб кўрмайдилар! Бу талқин бир ривоятда ҳам келтирилган). Қандай бўлмасин, иккала ҳолатда ҳам Алишер Салтанат зулмини ҳис этади. Қачондир чавқе згаллаган Буюк Боболари сингари ҳаёти ҳукмдорлик ва фақирлик орасида — икки ўртада эканлити Алишерга панд беради. (Кизиқ ҳолат. У — оила қурмаган,

сүкқабош киши. Бунга ЗИД юрган йўлида МУҲАББАТ ҳақида сўзлайди. Ёзади. МУҲАББАТни улуғлайди! Лекин ЗИДДИЯТ ўз даврида ҳам, сўнг ҳам бирорни ажаблантиргмайди. Одамлар унинг СЕВГАНИга ишонишганки, бунга ТАБИИЙ ҲОЛ, деб қаралган.)

Алишер йўлда кетаётиб, шу памма НОМАЪЛУМ ГЎЗАЛ қиёфасини кўзи олдидан «қочириб» қўймасликка уринмоқда эди. Бу — шунчаки телба тасаввур (савдо)дан узок. Бошдан ўтган ҳаётий ҳолатни (у бор гапни ёзади!) эслаш эди:

Сунбул усти-дин насим эсгач,  
НИГОРИМ туррасин  
Ёг қилдимким, думоғ ошуфтадур.  
САВДО эмас.

Кейин, яна:

Гулни сарв узра хаёл этдим  
кўнгул бўстонига,  
Рост айтай —  
САРВИ ГУЛРЎЙИМ киби зебо эмас.

Алишернинг кўзи олдида энди бутун муносабат тикланди.

(Буни олдин ҳам бир дафтарда белгилаган эдим). Улар маълум муддат кўришиб турганлар, албатта:

Кўзум учадур, магарки ЁРИМ келадур!  
Ёр келгач:

Кўз икки юзунгдин олмасам сұхбат аро!  
Сұхбат пайти.

Оразинг моҳияту оғзинг сўзун шарҳ айларам!  
Ва ошиқ-маъшуққа хос оддий ҳол:

Гилармен ис slab-ис lab-абабингни,  
Гаҳ, ўпсам оразингни. Гаҳ, лабингни!

ЁР билан учрашув ўттач, тоҳ, шод, тоҳ, ғамгин кўйда:

Кеча УЛ ОЙ бирла эрдим,  
ваҳ, бу тушдир ё хаёл?!

(«Кеча» — «оқшом» маъносида.)

Яна:

Сен борғали ортмииш күнгүл зорлиғи,  
Ох ўқларидин ҳар нафас ағфорлиғи.  
Билман, ҮНУТИЛГОНМУ экансур менга ҲАЖР,  
Ё күпрак эзур БУ ҚАТЛА душворлиғи!

(Борғали — «кеттөгөч» маңносида.)

ҲАЖРни Алишер аввалдан тақдир деб билган бўлса  
керакки:

Чикди ЁРИМ кечада цўл азмин қилиб. Ул  
бағритош,  
Бас, ажойибдур, ҚОРОНҒУ КЕЧА чиқмоқдиг  
куёш.  
Гар қуёшига эл назар қиласа, кўзига ёш тўлар,  
УЛ ҚУЁШ борғач назардин, кўзларимга  
тўлди ёш...

Фурқатшингдин йиғлабон, ҲАҚдин висолинг  
истарам,  
Гаҳ сочармен бошга туфроқ. Гаҳ кўярмен  
ерга бош...

Қисқаси:

...қон йиғлар АҲВОЛИМға ТОШ!

Кўришмаган кунларда улар бири-бирига мактуб  
(нома) йўллаб туришган:

Номангжи, шириклигимдин Улдир матлуб...  
Номангжи, эзур боиси иқболу тараб...  
Номангжи, менга муждаи жоне эрди...  
  
Номанг менга руҳдин нишон бўлди яна,  
Осойиши жони-нотавон бўлди яна...  
ҲАР ҲАРФИ ОНИНГ танимда жон бўлди яна!

Худди шу даврдаги умумий манзара:

Мен-менму ВИСОЛ УМИДИдин шод ўлон,  
Бир-бир ғаму андуҳдин озод ўлон.  
ОЗ-ОЗГИНА бергон соши ГУЛ АТРИ насим,  
Булбулдек ишим нолау фарёғ ўлон!

Ва бора-бора, ишончсизгина бир орзу:

*Хушдур бўлсоқ ИККОВЛО ҳамдам, СЕНУ МЕН,  
Бир-бирга десак, етишса, не кам, СЕНУ МЕН!*

Йўқ! Аввалданоқ муносабатда кутилган АЙРИЛИҚ (ҲАЖР) рўй берди. Алишернинг юрагида баёнсиз армон қолди:

*ҲИЖРОН СИТАМИ ёмон эмиш. Билмас эдим.  
Ҳар лаҳза ВИСОЛ ШУКРИни қилмас эдим.  
ГАР БИЛСА ЭДИМки, айрилиқ МУНЧА эмиш,  
Биллоҳки, даме ЁРДИН АЙРИЛМАС эдим...*

*Оллимда ТАБИБи чорасозим йўқдур,  
Ёнимда РАФИҚи дилнавозим йўқдур,  
Теграмда АНИСи жонгудозим йўқдур,  
Бошимда ШАҲи бандагавозим йўқдур...*

*ФУРБАТга тушиб, заифу бемор ўлдум,  
ДАРДУ ФАМУ МЕҲНАТ илкида зор ўлдум.  
Сар-тосар ажал тошишн АБГОР ўлдум,  
СЕНСИЗ не балоларга гирифтор ўлдум...*

Алишер ҳаётида жуда оғир кечган Бу Айрилиқдан «қолгани»:

*БУРУНГИ меҳру вафо,  
СҮНГГИ жавру зулмингни  
Бирин-бирин согиниб...*

Ва яна

*Ўзумни ҳар нимага КУНДУЗ АЙЛАРАМ МАШФУЛ,  
Ғариб ҳолима ЧУН БЎЛДИ ШОМ, шеллармен.*

Бундан ҳам аникроқ қилиб айтганда:

*Жону кўнглум, ҳар бири  
шелларлар ЎЗ АҲВОЛИя!*

Орадан анча йил ўтгандан сўнг ҳам, ўртаниб:

*Ҳар дам ОНСИЗ юз ўлум эрди  
Навоий жонига...*

Ўшанда «тариқи ЁРЛИР»ни билмай, кетган НОМАЛУМ ГЎЗАЛ айбдор эмас, Алишер ҳам айбдор эмас, атрофдаги одамлар, шарт-шароитнинг ўзи уларнинг

бахтли бўлишига имкон бермаган эди. Алишер энди бўлган воқеани фақат ўкинч билан эслайди:

*ҚАРО қилди, нечукким, рўзгорим,  
ОНИНГ ҳам рўзгори ҚОРА бўлмиш.*

Лекин у бағрикенг, олижаноб инсон. Севгилисими хамон авайлаб, маломатдан, ҳаётда учрайдиган озорлардан асрагиси келади:

*Ёр улдурки, ҳар неким ўзиға истамас, —  
Ёзиға ҳам истамагай...*

\* \* \*

Вақти-вақти билан кузатиш мумкин.

Курт-қумурсқадек судралиб яшаш («булар боиси борча нафсоният»)дан бўлак нарсанни билмайдиган, ҳаёт кўриб турганингдан яхшироқ, гўзалроқ бўлсин учун бирон иш қилмайдиган («анда эмас доҳил инсоният») кимсалар ДУНЕДА ўзларига ўжшамаган, уларнинг тубанлик ботқорига айланган яшаш тарзини ҳеч қачон тан олмаган юксак бир ШАҲСлар ҳам борлигини тушунмайдилар. Бундай бўлиши мумкинлигини, ҳатто ўйламайдилар. Улар «ҳар ён қанотлар соз» этмоқ нима, ПАРВОЗ нима?! — ақлларига сидиролмайдилар. Балки, шу сабабдан, кўпинча тасқара ҳолда майдонга чиқиб, инсоният кўрки, ҳаётнинг гули биз, деб жар соладилар. Ҳолбуки:

*Ўзгача бўлмор-у,  
ўзгача ўзни кўрсатмак!*

Ўзни ўзгача кўрсатиш — осон.

Ўзгача бўлиш — осон эмас.

Алишер умр бўйи одамлар орасида «ўзгача бўлиб» яшади.

Бу — тақдир белгиси, тутма тарбиями ёки аввалдан ўзи шундай шаклландими?! — ҳарҳолда, у ёшликтан ҳамма нарсани Адолат ва Ҳакиқат мезонида ўлчашга ўрганди. Бир оғиз ёлғон ишлатмади. Ҳусайн у тўғрида бекордан: «Ҳақ, сўз агосига далер (ўқтам)» демаган эди. ИШҚ бобида унинг барча айттанлари, езганлари ҳам рост! Ахир, бунга фаҳми етмаганларга қатъий деган эди:

## *Киши ЎЗУН ЯСАГОН бирла бўлурму ОШИҚ!*

Тўғрилик, росттўйлик бирон пайт уни тарқ эттани йўқ.

Фақирлар, ночорлар давраси (баъзан тарбиясизлик, жаҳолат, баъзан имконсизлик туфайли) қанчалик кўп жиноят, бузгунчилик «туғдирмасин», Алишер умрида беихтиёр кириб қолган оқсуяклар, зодагонлар давраси минг чандон қутуришга юз туттан, гуноҳга боттан эди. Бу даврада аксар мармар ҳовузлар шарбат, шаробга тўлдирилиб, шомдан то саҳар базм ўюштирилар, базмда эркак-хотин аралашиб ҳам кетар эди

*Ул дамки, қуёш ботдию сарғари шафак,  
Базмингга шафакүн май ила бер равнақ,  
Не ҲАҚни унум, не МАЙни кўйғил мутлақ!*

Бу давра «фалсафа»си шундай эди.

Шоҳ кимнидир аччиқ устида ўлимга буюрган (Мўмин Мирзо бир мисол) ёки бировни бирор чавақлаб ташлаган пайтлар ҳам учарди.

Алишер шу базмларда қатнашишга мажбур эди.

У тоби йўқлигини баҳона қилиб, уйда беркиниб ёттан кунларда ҳам гоҳида уни қўймай олиб келишарди.

«Илоҳи, агар ИШҚ суубатидин БАЗМ туздум ва МАЙ сели оғатидин ТАҚВО ва ЗУҲДим уйин буздим...»

Алишернинг ўзи ҳам бу даврадан «узилиш»га мояил эмасди. Бир пайт унинг Мавқеи пасайиб, йўқола бошлаганида, Мажидиддин Муҳаммад Низом ул-Мулк кабилар Салтанатда ишончли кишига айланишган, натижада у Икки Ўртадаги ўрнидан мосуво бўлиб, ҳаётида бўлган-бор маънодан ажралгандек ҳолга тушган эди.

Бу даврада амалдорлар, беклар ўз манфаатларини кўзлаб, шоҳга мамлакатдаги аҳволни амалда бўлганидан кўра бўяб-бежаб, бошқача қилиб кўрсатишга, халқни нуқул эгилган-таъзимкор ҳолда намойиш этишга уринишар эди. Шоҳга йўқ, сифатларни тақаб, дабдабали тарзда улувлаш ҳам кундан-кун одат тусига кирган эди. (Улув Амир Темур ўз даврида бунга кўп изн бермасди.)

Нима қылганда ҳам, Алишер бу даврада ўзини бир оз ёт сезар, қисинар, ЁЗУҚ СИПОҲИ ҳамласидан гоҳ, лол қолиб, гоҳ дарғазаб бўлар эди.

У неча марта қони-жонидаги заиф майлни синдириб саройдан (даврадан) этак силкиб буткул кетишига чорланган, лекин ҳар гал имкон тополмай қолган эди. У қачон бир вазифани рад этиб чекина бошласа, Бойқаро унга каттароқ ёки кичикроқ иккинчи вазифани таклиф қиласар, янги тўн, муборакбод билан САРОЙГА ДОХИЛАЙКни бўйнига қўяр эди. Алишер ҳозир АМАЛдан бўш (эркин) бўлса ҳамки, саройдан, Салтанатдаги ташвишлардан қутуломаган эди! Мана, энди унинг сўнгти марта кетишига бел боғлаши эди

У саройдан (даврадан) буткул кетиб (УЗЛАТга чекиниб) бутун мамлакатдан, ҳаётдан юз буришни ўйлаган эди, албатта. Фақат, кўпчиликдан четда, ХИЛВАТда қолишни (қандайдир ички эҳтиёж билан) орзу қилаётган эди.

Кўп нарсалар ҳақида ёлғиз фикр юритмоқчи эди.

*ЁР ила бир хилват истарменки, ағёр ўлмагай,  
Балки, ул хилватнинг атрофида гайёр ўлмагай.*

*Элдин андоқ ёшурун, истармен ул хилватниким,  
Кўнглум ондин воқиф-у, жоним хабардор ўлмагай.*

*Кўзга кўнглум дардигин йигларга имкон қолмагай,  
Тилга дардим шарҳини айларга гуфтор ўлмагай.*

*Ёр буди ичра нобуд ўлгаменким, ўртага  
Ўзаликдан демаким, ўзлукдин осор ўлмагай.*

*Буки, дерлар, бордуур девор кейнига қулоқ,  
УЛ ФАЗО ДАВРИда кўз еткунча девор ўлмагай*

*Махфий асроримга бўлгай ЁР лафзидин аго,  
Ёрдин айру ва лекин, соҳиб асрор ўлмагай.*

*Эй Навоий, қилма ҳар ёр олдига сиррингни фош,  
Бормудир имкониким, УЛ ЁРга ёр ўлмагай.*

(Алишернинг баъзи бир ғазаллари Ердаги Ёрга багишиланганми, Кўқдаги ЁР — ОЛЛОҲга багишиланганми?! — ажаратиш қийин. Уриниш бефойда. Натижа чиқмайди. Бу ғазал ҳам...

УЛ ФАЗО ДАВРИ — Бутун Рух, Бутун Вужуднинг Ердан Кўтарилиши, Юксалиши — ҲАҚқа етмоқ, демак.

«Хилватда, Ёр буди ичра нобудлиқда, ўзгаликни қўйиб ўзлуқдан» кечиш, шу тарзда «соҳиб асрор» бўлиш ҳам — ИЛОҲИЁТга хос туколади. Аммо «УЛ ЁР»ни «ҳар ёр»га қиёслаш, бевафолик борасидаги шальма «ЁРга ёр» — ДУНЁВИЙ ҳолат. Иккиси бирлашиб кетган.

Шундай тариқат бор.

киши Ердаги ЁР — инсонни сева олса, ОЛЛОҲни сева олади.

Фақат бу эмас, КАТТА МУҲАББАТГА ЛОЙИҚ ЗОТ АСЛИДА ОЛЛОҲ, деб тушунади.

Алишернинг ҳам Ердан нигоҳи Кўкка қўчган.

У — туғилган, қулогига аzon айтилган пайтдан мусалим.

Лекин ОЛЛОҲни қалбда таниш, ОЛЛОҲга ИШҚ, бошқа. Эҳтимол, шу боисдан, у ёзган:

Тоън қилманжим, Навоий БЕЁР эмиш,  
Ким, анга ОЛАМДА ошиқлик иш ўлмиш, ишқ эш.

ОШИҚЛИК — иш  
ИШҚ — эш.

Шунга кўра, унинг кўп ғазалларида ИШҚ, ҳақидаги деярли ҳар бир ИҚРОР — Ер билан Кўк орасида!)

Ҳозирча эса Алишер отда кетаётib, бошини кўксига солинтирган эди.

\* \* \*

Мулозимлари қуршовида у Сарахс қасабаси чегарасига етганида, ролиб байроқ (Бойқаро ва аскарлари) Марв этагидан кўчиб, шу ёққа келаёттани маълум бўлди.

(Тарихда: «Хоқон ўрдуси Марв яқинидан кўчиб, бошқа томонга йўл олган эди», деб ҳам ёзишади.)

Алишер Бойқаро билан Сарахсда, Бозоргон деган жойда учраштани таҳмин қилинади. Бироқ улар бу ердами, Марвдами кўришишган?! — аниқ эмас.

Ўшандада бўлган жанг ва сулҳда Алишернинг иштироки ҳам — ноаниқ,

(Султон Алишерни Ҳаждан қолдирған, бекорға овора қылған бўлиши ҳам мумкин.)

\* \* \*

Шу кунлардаги воқеани икки тарихчи икки хилда келтиради.

Мирхонд (Мұхаммад ибн Ҳовандшоҳ) ёзади:

«Мұхаммад Мұмін (Мирзо) шаҳид этилғанлығы ҳақидағы хабар теварак-атрофға тарқалғандан кейин... Хуресоннин ҳар ериға ҳукумат қуриб ўттирган шаҳ-зодаларнинг ҳар бири Ҳадича оғо бегимнинг макру ҳий-лаларидан чұчыб, Бадиузвазмон Мирзога тақлид қилиб, отасига тескаричилек үйлени тутдишар. Жұм-ладан, Марв ҳокими Абулмуҳсин Мирзо Абиварғ вилояті ҳокими, шавкатли биродари Мұхаммад Мұхсин Мир-зо билан алоқа болғаб, ақду паймон шла иштифөк тузиб, бузруквор оталарига қарши курашмоққа жазм этилар.

...Хоқони Мансур (Бойқаро) шаҳзодаларнинг таъзи-рини бериш мақсадыда Марв томон юришга қарор бере-риб, Хуресон қўшинини тўплади... Сарахс йўли орқали Марвга қараб жўнади.

...Абулмуҳсин Мирзо осмон мартабали кавкаб (ота-сијнинг келаётганидан хабар топғач, Марв қалъаси-нинг бурж ва деворларини мустаҳкамлаб, мудофаа иш-лари билан машғул бўлди.

Маълум масофа (шоҳ лашқари томонидан) босиб ўтилгач, ҳашамат аңжомли байроқнинг моҳнаси Марв қалъасининг ташқарисига соя солди ва ғалаба асарли қўшин қамал жангларига кишиши.

Абулмуҳсин Мирзонинг лашқари қалқонлари билан юзини тўғсиб, шаҳарни ҳимоя ва мудофаа қилиш ҳара-китига тушдишар. Ҳар икки томондан ўқлар изиллаб учиб, ташқари ва ичкарида жанита кирган аскарлар-нинг камон ўқларидан баданлари тешилиб, қора қон-лар оқди. Гоҳ-гоҳ тўғатдан отилган тошдан қалъа буржлари ёрилиб-тўклилиб, гумбурлаган овоз қулоқни қоматига келтиради: ахён-ахёнда ёқилги солинган мах-сус идиш иртишилиб зафар асарли аскаргоҳига келиб тушар, ўт кетар ва довюрак йигитларни тириклай ёндириб юборарди.

Уч-тўрт ой шу тарзда кечди. Сўнгра...

Зафар шоҳиди мурод кўзгусига кўринмагани (натижа чиқмагани) учун Хоқони Мансур (нусратли шоҳ) сулҳга майл қилди. Абулмуҳсин Мирзо ҳам қалъадошликнинг (қамалнинг) чўзилиб кетганидан ғам чекиб, отаси қошига чолар юборди ва Амир Алишерни талаб қилдиким, то УЛ ЖАНОБНИНГ ВОСИТАЧИЛИГИ билан сулҳ иши воқеъ бўлсин. Соғ кўнгилли Амир (Алишер), иродаси кучли Хоқони Мансур (Бойқаро)нинг амри билан, шаҳзоданинг ҳузурига борди. Шаҳзода унга агар Хоқони Мансур гуноҳимдан ўтиб, Ҳиротга қайтсалар, мен пешкаш билан хилофотмасир таҳт поясига борурман, деб айтди. Амир Алишер бу сўзни эшишиб, яна олампаноҳ даргоҳига келиб Абулмуҳсин Мирзонинги сўзларини арз қилди. Хоқони Мансур шаҳзоданинг тилагини қабул қилиб, Сарахс тарафга равона бўлди ва Бозоргон манзилига келиб тушди».

Мирхонднинг невараси ва шогирди Хондамир (Фиёсиiddin ibn Ҳумомуддин)нинг ҳикояси бундан бир оз фарқ қиласи:

«Марв шаҳрининг қамали уч-тўрт ойга чўзилиб кетганидан, қалаба сурати эса мурод ойнасида жилва қилмаганидан кейин, Хоқон ҳазратлари ярашишга мойил бўлдилар. Абулмуҳсин Мирзо ҳам қалъани мудофаа қилиш жонига теккак, бузруквор отаси ҳузурига элчи юборди ва сулҳ тузиш учун Амир Низомуддин Дарвеш Алининг юборилишини сўради. Амирлик мансабидаги жаноб Дарвеш Али фармойишга биноан шаҳарга кирди. Шаҳзода унга агар Хоқони Мансур гуноҳимдан ўтсалар ва дорулсалтана (пойтаҳт) Ҳиротга қайтсалар, мен пешкаш тайёрлаб ҳалифалик таҳти поясига бораман, деди. Амир Дарвеш Али олампаноҳнинг даргоҳига қайтиб, Абулмуҳсин Мирзонинги сўзларини арз қилди. Шаҳзоданинг илтимоси қабул мартабасини топиб, Ҳумоюн кавказ (Бойқаро) Сарахсга қараб жўнади».

Бу тарихчиларнинг аждодлари бухоролик.

Мирхонднинг отаси Сайид Бурқонуддин Ховандшоҳ ёшлигига етим қолиб, Бухородан Балхга келган эди. Бу ерда у таълим олиб, кейинчалик турли илмларда донишманд бўлиб танилган, ҳаёти асосан икки шаҳар — Балх ва Ҳиротда кечган эди.

Мирхонд Ҳиротда турилган, аммо ажоддларини эслабми, ўзини бухоролик, дер эди. У Алишердан саккиз-ўн ёшлар чамаси катта. Шунга қарамай, Улур Амирнинг этагини туттан, умрини унинг ҳомийлигига ўтказган эди.

Хондамир Алишердан ўттиз-ўттиз беш ёшлар чамаси кичик бўлса-да, у ҳам замондош, ҳатто Улур Амирнинг тарбиясида вояга етган. Унинг кутубхонасида хизмат қилиб, топшириги билан тарихдан қатор асарлар ёзган эди. Хондамир бобоси тутатолмаган ёзувларни тартибга келтирган, охирига етказган.

Бу гапларни эслашдан мурод, Алишерни яқиндан билган икки буюк муаррих нега сулҳ воқеасини ҳар хил ёзишгани кишини ажаблантиради. Мирхонд Алишернинг хизматини «оширгиси» келиб адашган-у, Хондамир воқеага аниқлик кирилганми?! Ёки Хондамир Алишер қолиб, укаси Дарвеш Али номини бирон мулоҳаза юзасидан қўшиб юборганми?! Бизга қоронги. Муҳими, Улур Амир умри давомида Бойқаро билан ўз фарзандарию турли шахзодалар орасидаги низолар, жанглар тўхтаб, сулҳ тузилишида кўп хизмат кўрсатган. Норозилик исёнлари (укаси Дарвеш Алиниң гоҳо кўтарган исёнлари ҳам) босилишига, дуч кеалган муаммо тинч йўл билан ҳал бўлишига у шахсан аралашган.

Қисқаси, Машҳаддан Марв томон юрган Алишер Сарахсда, Бозорғонда Ҳусайн билан учрашгани ҳақиқатта яқин

Бу учрашувда улар Ҳаж тўғрисида қайтиб оғиз очишмайди.

Алишер ўз ниятидан қайтмаган бўлса-да, бошка бир таклифни ўртага қўяди:

«Ул останнинг (сарой) кулларининг (эгаларининг) бу қул (камина) билан ёрлиғ нишони улдурким, Султон Соҳибқирон (Боиқаро) иноятидин Бир Ёрлиқ нишони битилгаи ва бандани султоний иморатнинг байт улмаяфирасига (шоҳлиқ шхтиёридаги бир зиёратгоҳда) сойир жорубкашларидан (фаррошларидан) бирининг ўрнига мансубу сарафroz эшлайким, бу уфтодалиғ айёмида (умр сўнгига) боре ул останага йиқилгаймен. Қувватим бўлғонда, супургу олиб, шлксим (кўлим) била ва қувватим бўлморонда, супургу ўрнига кирпигим (кил-

ригим) била ул останани супурар бақонаси била, күзүмни ул мунаввар (ёруғ) равза тупроғидин ёруттыймен. Ва ул останани бу супургу била аршы (озодаю), бу уйни ул сурма била ёруғ туттыймен. Ва бу хидмат (хизмат)ни дүнёу охиратим шарафи билдаймен».

Воқеа четдан бундай баён этилади:

«Аммо Амир Алишер подшохнинг (Бойқаронинг) кўлларини ўшиш била сарафroz-у, унинг кўп меҳру эҳсонига сазовор бўлгандан сўнг, икки-уч кун ўтигач ва Ҳожа Абдулла Ансорийнинг мозори жорубкашлиги (Фаррошлиги) мансабига Ёрлиқ олган, Ҳиротга қайтишига изн сўради. Ҳоқони Мансур дедики, то сиз менинг мамлакатимда бор экансиз, нимақки талаб қилиб сўрасангиз, ҳеч шубҳасиз, қабул шарафига мушарраф бўлгайдир (Ҳажга борищдан қолдирганини оқламоқчи)! Кейин, ул жаноб (Алишер)нинг қоматини олиймақом чопонлар ила ораста қилиб, жўнашга розиллик берди». (Сұхбат ҳолати бир китобда бундай келган: «Ҳоқони Мансур, ҳоло сиз менинг мамлакатимда турар экансиз (бир ёққа кетмаган экансиз). ҳар қандай илтимосингиз бажо келтирилади, деди». ... Якун ҳам бошқача, аникроқ: «..Амир (Алишер)нинг қобиљ қоматини тутмалари олтин, авраси зардор қора қундузий пўстин, мазкур мансабга (унинг даражасига) муносаб яна қимматбаҳо тўнлар билан безаги ва поштахт Ҳиротга қайтишига шжозат берди».)

Шундай қилиб, Алишер Ҳажга бормай, Ҳиротта қайтди.

\* \* \*

У Ҳиротта рўза (рамазон) ҳайити арафасида келди. Рамазон — қутлуғ ой.

Инсон қаноатта ўрганадиган, жисми ва руҳи покланадиган ой.

Рамазон — Алишер дунёда кўз очган ой.

Рамазонда бир пайт Ҳусайн Бойқаро шоҳлик таҳтини эгаллаган, Алишер ўзини баҳтиёр сезиб, Самарқанддан Ҳиротта йўл олган эди. (Ўшанда Алишер Ҳусайнни яхши кўрар, унга қаттиқ ишонар — муносабати бир хилда, тиник эди. Икки хил — гоҳ, рози,

гоҳ норози муносабат кейинчалик пайдо бўлди.)

Рамазон — орзу-умидлар ойи.

Ҳайит кунлари Алишер Гозургоҳнинг файзли зиёраттоҳи (Ансорий мозори)да саййидлар, шайхлар, олим-фозиллар, беклар, зодагонлар, ҳунармандлар, қаландарлар ва гадолар, майиб-мажруҳлар — бутун Ҳирот аҳдини тўплаб, дошқозонларда ош берди. Ўзининг «дарвешлиғ ва гўшанишинлиғ» қиласа ҳамоқчи эканлигини билдириб, элдан фотиха олди. Зиёратгоҳнинг арбоблари ва ходимларини инъом ва эҳсонлар билан сийлади.

(У Ҳаж ниятини унутмаган эди. Кейин ҳам бу ҳақда бир-икки сўз очди. Шахтланган пайти ҳам бўлди. Лекин, шоҳнинг иродаси билан албатта, юрт улуғлари, уламо-фузало унинг ҳузурида тўпланиб, ундан ҳамон ШОШМАСЛИКни сўрашди. Улар Алишерга ёлвориб, қаршисида тиз чўккандек бўлишди. Алишер таъсирланганидан, титраб кетди... Бойқаро эса бунгача розилик билдириб, ҳатто фармон чиқарган эди! Шу билан бирга, Шоҳнинг бундай фикри ҳам бор эди. «... аниқ биламанки, агар сизнинг муборак вужудингиздан бу мулк-мамлакат холи қолса, бизни тарк этсангиз, катта-кичик, барча — ҳалойшқининг аҳволига қўзғолон юз беради». Алишер учун Улут Сафар энди фақат умидга айланди).

Унинг «дарвешлиғ ва гўшанишинлиғ»и Абдулла Ансорий мозорида шунчаки кун ўтказишдан иборат эмасди.

Бош оқориб,  
юз қаролигур  
Яна тарки агад...

Ва:

...беадаблиқ чоги бас!

Ҳаж қароридан ҳам, эндиғи УЗЛАТдан ҳам мурод, у ҳозиргача яшаганидан БОШҚАЧА ЯШАШни истар эди. Қанчалик эзгу ишлар қилмасин, ўзини оддий банда, осий бир банда деб билар, ГУНОҲлардан покланишим керак, деб ўйлар эди. Алишер кўп йил бурун (балки, Жомий этагини туттанида) ТАСАВВУФ йўлига кирганд, буни шундай деб тушунар эди:

*Тасаввуф – РИЗО АҲЛидин яхши ахлок,  
Эрур ислоҳоти – зебу тақаллуф...*

*Тасаввуф – эмас зуҳду тақвою тоат, –  
Ки, анда РИЁ йўл топар бетаваққуф...*

*Қилиб ҲАҚ вужудига маҳва ўз вужудин...*

Умуман, Салтанатдан узоқлашиб, ХИЛВАТга чеки-наркан, уни бир дард ҳам ўрттар эди... Дунёда халқ-нинг бу қадар мискин, баҳтиқаро эканлигини кимдан сўрайсан?! Ё Шоҳдан! Ё Оллоҳдан! Йиллар бўйи Шоҳдан сўраб, маъно чиқмади. Энди Оллоҳ даргоҳига бош урмоқдан бўлак чора йўқ эди...

Алишернинг ижод бобида ҳам иши бошидан ошиб ётибди.

*Вале, эмди азмим будурким, Худой,  
Агар бўлса умрумга муҳлат...*

Умр етса, азми-қарори ҳали анча-мунча нарсалар ёзиш! Тарих тўғрисида бир асар ёза бошлаган («чекиб турфа тарих»), бу асарнинг икки қисми биттан эди, холос. Нихоясига етказиш керак эди. Бундан ташқари, ЎЗ МУҲАББАТИ тарихини ёзишни ҳам мўлжаллаган, хаёлида бу асар ҳам «шакллана» бошлаган эди. Умр бўйи эл-улусга хизмат қиласан бўлса-да, УЗЛАТда туриб, яна катта бир савоб ишларга қўл уришни ўйлаётган эди.

\* \* \*

Ҳикояни шу ерда тўхтатишга тўғри келяпти.

Сени умумий бўлимга ўтказишибди, Шахрия. Анча тузалиб қолдинг. Фақат бир қўл, бир оёқ, яхши ишламайди. Умуман, вужуднинг ярми караҳт.

Ана-мана уйга ҳам жавоб берадиганга ўхшайди.

Ҳакимлар энди, яхши бўлиб кетасиз, дейишаёттани ўзи катта гап.

Менинг шу кунлар жонимдан ўтганини ўзим биламан-у, Худо билади. Сен хасталаниб ётганинг – бир томон, бошқа томондан – кутилмаган баҳтиқаролик юз берди.

Сўзни сал наридан бошлай.  
Ўлим ҳақида нега ўйлаш керак?!  
У — ҳаёт ҳақида ўйлашнинг ҳосиласи.  
Қаердадир ўқиган эдим:  
«Ўлим — ҳаётнинг ибтидоси!»  
(Қизик, Интиҳо эмас, ибтидо!)

Ҳаёт билан ўлим ёнма-ён туради.  
Туғилиш бор. Ўлим бор.

Кўркам иморатлар орасидаги боғлар билан илк қараашда уларга тақлид қилгандек, қабристонлар ёнма-ён.

Эриш туолади-ку, гоҳида доя билан гўрков эр-хотин.

Инсон кўз очиб ақлани таниган пайтдан ҳаётни севади. Ва шу пайтдан ўлимга — иўқотишларга ҳам дуч кела бошлайди.

Эсингдами, синфимизда Эркин деган тутқаноги бор бола ўлган эди. Муаллимлар бизни видолашиб учун бўлса керак, унинг уйига олиб бориши. Биз ҳали мурғак эдик, кўпчилик ўшаңда қўрқиб, лабларимизга учук тошган эди.

Яна Муштдек бола эдим, суюкли бувимни йўқотдим. Мен билан тенг сўзлашиб-суҳбатлашиб ўтирадиган бувимнинг дафнида ярим-ёрти қатнашганман. Бир тепаликка кўтарилаётуб, тобут олдида ҳушимдан кетиб йиқилганим баъзан ёдимга тушади.

Кейин отажонимни бериб қўйдим.

Кейин онагинамни.

Кейин бир неча жигарларим.

Азиз дўстларим.

Умримда менга яқин қанча кишиларни йўқотмадим!

*Йўқотиш оғир дарг.*

*Ундан ҳам, сўзлаб*

*Баён этмоқ оғир*

*дилдаги дардни.*

*Келгач, кетмоқлик шарт. Минг ишлар бўзлаб,*

*Инсон бузолмаган бу қадим шартни.*

*Ҳеч ким бузолмайди...*

Олимлар инсоннинг умрини узайтириш устида иш олиб боришаётти. Соч оқариб-тўкилмаслигию тиш тушмаслиги (ёки наҳангларга ўхшаб қайта-қайта чиқиб туриши) борасида бош қотиришага... Одамдан нусха қўчиришга ҳам киришилди... Вақтида атланлар тўрт минг йил яшашган экан! Кейинчалик инсон қачон кўп, қайси даврларда озроқ умр кўрган? — биз яхши билмаймиз. Менингча, одам минг йил яшай олса-ю, ёши йигирмага етиб-етмай отиб ташланса, бунинг ҳеч қизиқ жойи йўқ! Умр қўшишга урингандан кўра одамлар умрини обод қилган авло, демоқчиман.. Қайсиdir муттафаккир, ҳамма абадиятта интилади, аммо абадиятни кўрмадим, деган экан. Бу албатта, мен ўлмайман, дунё менини, деб Ҳаёт ва Инсон устидан ҳукмронлик истаб, гуноҳга боттан Фиръавнларга эслатма тариқасида айтилган. Фоний дунёда бокий бўлишнинг иложи йўқ. «Бақо гулша сабот» йўқ, фақат «яхшилик била от (ном) қолиши» саодатдир! Яъни дунё гуноҳлардан фо-риғ, озода, ёруғ бўлиши учун вақти-вақтида кимдир жорубкашлик (фаррошлиқ) қилиши керак!

Мақсадга кўчай, Шаҳрия.

Сендан ҳархолда кўнглим тинчигандек эди.

Уйда эдим.

Хаёлим Алишернинг фаррош бўлиб, Абдулла Анзорий мозорига келиб ўрнашгани билан банд эди.

Эшик тақиллади.

Шаҳноза ёки Зебо касалхонага борган бўлса, мени ҳам йўlda кўриб ўттиси келдими ё қизлар эмас, куёвлардан биронтасимикан, деб ўйладим. (Табиийки, Сен бўлмаганингда, қизлар, куёвлар, гоҳо неваралар мендан ора-орада хабар олиб туришибди.) Эшикни очсан, улар эмас, Холид экан.

У ичкарига кирди. Бир пиёла чой ичди.

Қарасам, асабийми, эзгинми ўтирибди.

— Ҳа, жиян?! — дедим.

— Шундай. Ўзим...

Унинг феълини биласан. Баъзан «тошиб кетиб» ҳеч кимга гап бермайди. Оғиз очгани қўймайди. Баъзан аксинча, соатлаб мум тишлаб ўтираверади. Ундан бир нимани сўраб, билиб олиш қудуқдан сув торттан билан баробар.

Мен унга ортиқча аҳамият бермай, ўз ишім түри-  
сида галира бошладим. Шу күнлар құлым қисқалыги-  
дан бир-икки зекі расмни сотмоқчи эканлыгим, фа-  
лончи-писмадончи танишларим бу ишда ёрдам күрса-  
тишларини айтдым. Холид негадир бошини чайқаб,  
түнғиллади:

— Ҳозир ваъда берадиган күп. Қуруқ, ваъда билан  
қозон қайнатиб бўлмайди.

Мен унчалик эмас, қабилида баҳсга киришиб кет-  
дим. Лекин Холид бир нуктага тикилиб, яна сукутта  
чўмган эди. Дабдурустдан:

— Тоға, кийининг, — деди.

— Нега?!

— Бир ерга боришимиз керак.

— Қаерга?! — дедим эриниб, эътиrozга шай ҳолат-  
да.

— Фотиҳали жой.

Бундан бош буриб бўлмайди!

Кексами-беморми қариндошлардан бирор қазо қил-  
гандир, деган хаёлга бориб, шошмасдан кийиндим.

Эшик олдида Холиднинг машинаси тураг эди.

Йўлга тушдик.

Ниҳоят, сабрим тутаб, сўрадим:

— Ким?!

— Тоға! — деди Холид. — Сизга қандай айтсам  
экан?! Ичим ёниб, тутаб ётибман. Одилни бериб  
кўйдик.

— Одил?! — аввалига ишонмагандек ҳолатни сез-  
дим. Кейин, бошимга бирор гурзи билан ургандек бўлди.

Олдинги ҳафта Барно иккиси уйга бош суқишиган  
эди. Барнонинг бўйида бор, юзига доғ тушган, лекин  
бундай пайтда жувонларда кўринган ўзига хос бир  
чиройдан гул-гул очилган эди. Одил ҳам ота бўлаёт-  
ган йигитта хос мамнун, мағур, чиройли. Уларга ҳава-  
сим келган эди!

Эшиттанимга ҳамон ишонмас эдим-ку, Холид ма-  
шинани тўхтатиб, гардишга бошини кўйтанича, ҳўнграб  
юборди. Энди менинг ҳам кўнглим бузилди. Кўзларим  
жикقا ёшга тўлди.

Ҳайқот! Киши улғайған сайин ўзингдан ёши ки-  
чик, айниқса боланг (неваранг) тенти кимдир дунедан  
ұттанини билганингда, уялғанми, хижолат чекаёттан-  
декми ҳолатта тушасан. Номард дунё, деган гап бў-  
зингта келиб тиқилади. Қанчалик тақдирпарат (фа-  
талист деймизми?) бўлма, кўнглингда дунёдан (Худо  
кечирсинг! Ҳатто Худодан) норозиликка ўшаша кай-  
фият ҳам уйғонади.

Машина жилганидан кейин, Холиддан сўрадим:

— Қачон?!

— Кеча қўйиб келдик.

— Нима бўлган экан?!

— Сувга чўкаётган бир болани қутқариб, ўзи.

Оёғининг томири торғанми...

Мана, энди мен ҳам ичим ёниб, тутай бошладим.

«Айт, дунёда гуноҳ қилмаган ким бор?!» мазмунидаги хайёмона гап аслида тўғри бўлса ҳамки, бу оқла-  
нишга восита эмас. Одамларни бири-бирига душман-  
ликка олиб борган, сарсон-саргардон кўйига солган, ма-  
шаққатли, изтиробли ҳаётни табиий (баъзан ҳатто  
кўркам) деб тушунгандан тушунтиришга уринган Дунё-  
даги Фиръавнларнинг гуноҳини ҳеч қачон оқлаб  
бўлмайди! Бутун Дунёда Жаҳон маҳорабалари пайтла-  
ридагидан кўра кўпроқ одам ҳалокатта учрайти. Иш-  
сизлик, муҳтоҷлик, хасталик, ҳимоясизлик... Бунинг  
устига, лоқайдиқдан келган фалокатлар. Тасодиф фо-  
жиалар! Инсон токи гуноҳдан кўрқмас экан, ўзи-ўзи-  
ни асраш йўлини изламас экан, емирилиш (ва бир  
куни тамом йўқ бўлиб кетиш)дан қочиб қутулолмай-  
ди...

Кутилмаган нохуш хабар орқадан отган тошдек,  
кишини одатда жароҳатлаб қолмай, қаттиқ эсанкира-  
тиб ҳам қўяди.

Одилнинг уйига (уни онаси ва икки ақасидан бири  
турган ҳовлидан чиқаришганди, маросим ҳам асосан,  
шу ерда ўтаётган эди) қайси ахволда кириб чиқдик,  
айтолмайман. Ичкари хонада аёллар йиги-сиги қилиб  
ўтиришибди. Мен бу хона эшитига бориб Барно билан  
кўришиш, унга далда-таскин беришни истар эдим. Би-  
роқ одоб, бизнинг ҳаёт тарзимиз бунга йўл бермас  
эди. Бундан ташқари, тушуниб турибман, энди тур-

муш гаштини түя бошлаган, баҳт сари илк қадам ташлаган келинчакка айрилиқдан қандай сабоқ берасан?! Термиздан келиб, ҳаётда күним топиб-топмай, бўйида бола билан Ёвуз Дунёга Елиз юэма-юз қолаёттан ёш жувонга нима деб далда-таскин бериш мумкин?!

Шаҳрия! Кечир мени.

Шаҳноза ва Зебо менинг ўз қизим, пуштикамаримдан бунёд бўлган. Лекин мен Барнони улардан кам яхши кўрмайман!

Баронинг Навоийга чексиз меҳри борлиги, мен ҳакимда нималардир ёзганию ёзмоқчи эканлиги бунга сабаб, дёёлмайман. Булар мен учун қадрли, аммо у инсон сифатида кўпроқ қадр касб этди. Ақлли. Билимли. Қисқа вақт ичиде меҳрибонлиги, самимияти билан одамнинг жонига айланди.

Ўғлимиз бўлмаганидан, очиги, Одилни ҳам ўз ўғлимдек яхши кўрадим. Наздимда, Холид билан иккиси бир бутун эди. Кимdir Одил тўғрисида, ҳаётда у ҳеч иш қилмади, хизматта қараб баҳо бериш керак, дер. Эзгу инсон бўлишнинг ўзи хизмат эмасми?! Қаерда-дир ўқиган эдим, одамлар нафасидан ҳаво яралиб, Бутун Ҳавонинг тиник ёки бузук бўлишини белгилар эмиш! Одил — ўз нафаси билан Ҳавони Покиза тутган инсон, БҮЮК бўлмаса-да, ФАРРОШ эди. Үнинг Барно каби Навоийга меҳри (муносабати) соҳталиқдан йироқ эди. Улар расмият юзасидан Навоийни эслаган кишилар тоифасига ҳам кирмайди.

Кўчага чиқданимизда Холид машинани уи томон бурмоқчи эди, тўхтатдим.

— Қабр бошига ҳам борайлик.

\* \* \*

Шундан сўнг ўзим неча марта қабр бошига бордим.

Фаҳмим етканча тиловат қиласман.

Семирган ер олдида, дарахт остидаги ҳаррақда ўтириб, хаёлга ботаман.

Бизнинг ёшлиқ пайтларимиз қабристонлар қаровсиз, ҳароб, овлоқ ва қўрқинчли эди. Бирон дарахт ё гул ўсмасди. Ҳаммаёқни тикан қоплаган эди. Бу етма-

ганидек, аксар құчага чиқиб, қайси дір ёдгорлик бузиб ташланыттынің дүч келардинг. Тарихдан, үз отабеболар ингдан ор қылғандек тарбия, орқага қарама, орқада ҳеч нарса йўқ, деган ақида хукмрон. Мен буюк бир ёдгорликлар то ҳозир қандай асраниб қолганиң батызан ақлим бовра қымайди. Бизда ҳар қадамда азиз бир инсон номи бор. Балки шу боисдан, ёдгорлик ҳам кўп. Исмоил Сомоний, Гўри Мир каби машҳур мақбаралар, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбандга тегишли мажмуалар ва бошқа ёдгорликлар қатори, дегярли ҳар бир масжид, мадраса, хонақоҳ ичида азиз инсонлар қабри жойлашган. Умуман, биздаги (Шарқдаги) обидаларнинг юз фойизи бўлмаса ҳам, катта қисмини зиёратгоҳлар ташкил этади. Қадимдан қабристонлар обидаларга туташганидан, яхлит зиёратгоҳ санаалган. Уларга муқаддас жой, деб эътибор бериб қаралган. (Ҳозир бу қадриятлар тикланаялти.)

Бошида фўта, эгнида яктак кекса бир киши йўлкаларни супуради.

Мен уни гоҳ кузатиб туриб, ёшлиқда Буҳоро, Самарқанд. Хивадаги ёдгорликларни тасвирлашга қаттиқ қизиққаним ёдимга тушади. Ўшанда қадим шаҳарлар кўчаларида судралиб, ҳар бир девор, ҳар бир тошга маҳлиё бўлиб, булардан қай бирини чизишга ҳайрон, кўнглимда үз истеъодидимга нисбатан иштибоҳ турилганидан саргардон эдим. Ўща йиллар ишимдан натижча чиқмаса ҳамки, кўп нарсани анлагандек эдим.

Буларни батафсил ёзмасдим, Шахрия!

Қабристон обод эди.

Кўркам дарахтзор, Анвойи гулларга кўмилган.

Ҳашаматли масжид, баланд бир айвон ҳам қурилган.

Минора. Ҳовуз.

Бу ерда Тарих ва Замон мужассамлашган эди.

Яна.

Бошида фўта, эгнида яктак фаррош менга Навоийни эслатаёттан эди.

Бора-бора у мен учун ҳатто зиёратгоҳда «супурги бирла» юрган Алишернинг ўзига айлана бошлагандек бўлди!

Демак, Одилнинг номини юракка юклаб, энди қабристонга паришон қатнашни тўхтатиши, узилиб қолган ҳикояни давом эттириш керак.

Шундай қилдим ҳам!

Лекин унгача орада бундай ҳолат кечди.

Бир гал одатдагидек қабр қаршисида, ҳарракада ўйчан ўтирган эдим.

Кимdir келаёттанини сездим.

Барно!

Ўрнимдан иргиб турдим.

Унга пешвоз юрдим.

У бехос мени учраттанидан донг қотди.

Кейин, ўкраб юборди.

Мен йигламаслик учун бутун иродами жамлаганча, уни суждим:

— Бўлди, онажон. Бўлди, бас.

— Бу қандай азоб, уста?! Чидаёлмаяпман

— Қийин, онажон. Лекин инсон чидаши керак.

Мен сенга таскин беролмайман. Ўзим муҳтожман.

— Уста! Ҳаммасига тушунаман. Фақат ўзимни қўлга олоюмаяпман, — деди Барно. — Одил ака шундай кўнгли очик, шундай олижаноб эди! — Унинг қайтиб кўзлари ёшга тўлди. — Нима қилай, қаерга борай?! Ҳеч ерга сиғмаяпман. Менинг дунёдан умидим шумиди?!

— Менга қара, онажон! Ана, қанча одам ётибди. Донолар айтган, яхши ишлар, амаллар бўлмаса, дунё писта пўчогига арзимайди, — дедим ҳамон босик. — Ҳар кимнинг насибаси. Бу бир имтиҳон. Ота-боболарни эсла. Оғир пайтда улар норозиликка бормаган. Чексиз аламларга дучор бўлганда, аксинча, қайта-қайта шукронга келтирган. Ҳазрати Айуб бир мисол! Эшигтансан! Эсингда бўлсин, Одил учун ҳам яшашинг керак... Энди юр, онажон, кетамиз.

Мен уни кўчага бошладим.

Барно туйқусдан сўради:

— Сиз менинг келишимни билганмидингиз, уста?!

— Бир неча кундан буен кутаёттган эдим. Сенинг ҳолатингда бу ерга келиш яхши эмас...

Барнони кузаттанимдан кейин, кўчада кетаётиб, ёшлиқдан билган эски ривоятни эсладим.

Донишманлар бошингта мушкул бир иш түшиб, ўзингни чорасиз сезганингда қабристонга бор, дейишиган экан.

Кеч тунда қабристонга кириб бораёттан Шоҳ менинг кўз олдимга келди. У фарзандталаб бўлиб, тирноқ, кўрмаган, бу қайгудан кутулолмаётган эди.

Яна кўз олдимда қабристон тўрида давра қуриб, ўт ёқсанча, атрофида исиниб ўтирган, бири-бирига ўз ҳаётини (дардини) сўзлаб бераёттан Тўрт дарвеш (Чор дарвеш) жонланди.

Шу дамда ҳозирги даврнинг Бир Машраби ёзган шеърни ҳам эсладим:

Сув бўйига ўлтирма узок,  
Сенга ҳамдам бўлолмайди сув...

Сувдан қўрқадиган киши қирғоқда ўтиргани дуруст

Умуман, сувга узок қараб ўтиргани маъқул.

(Сув чақиради, деган гап бор.

Одилни чақирдимикан?!)

Қабристон бунга қиёс.

Ҳар ким қабристонга ҳам маврид-бемаврид, тунбемаҳалда бориши жоиз эмас.

(Айниқса, аёллар бормаслиги керак.)

Аммо дунёда Ҳаёт ва Ўлим маъносини англаған, дийдаси қаттиқ, кишилар топилади.

Бояти, қоронғида, панада туриб, Дарвишларга разм соглан Шоҳ шу тахлит киши бўлган,

Ўз дарди билан овора Тўрт Дарвеш шу тахлит.

Бизнинг Алишер бобомиз ҳам...

\* \* \*

Абдулла Ансорий – Пайғамбарлар Сарвари Мұхаммад алайҳиссалом (салаллоҳи алайҳи вассаллам) Ҳижрат қилғанларида карvonбоши бўлган Айюб Ансорий авлодидан. Унинг отаси Абдумансур халифа Усмон даврида Хуросонга келиб, Ҳиротда қўним топган эди. У вафот эттанига айни паллада тўрт юз йилдан ошган.

Бу – катта зиёраттоҳ, (арбоблари ва ходимлари борлиги-ю, уларни Алишер сийлаганини эслант). Ле-

кин маънавий пирлардан бири (Ансорий)га (Алишер Хуресон ва Мовароуннахрдаги барча пирларга юксак эътиқод билан қараган) эҳтиром сақланғани ҳолда, зиёраттоҳ, кейинги йилларда анча қаровсиз бўлиб қолган, эътибор беришга, меҳр кўрсатиб таъмиглашга муҳтож эди.

Алишер элга ош тортиб, кўнгли таскин топганидан сўнг, дарҳол зиёраттоҳни тиклаши, обод қилишга киришди. Ансория остонасининг Шарқ томонида янги бир хонақоҳ ҳам бунёд қила бошлади.

У гарчи «супургу» ҳақида таъкидлаб галирган бўлсада, унинг жорубкашлиги (фаррошлиги)да ер супуриш муҳим эмас. Бу — аввало, мазкур зиёраттоҳда унинг масъул, мутасадди эканлигини билдирав эди. Кейин, бу — пок рух билан, ўзини хоккор (тупроққа тенг) тутиб, Оллоҳга илтижолар қылмоқ, демакдир. Ёшлигини ўкиниб, «йўқсулик, камбағаллик пайтларим, ноумид юрган кунларим» деб эслаган Алишер энди давлатманд киши. «Мирзодин (Бойқародан, у) нима (пул, мол) олмас, балки шуда Мирзога (шоҳга) куллий маблағлар пешкаш қулур эди.» Айниқса, Алишер «ўғул ва қиз ва аҳлу аёли ийқ олами тавре фард ва жарида ўткарди!» Шу боис, фаррошлиқдан одамларнинг тинчтўкин, бахтли яшашига ҳалал берган барча ножӯя ишлар, ҳаётдаги бор бедодликларни супуриб ташлаб ҳалққа кўмаклашиш, ҳар жиҳатдан озодалик, ободонликни таъминлаш ҳам кўзда тутилар эди. Сирасини айттандай, бундай жорубкашликни Алишер бир умр бўйнига олган эди.

«Ул ҳазрат (Навоий) бир йили... Нишопур шаҳрини ўзининг муборак шуъласи билан нурлантириди. Бир куни бу ергаги машойихлар қабрини зиёрат қилишга борди. Қабрлар аксари бузилишга юз тутганини кўриб (кўзлари ёшланди), уларни тезда тузатишни буюргди (ва бу иш амалга ошиди).»

«Султон Ҳусайн Баҳодирхон (Бойқаро) подшоҳлиги даврида (бир гал) эмлазла бўлиб, унинг (бир замонлар курилиб, кўп бора бузилган ва қайта тикланган Жоме масжиидининг) тоқи ҳамда мақсураси бутунлай шикастланди... Амир Алишер... мусулмон подшоси (Бойқаро)-дан шжозат, улуғ ва муқаддас машойихлар арвоҳидан

мадағ олиб... дастлаб мақсураниң қулаб тушиған гүмбаз ва пештоқини тиклашни буюрди. Сұнгра тажрибали меморлар ҳамда мудаққиқ мұхандисларнинг маъқуллаши билан вайронға қояғаты ўша бинони тузатышта амр қылды... Хайру саҳоваттың бинокор Амир Алишер бу иморатны тиклашса күп ғамхұрлығы бұлғанидан, ҳар куни ўша шарофаттың манзилға ташриф буюрар, күтпін қағидағы әтакни белгі қыстириб, мардикорлар каби усталарға ғильті олиб берар, бошқа юмушларни бажарагы. Тез-тез ўша ердаги меморлар, усталар ва хизматчиларға қимматбаҳо саруға кийдірар ва үларни бошқа инъомлар білан ҳам сийлаб, хушнуд ва мамнун қылар зеди.»

«Масжиднинг ёңюк ёқочидан ишланған эски минбары ҳам шикастланған учун, күнгілі равшан Амир (Алишер)нин құксак ҳиммати минбар мартарошдан ясалышини тақозо этти... Олии остананың мұлозымлари ҳар тарағға чопиб, қиғириб, ниҳоят Ҳавоғ вилояттан мартарош топшилар ва... муборак манзилға олиб келділар. Устас Шамсұддин санғтарош минбар тарошлашта киришди ва олии даражалы Амир (Алишер)нинг меҳрибонлігі билан шундай бир минбар ясалді, бундағыны қозиргача күз күриб, күлок эшилмаган.»

«... Бу көромат зәгаси бұлмиш Амир (Алишер) мансабдорлық әвқтида (ва үндан кейин ҳам) фуқаронинг фаровонлігі, ғаріб, ғарвең ва мусоғирларнинг фарғаты учун Хуросон музофотида күплаб хонақох, работ, ҳовуз, ҳаммом (ва күпприк)лар курган (курдирған). Шулардан:

Халосия хонақоси. Ихлосия мадрасаси қаршисыда. Бу файзли жойда ҳар куни мингдан ортиқ заифлар ва мискиншар зиёратта бўлиб, ширин таомлар билан қорин түйдирағилар. Ҳар йили мұхтожларга иккى мингта яқин пүстин, босма чакмон, күйлак-иштон, тақия ва кавуш улашилади.»

«ҚҰЛ ИМОРАТИ (қатор масжидлар, мадрасалар, кутубхоналар, шифохоналар) қуриш ҮНИНГ катта хизмати бўлиши баробарида, ДИЛ ИМОРАТИ қуриш асосий нияти зеди.»

«Аҳди фазм ва аҳди ҳұнарға Алишербекча мурабабий ва муқаввий маълум әмаским, ҳарғыз пайдо бўлмиш

**бўлгай... МУНЧА БИНОИ ХАЙРким, ул қилди, кам киши МУНДОҚҚА мувваффақ бўлмиш бўлгай.»**

«Замон Ҳусрави (Ҳусайн Бойқаро) унинг фойдали (ўринли) маслаҳатларидан баҳраманғ ва мансаб аҳлию мартаба арбоблари зариф сұхбатидан хурсанд. Унинг олий мажлиси (мулоқоти)га етмак фозиллар орзуси. Кенг даргоҳи заиғлару фақирларга бошпана. Дастурхонига неъматилар мухтожлар учун мұжайе Қарам (шафқат) эшиклари ниёзманлар учун очик.»

«Унинг даражаси (атроғидагилар) таъриф ва тавсиф этғанларидан ҳам юқори... (у) хотири тавозеъ (барчага ҳурмат) ва ўзини камсукум тутиши фазилатига андоқ берилганим, шу тоиға (gagi фақирлар) қаторига ўзни кўрар... Дунё лаззати (ҳою ҳаваси)дан ўзини четта тортганлар уни Ўзларидан деб ҳисобланганлари учун мартабаси улуғ бўлди ва БҮНДАЙЛАРга у ҳомийдир... Дарвешлар суюклиси, эътиқодлилар суюнчи! Буюкликнинг олий мартабаси (mansab, даражаси)дан хоҳии ва инон-ихтиёр шаюз ўғирган. Таслим (штоат) ва ризо (кибрдан кечиш) қадами била ФАҚР Йўлига юзланган.»

Алишер «илкида супургу», зиёратгоҳни айланган, йулкаларни супураётган хизматчилар орасида бўлган пайтлар бор. Аммо у асосан, тоат-ибодат ва ижод билан банд эди. Булардан ташқари, зиёратгоҳ тартибга келиши ва хонақоҳ қурилишини назорат қиласр эди. Олдинги иморатларда битмай қолган ишлар тезроқ, ниҳоясига етиши ҳам уни қизиқтиради.

Ансорий мажмуй яқинида Алишер жилла бурун бир боғ барпо қилган эди («андин Эрам боғи дилида ранжу ҳасад, сахродаги лолалар бағри қон»). Энди тонгсаҳарларда у бальзан ҳужрадан чиқиб, шу бокқа келар эди. Боғ ўртасидаги чортоқ (айвон)да ўтириб, Қуръон тиловат қиласрди. Гоҳо китоб кўрар эди. Гоҳо нимадир «қоралаш»га тутинар, сатрлар ўзи-ўзидан қуилилар эди:

**FAM ШОМИда парвона сиғатким, куядурмен,  
Бошим уза УЛ ШАМЬИ ШАБИСТОН керак эрди..**

**ҚАБРИМға хиром этдингиз, шўқ тухфасе, ваҳжим,  
Бу, хас киби тан ичра БУ КУН ЖОН керак эрди...**

*Билмай сени, УЛ ГУЛ қовар, эй зор Навоий,  
Сендеқ АНГА бир БУЛБУЛИ НОЛОН керак эрди...*

Офтоб ёйилгач, кундалик иш, ташвиш бошланиб кетар эди.

Алишернинг ҳолати номи «дарвешлиғ» ва гүшанишинлиғ» бўлса-да, у бирон гўшада бемалол ўтирмас, дарвешдек ҳар ерда кезмас ҳам эди. Оламни унубтиб соч-соқол ўстириш ёки жулдур жанда ва кулоҳ унга муносиб эмас. Алишер шоҳнинг шоҳлик тарзи қандай, замон, шароит қандай?! — шу кунлар оргикча ўйламасликка тиришиб, нисбатан кўнгли истагандек, нисбатан осойишта яшамоқда эди. У аввалдан бажарив келган ўз вазифасини ҳамон бажараёттан эди.

Ҳомийлик, назорат Алишерни қанчалик банд этмасин, унинг кўпроқ вақти барибир зиёраттоҳ ва борда ўтар эди. У эртами, кечми зиёраттоҳни айланганида, арбоблар, ходимлар, мусоҳибларию муловизмлари унга эргашар, аммо Алишер боя сари юргач, барча дарвозахонада қолар эдилар. Улар ёлғизликка мойил Алишерга халал беришга ботинишмас эди.

Аммо мана, шу Алишер салтанатдан узоқлашиб, маълум даражада ХИЛВАТда ящашга эришган, УЗЛАТга чекинган паллада ҳам, бутун сарой ахлидан тортиб бутун Хурсон фуқароси бир четдан Алишер томон қараб тургандек таассурот уйғонар эди. У фаррошлиқ қилаёттанига қарамай, гўёки бундан кейинги ҳаёт унинг яна майдонга чиқиши ва керак пайтда ақл билан, журъат билан тадбир кўришига интизор эди.

Буни Алишернинг ўзи ҳам кўнглида сезиб туради.

\* \* \*

*«Давлат ва шқболнинг тоза ниҳоли (Алишер ва барча ээгу кишиларнинг келажак умиди)» Мўмин Мирзо, «унинг боқийлигини ўзининг бақосизлигига сабаб» деб билган Ҳадича оғо бегим фитнаси — «сарсар шамолининг ҳаҳри билан қупориб ташланган (қатл эттирилган)»дан кейин орада ўтган икки йилча вақт ичидамамлакат буткул ўзгариб кетган эди.*

Бойқаро «қариб қолган, заинф-куватсиз» ҳолатда. Буни ҳис эттан шаҳзодалар таҳт илинжида қузрунлар-

дек унинг боши устида чарх уришмоқда эди. Лекин  
— бир томон. Иккинчи томон — Мўмин Мирзо  
бобоси ва умуман, Салтанат иродаси билан ёвузларча  
ўлдирилгани бутун Хуросон, айниқса, пойтахт Ҳирот  
аҳолисини чайқатиб юборган эди. Икки йил ўтиб ҳам,  
бу тўфон босилмаётган эди. Фақат бу эмас. Мамла-  
катда авжига минаётган низолар ва юз бераётган гу-  
ноҳлар (ҶІЗУҚ СИПОҲИ ҲАМЛАСИ) сабабдан, Сал-  
танаттами, эртанги кунгами одамларнинг ишончи  
йўқолган, ҳамма алланечук гангид қолган эди. Бу ГАН-  
ГИШ бағрида аста-секин баёнсиз қора бир исён ети-  
либ келмоқда эди.

Алишер тоҳ, зиёратгоҳдаги ҳужраси, тоҳ, боғдаги  
чорток (айвон)да ўтириб, узоқдаги шарпани эшитаёт-  
ган ва кун сайин ундан хаёли қочаётган эди.

## 2

### ТУФРОҚ

Энди Хуросон деган мамлакат йўқ,  
Парчаланиб, бўлинниб кетган.

Бу кунги ўқувчи «Хуросон» деган сўз, «Хуросон ва  
Мовароуннаҳр» деган жумлага юзлаб китобларда кўзи  
тушганида, бор мамлакатлар баъзан йўқолиб, янги бир  
мамлакатлар бунёд бўлишини доим ҳам тасаввур  
қилолмайди. Бундан ташқари, бу кунги ўқувчи милод-  
дан олдин шаклана бошлаган (кейинги яқин асрларда  
бошқа бирикмаларга қўшилиб кетган) Хуросон, шун-  
дай қадимий Мовароуннаҳр (бизнинг бу кунги ери-  
миз) билан бир пайтлар елкама-елка турганини та-  
саввур қилиши ёки қилолмаслиги мумкин. Маълум  
даврларда Мовароуннаҳр ҳатто Хуросон юксалиб, шон-  
шукужга бурканишини «ташкил эттани», бунга сабаб  
бўлганини эса ҳали китобларда ҳам деярли учратмай-  
миз. Бу хизмат бирон жойда очик ёзилмаган.

Соҳибқирон Амир Темур жаҳондаги кўплаб олим-  
фозиллар, ҳунармандаларни пойтахт Самарқандда тўпла-  
ган, сарой аҳлини, асосан, ўзига синашта ерлар —  
Шаҳрисабз, Китоб, Самарқанд. Бухородан йиқсан эди.  
Пайти келиб, унинг ўғли Шоҳруҳ Мирзо пойтахтни

мабодо Ҳиротта кўчирмаса, бутун давлат Самарқандда қолаверар эди! Самарқанд анча муддат ярим марказ {ярим пойтахт} бўлиб келса-да, арбоблар, илм-ҳунар кишилари аксари Салтанат билан бирга, Ҳиротта кўчган эди. Бир куни Мирхондинг отаси Бурхонуддин Ховандшоҳ Бухордан Балх ва Ҳиротта йўл олганидек, Давлатшоҳ Самарқандий, Лутфий, Навоий, кейинчалик Мирза Голибининг ота-боболари ҳам ўша энкин натижаси [«сарой карвони»]да суриниб, кўп ўтмай, янги пойтахт қаётига сингиб кетишган эди. Ҳуросон (кatta қисми форслар бўлган жой)да тарихнинг бир кесими (муайян асрлар)да туркий тилга жиддий зътибор берилгани, умрбокий туркий шеърият яралиб, янги дарражага кўтарилигани ва бу шеъриятда гўзаллар қиёфаси туркона чизилиб, соринч акс эттани, гоҳ-гоҳ, «Туркистон» деган сўзнинг ўзи ҳам ял этиб кўзга ташлангани — бунинг барни тобний жараён, ўшаңда рўй берган ҳижрат (кўчиш)нинг оқибати, деб тушуниш керак.

Қисқаси, Ҳуросон, айниқса пойтахт Ҳирот Ҳусайн Бойқаро даврига келиб, чинакам виқор ва чирой касб этган, фан, маданият бешигига айланган эди. «...Шояд мингта яқин кишиким, аларнинг иши маъно дурларини назм силкига тортимоқ бўлгай.» «Ҳеч даврда бундоқ» бўлмаган. «Мингта яқин» шоирдан ташқари, шунча олим, санъаткор, ҳунарманд. Бу — қанчалик Ҳусайнинг ҳимматидан бўлса, шунчалик тенг Алишернинг шарофатидан эди.

«Амир Алишер Ҳалосия хонақоҳига ўзининг ҳузур-ҳаловати (яшаб туриши) учун ажратилган хонани ул жаноб (Мирхонг)га бериб, «Равзат ус-сафо»ни ёзишини буорди.»

«Устоз Қулмуҳаммад ва Шайхи Ноий ва Ҳусайн Удийким, созда саромад эшлиар, Бек (Алишер)нинг тарбият ва тақвияти била мунча тараққий ва шухрат қилдилар. Устоз Беҳзод ва Шоҳ Музaffer тасвирида Бек (Алишер)нинг саъӣ ва эҳтимоми била мундоқ машҳур ва маъруф бўлдилар.»

Мана, энди Бойқаро чарчаб қолган эди.

Лекин унинг куни «лашкар тортиши», итоатдан бош бурган фрзандларидан қай бирининг «таъзирини бе-

риш», қайси дір «фарзандынинг иқбол нухолини тағ-  
тубидан қўпориб ташлаш» билан ўтгаёттан эди. Яна:

«Шаҳзода (Бадшуззамон)нинг хос кишиларидан бир  
турғұжы аёвсиз тиңдан ўтқазилди, бир түдаси аспир олин-  
ди ва ҳукмға биноан, уларнинг (ҳам) қўпчилиги ўлди-  
рилди».

Шоҳ ва шаҳзодалар орасыда сўнгги йиллар ой са-  
йин, кун сайин кучайған бундай низолар, жанглар  
(аҳиллик, бири-бирини англаш йўклиги) Салтанатни  
халокатта, Мамлакатни емирилишга олиб бораёттан эди.  
Даҳшатли жойи, аҳли ҳукамо ҳам, фуқаро ҳам буни  
пайқамаётган ёки бунга эътибор бермаёттан эди. Бун-  
дан ҳам даҳшатлиси, ота ва болалар ноаҳиллиги, ота  
тирик ҳолда Мамлакат хомталаш қилинаёттани, ёлпи  
лоқайдлик-бепарволик заминида ёшлиар (аксари ўсмир  
ва болалар) ичидагатта-кичикни билмаган, барчага  
итоатсиз, тарбиясиз, билим-маданияти йўқ жоҳил ва  
ёвуз бир тўда пайдо бўла бошлаган эди. Бу боришда  
умр бўйи меҳнат қилиб, азият чекиб қўлга киритил-  
ган ободончиликдан маърифаттача (иморатлардан яра-  
тилган китобларгача) ҳаммаси арзимаган фурсатда кун-  
фаякун бўлиб кетиши ҳавфи туғилган, ФАФЛАТ бос-  
ганидан, одамлар буни ўйламаётган эди.

Албатта, бир киши (бандага) «бало тоги»га қарши  
гуриши қийин.

Қўпориб ташлаёлмайди.

(Шамол тегирмони билан олишган қаҳрамон ҳоли-  
га тушиш мумкин)

Шунинг баробарида, бир киши (бандага)га ҳам кўп  
ишлар қилиш имкони берилган. Ҳаёт СЕНГА борлиқ.

Дунёда «бало тогини тирноги била» қазганлар бор.

Шундай инсонлар борки, фуқародан ҳам, аҳли  
ҳукамодан ҳам узокроқни кўради.

Бундай инсонлар келтирган озодалик, ёруғлик узоқ  
асрларга етади!

Алишер ўз жорубкашлиги (фаррошлиги) билан маш-  
гул эди.

У УЗЛАТга чекинганига қарамай, атрофдагиларни  
сұхбатта тортиш, ҳаётдан доим воқиф бўлиб туришни  
ўзи учун муҳим деб биларди.

«Мир (Алишер)нинг одати шуки, ҳар куни яқин дўсти, сұхбатдоши Мавлоно Соҳибдорони чақириб: «Шаҳарда бу кун бўлиб ўтиган ажаб (аҳамиятга эга) ҳодисалардан нени кўрдингиз ва неларни эшилдингиз?!» – деб сўрар эди. Мавлоно Соҳибдоро кимнинг дир хушсұхбат, гаройиб эканлигидан сўзласа, у дарҳол: «Нега уни бу ерга олиб келмадингиз?!» – дер эди.»

Бироқ Алишер ҳар ким билан сұхбатлашмасди.  
(Бунга унинг вақти ҳам йўқ эди.)

*Мени мен истаган  
үз сұхбатига аржуманд этмас,  
Мени истар кишининг  
сұхбатин кўнглум писанд этмас.*

(Бу ерда, дастлабки сатрда озгина муболаға сезилади. Агар у Ёрни кўэда туттан бўлмаса, Бойқаронинг ўзи мажлислар, базмларга рўйкат тузайтиб, Алишернинг номини биринчи қаторда ёзар эди.)

Баъзан ҳар ким ёнида ўралашибиши унга халал берарди.

«Алишербекнинг мизожи нозук била машҳурдур. Эл назокатини давлатининг гуруридан тасаввур қилур эрдилар. Андоқ эмас экандур...»

Унинг кўнгли, таъби нозик бўлганлиги рост.

Ора-орада инжигани, асабийлангани ҳам рост.

Бу – олдига қўйган мақсади ва кечирган ҳаётидан келиб чиқади

Бир гал шўндай воқеа рўй берганди.

У марҳамат юзасидан бирорга эгар-жабдуқли от инъом қилган эди. Ҳалиги киши илтифотни тушунмай, мулозаматни ошириб юборади. «Навоий отига миниб, бирор ерга борадиган бўлса, у ҳам хизматда турар, уйга (хужрага) қайтиб келганда эса дарвоза олдиған ҳеч, бир дам жилмас эди». Алишер жуда қисинган ва ўзи берган отни «ўғирлатиб-сотиб», ҳалиги кишини рози қилиб, ўзидан узоклаштирган эди.

Баъзан бундай бўлар эди.

«...мулоэмуму сұхбатдошлари... Мир (Алишер)нинг қовоғига қараб, гал қотишдан қўрқдилар... дарвозахонада қолдилар. Ҳофиз Fuёсигудин (деган киши) қараса, Мирнинг ёлғиз ўзи (чортокда) ўтирибди. Фурсатни

ғанимат билиб, ичкари (боққа) кирди (күпдан буён Алишерни кўришни орзу қиларди). *Мир* (шу кунлар) ўз соясидан ҳам ҳадик олиб юрган (зоҳидлар айни қаттиқ қасдлашган пайт) эди. У ўзи томон келаётган бегона кишини кўрди. Жаҳл билан сўради: «Бобо, сиз кимсиз, қаердансиш? Менинг хузуримга нега келяпсиз?» Ҳофиз тиэ чўжиб, деди: «Мен ўзимни таърифи жоме ва моне қилиш (ҳар томонлама сизга таништириш) учун келмоқдаман!» *Мир* бу ғалати сўзни эшишиб, деди: «Яқинроқ келинг...»

Баъзан у аксинча, суҳбатни қўмсаб қайсарланар ҳам эди:

«Таомдан сўнг мажлис аҳли Ҳазрати *Мир* (Алишер)-нинг кўпчилик олдиға кўнгумлари бехузур бўлиб, ёлизлик талаб қилиш (ёлизликни исташ) одатлари хотирларига келиб... бир-биринга боқишиб, ўринларидан турдилар-да, ташқарига чиқдилар. *Мир* (Алишер) шу куни суҳбат ва улфатчиликни (қандайдир) қўмсаётган эканлар. Ташқарига чиққан жамоага қараб, ғазаб ва эътиroz билан дедилар: чамаси Алишернинг уйи ошпазлар дўкони-ю, Алишер эса ошпаз экан-да!»

Ҳаёт ўзича ҳаёт! Алишер билан Ҳусайннинг муносабатида доим улардан бири ҳак, бири ноҳак, бири оқ, бири қора, ~~да~~ ўйлаш гўлликми, соддадиллиқdir. Бир инсон (банд) сифатида Алишер адашган, хато қилган (ҳатто ўзини етарлича муносиб тутолмай қолган) пайлар ҳам учрайди. (Бойқаро Паҳлавон Мұхаммадга нисбатан ўзини шундай тутган пайлар Алишер унга танбек берган. Ва Алишер ҳам, зийрак, ақдли подшоҳ ҳақли бўлганида, буни қабул қилган.) «Бир куни Султон Ҳусайн Мирзо (Бойқаро) Амир Алишер билан хилватда ўтириб, ҳар бобда суҳбат қуарди.» Шу суҳбатда Алишер Ҳусайнга Амир Жаҳонгир барлос деган кишининг Салтанатда хизмати борлиги, лекин сўнгти даврда эътибордан четда қолганини эслатади. Бойқаро дейди: «Сиз билмайсизми, у қанақа одам? Мен унга бир оз иноят кўрсансан... Ҳар куни бир кишини ўлдириб юрмасмикан?» Алишер. «Уни риоят қиласаннингиз, тарбиялаганингиз маъкул», дейди. Воситачилик қиласади. Амир Жаҳонгирни «катта габбаба, туғу ногора, мулозиму навкарлар билан» Туршиз деган

қасабага ҳоким қилиб жүнатади. Барлос күп ўтмай, фитначи, такаббур, саркаш кишилар таъсирига тушади. «Иш шунгача бориб етдики, халқ молу жонига (у) күл узатадиган, хотину фарзандлари номусига тегадиган бўлди. Амир Алишер ёнига бир тўда одам келишиди» Алишерга Жаҳонгирнинг (қилаётган бу) ишлари уни жазолаш, қатл этиш ёки йўқотишга сабаб бўла олмайдигандек туюлди. У келган одамларга: «Сизлар нукул ўзбошимчалик, фитна ва нохушлик қилиб юрасиз, ҳокиму доругаларингиз билан аксар келишолмайсиз. Энди сизларнинг адабларингизни берадиган вакът етди», дейди. Уларни қўрқитиб, подшоҳга арзга боришига йўл қўймай, қайтариб жүнатади... Бу билан осойишталик ўрнашмайди. «Амир Алишернинг ҳимоясига эътиимод қиласан Амир Жаҳонгир (арзга) (шикоят қилиб) борганилардан учта оқсоқолни қатл қилдирди. Туршиз халқи қора кийиб, икки юзга яқин киши (Ҳиротга ёпирилиб келганча) Жаҳоноро чорбони эшигига тўпланишиди. Нолаю фиғон чекишиди. Мирзо (Бойқаро) ҳарам ичкарисидан туриб, буларнинг суронидан қўрқиб сўради: «Нима гап, ғулгулаша боис не?» Унга аҳволни тушунтишиди. Мирзо (Бойқаро) Амир Алишерни чақиришиб, таъна қиласи: «Тарбия қалмоқчи бўлганингиз устидан дод деб келганиларнинг додига етинг! Шариат ҳукмига амал қилиш лозим». Барча гуноҳлари, жиноятларини ҳисобга олиб, Амир Жаҳонгирни қатл этиш тўғрисига Туршиз халқи вакилларига нишон (руҳсатнома) ёзиб берилди.»

\* \* \*

Узр, Шахрия!

Дагал бир ривоят бор.

Тўртта кўзи ожизни филга рўпара қилиб, таассурутини сўрашибди. Бири — фил устунга ўхшаш нарса экан, иккинчиси — фил узун-йўғон мешга ўхшар экан, дебди ва ҳоказо.

Биз ҳаётда доим ўз ТАСАВВУРИМИЗДАН ТАСВИР яраттанимиз ва бирон воқеами, шахсми тасаввурнинг ўзи бизда ҳали мукаммал эмаслиги тўғрисида кам ўйлаганимиз. Бироннинг кўзга чалинган маълум пайтдаги

балки ТАСОДИФ ҳолатини ХИСЛАТ деб билиб, уни яхши ёки ёмон, ижобий ёки салбий атаб, ҳар томонлама, холис эмас, юзаки баҳо бераёттанимизни күпинча қатто сезмаганмиз. Бунинг устига, табиий ҳол, ҳаётда истаган ШАХСНИ ҳар ким ЎЗИ БИЛГАНИ ва ЎЗ ДАРАЖАСИДА тасвирилаган. Яна айтаверса, биз зоҳидлар сингари аксар ЗОҲИРНИ кўрганмиз, БОТИНГА «кўз ташламаганмиз». ҚАЛБ билан ҚИЁФАНИНГ БИРлигигиши хаёлимизга келтиргмаганмиз. Қисқаси, мен ҳам эҳтимол, Алишернинг қиёфасини яхши тасаввур қилмагандирман ва шу боис, ТАСВИРдан кўнглим тўлмаётгандир?!

Мана, ҳозир бундай бир ЗИДДИЯТ дикқатимни тортди.

Алишернинг асарларида бўлган РУҲ билан у ҳақда ёзилган ҳикоя (хотира)лардаги ҲОЛАТЛАР унча мос келмайди. Ҳудо кечирсин, албатта, лекин унинг китобларини ўқиб, кейин у тўғридаги китобларни ўқиганингда, уни замондошлари гарчи бир инсон (банда) сифатида (бутун юксаклиги ва ожизликларини акс эттириб) тасвирилашга уринган бўлсалар-да, ҲЕЧ КИМ АЛИШЕРНИ ЎЗИ ДАРАЖАСИДА тушунмагандек таассурот уйронади (умуман, ҳар қандай одамни ҳеч ким ўзи даражасида тушунмайди ҳам. Шахс ҳаёти, феъл-автори сир-асрордан иборат). Алишер – аниқ мақсад, фидокор меҳнат, журъат-жасорат эгаси. Кучли, шиддатли, ҳатто исёнкор РУҲ унинг ҳар бир сатрида барқ уриб турибди. У ўзини ҳам, бошқаларни ҳам аямайдиган муросасиз ҲАҚИҚАТПАРВАР. Шу билан бирга, ўта шафқатли, чумолига озор етса, жони оғрийдиган инсон. Алишернинг кўп асарларида АДОЛАТ туйғуси билан ИШҚ туйғуси қоришиқ келади («ИШҚ» сўзини суйиб, қайта-қайта ишлатади). У ўзи ўзига қаттиқ, ишонади ва ҳаёт ҳақида «борини тўкиб-солиш»га ўзини ҳақли деб билади. Шу сабаб, ОЛАЛОҲга мурожаат қилиб, Алишер бир пайт ЁРИ тўғрисида ёзган эди:

Бўлса ИШҚимда ҚУСУРе,  
кўнглини мендин совут,

*ИШҚим ар ПОК бўлса, тошдек –  
кўнглини они мум қил.*

Зоҳидларнинг унга нисбатан душманлигига бош сабаб ҳам, ана шу – унинг ОЧИҚ СҮЗЛАШ хислатидир.

Ақлли, бу етмагандек, Ҳақиқат ва Адолатни истаган тили кескир киши қачон, кимга ёқсан дейсиз!

Муросаю мадора, ён бериш, чекиниши – зоҳидларнинг талаби.

Уларнинг тилаги.

Алишер бундай қилолмайди.

Зоҳидлар буни билишади.

Шунинг учун, у ХИЛВАТни ихтиёр этиб, ўзини тоат-ибодатта бағишлигани ҳам уларни «юмшатмайди». Аксинча, уларнинг баттар ғашини келтиради. Улар Алишерга «ишонишмайди».

Алишер-чи?!

УЗЛАТга чекингани билан, у ЗОҲИД бўлмайди. Бўлолмайди.

ОШИҚ, эканлигини ҳамон яширмайди. ЗОҲИДлар ОЛАМни ҳам, ОХИРАТни ҳам юзаки тушунишади, деган фикридан қайтмайди.

Икки ўртада эскидан келган БАҲС давом этади. Оддингидан ортиқ ўт олади.

Алишер бу душманлиқдан ниҳоятда азобланади.

Лекин ўзининг БОТИНида бўлганини ҳамон ёзганларида ошкор этаверади.

*Ўтинг, ишрат аҳлиси, биз зорларбиз,  
Туман-минг БАЛОға гирифтормарбиз.*

*Кўнгулни қилиб юз яро ИШҚ ЎТИ,  
Гараҳум ҳилангким, шилафгорларбиз.*

*Тиларбиз ШИФО бир Масиҳо-нафасдин,  
Ки, бу кўхна ДАЙР АРО bemorlarbиз.*

*Ёрутқай, дебон кўзни БИР САҶД КАВКАБ,  
ҲАР ОҚШОМ ТОНГ отқунча бедорларбиз.*

*Сабукруҳ соқий, ФАНО жоми тутқил,  
Ки, ўзлук ЮКИдин гаронборларбиз.*

*Муяссар эса ДЎСТНИНГ ВАСЛИ бир дам,  
Бериб ИККИ ОЛАМ, хариорларбиз.*

*Навоий киби ичгали ИШҚ ЖОМИН,  
ХАРОБОТ КЎЙИДА хуммормарбиз.*

У ноҳақликка, зулмга қарши туришда, зоҳидларга қарши курашда қанчалик ўзини ўқтам тутса, ОШИК-ЛИК йўлида, Алишер, шунчалик фақир, хоксор. Дарвешлик, жувонмардлик («Эранлар хизматидин чекмалил бош») – бу унинг учун олдиндан келган бир мактаб («жом» сўзини ишлатганда ҳам, Жомийни эслайди, бекордан Жомийнинг этагини тутмаган), ўз ҳаётида онгли равишда шу мактабга кирган.

Буни ҳам Алишер БАҲС тарзида эслайди:

*...ТУФРОҚ ша ТЕНГ ўлмишам!*

У зоҳидлар билан БАҲСга ўзича нуқта ҳам қўяди:

*Биз ФАНО ТУФРОҒИ бўлдук  
ДАЙР АРО, Эй Аҳли ЗУҲД!*

Туфрок,

Туфрок,

Туфрок.

(«Инсон туфроқдан яратилган ва яна туфроқга қаштади.»)

Абдулла Анзорий зиёратгоҳида Алишер жорубкашлик (фаррошлиқ) қилган лалла БУ СЎЗ янгича, теран бир маъно касб этади.

\* \* \*

*«Шоирлик — ўтган ҳаётингни қайта-қайта варақлаш.»*

Кимдир шундай деган эди.

Бу – умуман, инсонга хос.

Ёшлик пайларим ҳеч хаёлимдан кетмайди.

Кун ёришиб-ёришмай аксар уйдан чиқиб, сув сепилган кўчани фаррош супуриб, чиннидек ҳолга келтираёттанига кўзим тушарди. Нотинч, оғир йиллар эканлигига қарамай, у даврда аёллар супурги кўтариб юрмас эди (аёл уйни, ҳовлини супуриши керак, кўчани эмас, деб тушуниларди шекилли). Асосан, эркак-

лар. Улар, одатда, бирор күчадан ўттанида (кантами, болачи) тұхтаб туришар, ёшынг үлугеми-кичикмі, сен-га хоксорлик билан бириңчи бўлиб салом беришар эди. У даврда ҳозиргидек, офтоб ёйилиб ишга бораёт-ганда-ю, офтоб сўниб ишдан қайтаётганда еки қоқ туш вақтида ҳаммаёқни чангитиб, юзинг-кўзинг деймай кўча супурувчилар ақалли мисол учун, биронта учрамас эди. Туфроқ (тупроқ)қа муносабат ҳам, адаш-масам, ҳозиргидан фарқ қиласади. Азиз бир жойга борган кексалар ердан бир чимдим туфроқ олиб, қошлирига суркашганини кўрганман. Қишлоқда дехқонлар бир ҳовуч туфроққа жонли мавжудотдек қараб, алла-нечук эркалаб мурожаат қилишганини ҳам кўрганман. Туфроқни ҳеч ким оёқ остидаги, лой учун яроқли ёки яроқсиз бир нарса деб тушунмасди, афтидан. Туфроқни ҳеч ким мажбур қилиб ишлатсанг, ҳосил берадиган бир манба деб ҳам тушунмасди, афтидан. Туфроқ, таъбир жоиз бўлса, фалсафий тушунча (эътиқод, рамзларидан бири) эди... Ҳар қандай оддий ишда ҳам одамнинг фаросати, маданияти кўринади. Институтни битириб, тирикчилик учун бир идорада «рассомлик» қилганман. Гоҳ шиор ёзар, гоҳ турли табрикномаларни безар эдим. Ҳадича деган опамиз бор, ишимни назорат қиласади. Битта ҳарф эътиборсиз ёзилса, оп-поқ қоғозга доғ эмас, ортиқча битта қора нуқта қўнса, мендан ҳам, ўзидан ҳам хафа бўлиб кетар эди! Қофия опа деган кичик хизматчи аёлни ҳам зслайман. Ҳар куни саҳарлаб хоналарни ювиб-тозалаб, ойналарни артиб, хизматчилар кириб келгунча бир чойнакдан чой дамлаб, устини ёпиб ҳам қўяр эди. Дарвоқе, ўша йиллари бир гал қасалхонада ёттанман, эсладим (Шахрия). Абдусаттор деган бош врач палаталарни айланадиган бўлса, ҳамма зир югуриб қоларди, чунки у де-ворга урнатилаган чироқлар устигача бармоқ суриб, ҳатто битта-яримта қўнган чанг бор-йўқлигини текширади. Мен йиллар давомида бошқа биронта ка-салхонада бунча тозалик, озодаликни кўрмадим... Бизнинг ёшлиқ пайтларимизда одамларни табақага ажратиш авж олмаганимиди, ҳарҳолда, фаррошга ҳамма эҳтиром билан қаради. Олис асрлардан буюк инсонларга хос ХОКСОРЛИК белгиси бўлган фаррошликини

хеч ким жүн иш, ғарип иш, деб ҳам билмасди. Яна, фаррошлиқ — Ерни суйиб, пок тутиш эканлиги аслида бу барчанинг бурчи эканлиги! — кейинчалик унтутилиб, ФАРРОШ ҳам, ТУФРОҚ ҳам бир оз бекадр бўлиб қолди..

Хўп.

Мен (ёшлик давримни эслаган) шу кунлар «бостириб» келган кузми, толиқиб, бардошим, куч-мадорим қуригани сабабданми, уйда судралиб юрганча, бир гал бошим айланиб..

бехос...

йиқилдим.

Сенинг (Шаҳрия, касалхонада) ёттанинг кам, уйда, ўзим қарши турган ҳолда мен ҳам энди..

кўрпа-тўшак қилдим.

Оддин ҳам хасталик азобини чекканман.

Навоий тасвирини излаб, юк босиб, кўзим олдида дунё қоронилашган, жоним вужудимдан сутуриб ташланган йиллар ёдимда. Ўзим эмас, ажаобо! — КЎНГЛИМ йиттан («итмиш кўнгул»), у ақдан озган («тебба янгилашким, қочар эл ғофил ўлгач, баңг ила»), одамлар ғофил паллада устидаги занжир билан аллаёқларга кетган девона эди. Мен уни тутолмай, саргардон эдим.

Аммо ҳозирги ҳолатим яна-да оғир.

Бутун аъзои-баданим сим-сим оғигани устига, ҳеч қачон туймаган ҲАСРАТ мени чулраган эди...

Мен ўзимча кузни, жунжика бошлаган дарахтлар, сарғиши-қизғиши тусга кириб алангаланган баргларни яхши кўраман. Бағрим алланечук ҳувиллаб, назаримда, бир томондан. КУЗнинг аёвсизлигини тушуниб, иккинчи томондан, кўнглимда ИШҚ туғилади.

Аввалдан Шарқ шеърияти ва бор санъати (буни кўп эслаб, ўйлаб юраман!) қандайдир МАҲЗУН. Шеърлар, асосан, АЙРИЛИҚ ҳақида. Куйлар (мақомлар)имиз ҳам шундай Тирик бир НОЛА. Анча йил бурун таниқли бир шоир. «Халқим мунгли куйларга ошиқ», деб ёзгани учун қаттиқ «дўлпосланган» эди. Инсоф юзасидан қараганда, у ҲАҚли эди! Бу назм, бу куйлар бизнинг томиримизда оқади! Мен албатта, ўтмишда ҳаёт фақат ғам (ҳасрат, айрилиқ)дан иборат эди, де-

майман. Энди, ёшым бир ерга етганида айниқса, ундейдай дейлмайман Ҳаёт доим Баҳт ва Баҳтсизлик орасида ўтади. Ахир, биз FAMга боттанимиздан «Қаро кузум»ни чайқалиб эшитмаймиз-ку! Маҳзун (мунгли) Шарқ назми, оқангларида ЯХЛИТ ҲОЛДА (ажабки!) ФАНО ва БАҚО фалсафаси акс этади. (Бизда Бу фалсафа қаңондир ТҮЙҒУга айланган. Баҳорга муштоқлик, куз олдида мутелик ҳолатиу кузни КҮПРОҚ, ЁҚТИРИШ ҳам эҳтимолки, шу ТҮЙҒУ билан боғлиқ.)

Тўшакда тўлғаниб ётиб, куз ва ўз ҳаётим — негадир бир йўла иккиси — ҳақида ўйлайман. Энди факт ёшлиқ пайтим эмас, кўрган-кечирганим барини аралаш-қуралаш эслайман. Ётган жойимда ўнгта, сўлга ағдарилиб, алаҳлаб, ўзимни икки бадмаст от қўшилган, тоҳ у, тоҳ бу ёнга ташланган аравада кетаёттандек сезаман. Аравадан сакраб тушиб, отлардан бирига мингандча, аниқ, бир ёқ, аниқ, бир манзилга етиб боргим келади. Лекин аравани тўхтатолмайман, отлар менга бўйсунмайди. Шу асно сув устидаги барглардек, ўзимнинг турли даврлардаги ТАСВИРим хаёлимда жонланади. Орада Йиллар бўлганидан, БУ ТАСВИРЛАР бири-бирига деярли ўҳшамайди. Ҳар хил жойда, турли пайт, турли кийимда тушган БУ ТАСВИРЛАРни ёнма-ён териб қўйса, бир неча киши, деб ўйлаш мумкин. Аммо мана, шу ТАСВИРЛАРга тикилиб, мен ўзимнинг ТАСВИРИМ асосан, иккита эканалигини ҳис этаман. Менинг қонимда Раҳмон ва шайтон, ҳақиқат ва ёлрон, мутелик ва исён яшаб келганидан, ярмим жанинатда кезиб, ярмим дўзах ўтида куйиб ёттандек туюлади. Эй Парвардигор! Наҳотки, инсон ўз умрини ИККИ МЕНдан БИР МЕНга айланишга баришлаб ўtkазиши шарт?! Бугун ИНСОНИЯТ ТАРИХИ ана шу АЙЛАНИШ ҲАРАКАТИ билан ўттан?! Балки чуқурлиқда, эски, ярим ботқоқ ариқ бўйида бўлган камтарона-ғариб ҳовлига тақдир мени ИМТИҲОН учун келтириб жойлаштирган?! Бу ер заҳ, куз эрта келади, кузнинг ўртасига ҳам бормаёқ, қиши қиличини ялонроchlаб келаялти, деб ўйлайсан. Биргина ҳовли эмас, хоналарда ҳам шамол изиллаб айланади. Бу хоналар ёққан билан илимайди. Деразадан эзилиб ташқарига қарайсан. Даражтлар дий-дираб, барглар шув тўқилаёттанини кўрасан. Инсон-

нинг ўттан ҳар куни — барг. Бутун ҳасти — барг. Ҳатто ўзи ҳам — барг. Қайси шоир ёзган, эслолмайман: «Мен — бир япроқ, ҳазон япроги!» Эй Парвардигор! Бу дунёда менга болалиқдан камбагаллик-етишмовчилик, ҳасталик оламини кўрсатдинг. Ҳуқуқсизлик, ночорлик, бирорлар зулмидан камситилиб-хўрланиш оламини ҳам кўрсатдинг. Менга ўзимдан минг чандон улкан кулфат, айрилиқ алами, азоб-изтироб бердинг. Қисқа бир умрда бунчалик ҚИЙНАЛИШ, ЎРТАНИШ. Нима учун? БУ БАНДА норозиликка борадими-йўқлигини билиш учунми?! БУ БАНДА ўз умрида БИР МЕНга айлана оладими-йўқлигини аниқлаш учунми?! БУ БАНДА Ерда судралиб юриб, ФОНИЙ эканлиги, ТУФРОК эканлигини тушунадими-йўқлигини текшириш учунми?! Мана, энди у ёнда Сен, Шаҳрия, бу ёнда мен ҳасталаниб ётибмиз. Бизни бундан сўнг нима кутяпти, тақдир бизга нималарни белгилаган? — номаълум. Биз неки бўлмасин, шукронга келтиришимиз керак, холос.

Тўшақда тўлғанганимча, Алишерга «айланиб», унга қарийб қирқ йил озор етказган, уни қон қилган зоҳидлар билан БАҲСга киришиб кетаман. Зоҳидлар («Мулло, муфти бўлғонлар, ёлон даъво қилғонлар») саводсиз, жоҳил эканликларидан, Аҳмад Яссавийни таниб-улугелаб юрадилар-у. Алишер тузган баъзи бир оҳанглар Яссавийдан келганига фахми-фаросатлари етмайди. Ахир, Яссавий Навоийдан тўрт юз йил бурун ёзмаганмиди:

*ИШҚ иўлига ФАНО бўлай,  
Ҳақ Биру Бор,  
Ҳар не қиласанг,  
ОШИҚ қиласил, Парвардигор!*

Ошиқлик — Оллоҳни, У яратган Оламни севиб, Ҳақиқатга (Ҳаққа) хизмат қилганча, ТУФРОҚقا тенг бўлишдир. Ишқ иўлини тутган киши БОҚИЙ ОЛАМИ ОБОДЛИГИНИ ФОНИЙ ОЛАМда бошлийди (яъни «БАҚО топар улки, бўлди ФОНИЙ. Раҳравга БАҚО — ФАНО бўлибдур»).

*ИШҚ + ФАНО = ОШИҚЛИК!*

Ер айланади. Айланаверади.

Минг йиллар қидириб инсон еттан ҲИКМАТ, олган САБОҚ, қаерда?! Бу кунги одам ҳаётида ҮЗГАРИШ борми?!

Күш инида күрганини қиласы.

Бир пайт оталар (балки оналар) йүл қўйган хатолар, гуноҳларни болалар қайтарадилар.

Дунёда БОЙликка ҳирс, нафс балоси йўқолгани йўқ.

Дунёда ҚАШШОҚлик (муҳтожлик) ҳамон муаммо.

Дунёда МАЪРИФАТ (тарбия) ҳеч қачон биринчи ўринга чиқолмаган (одамлар гоҳ, оз-моз саводли, гоҳ, ёпласига саводсиз).

Инсоният – бир оила. Барча бири-бирига биродар, опа-сингил.

Шубҳасиз, шундай.

Бунга ҳеч ким эътиroz билдиrmайди.

Шундай экан...

Қаердан бу, тинч кексалар, болаларни уйдан кўчага ҳайдаган, тиниқ-зангор осмонни қалдироқдек гумбирлаб ларзага солган ўқ садолари эшитилмоқда?!

Қаердан бу, қора кийиб, соchlарини юлган аёлларнинг нола-фарёдлари эшитилмоқда?!

Қаердан бу, каттанинг зулмидан кичикнинг оҳ, чекиб, инграницаб ёттани ёки оддий, кўчада икки йўловчидан бирининг иккинчиси қорнига пичноқ санчиб, ер қонга беланганида, кечиккан миршаб ҳуштаги-ю, «тез ёрдам» машинаси овози эшитилмоқда?!

Мен умримда кўп оғриқли шовқинларни эшитдим.

Мен умримда кўп нохуш манзараларни кўрдим.

Лекин мени Алишер ФАФЛАТДАН УЙГОТДИ.

Мени қулогимга кафтимни тутиб, ДУНЁНИ эшитишга, кўзларимни йириб, ДУНЁНИ кўришга Алишер ўргатди.

Мен ундан қарздорман!

\* \* \*

Хаёлим Сендан паришон, Шаҳрия!

Рости, ўзимдан ҳам хаёлим паришон.

Шу ҳолатда ётиб, Одил вафот эттанидан буён Барнодан ҳам кўнглам хотиржам эмаслигини ҳис этдим.

У жилла қурса «енгил» бўлгунча уйига, Термизга кеттани дурустмиди?! Бироқ ҳозирги ҳолатда унга Тошкентдан жўнаш керак, деб қандай айтасан?!

Сен хасталанганингдан бўён (бу кунга қадар) мен ёнингда бўлдим. Шаҳноза билан Зебо, куёвлар, неваралар, Холид, унинг хотини Каромат сени бир кун ёғиз қодиришгани йўқ. Синфдошлар ўша, бир гал тўпланиб боришганидан кейин, ҳар ким ўзича вақт топиб, хабар олиб туришибди... Булар ана, мени ҳам ёғизлатиб қўйишмади. Уч-тўрт кунда ўнгланиб оёққа туришимга ёрдам беришди. Шу ўринда айтай. Умуман, мен уйдан кам чиқадиган бўлганимдан бери рассом дўстларим, укаларим Баҳодир Жалол, Жавлон Умарбек, Алишер Мирзолар (мендан кўра истеъдолли ва шуҳратли рассомлар) гоҳ-гоҳ, уста, ётибсизми, деб келиб, кулишиб, сухбатлашиб кетишади. (Жавлон Бобурнинг, Баҳодир Машрабнинг ТАСВИРини келтириб чизган. Бу ТАСВИРлар устида ишилаётуб, улар ҳам азобланишган, албатта. Лекин олифта гап эмас, Навоийни ТАСВИРлаш янада қийин.)

Қисқаси, Сену мен яхши-ёмон кун ОДАМЛАР ҚУРШОВИДА!

Барно эса бу ерда ЕЛГИЗ.

Тўғри, Термиздан бир опаси келиб, унга қарашиб юрибди.

Одилнинг онаси, икки акаси ҳам уни унугашмайди (улар Барнони ўзлариникига кўчиришмоқчи ҳам эдилар, қани, бу қайсар Барно кўнса! Эри билан яшаган бир хоналик уй унга азиз Тамом. Вассалом).

Унинг дугоналари, ўз касбдошлари бор.

Холид билан Каромат ҳам ундан меҳрларини дарига тушишмайди.

Шунга қарамай, ҳозир Барнога бардош тилаш керак.

\* \* \*

— Янгамни ўзимиз олиб келамиз, — деди Холид.  
Мен кўнмадим.

Сени (Шаҳрия!) касалхонадан олиб келишга ўзим бормасам, кейин юзингта қандай қарайман?!

Ипқи́ллаб-сипқи́ллаб бўлса ҳам, ўрнимдан туриб соқолимни олдим, кийиндим.

Ниҳоят, кўплашиб Сени машинада уйга олиб келдик.

Ҳакимлар жавоб берәётиб, уйда муолажани давом эттирасизлар, ортиқча койитманглар, дейишиди. Тўшакдан турганинг билан, бир оёқ, бир қўл (айниқса, қўл, тугилиб қолган) яхши ишламайди. Умуман, вужуднинг ҳамон ярми караҳтилиги ўтиб кетмаган. Бу энди (Худо шифо берган тақдирда ҳам) анча узоққа чўзиладиганга ўхшайди.

Уй (менинг устахонамдан ташқари) тоза, озода эди. Лекин уй бекасининг бу борада доим ўз тушунчаси бўлади. Ҳай-ҳай дейишимга, ўзинг «ярим одам» эканлигинга парво қўлмай, дарров ҳаммаёқни «ағдартўнтар» қилиб ташладинг. Мен ҳис этдим. Аёл бўлмаганда, уйда ҳаёт бўлмас экан!

Устахонада қоралангандар дафтарларга кўзинг тушиб, аввалига суюндинг. Аёл зоти ўзи бўлмаганида эри (бир иш билан машгул бўлишини истайди) санқиб юрганини ёқтирамайди.

(Биз рассомларнинг баъзан бундай одатимиз ҳам йўқ, эмас. Олдинлар куни бўйи кўчада юрган пайтларим учрайди. Шаҳрия ўйламайдики, ҳозир бунга менда на ҳол етади, на ҳафсалади!)

Кейин, ТАСВИР ўрнида бу яна нима гап, деб ажабландинг. Ўнгланиб ол, ўқийсан, ўзинг тушунасан, дедим.

Сен олис бир ерда юриб уйига қайтган одамга хос енгил ҳаяжонда эдинг. Мен бу ҳолат тез сўнмаслигига ҳаракат қилмоқда эдим.

Қандай бўлмасин, маълум бир давр ўтиб, хонадонда ҳаёт одатдаги изга тушгандек эди.

Мен ора-орада вақт топиб, қайтиб ишга кириша бошладим.

\* \* \*

*Подшоҳлик борлиги –  
бошдин-оёқ бош оғриғи...*

Агар Алишер ёшлигидан саройда хизмат қилмаса, кейинчалик Вазир ва Амир бўлмаса, подшоҳлик ҳам осон эмаслиги («бош оғриғи»)ни балки билмас эди! У ўзига нисбатан ҳам Ҳусайн ЭРКСИЗ эканлиги, бутун

ИМКОНИЯТ қўлида-ю, баъзан оддий эр-хотин жанжалига чора тополмай танг ҳолга тушган пайтлари ҳам бўлганидан хабардор эди. Бутун Мамлакат Ҳусайнинг «ўпкасидан нафас олар» эди, шу боис, Султоннинг на туши, на ўнгида ҳаловат бор эди. Алишер бу ҳақда ўйлаганида, дўстига ачинар эди.

Лекин ҳозирча у Ансорий остонасида тоат-ибодатга берилиб, «Ҳақ раҳмати умиши билла тун-кун маст» эди. Ўзини таътилга чиқсан талабадек сезмоқда эди.

Худди талабадек, яна туркий, арабий, форсий тилларда ёзилган турли китобларни қайтадан мутолаа қилишга кўп вақт сарфлаётган эди. Алишер бир умр ҳикмат, дониш згаллаш керак, деган фикрни бот-бот эслар ва кулиб, ота-боболарнинг бу ҳақдаги ўтигини тасдиқлар эди:

Эр кишига зебу зайнат  
ҳикмату донишдуур.  
Яхши киймак бирла  
хотинларга ороишдуур.

У деярли ҳар куни ёзиш билан ҳам банд эди.

Ёш, шўх-шан пайтлари, Номаълум Гўзалга багишлаб, ҳаёлидан ўтганини тўри ёзиб кетаверар эди. У пайтда БИР ИИГИТ сифатида «эркалик» туяр ва ўз кайфият-ҳолатини ортиқча «пардалаб» ҳам ўтирмас эди:

Бели-ю, оғзи кўрадар-кўурмасга  
чун линҳон эрур.  
Бас, муни қучмоқ, они ўтмоқ  
қачон имкон эрур...

Энди бу «нарсалар» эмас, фақат ҳижрон ва армон қолган.

Ҳижрон ва армон қолгунга (ана, ёш қайтгунга) қадар эса орада кечилган йўл узоқ, жуда узоқ.

Алишер энди Номаълум Гўзални хўрсинибгина эслайди, холос:

Кўзда бир уйқуни кўрсам,  
**УЙҚУДА КЎРСАМ СЕНИ,** —  
То ажал-уйқуси ушбу  
**ДАВЛАТИ ДИЙДОР** бас...

У ҳамон ўртанади. Щади.

Аммо энди у ИШҚ, ОШИҚЛИК, деганда кўпинча Номаълум Гўзал тўйрисида ўйламанди.

Бир Мамлакатда яшаб, шу Мамлакат ҳаётига дахлизиз туриш мумкин эмас. Айниқса, Алишер каби АР-БОБ учун!

У ҳар кун, ҳар соат МАМЛАКАТДАГИ АҲВОЛ билан қизиқар эди (менинг энди Салтанатта алоқам йўқ, саройдан кеттаниман, бунинг устига, УЗЛАТга чекинган ЖОРУБКАШман, деган гап ҳатто хаёлига ҳам келмас эди).

Бойқаро ўғли Абулмуҳсин Мирзо билан Марв томонда сулҳ тузгач, Астрободга йўл олган эди.

«...Абулмози Султон Ҳусайн Баҳодир (исён кўтарган бошқа ўми) Муҳаммад Ҳусайн Мирзони даф қилиш (таъзирини бериш) учун Астрободга кетган пайтда, Султон Бадиузвазмон Мирзо Сейистондан ва Амир Шижоъуддин Зуннун (ўзига тегишли) Заминовардан Fур яйловига келдилар ва (бутун) Ҳурросон мамлакатини кўлга киритиб олиш хаёли билан ҳазораи-никудорий (қабиласи) ҳамда (дашти) қипчоқлардан қўшин тўплайдилар. Кенгаш ўтказгандан сўнг, саноқсиз аскар билан Ҳиротруд вилояти устига қараб юрдилар Амирлар ва аркони давлатга тегишли (Бойқаро тасарруфида бўлган) от-уловдан нимаши топсалар, тортиб олиб, муқаддас Fuёсия лангарига қараб кетдилар. Бу ердан талаъ қўй (пода)ни ўлжа қилиб, дорулсалтана Ҳиротга қараб йўл олдилар. Амир Низомуддин Алишер (бундай пайтда у четга туролмайди), Амир Муборизуддин Валибек ва Ҳиротда қолган (Бойқаро билан кетмаган) бошқа амирлар бу воқеани (Бадиузвазмон бостириб келаётганини) эшишиб, изтироб ғенгизига чўмдилар. Шаҳарнинг девор ва буржарини мустаҳкамлаб, булуқларнинг халқини (халъадан ташқариғаги аҳолини) шаҳар ичкарисига олдилар. Бадиузвазмон Мирзо Убаҳ қасабасига етгандан кейин, Амир (Шужоъуддин) Зуннунни манғулой расми билан олдинга юборди. Булуқлардан шаҳарга кириб олишга улгурмай боғчалари (ўз ерларида) қолган кишилар Бадиузвазмонни орқага қайтиб кетган, Амир Зуннун эса ул ҳазратнинг ёрдамисиз Ҳиротни қамал қилиш учун келаяпти, деб гумон қилиб, шу

ондаёт шаҳарга (Ҳиротга) бордилар. Амир Зуннунинг озгина сипоҳ билан, лекин зўр ғурур билан яқинлашиб қолганлигини хабар қиласилар ва амирлар утига қарши (жангта) чиқсалар, ғалаба қозонишлари мумкинлигини айтдилар. Шу вақтда Мұхаммад Маъсум Мирзо Чечактуудан Ҳиротга келди. Амир (Муборизуддин) Валибек ёрдам сўраб мурожаат қиласи ва иккى-уч минг кишилик отлиқ аскар жамлаб, Мұхаммад Маъсум Мирзо ҳамда Сайид Абдулла Мирзоларнинг узангисига шаҳарда чиқди. Мирзо Мұхаммад Маъсумни марказ (қалб қисм)га қўйиб, ўзи ўнг қанотига турди, сўл қанотни эса Сайид Абдулла Мирзо ва Амир Бобо Алига топширди. У (қарши) тарафдан, Султон Бадиuzzамон Мирзо Лаклакхона атрофида Амир Зуннунга қўшилди. Соқчилар ғушман қўшини қораси кўринганини хабар қиласилар. Шу соатнинг ўзида Амир Зуннун аргин лашкари билан отланди ва шиддатланиб олдинга ташланди. Ўланги нешинда ҳар иккала томон тўқнашди, сурнай ва карнайнинг овози кайвон айвонидан ҳам ўтди, ҳар иккала томоннинг шер йигитлари қилич яланючлаб бир-бира ташландилар... Шу аснода Султон Бадиuzzамоннинг ўлиб-жаҳонгир байроги жанг майдонига шуъла сочди (ҳилпирағи). Ҳиротликлар бу аҳволни кўриб, кўлларини жангдан тортдилар. (Бу ерда гап Бадиuzzамон катта куч билан бостириб келганида эмас. Ундан кўркув ҳам бош сабаб эмас. Амирлару аркони давлатдан тортиб ҳар қандай тарихнавис, муаррих учун умуман, Шаҳзодалар билан муносабат ҳаддан ташқари мураккаб эди. Тўғрироғи, кўпчилик қайси йўсинда муносабатда бўлишни билмаганидан аксар саросималанар эди! Бадиuzzамонми, бошқа шаҳзодами, гарчи Бойқарога қарши юриш қилган бўлса-да, ҳамма бир томондан, подшоҳ тарафда туришга тайёр, иккинчи томондан, унинг юз-котири ҳеч ким Шаҳзодаларга дадил душманлик ҳолатига боришни истамас эди. Ота билан бола орасига тушишнинг малоллиги сезилар эди! Бунинг устига, шоҳ-ота бу кун бирон фарзандига адоватли қараса, эртага ярашиб, меҳр кўрсатиши мумкин. Бу ҳолда орага тушган киши хижолат чекади. Қолаверса, бу кунги ШАҲЗОДА эртага Подшоҳ бўлиши эҳтимоли бор. Буни инобатта олмаслик, калтабинликдир. Ана

шу сабабларга кўра ёзилган тарихларда ҳам Муаррихнинг бир оз паришонлангани кўзга ташланади). Дастреввал *Сайид Абдулла Мирзо ва Амир Бобо Али чекиндишлар*. Уларнинг изидан *Муҳаммад Маъсум Мирзо ва Амир Муборизуддин Муҳаммад Валибек* ҳам қочишни ихтиёр қилдилар. *Муҳаммад Маъсум Мирзо ва Сайид Абдулла Мирзо шаҳарга (Ҳиротга)* кишини маъқул кўрмай, тўғри *Султон Ҳусайннинг Ҳумоюн ўрдусига (Астробод томонга)* қараб жўнадилар. Аммо Амир Муҳаммад Валибек бошқа қочоқлар билан бирга, шаҳарга кирди, дарвозаларни (янгидан) беркитиб, бурж ҳамда деворларни (қайтиб) мустаҳкамлади. *Султон Бадиуззамон Мирзо ғолиб ҳолда Ўланги-нешинда тўхтади (қарор тонги)*. Бир неча кундан кейин Пули Молонга борди ва ҳиротликлар шаҳарни жангиз топширсалар керак, деган хаёл билан қўшинни жангдан тийиб турди.

Шу ҳолда қирқ кун муҳлат ўтигач, Ҳоқони Мансур (Бойқаро)нинг Ҳиротга қайтаётгани хабари эшишилди. Амир Низомуддин Алишер Бадиуззамон ҳузурига элчилар юбориб, уни отасига қарши урушишдан чўчитди {кўрқитди} ва отаси билан тўқнашиш, фитна-фасод янгиланмасдан туриб, шаҳар (Ҳирот) атрофини бўшатганча, бирон ёққа жўнаб кетишини сўради (таклиф қилди). Шаҳзода бу алтимос (алтимос йўсинида айтилган гап)ни қабул қилиш замон (шу вақт) тақозоси эканлигини англаб, Пули Молондан Пули Солорга, у ердан эса Мурғоб дарёси бўйига қараб жўнаб кетди.

Уч-тўрт кундан сўнг Ҳоқон (Бойқаро)нинг зафарли байроги Ҳирот устига шуъла сочди (ҳиллиради). Амиллар, уламо, зътиборли зотилар унинг ҳузурига чиқдилар. Ҳоқони Мансур уларнинг барчасини сийлади.»

«Бадиуззамон Мирзо Ҳирот атрофидан кўчиб, Мурғоб бўйига қараб жўнагандан кейин, Бодрис ва Чечакту (қасабалари)нинг лашкари унинг музaffer байроги остига жам бўлдилар. Қандаҳордан Шужоҳбек (Шужоъуддин Зуннун бўлиши керак) ҳам келиб, олий ўргуда катта жамият тўпланди (жамоа йиғилди).

Ҳоқони Мансур (Бойқаро) тарафидан (унга бўйсуниди) Маручоқ қалъасига ҳукумат куриб ўтирган Барига Бахши қалъани таслим қилиш (иҳтиёрий равишда

топшириш)дан бош тортгани учун Шужоҳбек уша (бу) қалъани забт этишга тутинди. Зафар асарли (ғолиб) кўшиннинг ҳазораи-никудорий ва бошқа қабилалардан иборат сипоҳи, тура чопарларини тутиб, камонларини қўлга олиб, уша (шу) мустаҳкам қалъага ташландилар. Амир Барида (Бахши) эрта саҳардан то чошгоҳга қадар мудофаа билан машғул бўлди, ахийри ортиқча қаршилик кўрсатишга ожизлиқ қилди. Шужоҳбек қарху газаб билан Маручоқни олиб, Амир Барида (Бахши)нинг кўл-оғини боғлаб, Бадиузвамон Мирзо ҳузурига юборди. Он ҳазрат уни гуноҳларидан кечиб, кўйиб юборди.

Хоқони Мансур (Бойқаро) Ҳиротди туриб, улут мартабали фарзандининг капитала қўшинга ва зўр истеъдодга (қобилияшга) эга эканлигидан воқиф бўлгач, бениҳоят изтиробга тушди, чунки (Бадиузвамоннинг зътибор қозониши Ҳусайн қўлидан Салтанат чиқиб кетаётгани нишонаси эди, бундан ташқари) ўша пайтда зафарли қўшин (Бойқаро лашкари) эндиғина Астробод юришидан қайтган, отлар ниҳоятда ориғлаб ва ҳолсизманиб, яна сафарга чиқиш учун бир мунча вакт уларга дам бериш керак эди. Бадиузвамон Мирзо эса жанга шаъ бўлиб турарди. Хоқони Мансур (Бойқаро) ношож, Султон ҳазратларининг (ўзининг) Яқин Дўсти Амир Алишер билан кенгашиб, ярашиш биносини бунёд этишга тутинди ва Мавлоно Фасиҳуддин Соҳибдоро Астрободийни бу ишни амалга ошириш учун Мурғоб бўйшга юборди. Ул жаноб эрта тонгда ўша жойда (соҳилда) Султон Бадиузвамон Мирзо ҳамда Амир Зуннун (Шижоъуддин) билан учрашди. Яхши сўзлар билан (шахзодани) бузруквор отасига штоат қилишга тарзиб этди ва (уни) руҳлантиргди. Ул ҳазрат (Бадиузвамон Мирзо) отасининг ҳақ-хукуқларини мулоҳаза қилиб, сулҳга мойил бўлди. Борди-келди бир неча тақрорланғач, ниҳоят Балҳ мамлакати ва унга тобе бўлган ерлар ҳукмронлиги, Аму бўйларидан то Мурғобгача, тўла ваколат билан Бадиузвамон Мирзога берилди ва ул азиз шахзоданинг донгдор номи ўша (бу) вилоятда Хоқон ҳазратлари (Бойқаро)нинг ҳумоюн номига қўшиб хутбада ўқилади, деб келишилди.»

Бойқаро жилла қурганда, озгина осойишталикка ташна эди.

Лекин:

«Мұхаммад Ҳусайн Мирзо Астробод вилюятіда та-  
ном мустағамланиб олғандан кейин... хотирига Ҳуросоннинг бошқа вилюятыларини ҳам босиб олиш фикри  
келди... шижоатлы сипоҳи билан Исфароин устига юрди,  
бостириб келиб, Амир Бадриддинни қамал қылды. Бу  
шерлеше (марә) Амир ҳузурига одам юбориб, уни што-  
ат ва тобеликка дағыват этди. (Аммо) Амир Бадрид-  
дин Ҳоқони Мансур (Бойқаро)нинг тарбиятими (уни  
бу ерга күйганини) риоя қилиб, Шаҳзодага бўйин эгма-  
ди, иҳтиёридаги оз сонли одами билан кулига ўқу ка-  
мон, қиличу найза олиб, Астробод сипоҳига қарши жанг-  
га тушди... бироқ Мұхаммад Ҳусайн Мирзонинг лашка-  
ри кўплик қилиб, уни ҳар тарафдан ўраб олди... Тезда  
жангни тўхтатсан, деб омонийк ваъда қилдилар ва  
уни Шаҳзода мурувватидан умидвор этишга уринди-  
лар. Амир Бадриддин бу гапларга буткул қулоқ солма-  
ди ва тиғ зарбидан шаҳидлик шарбатини ичмагунича  
жангни давом эттириди.

Шу вақт Сабзаворда (Бойқаронинг бошқа бир ўғли) Музаффар Ҳусайн Мирзо Мұхаммад Ҳусайн Мирзо-  
нинг исёни ва Амир Бадриддиннинг ўлдиришидан ха-  
бар топгач, Сабзавордан чиқиб, биродарига қарши  
урушга отланди... Музаффар Ҳусайн (Мирзо) аскари-  
нинг кўлчилиги аёвсиз тиғдан ўтказилди, бир гурӯҳи  
асир олинди... Музаффар Ҳусайн (Мирзо)нинг бу ерга  
ортиқ туршишга (жангни давом эттиришга) мажоли  
қолмади...

Мұхаммад Ҳусайн Мирзо эса Ҳуросонни холи (ҳимоя-  
сиз, эгасиз) топиб, Астрободдан Нишопур ҳамда Саб-  
заворгача бўлган ерларни зафарпаноҳ қушиининг жил-  
вагоҳига айлантириди (аскарларини ҳамма ёқса сочиб  
ташлади), адолат ўйлини тарқ этиб, шаҳар ва вилю-  
ятыларни талаш, ҳалқни қирғин ҳилиш ишига қўл урди...

(Бойқаро) танасини заифлик ва бадан шахристо-  
нини(мулкини) қарилек заруратлари эгаллаб олғанига  
қарамай, ҳусравона тайрат ҳамда шоҳона ҳамият би-  
лан зафар миҳофасига тушди (ўғли билан урушишга  
тайёрланди)...»

Мамлакатдаги умум манзара шундай эди.

Шу йиллари яна бир мұдхишиң өңеа руи берди  
ЕЗҮҚ СИПОХИ (гүноқ лашкари) башқа томондан  
бош күтгарди.

ТУФРОҚ қонға беләниб еттан эди, баттар ингран-  
ди.

Хусайн Бойқаро чарчаб, аллақачон гизгин құлдан  
чиқаёттандек кайфият гүйилган эди.

Подшох, ва арқони давлат мамлакаттағы әгалик қылол-  
маса, шақзодалардан бұлак ҳам эга булғиси келғанлар  
топилар экан.

Хиротда (борнингки, бутун мамлакатда) ўғрилар, бе-  
юрилар, каллакесарлар күпайиб кеттән, итоатсиз бир  
жамоа түёки сув остидан пұқақдек юзага қалқиб чиқ-  
кан эди. Улар ўз хукмини ўтказишта түшгән эди!

Бундаи өңеа тарихда олдин ҳам рўй берган.

Амир Исмоил Сомоний ҳукмронлық қила бошла-  
ган даврда Бухоро ташқарисида «ин қуриб», вакти-  
вақти билан шаҳарға ёпирилиб кирған, ҳаммаёқни та-  
лон-тарож қылған қароқчи тұдалар бўлар эди. Ўша  
давр ҳақида бундай деб ёзилган:

«(Шу замонда) ўғрилардан бири бир тұда халқни ўз  
атрофига тұплаган, қишлоқнинг (атроф ғаштларнинг)  
бебош ва безоршаридан түрт мінгта одам жам бўлган  
эди. Улар ҳаммаси Ромтин (Ромитан) билан Барқад  
(тумани) ўртасида үйлітүсарлик қиласар ва шаҳарға  
(гоим) қасып қилишлари хавфи ҳам муаллақ турар эди.  
Амир Исмоил ўз соқчибошиси, Бухоро деворини курған  
ва (эндиликтә Ало күчаси) Кўйи Ало унинг номи билан  
аталағынан Ҳусайн ибн Алони бу ўғриларға қарши уру-  
шишга юборди. Бухоро ақолисидан улуғлар ва саркар-  
далар унга ёр (ҳамроҳ) бўлғилар ва бориб, олишиб,  
ўғриларни маҳв эттешлар. Ҳусайн ибн Ало уларни мағ-  
луб эттегач, бошлигини тутып ўлдиради ва унинг бошини  
олиб келди. (Безорилардан) бир гурух кишини ҳам банди  
қылған эди. Амир Исмоил уларни (кўл-оёқларини)  
боялад, Самарқандга (ўшанда подшох бўлган Амир Наср-  
га) юборди».

Амир Темур даврида ҳам шунга яқын өңеа ўтган  
эдик. Соҳибқироннинг ўзи ёзган эди:

«Бундан (тиңчлик ўрнатғандаң) чиқкан нағижа шул-дирки, бир киши Аңқарадан Самарқандга құмматбақо моллари билан жұнаса (йүлгә түшса), ясовулсиз, оддий ҳолда эсон-омон юра олади. Йўлардаги қароқчи, бўланг-гилардан бехатарлигини таъмин этиб қўйғанман. Ҳеч бир одам у карвоиnlарнинг молиги ёмон кўз билан қараёл-майди. Яна бир мисол: бир табоқ олтунни бир кичик боланинг бошига қўйиб, Шарқдан Farbga, Шимолдан Жанубга йўлланса, орадан йиллар ўтади, кичкина бола болиг (етук) ҳам бўлади, бошидаги олтуннинг бир до-насига ҳам нуқсон етмайди. У болани алдаб ёки зўрлик ишлатиб, олтунни олгувчи одам менинг кўл остиимда бўлмайди. Ҳеч ким эшитдими, менинг кўл остиимда бўлғон ерлардаги бир шаҳарда дўконнинг ўтирангани-ни? Ёки қайси бир кишининг уйига ўтири босиб киргани-ни? Бу каби жарималар эшитилмаганинг сабаби ҳам, мен тутган усул (йўл, қонунжининг тўтири эканини ис-ботлайди. Мен фотижликка эришишибдан шлари ҳам ўтири-қароқчиларга қарши чора кўриш, доруқлар (маъ-мурлар)нинг очиқ бўлиши учун зўр ташаббус қилган-ман. Чунончи, бир доруға шаҳар амниятини ўз устига қабул қилиб олдими, у қуруқ номга вазифаҳўр эмас, балки масъулияти бир ўринда турганини билмоғи, кеча-кундуз ўз вазифасининг ижросига огоҳ бўлмоғи лозимдур. Агар бир ўтирилик ҳодисаси зоҳир бўлса, ҳам-мадан аввал доруганинг ўзи масъул тутшилади. Ўтири топшымаса, доруганинг кўли кесилиб, ўрининг ўрнига ўзи жазоланади».

Мана, энди пойтахт Ҳиротда осмонни булат қопла-ган эди!

Бу ерда гўёки на шоҳ, на доруға, на қози, на мир-шаб бор.

Одамлар эрталаб кўчага чиқиб, кимдир ўлдирилга-ни, кимдир уриб-чала жон ҳолга келтирилганини кўрар, эшитар эдилар.

Кундуzlари кўчаларда тобут лопиллар эди.

Ҳар кўча, ҳар гузарда кун сайин қора мотам ли-боси кийганлар кўпайиб бормоқда эди.

Кечки пайтда шом ва хуфтон намозини, сахарда бомдод намозини ўқигани одамлар қўрқишганидан масжида чиқмай қўйишган эди. Гоҳо муаззинлар ўзи

чиқмас, азон ҳам эштилмас, тоғо имом чиқмай, сұғи-  
лар ўзи имомликка ўтар әди.

Шаҳар күпіпа-кундузи ҳам деярли бүм-бұш. Бозорлар, ҳаммоллар, сартарош ва косибларнинг дўконлари ярим ёпиқ ҳолда. Бирор молидан, бирор жонидан қўрқади. Тасодиф учрашган кишилар кимниң жанозаси борлиги, кимга фотиҳа ўқиши кераклиги ҳақида сўзлашишади, холос.

Одам кўчадан қочгани билан, уйда ҳам у ҳимояга муҳтож

Тунлари қайсиdir уйни ўтри босиб, қий-чув кўтарилиши одат гусига кирган. Ҳатто уйида қурол-аслаҳа бўлган беклар, сипоҳийлар безовта Улардан ҳам безори-ўғрилар, афтидан, тап тортишмас, ҳайиқишимас әди.

Шаҳарни (мамлакатни) згаллаб, ҳаммаёқни алловдалғов қилиб юборганилар, асосан, ўн икки-ўн тўртешлардаги «йигитча»лар әди. Булар аксари етим қолган ёки ота-онаси иложсизликдан етим қолдирган, ҳеч қандай билим олмай, тарбия кўрмай, қашшоқликми, бекорчилиқданми бебошлиқ йўлини туттан әди. Буларни «кўча болалари» дейиш мумкин, кўча уларни ваҳшийлаштириб юборган әди. Бирорнинг изтироби-дарди улар учун сариқ чақача қийматта эга эмасди.

Шаҳарда қабристонлар кундан-кун «семириб» бопар әди.

Абдулла Аңсорий зиёраттохи ортидаги мозорда ҳам янги қатор дўнгликлар, туфроқ, уюмлари пайдо бўлган әди.

Алишер ўз мулоzимлари ва мусоҳибларидан ҳар куни шаҳардаги аҳволни сўраб-суриштирас әди

Сал муддат бурун одамлар ғафлатда юришганидан зътибор бермаган ШАРПА, ҚОРА бир ИСЁН бу кун шаҳарни ишғол эттани, ана-мана бутун Ҳирот устида олов ва тутун айланиб, кўкка юксалиб турган кўркам Ҳирот бир ҳовуч хок каби ерга тўкилиб тушишини ўйлаб-азобланган Алишерни ҳар куни қулогига етиб келган бири-биридан нохуш хабарлар ларзага соларди. Ҳар гал совуқ бир хабарни эшитанида қаттиқ, асабийланар ва Султон Ҳусайн нега Шаҳзодалар исёнидан ҳам даҳшатлироқ ҲОЛАТга тезда бирон чора-

тадбир күришга ҳаракат қылмаяпти, деб ажабланар зди.

Алишердан ҳам кура күпроқ аслида, Ҳусайн Бойқаро ташвишланаётган зди. Зероки, Алишерга нисбатан (ўзича) каттароқ жавобгарлик унинг бўйнида зди.

Бойқаро (узоқ жанг) жадаллар натижасида ва шубҳасиз, бошига баҳт қуши қўниб) таҳтта минганидаёқ «подшоҳлик борлиғи (Алишер айтмоқчи!) бошдин-оёқ бош оғриғи» эканалигини ҳис эттан, ҳамон ҳар кун, ҳар соат ҳис этар зди.

Алишер – арбоб, ҳалқ, мамлакат олдида масъулиятни ўйлайди, куюнади. Аммо ҳар ишда сўнгти ҳукм Ҳусайнга боғлиқ. У – подшоҳ, таҳтта мингандан эътиборан бу дунё-у дунё ўзининг ҳам, бошқаларнинг ҳам ҳаёт-мамотидан ҳисоб беради.

Ҳусайн бирон ишни пайсалга соглани йўқ.

Фақат аввалида у фарзандлари қўзғаётган низолар билан хаёли банд бўлиб, пойтахт Ҳирот бағрида калхатдек қанот ёзган, ерга қора соя ташлаганча, суриниб келаётган бало-қазони сезмаган, сезганида ҳам, бунга аҳамият бермаган зди. Фалончини кўчада, пистончини уйида ўлдириб кетишибди, анови-манови жойларда ўтрилик юз берибди, деган хабарни айгоқчилари, хизматкорларидан эшита бошлаганидан кейин ҳам, буни аввалида кундалик кўнгилсиз ҳодисалар қаторига қўшган, бир оз лоқайд қабул қиласан зди.

Шу йўсинда, дард мадда олган зди.

Ниҳоят, Бойқаро ишнинг жиҳдийлигини фаҳмлганди.

Лекин у ҳозир ҳам чора кўришга шошмаётган зди

Гап шундаки, унга қилич-қалқон тақиб майдонда жанг қилиш ўнғай. Ёшлиқдан унинг умри ҳарбу зарб билан ўттан.

Майдонда қарши икки томон аниқ. Юзма-юз олишасан.

Бу ерда эса мулоқаза юритиб, истиҳола қилингага тўғри келади.

Аввало, ҳалқ тинчини бузаётганилар барчаси бола, ўсмир.

Яна. Улар четдан келган эмас, Ҳирот аҳолиси орасидан чиққан. Шу замон, шу заминда вояга етган.

Булардан ташқари, уларнинг «етим» деган номи кишини сергаклантиради. Мусуамон подшоҳи «етим-есирлар бошини силаш» ақидасига зид иш тутиши қийин.

Мұхими, бузғунчилардан ҳаммаси бўлмаса ҳамки, ярми, балки чораги, сўнгти йиллардаги ота-бала орасида ўтган урушларда жоп таслим эттан жангчилар зирриёди эканлиги аён ҳақиқат. Бундан ҳам даҳшатлиси, уларни зулм, бедодлик билан халқни қашшок, муҳтож қилиб юборган Салтанатнинг ўзи «тукқан». Ҳусайн «ташқи аҳвол» оғирлиги устига «ички аҳвол» бундай оғирлашганидан разабланар ва шунинг баробарида, ич-ичида қандайдир айбдорлик ҳам сезар эди.

У, одамлар, халқ чидаёлмай бирон чора кўрар, деб маълум муддат куттач, кундан-кун баттар Мамлакат мотамсаро бўлаёттанига қаноат ҳосил қилди. Нотинчликни бартараф этмай яшаш мумкин эмаслигини англагандек бўлди.

Подшоҳнинг подшоҳлиги тутди.

Бир куни ҳарамдан саройга разаб нишонаси қизил либос кийиб, бошига қирмизи тож кўндириб чиқди. Тахтда ўтириб, қатъий хукм қилди:

— Қайси кўча, қайси маҳаллада безори ва бебошлар бўлса-ю, уни тутиб келтириб беришмаса, шу жойни бузиб, аҳолиси қириб ташлансин!

Ўша кундан шаҳарнинг чанг-тўзони чиқа бошлади.

Жикоят йўлига киргандарни одамлар тугиб келтириб, улар минг азобу уқубатга солиндишлар. Баъзи гуноҳкорларни тахтага, тошга-деворга михлатиб ташладилар. Айримларини қўлтиғидан осиб, оғигта тош боғлаб, иккига ажратиб-парчаладилар.

Авж олган ёвузликлар, қотилликларга яраша жазо берилмоқда эди. Лекин қанчалик суриштириб, текширган билан, шаҳарда (мамлакатда) ҳўлу қуруқ баравар ёнмоқда эди. Инсон қонидаги қабиҳлик маълум, кимдир кимгадир қасди бўлса, ўч олмоқда, кимдир гуноҳкор ўз яқини қолиб, бегуноҳ бирорни чоҳга итармоқда эди. Ҳукм берилган, ҳар қандай шароитда ўз фойдасини кўзлаб иш тутишга шай иблислар раксга туцимоқда эди. Ашаддий безорилар билан бир қатор-

да, хуллас, ниҳоятда күп гуноҳсиз ёшлар, болалар осиш, босиб-янчиш майдонларида қолиб кетаётган эди.

Ансорий остонасига, Алишер ҳузурига түда-түда кишилар ноҳақлиқдан шикоят қилиб, йирлаб кела бошлилар. Нотинчлик сабабчилари «күча болалари» бўлишса ҳамки, уларни эслайдиган-йўқладидиган УЙЛАР бор экан! Уларнинг номи «етим» бўлса ҳамки, анча-мунча болаларнинг онаси, ўтаи отаси, амакиси, тоғаси, холаси, аммаси бор экан! Йиғлайдиган одами бор тирик жон бу дунёда кимдан, қаердандир мадад кутади.

Алишер ўз ҳузурига боши ҳам, кўзида ёш келган сарсон-саргардон кишиларга қандай ёрдам беришни билмай, қаттиқ қайғута чўмган эди.

Саройда Бойқаро ҳам қайғута чўмган эди.

У ҳаммаёқ олдингидан юз чаңдон тўс-тўполон бўлиб кетишини кутмаган эди.

ҲАҚИҚАТ ва НОҲАҚЛИК, АДОЛАТ ва ЗУЛМ бир ўтирида туйилган майиз ва ёнроқдек, аралаш-қуралаш, бири-бирига қоришиб кеттан эди.

Ортиқ ноҳақлика, зулмга чираб бўлмасди.

Шикоят кўпайган эди.

Шикоят хатлари ҳам ёғила бошлаганди.

Бегуноҳ бир баңданинг сочидан бир тола узилиши ҳам гуноҳ, бу ҳам жиноятдир.

Бойқаро — диёнатсиз инсон ва диёнатсиз подшоҳ эмас!

(Ундаилар ҳам тарихда «ачиб» ётибди. Ҳалқ бекордан «Золим подшоҳ», «Аҳмоқ подшоҳ» деган эртакларни тўқимаган.)

Энг аввал, Амир Темур, сўнг Шоҳруҳ Мирзо, сўнг мана Султон Бойқаро бир ҳалқа бўлиб, ҲАЛҚ ҖАРАЖАСИ, ҚИЕФАСИНИ акс эттирган олим-фозиллар, ижод аҳлини доим қўллаб келишган. Булардан бирон шахс хор бўлишига йўл қўйишмаган. Қандай бўлмасин, Бойқаро Ҳақиқатта қулоқ туттан, Адолатга риоя қилган подшоҳдир!

Мана, энди, бир пайтлар ҳар ёқдан ақлли, истеъдодли инсонлар Ҳиротта таллинганди бўлса, бу кун анча йил бурун рўй берган «бузуғлиқ даври» сингари гурас-гурас одам Ҳиротдан ҳар ёққа қочиб кетаяпти.

Қолғанлар ҳам нотинчлик, ҳимоясизлик, қашшоқликдан қора совуққа юзлантан дараҳтлардек, дийдираб туришибди. Диёнатли инсон ва подшох бу нарсаларни үйлашга мажбур!

Бойқаро аркони давлатта түпланишни буюрди.

— Мен сизнинг подлоҳингизман! Ҳақиқат ва Адолат посбониман! — деди у. — Ҳар қачон шариат хукмiga амал қилиб, иш тутдим. Аммо ҳозир бир ноҳақчик, бир зулмни даф этмоқ истаб, ўзга зулм, ноҳақдик юз очди. Бор ҳаракат зое кетди, эл-улус осойишталик топмади. Бу ҳолда нетмоқ лозим? Не тадбир изламоқ лозим??

Хусайн ақлли, зийрак ҳукмдор эди. Тушунарди. Ҳар кимни жоҳил миршаблар қўлига топшириш, аниқса жаллодга рўпара қилиш бўлмаган гап. Бу — биринчи хато эди! Иккинчи хато, ким гуноҳкор, ким бегуноҳ, суриштириб, текшириб аниқдашни ҳар хил одамларга ишониб топширишгани эди! Дуч келган одам тутул. Ҳиротдаги на бирон қози, на қозикалон фавқуллода ҳолатдаги мушкул бу ишни тўғри ҳал этишга қурби етади! Расмият кишилари ишни тезроқ юматлоқ-ёстиқ қилиш ва имкон топилса, бундан бир манфаат кўришни үйлайдилар... Биз барчамиз шу эл фарзанди, деган тушунча, ўз инсонлиги билан ғуур, инсоний фазилатлар борасида фикр юритиш одамлар тақдирини ҳал этиш қўлида бўлгали кишиларда йўқлиги ёки камлигини аркони давлат фаросатли вакилларининг аксари ҳам яхши билар эди. Шу боисдан (ва Хусайннинг ғазабидан қўрқиб), улар сукут сақлаб турышарди.

— Мен сиздан сўрайман, — деди яна Ҳусайннинг ўзи. — Айтинглар, бебош ва безориларни тафтиш қилишни кимга топшириш мумкин?! Бу мамлакатда Ҳақиқат ва Адолатнинг мезони бўлган инсон борми?! Ким??

Мажлис аҳали шивир-шивирлаб қолищди ва ожизгина овоз эшитилди:

— Мир Алишер!

Кейин, давра гувиллади.

— Навоий! Ул зотдан бўлак киши бу вазифани бажаролмайди!

— Мамлакатда бирон одам йўқки, Мирнинг ҳалоллигига иштибоҳ билан қараса!

— Ул зот бирорни жазога буюрса ҳам, шафқат қилса ҳам, ҳеч ким норози бўлолмайди!

Фалокат ва маломатдан қутулишнинг бошқа иложи кўринмаёттан эди.

Бойқаро тақлифни қабул қилди.

У олий фармон берди.

Бу хабар шамол тезлигида Алишерга етказилди.

— Мен жоним билан! — деди азобланиб юрган Алишер.

Сирасини айтганда, унинг шу кунлар бир дақиқа бўш вақти йўқ эди. Тоат-ибодат соатини қисқартиш, кўли остида ўйланган, бошлаб қўйилган асарлар бўла туриб, маълум муддатга ижодни буткул тўхтатиш, ободонлик ишларини назорат қилолмай қолиш унга маълол эди. Бўйнига юкланган вазифа эса оғир, кўп меҳнат ва азият керак, камида бир ой-икки ой кетади. Бунинг устига, у гарчи умрида одамлар баҳтли бўлсин, эзгулик қарор топсин учун неча бора «қозилик» қилишига тўғри келганини эсласа-да, ўзининг қози эмаслигини ҳам «эслаш»га мажбур эди. Дунёда ҳар ким ўз вазифасини кўнгилдагидек, яхши бажарса эди, эҳтимол бирорнинг аравасини бошқанинг тортишига эҳтиёж қолмасди! Лекин ҳозир Алишер жонини ўртага кўйиб, бу ишни бажаришга тайёр ҳам эди. У иложсиз эди. Чунки гап шу Мамлакат, шу Халқнинг болалари, аксари норасидаларнинг қисмати устида бораётган эди. «Кўча болалари» бир томондан, гуноҳ қилган, мамлакат, халқ олдида айбдор, юзи қаро. Иккинчи томондан, ҳаётда ҳеч қачон барчани (ҳатто ваҳший тўдани) бир қарич билан ўлчаб бўлмайди.

Ўша кундан миршаблару кўчалар, маҳалалалардаги вайратли кишилар Алишернинг ҳузурига «қўлга тушган»ларни учта-тўрттадан олиб кела бошлилди.

Алишер ўз ҳужрасида улар билан биттадан чақириб, гаплаша бошлиди.

У бир разм солиб қараган ва икки оғиз сўзлаштандеёқ кимнинг қандайлигини билиб, ҳар кимга шунга яраша, қилган гуноҳига мос чора кўра бошлиди. Дастребаки сониядан уларни бир неча гурӯҳга бўлиш кераклигини сезди.

Жиноят йўлига кирганлар орасида ашаддий қотилга айланган, ўнлаб кишини ўлдирганлар бор. Бундайлар бузилиб кеттан, энди батамом тузалмайдиган ҳолга етган («қанча қимма тарбия, шт бўлур, эшак бўлур...»). Буларга балки бир лаҳзалик, балки унтилмайдиган бир умрлик жазо керак (вақтида Амир Исмоил Сомоний ҳам, Соҳибқирон Амир Темур ҳам шундай қилган).

Тарбия кўрмаганидан адашиб, эгри йўлни танланлар бор.

Бирордан қўрқиб ёки одам танимай, ёмонларга эргашганлар бор.

Кимгадир ўлим эмас, маълум муддат қамалиш, енгилоқ жазо қўллаш кифоя.

Кимгадир ҳатто пўписа кифоя.

Кимгадир насиҳат кифоя.

Умуман, гуноҳи бўлмай түхматта қолганлар ҳам бор. Аммо буларга ҳам барибир (тўпга аралаш келгани учун) иўл кўрсатиш, тарбия керак.

Алишер болалар, ўсмирлардан қўли қонга беланмаган, безорилик, ўғриликка ҳали муккасидан тушмаган бир гуруҳни иморат қураётган талабчан усталар қўлига мардикорликка юборди.

• Аниқ гуноҳи йўқ, аммо қаровсиз қолган яна бир гуруҳни ўзи ҳомийлик қилган мактаб, мадрасаларга жойлаштириди.

Айрим ёшлиар тарбиясини қариндошлари, уруғлари зиммасига юклиди

«Ноннинг бутуни ҳам, ушори ҳам нон.»

Ерда турилган ҳар бир одам боласи азиз.

Ерда турилган ҳар бир одам боласи яшашга ҳақли.

Ҳар қандай жиноятга қарши курашни одам боласига қарши курашга айлантиришдан сақданиш керак.

Қаттиқ муносабат эмас, ҳатто қаттиқ сўз одамга оғирлик қиласи. Одамни синдиради.

*Сўз қаттиши —  
ЭЛ КЎНГЛИР ОЗОР айлар!*

Алишер масъул вазифани бажаришга киришган кундан яна инграётган ТУФРОК, устида хуш бир насим эса бошлади.

Жароҳатли, жафокаш Ҳирот қайтиб осойишталик-  
ка юз тутди.

Мамлакатда етим-есирлар тарбиясига алоҳида эъти-  
бор бериш расмга кирди.

\* \* \*

Шаҳрия!

Сен касалхонадан уйга келганингдан буён анча вақт  
ўтди.

Серёгин, тоҳо куни бўйи чеълаклаб ёмғир сўқсан  
куз тугаб, қиши бошланди.

Ерга қор тушди.

Сени билмаган киши оғир касалдан чиққанингни  
сезмаслиги мумкин. Бироқ бу ўзингта аён, менга аён.  
Афт-ангординг, юриш-туришингда хасталик асорати  
кўринмаганига қарамай, бу алдамчи ҳолат, энди эҳтиёт  
бўлиб яшашинг шарт. Мен ҳам олдингидан кўпроқ  
Сени асрашга уриниб, жоним ҳалак. Эҳтиётсизлик  
килиб, толиқтириб қўйищдан кўрқаман Ҳамон тун-  
лар безовталаниб, Сенга ўзимдан узоқроқ умр тилай-  
ман.

Менинг ёзувларимга баъзан қизиқдан бўлсанг-да,  
шу боисдан, то ҳозир сендан уларни пинҳон тутдим.  
Бир пайт, тугаттанимдан кейин ўқирсан, деб ўйладим.  
Баъзи воқеалар рўй бериб, бу иш тезлашди

Синфдошлар уйга қўнгироқ қилиб туришар, ёшлик-  
дан келган даврамиз тўхтаб қолганига ўқинишарди.  
Ахийри, Сухроб бир гал қўнгироқ қилганида, поргла-  
ди.

— Менга қара, оғайни, — деди у. — Инсоф керак  
Навбат менини эди, ярим йилдан ошди, дастурхон ёзол-  
май ўтирибман. Эртага бизникида кўришайлик! — Ке-  
йин, сал истиҳола билан кўшиб қўйди: — Сизларни  
бошқалардан олдинроқ ўзим олиб келаман.

Сен, Шаҳрия, уйдан чиқмаёттанинг тушунарли, мен  
ҳам остона кечмаётган эдим. Сухробнинг гапи таъсир  
килиб, отландик.

Одатдаги давра тўпланди:

*Мен ва Шаҳрия (Сен),  
Сухроб ва Назми,  
Ҳайит ва Тозагул.*

Ўз даврамизни, бир-бирининг сухбатини соринганимиздан, тушдан кечгача гангур-гунгур қилиб ўтиридик. Ёшлигимизни эслаб, кулишдик. Яйрадик.

Уйга энди қайттан эдик, қызлар, күёвлар, невара-лар келишди. Улар бизни қуршаб олишди (биз ҳалигина даврада ўзимизни ёш сезаёттан эдик, бирдан ул-файиб қолдик).

Кўп ўтмай, Холид билан Каромат ҳам эшик қоқишиди.

Булар иккиси бир оз ҳаяжонда, бир оз ташвишланаётгандек ҳолатда эди. Чой устида ниҳоят, Каромат тилга кирди.

— Хурсандчилик, дада, — деди. У ҳам мени «дада» дейди. — Барнонинг кўзи ёриди. Ўрил.

Шуни деб Каромат, унга қўшилиб Холиднинг кўзлари ёшланди.

Менинг ҳам кўзларим ёшга тўлди.

Бу фақат севинч кўзёшлари эмасди.

Сен, Шаҳрия, гапдан хабаринг йўқлигидан, бизга ажабланиб қарадинг.

Мен сенга шу сонияда, Одил сувга чўкаётган болани қутқариб ҳалок бўлгани, мана, энди янги туғилган БОЛА ота меҳри, тарбиясидан МАҲРУМ эканлигини айтмадим. Айттолмадим.

(Бу — биргина бола, дунёда ҳар қачон минг-минг-лаб отасиз қолган юраги озурда, ҳаёти кемтик болалар учраб туришини ҳам Сенга айтмадим. Айттолмадим.)

Ёлғиз қолганимиздан кейин, устахонадан Бор Ёзувни олиб чиқиб, қўлингта бердим:

— Ўқи. Шошмасдан...

Ўзим эса то Сен ёзганимни ўқиб бўлгунингча, ҳикояни охирига етказиб қўйишга қарор қилдим.

Навоий ТАСВИРИ ҳақидаги фикрим ҳам (шу орада) «пишган» эди. Мен ТАШҚИ ҲОРФИНЛИК, ИЧКИ ТОҚАТСИЗЛИК (Қақнус ва Занжирбанд Шер)ни ТАСВИРлабман-у, унинг чехрасидаги УЛУФВОРАЛИК, кўзларидаги ҲАСРАТ акс этмаган экан. Бир неча НУРЛИ ЧИЗИКлар етмаёттан экан...

\* \* \*

У «қариллик»дан шикоятланиб «замон аҳди била хайрбод қилиш» вақти яқинлигини бот-бот таъкидда-са-да, бу — ақдан келган гаплар. Ҳиссиётта кўра, у ҳали камида тўрт-беш йил яшайман, деб ўйлаёттан ва бунга кўнглида ишонаётган эди (Балки, аксинча, ҳиссиётта кўра умри тутаёттанини сезган ва ақлағ буни енгиб, ўзига таскин бергандир?!)

Нима қилганда ҳам, Алишер ҳали ҳаётдан кўнгил узмаган, ўлимнинг номард эканлигини билмагап эди (кутилмаганда юз берган унинг вафоти шу жиҳатдан, фожеъдир. Балки ҳар қандай ўлим ўзича фожеъдир).

Аммо Алишернинг ҳаётидан саноқли ойларгина қолган эди.

У (бундан бехабар) ўз иши, ташвиши билан машгул эди.

Гарчи маълум муддат «бебош ва безориларни текшириш, тафтиш қилиш»га кетган бўлса-да, қанча гуноҳсиз жонларни жазодан, ўлимдан қутқаргани (хайрли, савоб бу иши) унга янги куч, руҳ баишлаган эди. Уни яна ИБОДАТга берилиш, ИЖОД қилиш ва буларга (гоҳ ёндош, гоҳ ҳалал берган) тутади ҳолда ФАОЛИЯТ кўрсатишига даъват этган эди.

Умуман, Алишер доим Худо наздида банда бўлган (шоҳми, гадоми?) барчага меҳр-шафқат билан қарабар. ЯХШИЛИК истар, одамлар билан ОДАМИЙ МУНОСАБАТни ўзи учун ҚОНУН деб билар эди («Даврон элининг жисмида — ҳам жон бўлғи, ҳам жонларира — мояи дармон бўлғи»). У ФАОЛИЯТСИЗ бир кун яшамаган эди! Атрофидаги одамларнинг ғам-ташвишига аралашар, ҳар кимни имкон қадар баҳтли қилиш, жилла курса, хурсанд (шод) қилиш, фалокат ё маломат гирдобига тушган бўлса, ёрдам қўлини чўзишига одатланган эди. Бу йўлда ҳеч нарсани — вақтини, саломатлигини ҳам, мулки-давлатини ҳам дарир тутмас эди.

«...Бир пайт зафар байроқли Содибқирон (Бойқаро) томонидан Астробод вилоятини идора қилиш Султон Бадиузвазон Мирзога топширилган эди. Кунлардан бир куни саодатли Шахзода (Бадиузвазон) сайр қилиб, хуш хулқли Алишер Навоий мулкларидан Хаиробод қишло-

иғига келиб қолди. Бу ерда яшөвчиларнинг феъл-атвори ёқиб, ҳавас юзасидан: «Ё Раб, ҳазрати Султон (Бойқаро)нинг Яқин Дўсти (Навоий)дан бирон киши восита бўлиб бу қишлоқни бизга сотиб олиб берса, шима қиларди!» деб юборди. Даврада Амир (Алишер) хизматчилари жумласидан Хожа Фиёсигдин Мұхаммад Дехдор ҳозир эди. У киши Шаҳзоданинг сўзини әшишиб, арз қилди: «Валинръематим ва маҳдумим (Алишер)га менинг яқшитлик ва ноиблигим шу қадарки, ул ҳазратнинг молу ашъёсини истаганча тасарруф қилишим мумкин. Эндиликда ул киши (Алишер) тарафларидан бу қишлоқни Шаҳзодага тортиқ қилдим». Султон Бадиузвимон Мирзо хурсанг бўлиб, бир тиззасини ерга урганча, кулмук қилиб қўйди... Вокеа хабари олий табиатли Амир (Алишер)-нинг қулогига етгач, Хожа Фиёсигдин (Мұхаммад Дехдор)дан мамнун бўлиб, қилган яхши хизмати (ўзини олийхўммат тутгани) учун унга маҳсус саруто ва бир от пули деб 1000 (минг) кепакийни Астрободга юборди...»

«...Шаҳзода Мұхаммад Мұхсин Мирзо мамлакатнинг баъзи эҳтиёжлари учун Сабзавор қалъасига маълум миқдор ғамма жамғармоқчи бўлди. Вилоятда эса ғамма топшымас эди. Амиру ноиблардан бир гуруҳи (Шаҳзодага): «Ҳазрати Султон (Бойқаро) муқарраби (Навоий)нинг бу шаҳар (Сабзавор)да ғаласи кўп, олий фармон билан эҳтиёжга лойишгини олайлик ва ғамма топганимизда, ул жаноб (Алишер)нинг вакиллари эвазини қайтариб берайлик», — деб арз қилишди. Чиройли хулқи Шаҳзода (Мұхаммад Мұхсин Мирзо) уларга деди:

— Амир жанобларининг ғаласидан бир қисм олиш у ёқда турсин, унга ҳеч ким ҳатто тўғридан-тўғри (ижозатсиз) кўз ташлаёлмайди ҳам (кўз олайтириб қараёлмайди).

Бу хабар олий табиатли Амир (Алишер)га етиб боргач, Маҳдумзода (Шаҳзода) ҳақига яхши дуолар ўқиб, Сабзавордаги бўлган-бор ғаллани тортиқ қилди. Ноиблардан биршага бунда мактуб ёздириши: «Валмоҳ-ким, агарда ҳар бир дона буғдой ўрнига бир донадан марварид бўлганига ҳам, у эзот (Шаҳзода)дан аямай назр қилиб, дилмарига меҳр-муҳаббат уруғини сочар эдим...»

«... Бир куни мактоворга муносиб Амир Навоий фикр тархини очиши учун Мавлоно Фасихуддин Соҳибдоро билан шатранж ўйнамоқда эди. Тўсатдан Амир Бурҳонуддин Атоуллоҳ кириб келди. Ул ҳазрат (Алишер) хурмат шартини бажо келтириб, илтифот ва кўнгил сўраш мазмунига: «Қаердан ташриф буюргилар?! Бизга не хизматлари бор?!» деб сўради. Амир Бурҳонуддин жавоб қилди:

— Ҳар куни шаҳардан (анча ўйл босиб) Мадрасаи Ихлосияга қатнашдан қутулиш учун яқин бир ердан ҳовли олмоқчи эдим. Ҳозир ўшандай жой топдим, уни 3000 динор кепайкӣга савдолашганиман. Лекин шу кунлар бир мансабдор чиқиб, маблағ устига пул қўшаётир, сотувчи жойни унга сотмоқчи бўлаётир. Умидим, шафқат қилиб, мулизимларингиз у киши ниятидан воз кечиб, ҳовлини менга қолдириши тўғрисида бир қороз ёзиб берсалар!

Дарё кўнгилли Амир (Алишер) бу гапга индамай, шатранж ўйнига давом этди. Буни кўриб жаноб Бурҳонуддин Атоуллоҳ ташвишланди, илтимосим олий ҳазратнинг кўнглига оғир ботди, деб ўйлади. Аммо тез орада ўйин тураги. Эҳсону саховатига бой Амир (Алишер) ул зотига юзланиб: «Агар факирлардан бири саҳни кенг, кўп иморатли, хушҳавою суви шарбат ҳамда мадрасага яқин бўлган бирон ҳовлини сизга тортиқ қиласа муносиброкми ёки ўша, кимдир олмоқчи бўлган ҳовли ўзингизда қолиши учун ҳаракат қилинсинми?!» деди. Улуғ наасабли жаноб (Атоуллоҳ) бу гапни эшитиб, ниҳоятда шодлик ва хурсандлик изҳор этди.

Ўша вакъпларда юксак мартабали (киши) Мавлоно Муҳаммағ Муъиннинг ҳовлиси Ҳазрат Навоий девонига таалмуқдор бўлиб, анчайин хушҳаво ва кўнгилочар жой эди. Мана, шу жойни ул жаноб (Амир Бурҳонуддин Атоуллоҳ)га инъом қилиб, баҳтиёр ҳолда жўнаттиди...»

«Шунингдек, бу олийҳиммат Амир (Алишер) сонсаноқсиз кўркам боғлар, кўэни яйратувчи манзилларни (канча) сайдилар, олим ва фозилларга инъом қилган. Яхши ерлар, чироили коризлардан (яна) маҳдумзодаларга ва парда ичига ўтирган пошишо ойимларга шунчалик кўп тортиқ этганки, барчасини ҳисоблаб чиқишга курб етмайди...»

Аксар бундай воқеалар ҳам кечгап. Ҳазрат Соҳибқирон (Бойқаро)нинг Девон хизматчилари баъзи бир харажатларни қоплаш ниятига ҳалқ устига оғир солиқлар юкламоқчи бўлганларида, Улуғ Амир (Алишер) ҳалқнинг қийналмаслигини ва бу ҳол Султанат тизимига бузулиқ солмаслигини истаб, бутун маблагни ўз ёнидан тўлаб юборган.

Жумладан... Султон Соҳибқирон (Бойқаро) Мозандарон вилоятига борган эди. Ҳукумат эгаси Амир Муборизуддин Валибек жаноблари номига, Ҳирот шахри ва атрофидағи аҳолидан зарур харажат учун 100.000 (юз минг) динор кепакий ундириб етказиш (жўнатиш) ҳақига фармон келди. Ул жаноб (Валибек, сўралган) бу маблағдан 50.000 (эмик минг) динорни булуқот (шаҳар ташқариси) дэхқонлари ва мол (туёқ) эгаларидан ундириб, қолган (ярми)ни Ҳирот ичига яшовчилардан хонадонлар бошига сочиш йўли билан ундиришни ўйлади. Лекин (у) бирон ишга давлатли Амир (Алишер)нинг фикри ва маслаҳатисиз қўл урмас эди. Шу боис, ул Ҳазрат (Алишер)нинг ноиблиаридан бирини чақириб, мақсад-муддоғ Навоийга етказилди. Ул зот (Навоий): «Бу фурсатда ҳалқ устига ўринсиз (қўшимча, ортиқча) солиқ солишини Олий даражали Соҳибқирон (Бойқаро) давлатига муносиб кўрмаймиз», — деди ва шу дамдаёқ керакли маблагни ўз хусусий пулларидан берди. Ҳалқ эса ул Ҳазрат (Алишер)га мингдан-минг раҳмат айтиб, уни дуо қилди...»

У шундай (шоҳми, гадоми?) барчага мурувват курсатарди.

Ўз ҳаёти-чи?!

Мунглуг бошим остидаги  
тошимниму дей?!  
Тош устидаги яриб  
бошимниму дей?!

Нега?! Шунча давлат, шунча имкон билан бу ҳолатта сабаб нима?!

Бу — унинг ФИКРИ, ЭЪТИҚОДИдан келиб чиқади.

...РУҲсиз бадани киши ТИРИК демас!

Унга дунсда пок рух — ОЛИЙ БИР МАҚОМдан бошқа нарсанинг кераги йўқ. Яъни:

*Наъғинг ағар ХАЛҚҚА бешак дурур,  
Билки, бу НАЬФ ўзинің күпрак дурур.*

Алишерни қачондир юнонлардан арабларга келган ва араблардан бутун Шарққа ейилгап фалсафа (ЭЗГҮ бир тушунчалар) ёшлиқ йилларидан қаттық қызықтириганды. У ҳамон (ёши қайтганида ҳам), умр бўйи ҳамроҳи бўлган, кутубхонасида сақлананаёттанды китобларни деярли ҳар куни мутолаа қиласди. Таъсирланади.

*«Ахлоқий фазилатиар инсоннинг нияти ва амалига (ишида) акс этаги.»*

«Ахлоқли киши ҳатто ўз ҳаётидан айрилган тақдирда ҳам, дўстлари ва Ватани учун кўп ишларни амалга ошира олади.»

«Олижаноблик ҳақида муҳокама юргизиш, бу ҳали олижанобликни билдиримайди. Ҳудди шунингдек, олиллик ҳақида ўйлашнинг ўзи ҳам амалда ошил бўлиш, деган гап эмас.»

Бунга ИСЛОМИЙ қарашлар кўшилади:

«Ўэши таниған ўз Парвардигорини танийди» (яъни Ҳаққа штоат этаги, эзгулик йўлини тутади).

«Албатта, биз Оллоҳнинг мулкимиз (биз туфроқдан яралганимиз, биз ҳам, туфроқ ҳам Униқидир) ва, албатта, биз унинг сари қайтувчиликмиз.»

«Ҳар бир кишининг тақдирига — Яхшилик (эзгулик) йўли билан борса, жаннатий бўлиши, ёмонлик (ёвузлик, тубанлик) йўлини танласа, дўзахий бўлиши ёзиб кўйилган».»

«Учрашамиз маҳшар куни. Адолатли кун!»

Алишер шу қадар ЮКСАК бир ДАРАЖАга кўтарилиганки, унга дунёда ФАҚАТ эл-юртга ХИЗМАТ, ҳаётда ҲИММАТ ва ОФИЯТ керак:

*Десангки, таомим зое бўлмагай — егур  
Ва тиласангки, либосим эскирмагай — кийдур.*

Яна:

*Не қушки, бўлса, ҲИММАТдин қаноти,  
Эмас паст ОШИЁНга илтифоти.*

Кейин яна:

*Барча лаззатни топдим, ОФИЯТдин  
чучукроқ шарбат топмагим.*

Ниҳоят:

Топсанг неча ШОҲлар узра шоҳлия,  
ФАҚР АҲАИға айла ХОҚроҳлир.

Бетаъсир бир кимса учун булар балки, шунчаки сўз.

Алишер учун — ҲАЁТ МАЗМУНИ!

(Шахрия! Азизам!

Бир умр менга вақт етишмагандек гуолади.

Қайсиdir азиз инсонга хат ёзмоқчиман

Ишим юришмаганида, асабийланганимдан, вақт аж-ратолмайчан

Ишим юришганида, вақтнинг ўзи топилмайди

Сенга муносабатим ҳам доим шунга ўхшаш кечди.

Ишим юришса ҳам — кўнгилдагидек эътибор беролмадим.

Ишим юришмаса ҳам.

Ажабланаман.

Алишер елкасидаги ТОҒДЕК ЮҚ билан аллакимларга мактуб йўллашга ҳам, БАРЧАга эътибор беришга ҳам қандай улгурди экан?!)

\* \* \*

Унинг ҳаётидаги катта ЗИДДИЯТлардан бири:

Ҳар кун, ҳар соат ибодат, мутолаа, ижод, эзгу ишлар билан банд бўлган, ҳатто сонияни бекор ўтказмаслик, елга совурмасликни касб этган ҳолда, ўз ЯШАШТАРЗИдан қаноат ҳосил қилмайди, инжиб-норозила-нади:

Йук даҳрда бир БЕСАРУ СОМОН мендек,  
ЎЗ ҲОЛИҒА саргаштаю ҳайрон мендек.

Дунёда ҳамма нарсадан — ҳаётдан, даврдан, одамлар орасидаги муносабатдан, ўз тириклилигидан МАМНУН кишилар оз эмас. Улар ФАЛОКАТ ва ҲАЛОКАТ нима, ҲАЛОВАТ ва КАМОЛАТ нима, билмайди. Уларни, ҳалқнинг ЭРКИН ёки ҚУЛлиги, БАХТИли ёки БАХТИЗлиги, КЎРКАМ ёки ХУНУК ҳолатда яшаётганлити ҚИЗИКТИРМАГАНИ учун, тўқим-табиат, дейишади.

Лекин буюк бир мақсадни олдига қўйган, табиатан ийғиқ Алишер нега «бесару сомон, ўз ҳолиға саргаштаю ҳайрон» бўлиши керак?! У баъзи бир ҳолларда ўзи эмас, ЎЗ ЗАМОНАСИДАГИ КИШИЛАР АҲВОЛИНИ акс эттирганмикан?!

Унинг ҲАЁТДАН ҚАНОАТ ҲОСИЛ ҚИЛМАИ, ИНЖИБ-НОРОЗИЛАНГАНИ эса рост. ТОҚАТСИЗЛИК туйиб яшагани аниқ.

Алишерни (айниқса, умри сўнгида) кўп АРМОНлар ҳам ўртайди.

Мұхаббатда баҳт топмагани ва дунёда умрини «ўгул ва қиз ва аҳлу аели йўқ» кўйда ўтказишдан бўлак чора қолмаганига ўкинар эди.

Қанча уримасин Ҳаж сафари насиб этмаганига ҳам армон сезар эди Аркони давлат, олим-фозиллар тўплланган бир даврада очиқ ўпкаланиб деган эди:

«Ҳар сафар у томонга (Ҳажга) жўнаш устида баҳоли қудрат ҳозирлик кўрила бошлаганда, Соҳибқирон (Бойқаро) моне бўлди, ваҳоланки, пухта ҳийалар била шжозат бериб, муборак фармон марҳамат қилинган, ўзимиз ҳамда мулоғимлар ҳозирлиги учун катта маблағ сарфланган (эди)... Қандай бўлмасин, бир мўъмин кўнглини олиш (уни шод этиш) бутун инсонлар ибодатидан (ёки юз йиллик тоат-ибодатдан) хайрлироқдир, деган сўз тақозоси (била бормасликка тўғри келди).»

Унга ҲАҚИҚАТ ва АДОЛАТ тантанасини кўриш ОРЗУси ҳам АРМОНга айлангани оғир ботаётган эди.

(Салтанат эгалари аксари, ҳалқни ўйлаганини сўзлайди, лекин амалда ўйлагани сезилмайди. Мунофик бу ҳолатда ҲАҚИҚАТ ва АДОЛАТ қандай тантана қилсин!)

ИНСОНИЯТ кўпинча ўтган ХАТОлардан сабоқ олмас экан!

Хулоса чиқармас экан!

Яна бир армон:

ШОҲ ва ШАҲЗОДАЛАР «кўча болалари» воқеасидан кейин эс-хушларини йигиб АҲИЛ бўлишни хаёлларига ҳам келтиришмаган эди. Аксинча, янги низолар қўзғаб, мамлакатда янгидан жанглар бошланиб кетган эди. Улар кундан-кун икки томондан (бир-бирига жигар) гулдек йигитлар умрини ҳазон қилишмоқда эди

(ўша замон муаррихлари бу жангларда ҳалок бўлганларни «шахид» деб ёзишган-ку, аслида, шахид бошика, булар манфаатпарамаст, шухратпарамаст кишиларнинг бемаъни талашувида баргдек ерга тўкилган қурбонлар эди, холос). ШОҲ ва ШАҲЗОДАЛАР мамлакатда қайтиб муҳтож-бенаволар, нотавон-мажруҳлар, етим-есирларни кўпайтира бошлишган эди. Ҳалқнинг нола-фарёди осмон қопқасини кўчиргудек бўлаётган эди.

Алишер фақат Хурросондаги жанг майдонлари эмас, бутун оламдаги жанг бораётган майдонларни кўз олдига келтириб, ўзини ялангбош, ялангоёқ шу майдонларни ёриб ўтаётган ҳолда тасаввур қилар, нафаси бўғзига тиқилиб ҳайқираётгандек эди:

ОЛАМ АҲЛИ, билингизким,  
иш эмас ДУШМАНЛИФ.  
ЁР ЎЛИНГ бир-бирингизгаки,  
ЁРЛИФ иш!

Шу армонлар унга баъзан тунда уйқу бермас эди.

\* \* \*

Ўша куни сахарга яқин кўзи илинди.

Туш кўрдики, Ҳажга бораётган эмиш.

Эл қатори зиёрат эмас, шахсан Муҳаммад расулуллоҳ (салалоҳи алайҳи вассаллам) унга юзма-юз келиб, ним табассум билан тикилдилар.

Кўзини очганида, ўзини бахтиёр ва кучга тўлгин сезди.

Таҳорат олиб, намозга чиқди.

Кейин, яна ҳужрага қайтиб, жойнамоз устида анча пайт ибодат қилиб ўтириди. Кўнглида Ҳаққа қандайдир яқинлик туйиб, кўзлари ёшланди.

«Оллоҳ тоқдир. Тоқликни севади.»

Бу тонг у ўзининг ЁЛҒИЗЛАИГИдан малол сезмади.

Ниҳоят, чой ичиб ўтириб, — шундай одати бор эди! — оддин ёзган баъзи ғазалларини қайта кўриб, тузатишлар киритди.

Айримларидан (ўқиб, ўйланиб туриб) мамнуният сезди.

ВИСОЛ тухмини экдим. ФИРОҚ бар топдим.

ВАФО ниҳолини ташдим. ЖАФО самар топдим.

*МУҲАББАТ ўтики, ёқдим висол шаъми учун,  
Ўзумни оқибат ул ўтда-ўқ шарар тондим.*

*Мен ашк била ювдум FAЙР нақшини кӯздин.  
Валек гайрға-ўқ ЁРдин назар тондим.*

*Умид баҳрига ҳар неча гутта-ким урдим,  
Садаф кӯзумдин-у, кӯз ёшидин гүҳар тондим.*

*Дедим, БҮ РАМЗни англай, vale ҳирағ ПИРин  
Бу нукта кайфияти ичра БЕҲАБАР тондим.*

*Чу дарди ИШҚ биёбонларини қилдим қатъ,  
АДАМ ВИЛОЯТИдин нари юз хатар тондим.*

*Навоий-ё, кеча-кундуз ҳату юзини тилаб,  
ШАБОНА навҳа била НОЛАИ САҲАР тондим.*

Негадир бир жумла хаёлида ўрнашиб қолган эди:

**...УЛ МЕНИ ЁД АЙЛАМАС!**

Мен-чи, мен уни ёд этајпманми, деган хаёлга борди.

НОМАЬЛУМ ГЎЗАЛни кўпдан буён деярли эсламаган, у ҳақда бирон сўз ҳам ёзмаган эди. Ўз мұжаббати ҳақида бошлаб қўйилган достон чала ҳолида қолаверган эди.

Ҳозир ўйга чўмиб, беихтиёр пичирлади:

*Менга не ЁРУ не ОШИҚ ҳавасдур,  
Агар мен ОДАМ эрсам, УШБУ БАСдур.*

Кейин, яна ўлади:

*Дардини баски, ниҳон тутдум —  
ўлармен пинҳон.  
Воқиф этил ОНИ бу —  
ДАРДИ НИҲОНдин, ё РАБ!*

Китоблар, қоғозларни йигиштирди.

Богни айлангиси келди.

Боққа чиқиб, узун йўлкада юра бошлади.

Шу пайт ўзи шундайми ёки унга шундай туюлдими?! — қаердандир қўшиқ эшитила бошлади ҲОФИЗ

УНИНГ ФАЗАЛЛАРИ АСОСИДА қўшиқлар куйламоқда эди.

Алишер дикқат қилди:

ДАРД УЙИН қанди бино ИШҚинг,  
бузуб КЎНГЛУМ УЙИН,  
Кимса янглирким, БИР УЙ тузгай —  
БИРИН ваирон қилиб.

Бу хаёlda айланаяптими ёки чиндан бирор куйла-  
яптими? У аниқлагиси келиб, янада сергак қулок тут-  
ди. Аниқлай олмади. Қўшиқ эса янграмоқда эди:

Гаҳ сарв узра, гаҳи  
Гул узра БУЛБУЛ нағмасоз,  
Ваҳки, мен, мен гунгу лол —  
Ул сарви ГУЛ-РУХСОРСИЗ.

Бу қўшиқ тутар-тутамас бошқаси уланиб кетди:

Одамийлик ТУФРОҚин берса —  
ФАНО елига чарх,  
Оқим, йўқдур киши —  
АҲЛИ ВАФОдин ХОҚроқ,

Унга бу қўшиқлар дунёда абадий янграб қолавера-  
дигандек туолди.

Бу кун эрталабдан ИККИНЧИ БОРА ўзини баҳ-  
тиёр ва кучга тўлғин сезди.

ИККИНЧИ БОРА, кўнглида шукронга келтириб,  
кўзлари ёшланди.

Бор ўртасидаги чордоқقا (айвонга) қараб юрди.

Қушлар сайрогини тинглаб ўтирган эди, боғда ноиб-  
ларидан бири кўринди.

Шоҳ (Бойқаро)дан вакил (чопар) келиб, киришга  
ботинмай, эшиқда турган экан.

Алишер рухсат берди.

Маълум бўлдики, Шаҳзода Муҳаммад Ҳусайн Мир-  
зо билан жангта шайланган Бойқаро пойтахт шаҳар  
(Хирот)да Салтанатни қўриқлаш учун Амир Алишер  
ва (унинг ёнида, маслаҳати билан иш тутадиган) Амир  
Муборизуддин Валибекни қолдиришга қарор қилган  
экан.

Алишер шу дамда, Бойқаронинг ундан Яқин Ки-  
шиси йўқлиги, Бойқаро бир умр унга суюнгани-ю.

доим буни яширишга уринганини ўйлади (Шоқнинг Алишерни «пухта ҳийлалар била» Ҳажга борищдан олиб қолганига бош сабаб ҳам шу эди). Кўнглида Шоҳга эътиrozлари, унинг баъзи ишларидан норозилиги борлигига қарамай, Салтанат емирилиб ҳалқ оғирроқ кунга қолмасин учун, Алишер ҳам уни қўллаши, унга имкон қадар ёрдам бериши керак:

*Эй Навоий, СОБИТ ЎЛСУН  
Шоҳ Ғозий давлати,  
Омнига қул бўлмағон  
ОЛАМДА СУЛТОН қолмасун.*

(Алишердек иродали, кучли инсон баъзан Шоҳга, баъзан зоҳидларга ён бериш, муроса қилиш заруратини сезади. Одамлар орасида яшаб шарт-шароит билан ҳисоблашмаслик ўлимга тент эканлигини билади. Бу дунёда аниқ мақсад билан яшаган одамга нақадар оғир эканлигини деярли ҳар куни ўйлади.)

Алишер паришон кўйда отни эгарлашни буюрди.

У энди УЗЛАТдан чиқиши, Абдулла Анзорий зиёраттоҳидан кетишга мажбур эканлигини ҳис этди.

Бу (асло) — жорубкашлик (фаррошлик)дан батамом воз кечиш эмас.

*МУСОФИР бўл, аммо Ватан ичра бўл,  
Тила ХИЛВАТ-у, АНЖУМАН ичра бўл.*

(Бу — унинг бутун ҳаёти ҳақидаги гап эди.

Алишер турли эл-элат, ҳар хил миллат яшаган Хурросонда ЁЛФИЗ умр кечирган, лекин ўз «орол»ида туриб, бу дунёда барчага бирдек ОЗОДАЛИК, ЁРУФЛИК улашишга уринган эди.)

Йўлда, сарой томон отда бораётиб, энкаишиб олди.

Худоё Худовандо! Инсонга тўзим бер!

Кўзлари олдида бехос аламли бир манзара жонланган эди.

Шоҳ ва Шаҳзодалар низога, жангга, баъзан исён кўтариш ҳолатига соглан, овораи-сарсон қылган, ночор, муҳтоҷ, ҳатто жоҳил кўйда яшашга ундалан, ўргаттан узун бир одамлар карвони биёбонда сударалиб бормоқда. Улар кўзи ожизлар сингари қоқилиб-

йиқилиб, құлларини олдинга чүзиб бормоқда. Бош устида офтоб зағарон. Ҳаммаёқ гүёки ёниб, тутаб ётибди.

Алишер сесканиб, саросималанды.

Мамлакатнинг, элнинг аҳволи шуми?!

Сенинг умр бўйи торттан заҳматларинг қаёқда кетди?!

Нега бундай бўлди?!

Бу — Бойқаро ўз фарзандлари билан, фарзандлар бири-бири билан мана, неча йилки, шон-шавкат устида, мулк устида, каттароқ имкониятни қўлга киритиш устида талашиб юргани натижаси. Бу — Салтанат Эгалари, ҳирсга, нафс балосига берилган ҳар хил корчалонлар, товламачиларнинг очофатлиги оқибати. Улар ҳамон Мамлакатни хароб, Элни хонавайрон қилмоқда.

Бечора Хурносон!

Дунёда инсон барчанинг вақтинчалик макон-манзили бўлган Ерда банда эканлигини ўйладиган, инсофга кирадиган кун борми?!

Дунёда инсон ҳирсу нафс тизгинини тортадиган, ўзи тўқ, биродари оч, ўзи мамнун, биродари юпун ва маҳзун эканлигини пайқаб хижолат чекадиган, бироннинг сўлгин юзи, мўлтираган кўзларидан уяладиган кун борми?!

Дунёда инсон ғафлатдан уйғонадиган, ёғон сўз, мунофиқлиқдан ҳазар қиласидан зулмдан кутулиб, эркин нафас оладиган кун борми?!

Жилла бурун Шоҳга (Бойқарога) қайишган Алишернинг кўнглида қайтиб унга ва ундан ҳам кўпроқ, очкўз Шаҳзодаларга нисбатан эътиroz, норозилик туғилди.

Бу кун эрталабдан **БИРИНЧИ БОРА** у чуқур хўрсинди:

*To ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,  
To нафсу ҳаво қасри барактос ўлмас —  
ЭЛ шод ўлмас,  
МАМЛАКАТ обод ўлмас...*

## **МУНДАРИЖА**

### **Р о м а н л а р**

Ишқ аҳли . . . . .	5
Буюк фаррош . . . . .	129

---

## **ОМОН МУХТОР**

### **НАВОЙЙ ВА РАССОМ АБУЛХАЙР**

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2006

Муҳаррир *M. Мансуров*  
Бадиий муҳаррир *M. Самойлов*  
Техник муҳаррир *L. Хижова*  
Мусахидлар *H. Ўролова, A. Зокиров*  
Саҳифаловчи *L. Бацева*

Теришта берилди 16.01.2006. Босишга рухсат этилди 17.05.2006.  
Бичими 84x108<sup>1/32</sup>. Балтика гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма  
табоби 13,44. Нашриёт-ҳисоб табоби 13,2. Адади 3000 нуска. Буюртма № 2252. Баҳоси келишилган нарҳда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси босмахонаси,  
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Туров, 41.**







